

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси

**Ўзбекистонда давлат қурилиши
соҳасидаги ислоҳотлар ва ҳуқуқий
сиёсат**



«Akademiya»
Тошкент 2011

УДК:34(575·1)

66.3(5Ў)12

Ў64

Ўзбекистонда давлат қурилиши соҳасидаги ислохотлар ва ҳуқуқий сиёсат / ЎзР Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси; тузувчи муаллифлар: А.Р.Раҳмонов [ва бошқ.].
–Т.: Akademiya, 2011. –250 б.

ISBN 978-9943-300-72-9

УДК:34(575·1)

ББК 66.3(5Ў)12

Тузувчилар:

Назаров Қ.Н., Раҳманов А.Р., Исмоилова Г.С., Мирбобоев Б.Ш.,
Раҳимова М.А., Нурматов М.Н. ва бошқалар.

Мазкур ўқув қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари асосида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши, ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш асосларини ўрганишга бағишланган мавзулар ёритилган.

Ушбу қўлланма Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчилигига номзодлар учун махсус тайёрланган.

ISBN 978-9943-300-72-9

© Akademiya, Тошкент, 2011.

Кириш

Ҳозирги даврда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш халқимизнинг асосий стратегик мақсадларидан биридир. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, жамият ва давлат бошқарувининг мукамал институтларини яратишга имкон туғилди. Бу даврда юртимизда босқичма-босқич замонавий бошқарув тизими шаклланди. Ушбу тизим жамиятдаги турли ижтимоий қатламлар иродасини ифодалаш ва уларнинг манфаатларини рўёбга чиқаришнинг чинакам омилига айланди. Қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятларининг мустақиллиги ҳамда ўзаро мувозанатини таъминлаш асосида ижтимоий барқарорликка эришиш ислохотларнинг устувор йўналиши эканлиги ўз натижасини бермоқда. Миллий анъаналаримиз ва қадриятларимизга, жаҳон давлатчилиги андозалари ва тамойилларига мос давлатчилик тизими шакллантирила бошланди. Ушбу масалаларнинг назарий асослари, уларни амалиётга татбиқ этишнинг мамлакатимизга хос хусусиятлари Президент Ислам Каримов асарларида асослаб берилмоқда.

Мамлакатимиз бошқарув тизимида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасида барқарор мувозанат, бир-бирининг фаолияти устидан назорат қилиш ва ўзаро чегаралаб туришни таъминловчи механизм шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир” номли маърузасида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари, жумладан, ҳокимият бўлинишига ҳам жиддий эътибор қаратди. У “Давлат қурилиши ва бошқарув соҳасидаги энг муҳим вазифа, бу — қонунчилик ҳокимияти бўлимиш парламентнинг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб

ва барқарор мувозанатга эришишдан иборат” эканини алоҳида қайд этди.

Жаҳон давлатчилик назарияси ва амалиётида давлатнинг асосий функциялари сифатида қонунчилик, ижро ҳамда суд фаолияти эътироф этилади. Уларнинг мустакил равишда тегишли давлат органлари томонидан амалга оширилишида давлат ва халқ манфаатлари ўртасида ўзаро муштараклик намоён бўлади.

Хуллас, қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятларининг бир-бирига уйғун ва муштарак равишда фаолияти ҳар бир соҳада ўтказилаётган ислоҳотларда ўз ифодасини топмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси¹

«Ўзбекистон Республикаси 1991 йили ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг умрини ўтаб бўлган мустабид, маъмурий-буйруқбозлик, режали-тақсимот тизимидан воз кечиб, “ўзбек модели” деб ном олган ўз тараққиёт йўлини танлаб олди».

«Шу маънода, 1992 йил декабрь ойида қабул қилинган, мамлакатимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилаб берган Конституциямизнинг қоида ва нормаларига таяниш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борадаги ишлар 2001 йилдан 2010 йилгача бўлган кейинги 10 йил давомида янада фаоллашиб, кўлами ва миқёси тобора кенгайиб бормоқда».

«Шу муносабат билан алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, уларни ҳаққоний баҳолаш ва ислохотлар дастурига маълум ўзгартишлар киритиш билан бирга, биринчи навбатда, эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз даркор».

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов қуйидаги йўналишларни демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари сифатида белгилаб бердилар.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли маърузаси асосида тайёрланди // «Халқ сўзи», 2010 йил 13 ноябрь.

I. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш

«Маълумки, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар ўта муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантири, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича ғоят долзарб чоратадбирларни кўришга қаратилган эди».

«Икки палатали миллий парламентиимизни ташкил этиш масаласи бўйича 2002 йил 27 январда ўтказилган референдум якувлари ва шу асосда **“Референдум якувлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши қонун чиқарувчи ҳокимиятни тубдан ислоҳ қилишнинг асосларини белгилаб берди.**

Бундан кўзланган асосий мақсад парламент томонидан ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини шакллантириш, қонун ижодкорлигининг сифатини жиддий равишда ошириш, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришишдан иборат эди. Бу борада таркиб жиҳатидан асосан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари вакилларида ташкил топган юқори палата – Сенатнинг ҳудудлар манфаатларини ифода этиши, қуйи – Қонунчилик палатаси эса ўз фаолиятини доимий профессионал асосда амалга ошириши ҳисобга олинганини айтиб ўтиш лозим».

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Миллий парламентиимизнинг ривожланишида янги парламент ва унинг ҳар бир палатасининг мақоми, ваколатлари ва фаолият меха-

низмлари аниқ белгилаб берилган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонунларнинг 2003 йилда қабул қилиниши алоҳида аҳамият касб этди.

2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мамлакат Президенти бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият бошлиғи эканини белгилайдиган норманинг чиқарилиши ушбу даврдаги муҳим сиёсий-ҳуқуқий воқеалардан бири бўлди. Бугунги кунда Конституциямизнинг 89-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди” деган қоида белгилаб қўйилган.

Илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти эгаллаб турган Вазирлар Маҳкамаси раиси лавозимининг тугатилиши ҳам либераллаштириш ва демократлаштириш йўлида муҳим қадам бўлди. Қабул қилинган қонунларга мувофиқ, эндиликда Бош вазир нафақат Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади, балки унга раҳбарлик қилади ва унинг иши самарадорлиги учун шахсан жавоб беради, Вазирлар Маҳкамаси мажлисларига раислик қилади, ҳукумат ҳужжатларини имзолайди, давлат ва хўжалик бошқаруви масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, юртимизда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтирмоқда».

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Конституциямизнинг қатор моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф қилинди, жумладан:

«Конституциянинг 98-моддасини қуйидаги тахрирда баён этиш таклиф қилинди: “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

...Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади, унинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгар бўлади, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларига раислик қилади, унинг қарорларини имзолайди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради, Ўзбекистон Республикаси қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгардир.

Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколат доираси қонун билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўрин-

ларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун муддат ичида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади.

Бош вазир номзоди унинг учун тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Бош вазир тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади.

Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш бўйича қарор қабул қилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

Янги Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий

партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун таклиф этилади.

Олий Мажлис томонидан Бош вазир лавозимига номзод икки марта рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юборади”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига киритилиши таклиф килинган ушбу ўзгартишларнинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, уларга кўра, Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашнинг янада демократик принципларини ифодалайдиган янги тартиби ўрнатилади. Шунингдек, Конституцияга киритилаётган бу ўзгартишларга биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш ҳуқуқи берилади. Айтилган вақтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари доирасидан чиқарилади.

Таклиф этилаётган яна бир муҳим ўзгартиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96-моддасига тааллуқли бўлиб, мамлакат Президенти турли сабабларга кўра ўз вазифасини бажара олмайдиган вазият юзага келган тақдирда ноаниқликка, ушбу моддани турлича талқин этишга йўл қўймаслик мақсадида унинг янги таҳририни қуйидаги мазмунда баён этиш таклиф қилинди:

“Мамлакатнинг амалдаги Президенти ўз вазифаларини бажара олмайдиган ҳолатларда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг зиммасига юклатилади, бунда уч ой муддат ичида **“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонунга тўлиқ мувофиқ ҳолда мамлакат Президенти сайлови ўтказилади**”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига зикр этилган тузатишларни киритиш таклиф эти-

лиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78- ва 93-моддаларига ҳам тегишли ўзгартишлар киритиш зарурати туғилди.

Жумладан, Конституциянинг 78-моддаси 15-бандини "... шунингдек, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш" деган сўзлар билан тўлдириш лозимлиги таклиф килинди.

93-модданинг 15-бандига "вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади" деган сўзлардан олдин "Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан ..." деган сўзларни киритиш, 93-модданинг 8-бандидан "ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади" деган сўзларни чиқариш тавсия этилди.

93-модданинг 16-бандини "...Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга ҳақли" деган сўзлар билан тўлдириш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, 93-модданинг 12-бандидан "Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори" деган сўзлардан кейин "унинг ўринбосарлари" деган сўзларни чиқариш ва уларнинг ўрнига "Ҳисоб палатаси раисини" деган сўзларни киритиш ва ундан сўнг матн бўйича "тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдиғига киритади" деган тарзда баён этиш кераклиги билдирилди».

II. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш

«Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборат.

...Аввало, суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни

собик тузумда бўлгани каби қатагон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг қўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ҳокимиятлар бўлинишига оид конституциявий принципни изчил амалга ошириш мақсадида “Судлар тўғрисида”ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди, шунингдек, бу даврда жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал қонунчилигига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу эса, ўз навбатида, суд тизимини ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан чиқариш имконини берганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Айни пайтда судьялик лавозимига номзодларни тақдим этиш, судьяларнинг ваколатини тўхтатиш ва муддатидан олдин тугатиш, уларга нисбатан интизомий иш юритувни қўзғатиш вазифалари Адлия вазирлиги ваколатидан чиқарилгани ҳам бу борада муҳим қадам бўлди.

Бундан ташқари, судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, хусусан, суд тизими учун кадрлар масалалари билан шуғулланиш вазифаси махсус орган – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига юклатилганини қайд этиш лозим.

Шулар қаторида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида махсус ваколатли тузилма – Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш департаменти ташкил этилди. Бу эса судларнинг уларга хос бўлмаган вазифалардан сезиларли даражада халос бўлиши ва бутун диққат-эътиборини ўзларининг асосий бурчи бўлмиш одил судловни амалга ошириш учун қаратиш имконини берди.

Умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилди. Бу, ўз навбатида, уларнинг жиноят ва фуқаролик ишларини малакали асосда қўриб чиқиш, инсон ҳуқуқ ва эркин-

ликларини тўла ва ҳар томонлама ҳимоя қилиш бўйича фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари жиддий тарзда кучайтирилди, ушбу кафолатдан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришни таъминлаш бўйича кенг кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилди.

Айнан ушбу даврда кассация инстанцияси ислоҳ қилиниб, суд ишларини қайта кўришнинг апелляция тартиби жорий этилгани ҳам муҳим янгилик бўлди. Мазкур ўзгаришларга мувофиқ эндиликда апелляция инстанцияси ишни янгитдан кўриб чиқишга юбормасдан, уни ўзи тўла ҳажмда кўриб чиқиши мумкин.

Бугунги кунда фуқаролар қонуний кучга кирган биринчи инстанция суд қароридан норози бўлган тақдирда, ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кассация инстанциясида, ўз адвокати иштирокида бевосита ҳимоя қилиш имконига эга бўлишди. Шу тариқа фуқароларнинг биринчи инстанция судларининг қарорларига нисбатан шикоятларини яширин, ёпиқ тарзда кўриб чиқиш тартиби батамом тугатилганини таъкидлаш лозим. Амалга оширилган ўзгаришлар таҳлили шуни кўрсатадики, жорий этилган янгиликлар биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатиш, суд фаолиятида сансалорликка йўл қўймасликнинг муҳим кафолатига айланди.

...Ҳозирги вақтда мамлакатимизда прокурор ва адвокатнинг тенглигини, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд фаолиятининг барча босқичларида ўзаро тортишув бўлишини таъминлашга, одил судловнинг сифати ва тезкорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Айниқса, 2008 йилда **“Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши бу борада гоят муҳим аҳамият касб этди.** Шу асосда амалдаги қонунчилигимизга суд-ҳуқуқ тизимини

либераллаштириш, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш жараёнининг энг муҳим таркибий қисми бўлган адвокатура мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Ушбу қонунга мувофиқ ҳимоячига жиноят ишини юриштишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслардан мутлақо мустақил равишда жиноят иши процессининг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам кўрсатиш ҳуқуқи берилгани эътиборга сазовордир.

Шу билан бирга, ҳимоячининг кўрилаётган ишда иштирок этиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан ўзига ижозат берилгани тўғрисида ёзма равишдаги тасдиқловчи ҳужжат ва шунингдек, ўз ҳимоясидаги шахс билан учрашиш учун ружсат олиш мажбуриятини белгилайдиган нормалар жиноят-процессуал қонунчилигидан чиқарилди. Эндиликда буларнинг барчаси учун адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатлик муассасаси томонидан бериладиган ордернинг ўзи кифоя.

...Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, жинойий-ҳуқуқий соҳада амалга оширилган чора-тадбирлар, хусусан, 2001 йилда **“Жинойий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”**ги қонуннинг қабул қилиниши улкан социал ва ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этганини ишонч билан таъкидлаш лозим.

Мазкур қонунга кўра, жиноятларнинг таснифи ўзгартирилди. Бунинг натижасида оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди.

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича қамоқ ва озодликдан маҳрум этиш жазолари ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни қўллаш имконияти анча кенгайтирилди. Жинойий жазо тизимидан инсонпарварлик тамойилларига мутлақо зид бўлган мол-мулкни мусодара қилиш тарзидаги жазо тури чиқариб ташланди.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 11 та моддасига етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланмаслиги ҳақидаги қоидалар киритилди.

...Жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги бундай чоралар натижасида Ўзбекистонда ҳозирги кунда қамоқдагилар сони жаҳон миқёсида энг паст кўрсаткични, яъни ҳар 100 минг нафар аҳолига 166 кишини ташкил қилади. Қиёслаш учун айтиш мумкинки, Россияда бу кўрсаткич 611 кишини, АҚШда 738 кишини ташкил этади. Мамлакатимизда сўнгги ўн йилда озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган маҳбуслар сони икки баробардан кўпроқ камайганининг ўзи ҳам бу соҳада олиб борилаётган ислохотларимизнинг қандай ижобий натижалар бераётганидан далолатдир.

Маълумки, Ўзбекистонда 2008 йилнинг январидан бошлаб ўлим жазоси бекор қилинди ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо тури жорий этилди.

Мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши халқаро ҳамжамиятнинг катта эътибор ва эътирофига сазовор бўлгани ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик ўта муҳим воқеадир. Нуфузли хорижий экспертларнинг таъкидлашига кўра, ушбу чора ва бу соҳада юқорида кўрсатилган бошқа бир қатор ишларнинг амалга оширилиши билан Ўзбекистонда дунёдаги энг либерал жиноий жазо тизимларидан бири яратилди. Халқаро экспертларнинг бу борадаги қиёсий таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси Германия ва Польшада 5 та, Бельгия ва Россияда 6 та, Данияда 9 та, Швецияда 13 та, Францияда 18 та, Голландияда 19 та жиноят тури бўйича тайинланиши мумкин.

Ўзбекистонда эса умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо чораси бўлиб, фақат икки турдаги жиноят, яъни жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун тайинла-

нади. Ушбу жазо тури мамлакатимизда хотин-қизларга, жиноят содир этган пайтда 18 ёшга етмаган шахсларга ва ёши 60 дан ошган эркакларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

...Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш, мазкур соҳада суд фаолиятини либераллаштириш бўйича ҳам кенг қўламли чора-тадбирлар кўрилганини таъкидлаш лозим. Бу борада “Хабеас корпус” институтининг жорий этилиши, яъни 2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурордан судга ўтказилиши принципиал қадам бўлди. Ушбу қарорнинг ўз вақтида ва пухта ўйлаб қабул қилингани бугунги кунда кўпгина амалий мисолларда ўз исботини топмоқда. Мазкур институтнинг амалиётга татбиқ этилиши инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда. Ушбу институт жорий этилган 2008 йилнинг январидан буён судлар томонидан дастлабки тергов органларига 700 мартадан ортиқ ҳолатда мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш рад қилингани ҳам буни яққол тасдиқлаб турибди.

Мамлакатимизда жиноий-ҳуқуқий соҳани либераллаштириш борасидаги ислоҳотлар ҳақида гапирганда, жиноят-процессуал қонунчилигимизга киритилган ўзгартишларга мувофиқ тергов ва шахсни қамоқда сақлаш муддатлари қисқартирилганини таъкидлаш лозим.

Шунингдек, ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётига 2001 йилдан бошлаб ярашув институти киритилди ва у самарали фаолият кўрсатмоқда. Ярашув институтининг талабига кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноий қилмишни содир этган шахс жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берган тақдирда жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Мазкур институтнинг самарадорлиги ҳамда ўзбек халқининг раҳмдиллик ва кечиримлилик каби кўп асрлик анъаналарига мослиги унинг изчиллик билан кенгайиб бориши-

га асос бўлди. Ҳозирги кунда 53 та жиноят таркиби бўйича ярашув институтини қўллаш имконияти назарда тутилган.

Бу борада яна бир мисолга эътибор берайлик. Ярашув институтининг жорий этилиши натижасида ўтган давр мобайнида 100 минг нафарга яқин фуқаро жинойий жавобгарликдан озод этилди.

Сўнгги йилларда юртимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида қонунийликни таъминлаш борасида жиддий ишлар амалга оширилди. Биринчи навбатда, прокуратура фаолиятини ислоҳ қилиш, уни собиқ тузум даврида бўлганидек партиявий элита қўлидаги жазолаш қуроли эмас, балки қонунларнинг қатъий ижро этилишини, мамлакатимизда демократик ислоҳотларнинг изчил ривожланишини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган органга айлантириш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Масалан, 2001 йилда янги таҳрирда қабул қилинган **“Прокуратура тўғрисида”ги қонунга** мувофиқ фуқаролар прокурор назорати объектлари қаторидан чиқарилди. Айни пайтда прокуратуранинг инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш учун масъулияти оширилди.

Шунингдек, суд қарорлари ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи прокуратура ваколатлари доирасидан чиқарилди. Туман ва шаҳар прокурорларининг эса тергов ва айбланувчини қамоқда сақлаш муддатларини узайтириш ҳуқуқлари бекор қилинди.

Бугунги кунда сиёсий, иқтисодий, давлат-ҳуқуқий муносабатларнинг бутун тизимини модернизация қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этиш бўйича олдимизда турган кенг кўламли вазифалар суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш масаласини кун тартибига қўяётганини биз яхши тасаввур этамиз.

Бу борадаги вазифаларни самарали ҳал қилиш мақсадида Президентимиз томонидан қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий чораларни амалга ошириш таклиф этилди:

1) Бундан ўн йил олдин қабул қилинган амалдаги “**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида**”ги қонуннинг янги таҳририни қабул қилишни бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Яъни, ўтган даврда қонун ижодкорлиги жараёни кенгайтгани ва мураккаблашгани, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосланганига, сифатига нисбатан талаблар сезиларли даражада ошгани бу соҳада қонунийликни таъминлашнинг янги ва янада самарали механизмларини яратишни, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларга, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотлар эҳтиёжларига мос бўлишини тақозо этмоқда.

2) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 29- ва 31-бобларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилди. Бу ўринда судга қадар иш юритув босқичида қўлланадиган чоралар, яъни лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурулов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартиби назарда тутилмоқда.

Ушбу ваколатларнинг прокурордан суд органларига ўтказилиши суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида “Хабеас корпус” институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш имконини беради. Энг муҳими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида умумэътироф этилган принциплар ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларининг амалга оширилишини таъминлайди.

3) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 439-моддасига ўзгартиш киритиш ва унга мувофиқ биринчи инстансия судида иш бўйича айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юклашни назарда тутадиган норма ўрнатиш таклиф этилди. Чунки амалдаги қонунчиликда давлат айбловчиси, яъни прокурорнинг суд мажлисида айблов хулосасини ўқиб эшиттириш бўйича мажбурияти аниқ белгиланмаган. Шунинг учун айблов хулосаси кўпинча судьялар томонидан ўқиб эшиттирилади. Бу эса суд-

нинг вазифа ва мақсадларига мос келмайди. Жиноят-процессуал қонунчилигига юқорида кўрсатиб ўтилган норманинг киритилиши суднинг мустақиллиги, холислиги ва беғаразлигини таъминлашга, жиноят процессида тортишув принципини кучайтиришга хизмат қилади.

4) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 321-моддасидан суднинг жиноят иши қўзғатишга доир ваколатини чиқариш мақсадга мувофиқлиги билдирилди. Маълумки, жиноят ишини қўзғатиш аввало суриштирув ва дастлабки тергов органлари, жиной таъқибни амалга оширадиган бошқа ҳуқуқ-тартибот органларининг вазифаси ҳисобланади. Суддан эса шахсга қўйилган айбловнинг қонуний ва асосли эканини холис баҳолаш талаб этилади.

Ваҳоланки, ҳозирги пайтда суд томонидан жиноят ишини қўзғатиш тарзидаги процессуал ҳаракатнинг амалга оширилиши моҳиятан жиной таъқибнинг ва ундан келиб чиқадиган барча оқибатларнинг бошланиши ҳисобланади. Бу эса судни жиной таъқиб иштирокчилари тоифасига киритиб қўяди. Айтиш керакки, бундай амалиёт суднинг олий мақсади бўлган одил судловни амалга ошириш тамойилига мутлақо мос келмайди.

5) Тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш принциплари, асослари, шакл ва услублари, уни олиб борадиган органлар тизимини белгилаб берадиган **“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунни** қабул қилиш таклиф этилди. Ушбу қонуннинг мақсади тезкор-қидирув хусусиятидаги тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликка риоя қилишнинг реал ҳуқуқий кафолатларини яратишга йўналтирилган. Бу қонуннинг қабул қилиниши демократик давлатларнинг умумэтироф этилган амалиётига мос келади. Таъкидлаш керакки, бу қонун жиноятлар содир этилишининг дастлабки босқичларидаёқ уларнинг олдини олиш ва ўз вақтида тўхтатиш бўйича чораларнинг самарадорлигини, шунингдек, суриштирув ва дастлабки терговнинг сифатини оширишга хизмат қилади. Айни пайтда ҳуқуқни

муҳофаза қилувчи органларнинг, авваламбор, ички ишлар идораларининг бу соҳадаги фаолиятининг янада либераллашувини таъминлашга олиб келади.

6) Фаол ривожланиб бораётган демократлаштириш жараёнларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини ҳар томонлама қайта ишлаш ва янги таҳрирда қабул қилиш зарур.

1994 йилда қабул қилинган амалдаги мазкур кодексга ўтган давр мобайнида 60 мартадан кўпроқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Унинг янги таҳрири суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш муносабати билан маъмурий қонунчилик ва жиноий-ҳуқуқий сиёсатда юз берган катта миқёсдаги принципиал ўзгаришларни ўзида тизимли ва кенг кўламли тарзда акс эттириши лозим.

Бунда, авваламбор, жиноят қонунчилигини тобора либераллаштириш, яъни, айрим қонунбузарлик ҳолатларини жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказишни кўзда тутиш зарур. Кодекснинг янги таҳрирда қабул қилиниши бугунги кунда ўнлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган маъмурий жавобгарликка оид қонунчиликнинг унификациялашувини, яъни бир хиллашувини таъминлайди.

Шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш, демократлаштириш, бу соҳада қонунийликни таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш бўйича чораларни ҳам мазкур кодексда кўзда тутиш лозим.

7) Ривожланган демократик давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда, давлат ҳокимияти идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар, шу жумладан, прокуратура фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича адлия органларининг ролини янада кучайтиришга қаратилган янги ҳуқуқий механизмларни ўрнатадиган ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш талаб этилди.

Адлия органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги соҳаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона давлат сиёсатини ўтказишдаги ролини кучайтириш учун уларга зарур бўлган тегишли ваколатларнинг берилиши мамлакатимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини яратиш имконини беради ҳамда ушбу органлар фаолиятида қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

8) Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқ. Юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичи.

Шу муносабат билан, бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг қўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортишини таъминлайди».

III. Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш

«Маълумки, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади.

Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида, айниқса, сўнгги 10 йилда оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Юртимизда, аввало, оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Ушбу даврда оммавий ахборот воситаларини эркин ва жадал ривожлантиришга, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган 10 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

«Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз олиш ҳамда фойдаланиш ҳуқуқларини амалга оширишда, шунингдек, ахборотнинг муҳофаза қилиниши, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Сўнги йилларда янги таҳрирдаги **«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунга, шунингдек, «Телекоммуникациялар тўғрисида», «Реклама тўғрисида», «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди».**

«Юридик ва жисмоний шахсларнинг, ахборот технологиялари ва тизимларини қўллаган ҳолда, ахборот ресурсларидан фойдаланиш механизмларини белгилаб берган янги таҳрирдаги «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши оммавий ахборот воситаларини модернизация қилишни жадал ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди».

Юртбошимиз мамлакатимизда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилган кенг кўламли ишларни танқидий баҳолар эканлар, муҳим бир масалага алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидладилар. «Яъни, бу ўринда гап оммавий ахборот воситалари ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларнинг устувор жиҳатларини тўғри белгилаш, жумладан, оммавий ахборот воситалари фаолияти устидан назорат қилишнинг иқтисодий механизмларини, ахборот манбаларининг ёпиқлигини, шунингдек, таҳририятларга ҳокимият орган-

лари ва маъмурий тузилмалар томонидан бўлаётган маълум даражадаги босимларни бартараф қилиш билан боғлиқ муаммоли масалаларни ҳал этиш ҳақида борди.

Шу боисдан қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш ўта долзарб аҳамият касб этади:

1) «**Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида**» қонун қабул қилиш зарур. Бу, ўз навбатида, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенгроқ амалга ошириш имкониятини яратиб бериш билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини ҳам кўп жиҳатдан кучайтирган бўлур эди.

Ушбу қонун давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартибларини аниқ белгилаб бериши, аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, авваламбор, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлаши лозим.

Мазкур қонуннинг жорий этилиши ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг, давлатнинг ички ҳамда ташқи сиёсатининг очиқлиги ва ошкоралигини, мамлакатимиз ва хорижда кечаётган воқеа-ҳодисалар хусусида фикрлар хилма-хиллиги ва сиёсий плюрализмни ҳисобга олган ҳолда таъминлаши зарур.

2) Демократлаштириш жараёнларида аҳамияти тобора ортиб бораётган ахборот коммуникациялари соҳасининг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган телерадио тизимини ривожлантиришга қаратилган «**Телерадиоэшитиришлар тўғрисида**» қонун қабул қилиш ҳақида таклиф киритилди.

Маълумки, ҳозирги вақтда ушбу соҳадаги фаолият оммавий ахборот воситалари, радиочастота спектри, телекоммуникациялар, ахборотлаштириш тўғрисидаги қонунларнинг муайян моддалари билан тартибга солиб келинмоқда.

Шу билан бирга, телерадиоэшиттиришлар соҳасини мустақил қудратли индустрия сифатида қайта ташкил этиш, телерадиоэшиттиришларнинг янги шакл ва турларининг пайдо бўлиши телерадиодастурларни тайёрлаш ва узатиш жараёнида юзага келадиган муносабатларни тизимли ва кенг кўламли равишда тартибга соладиган яхлит қонунни кучга киритиш заруратини туғдирмоқда.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши телерадиодастурларни тайёрлаш ва тарқатиш соҳасида рақобатни янада кучайтириш, телерадиодастурларни узатиш борасида мобиль ва рақамли телевидение каби замонавий илғор технологияларни жорий этиш, телеиндустриянинг истиқболли янги тармоқларини ташкил қилиш учун зарур шароитларни яратиш имконини беради...

3) Оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари ҳамда механизмларини кучайтириш, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий қилиш билан бевосита боғлиқ.

Ушбу вазифани амалга ошириш учун «**Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида**», «**Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида**»ги қонунларни қабул қилиш таклиф этилди. Бу қонунлар ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самарадорлигини кучайтириш ва уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, қўшимча иқтисодий преференциялар яратиш ва миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришни таъминлашга қаратилган бошқа ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутди.

4) Оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш мақсадида «**Оммавий ахборот воситалари тўғрисида**», «**Ахборот эркинлиги**

принциплари ва кафолатлари тўғрисида» ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилди.

...Шу билан бирга, сиёсий модернизация жараёнларида тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш лозим.

«Телекоммуникациялар тўғрисида»ги қонун нормаларини янада такомиллаштириш, рақамли телерадиоэшиштириш тизимига ўтиш бўйича тадбирлар давлат дастурининг ишлаб чиқилиши ҳам ушбу вазифани ҳал этишга хизмат қилади. Мазкур дастур рақамли телерадиоэшиштиришлар инфратузилмасини шакллантириш, бу борадаги фаолиятни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга соладиган самарали тизимни яратишга қаратилиши даркор.

Мухтасар айтганда, юқорида зикр этилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашга, фуқароларнинг сўз эркинлиги ва танлаш эркинлигини таъминлашга қаратилган конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқ рўёбга чиқаришга ёрдам беради».

IV. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш

Эркин сайлов ва ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш принциплари, биринчи навбатда, ҳар бир шахснинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқи миллий давлатчилигимиз моделининг асосини ташкил этади. Сайловлар мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий нормаларнинг нечоғлик демократик руҳда эканини намоён этадиган, демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг

асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ҳамда ҳал қилувчи аҳамиятга эга масаладир.

...Маълумки, Конституциямизга, шунингдек, “Сайловчилар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда янги тахрирдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонунларга 2003 ва 2008 йилларда тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

...Ушбу қонунларда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларнинг фақат кўппартиявийлик асосида ўтказилиши қатъий белгилаб қўйилди. Мамлакат Президенти лавозимига, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни сиёсий партиялар томонидан, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодларни эса сиёсий партияларнинг жойлардаги тегишли органлари томонидан кўрсатилиши тўғрисидаги принципиал қоида мустаҳкамланди. Депутатликка номзодларнинг давлат ҳокимияти ижро органлари томонидан кўрсатилиш амалиёти бекор қилинди, бу мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш йўлидаги принципиал қадам бўлди.

Бу борада сайлов қонунчилигимизга сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган, энг ривожланган демократик давлатлар тажрибасида ҳам камдан-кам учрайдиган мутлақ ваколатларнинг Марказий сайлов комиссиясига берилишини кўзда тутадиган ўзгартишларнинг киритилиши ўта муҳим аҳамиятга молик улкан воқеа бўлди. Амалдаги қонунчилигимизга кўра, сайлов кампанияси жараёнига давлат ва ҳокимият тuzилмалари, жамоат бирлашмалари томонидан аралашшига қаратилган ҳар қандай уриниш қонун билан тақиқланиши ҳам буни яққол кўрсатиб турибди.

2009 йилги сайлов арафасида Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашла-

ри сайловига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича Концепция ишлаб чиқилди. Мазкур Концепция хорижий экспертлар томонидан фуқароларнинг сайлов ва ўз хоши-иродасини эркин билдириш борасидаги конституциявий ҳуқуқларига риоя этилиши бўйича ноёб ҳужжат сифатида баҳоланган эди. Ҳақиқатан ҳам, ушбу Концепциянинг амалга оширилиши сайловнинг қонун талабларига тўла мувофиқ ҳолда, сиёсий партияларнинг ўта фаол иштирокида, сайлов жараёнига марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аралашувига йул қўймасдан ўтказилишини таъминлашда гоят муҳим роль ўйнади.

...Айтиш керакки, бизнинг сайлов тизимимиз ривожидан 2008 йили сайлов қонунчилигимизга киритилган ўзгартишлар муҳим босқич бўлди. Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринларининг сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилди, шундан 135 нафар депутат сиёсий партиялардан сайланади. Бугунги кунда атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари ниҳоятда муҳим ва долзарб аҳамият касб этиб бораётганидан келиб чиққан ҳолда, қуйи палатамиздаги 15 та депутатлик ўрни Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатларга берилди.

...Яна бир муҳим янгилик – қонун ҳужжатларига сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ фаолиятида ошкораликни кўпроқ таъминлашга қаратилган нормаларнинг киритилишида ўз аксини топди.

Шу асосда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг барча босқичларида, шунингдек, сайлов кунда овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситалари вакиллари, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан ҳам кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

Шуниси эътиборга сазоворки, бизнинг сайлов тизимимиз хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, уларнинг давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги мавқеини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Сайлов

тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сиёсий партиялардан кўрсатиладиган депутатликка номзодларнинг камида 30 фоизини аёллар ташкил этиши шарт экани тўғрисидаги норманинг киритилгани бунинг яққол тасдиғидир.

2009 йилги сайловлар жараёнида айтилган шунинг норманинг татбиқ этилиши парламентнинг қўйи палатасига умумий депутатлар сонининг 22 фоизини ташкил этадиган 33 нафар хотин-қиз депутатни сайлаш имконини берди.

...Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократик ўзгаришларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган сайлов тизимимиз мунтазам тақомиллашиб бормоқда. Шу билан бирга, бугунги кунда ҳаётнинг ўзи, айтилганда, охириги сайловда биз тўплаган тажриба юртимизда сайлов жараёнларини янада демократлаштириш масалаларини кун тартибига қўймоқда.

Шу муносабат билан қуйидаги қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлур эди:

1) “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 27-моддаси ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 25-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклифи этилди.

Бу, авваламбор, партиялараро рақобатнинг кучайиши, сайловолди ташвиқотининг шакл ва усуллари тобора турли-туман ва кенг миқёсга эга бўлиб бораётгани билан изоҳланади. Шунинг учун сайлов қонунчилигида сайлов кампаниясининг ушбу муҳим босқичини амалга ошириш жараёнида депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароитлар яратиш механизмининг самарадорлигини оширишга қаратилган нормаларни назарда тутиш лозим.

2) “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 27-моддасига сайловолди ташвиқотини нафақат сайлов куни, балки овоз бериш бошланишидан бир кун олдин ҳам олиб бориш мумкин эмаслиги тўғрисидаги нормани киритиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур норма бир қатор ривожланган хорижий

давлатлар қонунчилигида кенг қўлланади. Унинг қонунчилигимизга киритилиши сайловчиларга ўз қарашларини, сиёсий хайрихоҳлигини аниқлаб олиш, бошқача айтганда, уларнинг ким учун ва қандай сиёсий дастур учун овоз бериш масаласида онгли равишда аниқ бир қарорга келиши учун қўшимча вақт берилишига имкон яратган бўлур эди. Қонунчиликнинг ушбу қисмини такомиллаштириш овоз бериш арафасида турли суистеъмоллик ҳолатлари ва қонун бузилишларининг олдини олиш имконини ҳам беради, албатта.

3) **“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 41-моддаси ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 38-моддасига қўшимчалар киритиш таклиф этилади.** Маълумки, жойлардаги участка комиссиялари аксарият ҳолларда қонунчиликда янада аниқ белгилаб қўйишни талаб этадиган турли вазият ва муаммоли ҳолатларга дуч келади. Улардан бири муддатидан олдин овоз бериш тартиб-қондаси билан боғлиқ муаммо. Шунинг учун ҳам зикр этилган қўшимчаларнинг киритилиши фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари амалга оширилишини, уларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришини, участка комиссиялари фаолияти ошкоралигини таъминлаш ва сайлов қонунчилиги бузилиши мумкин бўлган ҳолатларга йул қўймаслик борасида навбатдаги қадам бўлур эди.

4) **“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонунларга “овоз бериш кунига қадар қолган беш кун ичида, шунингдек, овоз бериш куни жамоат фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини ва ўтказила-**

ётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни нашр этиш (эълон қилиш), шунингдек, уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан, Интернет тармоғига) жойлаштириш тақиқланади” деган нормани киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

5) Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасига Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш бўйича конференцияларида кузатувчиларнинг иштирок этиш ҳуқуқини белгилаб берадиган қўшимча киритиш мақсадга мувофиқлиги билдирилди.

Юқорида баён этилган қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш мамлакатимизда сайлов эркинлиги ҳуқуқи принципининг тўлиқ жорий этилиши ва сайлов тизимининг янада демократлашувига хизмат қилиши муқаррар.

V. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш

«Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ Конституциямизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига доир асосий принципларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани барча аҳоли қатламлари манфаатларини ақс эттирадиган бундай ташкилотлар кенг тармоқларининг ривожланиши учун қулай шароит яратди.

Бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда ва бу кўрсаткич 2000 йилга қараганда 2,5 баробар кўпдир. Фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар сони 10 мингдан ортиқни ташкил этади. Булар қаторида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон хотин-қиз-

лар қўмитаси, “Соғлом авлод учун”, “Нуроний” жамғармалари, “Ижод” фонди, Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси ва бошқа жамоат ташкилотларини санаб ўтиш мумкин.

...Мамлакатимизда Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, “Ижтимоий фикр” жамоатчилик маркази, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти каби инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ва бошқа бир қатор ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга, фуқароларнинг энг муҳим социал-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилингани ҳам бу соҳа ривожига бўлган катта эътиборни кўрсатади.

Айтиш керакки, фуқаролик жамияти институтлари тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларини тобора ривожлантириш, уларнинг мустақил иш юритиши ва чинакам мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтиришга қаратилган “**Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида**”ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди.

Сўнги йилларда “**Жамоат фондлари тўғрисида**”ги, “**Ҳомийлик тўғрисида**”ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “**Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишига кўмаклашни чоратадбирлари тўғрисида**”ги қарори ва бошқа қатор ҳужжатлар қабул қилинди, улар фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий фаоллигини кучайтиришда муҳим омил вазифасини бажармоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг “**Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни**

кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қўшма қарори ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Ўз навбатида, Олий Мажлис ҳузурида Жамоат фонди ҳамда таркибига нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат ташкилотларининг ваколатли вакиллари билан бирга депутатлар, молиявий тузилмаларнинг масъул ходимлари кирган Парламент комиссиясининг ташкил қилиниши ҳам эътиборга сазовордир.

...Фақат кейинги уч йилнинг ўзида фуқаролик жамияти институтлари тақдим этган турли ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан 11 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Юртимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтлари ролини янада кучайтириш фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократлаштириш ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви бўйича ўз олдимизга қўйган мақсадимизни рўёбга чиқаришда ҳеч бир муболағасиз ҳал қилувчи омил эканини айтишга зарурат бўлмаса керак.

Фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислохотларнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Ушбу қонунда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳуқуқий нормалар кўзда тутилиши даркор.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш институти – маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада та-

комиллаштириш, унинг вазифалари қўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бу вазифани ҳал қилишда **“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунига** тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ. Бунда маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш лозим.

Шу билан бирга, **“Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонунга** фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини янада такомиллаштириш бўйича оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар ичидан сайланишини, фуқаролар ижтимоий фаоллигини кучайтиришда маҳалланинг аҳамияти ва роли оширилишини таъминлайдиган чоратадбирларни назарда тутадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф қилинди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмни яратишга қаратилган **“Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунни** қабул қилиш фурсати етди. Қонунда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предметини, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларини белгилаб қўйиш зарур.

...Шунингдек, **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий**

жавобгарлик тўғрисидаги кодексига жамият ва давлат қурилиши, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг турли соҳаларида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳуқуқларини белгилаб берган қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтиришни назарда тутадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозим.

Шулар қаторида соғлиқни сақлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш каби катта социал аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича муҳим давлат дастурларини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокининг ҳуқуқий асосини яратиб берадиган қонун ҳужжатлари мажмуасини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, атроф муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг роли ва ўрнини белгилашга қаратилган “Экологик назорат тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва бошқа қатор қонун ҳужжатларини қабул қилиш фурсати етди».

VI. Демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш

«Барчамизга аёнки, мамлакатимиз мустақил тараққиётининг дастлабки босқичида, яъни 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган даврда улкан ўзгаришларни амалга оширишда асосий эътиборимиз марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам бериш ва бозор иқтисодиётининг асосларини, авваламбор, қонунчилик базасини шакллантириш учун шароит яратишга қаратилди.

Бу борада қабул қилинган ўта муҳим қонун ва норматив ҳужжатлар қаторида **Фуқаролик, Ер, Солиқ ва Божхона кодекслари**, “**Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида**”, “**Банклар ва банк фао-**

лияти тўғрисида”, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонунларни қайд этиш мумкин.

Ислоҳотларимизнинг кейинги босқичида “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”, “Хусусий корхона тўғрисида”, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунлар, янги таҳрирдаги Солиқ кодекси ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича умумий ҳисобда 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинди ва жорий этилди. Уларнинг барчаси иқтисодиётни янада либераллаштириш ва модернизация қилишда нафақат мустақкам ҳуқуқий асос, балки амалга оширилаётган бозор ислоҳотларининг ортга қайтмаслигининг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, ҳолисона таҳлил, ислоҳотларнинг мантиқи ва изчиллиги, уларнинг энг замонавий бозор нормаларига мувофиқлигини баҳолаш иқтисодиётни бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш, такомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича жиддий эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда.

Биринчи навбатда, хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустақкамлашимиз, ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкнинг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратиш зарур. Ҳар бир тадбиркор шуни аниқ-равшан билиб олиши керакки, давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоячисидир. Шунинг учун ҳам тадбиркорлар ўз бизнесига бежавотир инвестиция киритиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши, маҳсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтириши, ўз мулкига ўзи эгаллик қилиши, фойдаланиши, тасарруф этиши лозим. Айни шу мақсадда бозор иқтисодиётининг негизи ҳисобланган хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан берилаётган асосий кафолатларни мустақкамлашга қаратилган “Хусусий

**мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг ка-
фолатлари тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул
қилиш зарур.**

Шунингдек, бошқарув тизимини такомиллаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида **“Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида”ги қонун** ишлаб чиқиш ва қабул қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган рухсат бериш тартиб-қоидаларининг қатъий чекланган рўйхати ва турларини аниқ белгилаб қўйиш, қонунда назарда тутилмаган ортиқча рухсатнома ва рухсат бериш тартиб-қоидаларининг янги турлари киритилишини қонун билан кескин тақиқлаш зарур.

Бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келди. Мамлакатимизда бизнесни ташкил қилишнинг ушбу шакли бизнесни юритишда юзага келган миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келади. Бундай бизнесни ташкил қилишнинг қонунчилик базаси яратилса, оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кенг ривожланиши ва янги иш ўринларининг очилишига шароит туғилади.

...Юртимизда ўтган йиллар давомида бозор иқтисодиёти соҳасидаги ўзгаришларнинг ишончли қонунчилик базасини шакллантириш борасида амалга оширилган улкан ишлар ҳеч кимга сир эмас, албатта. Буларнинг барчасини эътироф этган ҳолда, мавжуд қонунларнинг кўпчилигини уларни қўллаш амалиёти ва мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги даврдаги янги реал ҳолатидан келиб чиқиб, жиддий қайта кўриб чиқиш зарур.

Мамлакатимиздаги деярли барча ишлаб чиқариш объектлари акциядорлик компаниялари принципи бўйича ташкил этилган, аммо улар ўз мақомига қай даражада мос ҳолда фаолият юритмоқда ва ўз ҳуқуқларидан

қандай фойдаланмоқда, деган саволни берайлик. Акциядорлик компаниялари ўзларининг бозор муносабатларига мос мақомига мувофиқ фаолият юритиши учун яна қандай механизмларни ҳаракатга келтириш зарур?

Шу муносабат билан **“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”-ги қонунни танқидий қайта кўриб, янги таҳрирда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда унда корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини янада аниқ белгилаш лозим. Ушбу қонундаги акциядорлик жамиятларининг кузатувчилар кенгашлари, умумий йиғилишлари, тафтиш комиссияларининг роли ва аҳамиятини ошириш, миноритар, яъни қўлида акцияси кам бўлган акциядорларнинг кафолатларини кўпроқ таъминлаш, барча акциядорларни ва бўлажак инвесторларнинг акциядорлик компаниялари фаолияти тўғрисида ахборот олиш имкониятларини кенгайтиришни кўзда тутиш айтиш муддао бўлур эди.**

Ҳозирги вақтда яна бир муҳим масала – мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес, биринчи навбатда, хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини янада кенгайтиришни таъминлай оладиган қонунларни қабул қилиш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистоннинг бу йилги ялпи ички маҳсулотига кичик бизнеснинг улуши 50 фоиздан ортиб бораётганига қарамасдан, афсуски, бу соҳа реал иқтисодиётимизда, авваламбор, саноатда етакчи ўринни эгаллай олмаяпти. Ушбу вазифани ҳал этиш учун **“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳририни тайёрлаш зарур. Бу қонунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш йўлларини соддалаштириш, уларнинг фаолияти учун кўпроқ эркинликлар беришни кўзда тутиш лозим.**

Бозор муносабатларининг асоси бўлган рақобатни ривожлантиришда монополияга қарши қонун ҳужжатлари катта роль ўйнайди. Аммо, амалдаги **“Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги қонун** бугунги кунда эскирди, замон талабларига жавоб

бермай қолди. Шунинг эътиборга олган ҳолда, **“Рақобат тўғрисида”ги янги қонунни** ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур. Ушбу қонунда монополистик фаолиятни нафақат товарлар бозорида, балки молия бозорларида ҳам тартибга солишни назарда тутиш лозим. Шунингдек, биржа савдоларида ҳам монополияга қарши механизмларни, акцияларни сотиб олиш, қўшиш ва бирлаштириш битимларини тартибга солиш ва назорат қилиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш бўйича нормаларни ушбу қонунга киритиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 80 фоиздан ортигини нодавлат сектор таъминламақда. Тан олишимиз керакки, 1991 йилда қабул қилинган **“Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонун**, ўтган давр мобайнида 80 тадан ортиқ қонуности ҳужжати унга уйғунлаштирилганига қарамасдан, бугун қайта кўриб чиқишни ва янги таҳрирда қабул қилишни талаб этмоқда.

...Юқорида таъкидлаб ўтилган гоят муҳим аҳамиятга молик қонунларни такомиллаштириш билан бирга, Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор ислохотларининг суръати ва мантиқий талабларидан келиб чиққан ҳолда, эркин бозор иқтисодиёти муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган бир қатор қонунлар қабул қилишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. **“Кредит бюрolari фаолияти ва кредит ахбороти алмашуви тўғрисида”, “Гаров реестри тўғрисида”, “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”, “Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”, “Инновациялар ва иқтисодиётни модернизация қилиш тўғрисида”ги ва бошқа янги қонунлар** шулар жумласидандир».

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг Президентимиз томонидан таклиф этилган ушбу Концепцияси Ўзбекистонни ислох этиш ва модернизация қилиш борасида қарийб 20 йил олдин бошланган жараённи давом эттириш бўйича Олий Мажлис томонидан узоқ муддатли ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши ва ислохотлар

«Тарихимизга кириб келаётган мустақилликнинг 20 йиллиги муносабати билан ўтган давр мобайнида ҳаёtimиз сифати, мамлакатимиз қиёфаси қандай ўзгариб бораётгани, қандай ютуқ ва натижаларга эришганимиз, ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида қандай суръатлар билан ривожланиб бораётганимизни баҳолаш эҳтиёжи туғилмоқда.

Қисқача айтганда, биз ўз олдимизга қўйган узоқ муддатли стратегик мақсадлар, яъни замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш борасидаги саъй-ҳаракатларимизга бугунги кун нуқтаи назаридан холисона баҳо беришимиз табиий.

Маълумки, Ўзбекистон 1991 йили ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг умрини ўтаб бўлган мустабид, маъмурий-буйруқбозлик, режали-тақсимот тизимидан воз кечиб, “ўзбек модели” деб ном олган ўз тараққиёт йўлини танлаб олди.

Биз ишлаб чиққан ва бугунги кунда ҳаётга татбиқ этаётган ушбу моделнинг маъно-мазмуни – давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини бажариши, яъни ислохотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилларига асосланадиган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишдан иборат.

Биз ислохотларни инқилобий усулда, яъни “шок терапияси” йўли билан амалга оширишдан онгли равиш-

да воз кечиб, тадрижий тараққийет йўлини танлаб олганимиз туфайли халқимизни қандай огир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган иқтисодий ва ижтимоий тўфонлардан асраб қолишга муваффақ бўлганимизни бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Маълумки, ҳозирги кунда жаҳонда 100 дан ортиқ конституция мавжуд бўлиб, уларнинг баъзилари бир неча юз йил аввал қабул қилинган бўлса, баъзи бирлари эса яқинда қабул қилинган. АҚШ (1787 йил), Норвегия (1814 йил), Белгия (1831 йил), Аргентина (1853 йил), Канада (1867 йил) конституциялари энг эски конституциялар ҳисобланади.

Ўзбекистон халқи мустақилликка эришганидан сўнг эски мустабид тизимдан воз кечиб, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни асосий мақсад сифатида белгилаб олди. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ана шу мақсадни ўзида ифода этди ва ислохотларни амалга оширишга қаратилган барча қонунлар, шу жумладан, кодекслар учун асос бўлди.

Мустақил тараққийетимиз мобайнида ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида юртимиз тинчлиги, Ватанимиз тараққийети ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга, мамлакатимизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларининг олий қадрият сифатида қарор топтиришга, жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишга қаратилган қандай ютуқларга эришган бўлсак, уларнинг барчаси Конституциямизда муҳрлаб кўйилган қоидалар билан узвий боғлиқ.

«Маълумки, собиқ тузум даврида республикамизнинг иқтисодиёти бир томонлама ривожланган, фақат хом ашё етиштиришга йўналтирилган бўлиб, маънум салбий оқибатларга олиб келган пахта яккаҳоқимлиги авжига чиққан эди. Ўзбекистон ўзининг қолақ ишлаб чиқариш ва социал инфратузилмаси билан собиқ иттифоқда жон бошига истеъмол даражаси бўйича энг паст ўринда турар эди. Мустақил ривожланиш йилларида – тарихан қисқа бир даврда юртимиз

янги ва улкан марраларни қўлга киритди, бунинг натижа-
сида мамлакатимизнинг қиёфаси бутунлай ўзгариб, жаҳон
ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи юксалиб бормоқда.

...Эришилган бундай марралар – барқарор ривожланиб
бораётган иқтисодийга асосланган, очиқ демократик
ҳуқуқий давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва
эркинликлари сўзда эмас, амалда олий қадрият даражасига
кўтарилган, жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонган жами-
ят барпо этиш ўз олдимизга қўйган юксак мақсадга қара-
тилган узоқ ва мураккаб йўлнинг бир қисми, холос».

Конституция қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгашининг XI сессиясида Ўзбекистон Республика-
си Президенти И.А.Каримов унинг асосий хусусиятларини
таърифлаб, шундай деган: “Жамики дунёвий неъматлар
орасида энг улуғи — инсон деган фикрни илгари сурдик ва
шу асосда “фуқаро — жамият — давлат” ўртасидаги ўзаро
муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интил-
дик”¹. Бошқача айтганда, Конституцияда инсон манфаат-
ларининг устуворлиги ғояси ўз ифодасини топди. Бу ғоя
Конституциянинг бутун мазмунига сингдирилган.

Конституциянинг 13-моддасига мувофиқ, “Ўзбекистон
Республикасида демократия умуминсоний принципларга
асосланади, уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги,
шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий
қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар
Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади”.

Шуни таъкидлаш керакки, Конституцияни яратишда
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави, «Инсон ҳуқуқла-
ри умумжаҳон декларацияси» каби инсон ҳуқуқларига оид
энг муҳим халқаро ҳужжатларга асосланилди. Конститу-
ция муқаддимасида қайд этилганидек, Ўзбекистон халқаро
ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларини тан олади.

Конституциянинг иккинчи бўлими “Инсон ва фуқаро-
ларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари” деб
номланган. Бу бўлимда инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркин-
ликлари, сиёсий ҳуқуқлари, иқтисодий ва ижтимоий

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-ж. –Т.:
«Ўзбекистон», 1996. 124-бет.

ҳуқуқлари алоҳида боб ва моддаларда мустаҳкамлаб қўйилди. Конституциянинг X боби эса инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатланиши масалаларини ифода этди.

Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда, уларнинг бажарилишини кафолатлашда Конституциянинг роли беқиёс. Унинг 18-моддасида Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг эканликлари белгилаб қўйилган. Бу конституциявий қоида 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг 2-моддасига мос келади.

“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг 3-моддасида “Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир”, деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир”, 25-моддасида эса “Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибса олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас”, деб кўрсатилган.

Маълумки, яшаш ҳуқуқи тўғрисидаги Конституцияда мустаҳкамланган бу қоидадан, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилинди. Унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси назарда тутилди.

Сўнги йилларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг ролини кучайтириш борасида муҳим ишлар амалга оширилди. Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокуратура органларидан судларга ўтказилди. Ушбу тадбир фуқароларнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик борасидаги конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

...Мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, уларни ҳаққоний баҳолаш ва ислоҳотлар дастурига маълум ўзгартишлар киритиш билан бирга, биринчи навбатда, эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз даркор.

Шу маънода, 1992 йил декабрь ойида қабул қилинган, мамлакатимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилаб берган Конституциямизнинг қоида ва нормаларига таяниш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борадаги ишларимиз 2001 йилдан 2010 йилгача бўлган кейинги 10 йил давомида янада фаолланиб, кўлами ва миқёси тобора кенгайиб бормоқда.

Натижада бугунги кунга келиб, биз ўз олдимизга қўйган асосий мақсадимизга эришдик, деб айтиш учун барча асосларимиз бор.

Бунинг тасдиғини мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш жараёни ҳеч қачон ортга қайтмайдиган, қатъий ва изчил тус олгани, одамларимиз ўзгариб, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошаётгани, онгу тафаккури юксалиб, ён-атрофда бўлаётган барча воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи ортиб бораётгани мисолида кўриш, англаш қийин эмас.

Юртдошларимизнинг, бутун жамиятимизнинг ҳаётидаги ана шундай ўзгариш ва янгиланишлар, ўз моҳият-эътиборига кўра, бугунги кунда мамлакатимизнинг тараққиёт ва фаровонлик йўлидан дадил ривожланиб боришини таъминлаётган ҳал қилувчи кучга айланмоқда.

Мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимиз ва тўплаган тажрибамизни ҳолимсона баҳолаш, кўлга киритган юксак марраларимизни таҳлил этиш мамлакатимизни тадрижий ва босқичма-босқич ривожлантириш бўйича биз таплаган моделнинг нақадар тўғри эканини ва шу йўлдан бундан буён ҳам оғинмай қатъият билан боришимиз зарурлигини яққол кўрсатмоқда».

Жамиятнинг ривожланиши, янги ижтимоий муносабатларнинг вужудга келиши давлат ҳуқуқи тизимини ривожлантиришни, бунинг учун эса мазкур давлатлар конституцияларига тегишли тузатишлар киритишни тақозо этади.

Конституцияга тузатишлар киритишнинг энг кўп учрайдиган тартиби конституция матнига тузатишларнинг мамлакат парламенти томонидан киритилишидир. Бунда, одатда, парламент аъзоларининг кўпчилиги овози (2/3, 3/5, 3/4) талаб этилади.

Баъзи давлатларда конституцияга фақат референдум орқали тузатишлар киритиш назарда тутилган. Масалан, Арманистонда конституцияга тузатишлар фақат республика Президенти ёки Миллий мажлиси ташаббуси билан референдум орқали киритилиши мумкин².

Ўзбекистон Республикасида эса ҳар икки тартиб ҳам назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 127-моддасига мувофиқ, Конституцияга ўзгартиришлар тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонун ёки Ўзбекистон Республикасининг референдумида қабул қилинган қарор билан киритилади.

Кўпгина давлатларда ҳарбий ёки фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда конституцияга тузатишлар киритиш мумкин эмаслиги назарда тутилган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилган улкан ўзгаришларни, халқимизнинг фидокорона меҳнати билан эришилган ютуқ ва натижаларни, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини, умуман, Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўлини алоҳида икки босқичга ажратиб кўрсатиб берди³. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ривожланишини ҳам икки босқичга бўлиб ўрганишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

² Г.Гарутюнян, М.В.Баглай. Конституционное право. —М.: Норма, 2006, 167-169-бетлар.

³ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. —Т.: «Ўзбекистон», 2007, 29-30-бетлар.

Биринчи босқич (1991-2000 йиллар). Бу давр ичида Ўзбекистон халқи эски мустабид тузумдан воз кечиб, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни асосий мақсад сифатида белгилаб олди. Ана шу мақсадни ўзида ифода этган Конституция лойиҳаси тарихан қисқа муддат ичида тайёрланди, халқ томонидан икки мартаба муҳокама қилинди. Тақомилга етказилган Конституция мамлакатимиз қонун чиқарувчи органи томонидан қабул қилинди ва у биринчи босқичда ислохотларни амалга оширишга қаратилган барча қонунлар, шу жумладан, кодекслар учун асос бўлди.

Конституцияда Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилишининг асосий принциплари аниқ ифодалаб берилди, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқларига бўлиниши энг муҳим принцип сифатида белгиланди. Шунингдек, инсон ҳуқуқларининг давлат манфаатларидан, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларининг эса миллий ҳуқуқий нормалардан устунлиги ҳам Конституцияда муҳрлаб қўйилди.

Конституцияда ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги ҳамда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши белгилаб берилди. Айни пайтда барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги шароитида истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлиги, хусусий мулкнинг бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Ана шу принципларни инобатга олиб, давлат бошқарувининг мустабид, марказлашган тизимига барҳам бериш, мустақил Ўзбекистоннинг янги сиёсий ва давлат тузилиши асосларини, аввало, қонунчилик тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда ваколатли ҳокимият органларининг яхлит тизимини ташкил этишга қаратилган ишлар аниқ мақсадни кўзлаб собитқадамлик билан амалга оширилди.

Иккинчи босқич (2001-2007 йиллар). Бу даврда мамлакатни модернизация қилишга, иқтисодиётни ривожлантиришга, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизимини ва ижтимоий-маданий соҳаларни изчил ислоҳ қилишга қаратилган

демократик янгиланишларни таъминлаш мақсадида Конституцияга маълум ўзгартириш ва тузатишлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, "...биз ўзимизнинг пировард мақсадимизга эришиш учун замон қандай тез ва шиддат билан ўзгараётганини ҳисобга олган ҳолда, воқеликнинг ортида эмас, балки унинг олдида юришимиз, ҳар қандай нохуш ҳаракат ва муаммоларнинг олдини олишимиз, тараққиётимиз ва демократик янгиланиш заминини белгилаб берадиган қонунларни ўз вақтида қабул қилишимиз, уларга ҳаёт тақозо этаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни киритишимиз зарурати бугун нечоғлик долзарб эканини англаш, тушуниш қийин эмас"⁴.

Бу даврда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан мамлакатимиз парламентини икки палатали этиб ташкил қилиш масаласи ўртага ташланди. Ушбу масала юзасидан халқ фикрини билиш учун 2002 йил 27 январда референдум ўтказилди. Референдумга қўйилган иккита масаладан биттаси парламентимизни икки палатали этиб ташкил қилиш тўғрисидаги масала эди. Референдумда Ўзбекистон халқи республика Олий Мажлисини икки палатали этиб ташкил қилиш масаласини яқдиллик билан қўллаб овоз берди.

Шундан кейин Олий Мажлис томонидан 2002 йил 4 апрелда "Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни қабул қилинди. Бу қонун қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи Олий Мажлис таркибини ўзгартириш, яъни уни икки палатали этиб ташкил этиш ва ислохотлар билан боғлиқ кўпгина масалаларни ўзида ифода этди. У, ўз моҳиятига кўра, келгусида давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида амалга оширилиши зарур бўлган ўзгаришларни белгилаб берди.

Иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Конституциявий қонунлар қабул қилинди. Бу Конституциявий

⁴ Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизimini такомиллаштириш — устувор вазифамиздир. —Т.: «Ўзбекистон», 2007. 8-бет.

қонунлар Олий Мажлис палаталарининг мақомини, уларни шакллантириш тартибини, ваколатларини ҳамда бошқа ҳокимият тармоқлари органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш механизмларини белгилаб берди.

Бу Конституциявий қонунлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига тегишли ўзгартиришлар киритиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2003 йил 24 апрелда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Қонун қабул қилинди. Ушбу Қонун билан Конституцияга киритилган ўзгартириш ва тузатишлар Конституциянинг мазмун ва моҳияти, мақсад ва вазифаларига дахл қилмаган ҳолда, аввало, Олий Мажлис, унинг қўйи ва юқори палаталарининг мақоми ва ваколатларини, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ваколатларини, шунингдек, сайлов тизими асосларини белгилаб берадиган моддаларига тегишли бўлди.

Конституциянинг Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимиятига тааллуқли бўлган 107-,110- ва 112-моддаларига ҳам айрим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Бу ўзгартириш ва қўшимчалар суд тизимини ихтисослаштириш ва тақомиллаштириш жараёнини кенгайтириш, судлар вазифаларини янада аниқроқ белгилаб, уларнинг мустақиллигини амалда қафолатлашни таъминлашни ўзида акс эттирди.

Конституцияга киритилган бу ўзгартириш ва тузатишлар ҳозирги кунда мамлакатимиз парламентининг роли ҳамда таъсирини кучайтиришга, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари ўртасида янада мутаносиб, барқарор мувозанатга эришишни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Конституция янги нормаларининг амалда қўлланилиши натижасида сўнгги йилларда мамлакатимиз парламентининг роли ва таъсири анча ортгани сезилмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракцияларининг фаолияти тобора жонланмоқда, фракциялараро курашлар кучаймоқда. Бу ҳолат сиёсий партиялар нуфузининг ҳамда қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг сифатини яхшилашга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Айни вақтда демократик ислохотларни чуқурлаштириш зарурати фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада оширишни, демократик ҳуқуқий давлат қурилиши, ижтимоий тараққиётнинг бугунги реал ҳолати ва талабини ҳисобга олган ҳолда сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролини кучайтиришга қаратилган янги қарорлар қабул қилишни, инсон манфаатлари, аҳолининг хоҳиш-иродаси ҳамда фикрларини тўла инobatга олишни тақозо этмоқда.

Республикамиз Президенти ташаббуси билан 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун ва “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тўзатишлар киритиш тўғрисида (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига)”ги Қонун ана шундай мақсадларга қаратилган.

“Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун турли сиёсий мақсадларни кўзлайдиган, сайловлардан сўнг шакллантирилган ҳукуматнинг тутадиган йўли ва дастурига ўз муносабатини белгилаб оладиган сиёсий партиялар фракциялари, парламентдаги кўпчилик ва парламентдаги мухолифатнинг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаб берди. Сиёсий партиялар фракциялари раҳбарларининг Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайланиши кафолатланади.

Конституциявий қонунда Бош вазир лавозимига номзод бўйича сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашиш тартиби, унинг парламент томонидан тасдиқланишининг қатъий белгиланган тартиби ва механизми жорий этилди. Вилоятлар ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимларига номзодлар бўйича тегишли халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳлари билан маслаҳатлашиш тартиби белгилаб берилди.

Конституциявий қонунда сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияларига Бош вазирни истеъфога чиқариш, халқ депутатларининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларига эса тегишлича вилоятлар ҳокимларини ва Тошкент шаҳар ҳокимини истеъфога чиқариш тўғрисида ташаббус билан чиқиш ҳуқуқи берилди.

Ушбу Конституциявий қонун асосида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тегишли тузатишлар киритилди.

Шу билан бирга, Конституциядаги Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи эканини белгилайдиган норманинг ўзгартирилиши муҳим сиёсий-ҳуқуқий қадам бўлди. Бугунги кунда, Конституцияга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди.

Ушбу қонунлар нормаларининг ҳаётга татбиқ этилиши, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётини ривожлантиришда, демократик ислохотларни чуқурлаштириш борасида асосий ва ҳал этувчи роль уйнайди ҳамда қуйидаги натижаларни беради деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан. Ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда сиёсий партияларнинг ташаббускорлиги, роли, таъсири ҳамда масъулиятини кучайтиради.

Иккинчидан. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимга тайинлашда сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг фаол иштироки учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратади.

Учинчидан. Ҳукумат ва унинг тузилмаларининг, марказдаги давлат бошқаруви органларининг парламентдаги сиёсий партиялар фракциялари олдида ҳисоб беришини белгилаб берадиган ва таъминлайдиган самарали ҳуқуқий механизмларни яратади.

Тўртинчидан. Ижро этувчи ҳокимият органи фаолияти устидан қонун чиқарувчи ҳокимият органи назоратининг янги шаклини вужудга келтиради, яъни бунда ҳукумат ва унинг тузилмалари устидан давлат назорати — Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг назорати жамоат назорати — партия фракцияларининг назорати билан қўшиб олиб борилади.

Бешинчидан. Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида қонунчиликдаги айрим бўшлиқларни, яъни оқ доғларни тўлдиради, қонун ҳужжатларида ҳал қилинмаган айрим масалаларни ҳал қилиб беради.

«Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига)”ги Қонуннинг қабул қилиниши давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг янги бир босқичини бошлаб берди.

“Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасига ўзгартиш киритилди. Бу ўзгартишга мувофиқ, эндиликда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг сони 150 нафар этиб белгиланди. Улардан 135 таси бир мандатли сайлов округларидан, 15 таси эса Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларининг олий қадрият сифатида қарор топтириш борасида ўтган йиллар мобайнида ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий-маданий соҳаларда

қандай натижа ва ютуқларни қўлга киритган бўлсак, уларнинг барчаси Конституциямизда муҳрлаб қўйилган қоидалар ва принциплар билан узвий боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар бундан кейин ҳам албатта давом эттирилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, ислохотлар ва ўзгаришлар йўлида фақатгина эришилган марралар билан чекланиб қолиш асло мумкин эмас. Ислохотлар ва ўзгаришлар жараёни ҳеч қачон ниҳоя билмайди. Албатта, бирон-бир босқич яқунланиши мумкин, аммо ҳаётнинг ўзи янгидан-янги босқич ва вазифаларни ҳали олдимизга қўяверади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда собитқадамлик билан амалга оширилаётган янгиланишларнинг, демократик ислохотларнинг ҳуқуқий замини бўлиб, халқ манфаати йўлида бундан кейин ҳам хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасида халқ

ҳокимиятчилигининг конституциявий асослари

Ўзбекистон халқи мустақилликнинг илк кунларида-ноқ мамлакатимизда бозор иқтисодиётига асосланган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни асосий мақсад сифатида белгилаб олди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг “Халқ ҳокимиятчилиги” деб номланган иккинчи боби мамлакатимизнинг демократик табиатини ифодалаб, Ўзбекистонни суверен демократик республика эканлигини тасдиқлайди. “Халқ ҳокимиятчилиги” принципи ҳар қандай демократик давлат қурилишининг асосий шартларидан бири.

“Халқ ҳокимиятчилиги” атамаси юнонча “демократия” (“*demokratia*”) сўзининг таржимаси бўлиб, бу ибора илк бор қадимги Юнонистонда пайдо бўлган. Кейинчалик бутун дунёга тарқалган ҳамда сиёсий луғатдан мустаҳкам ўрин олган. Демократия сўзи “*demos*” — халқ ва “*kratos*”

— ҳокимият сўзларининг бирикмасидан тузилиб, “халқ ҳокимиятчилиги” маъносини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “демократия” тушунчаси ҳақида шундай деб ёзади: “Умумий тарзда демократия деганда, ҳамманинг манфаатлари йўлида кўпчиликнинг ҳокимияти ва озчиликнинг иродасини ҳурмат қилиш тушунилади. Батафсил таҳлил қилганда эса демократия — халқнинг ўз эркинлиги ва мустақиллигига қарашлари ҳам, ҳар бир шахснинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ўзбошимчалик билан чеклашлар ва шу йўсиндаги ҳаракатлардан ҳимоя қилиш ҳам, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш шакли ҳам эканлиги аён бўлади”⁵.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси демократик давлат ҳисобланиб, унинг Асосий Қонуни халқ ҳокимиятчилиги принципига асосланади ва бутун мазмун-моҳияти билан ана шу принципни мустақкамлайди. Умуман, Ўзбекистон Конституциясининг жуда кўп моддаларига халқ ҳокимиятчилиги ғояси сингдирилган бўлиб, бунга кўра, ҳокимият амалда ва қонун бўйича халққа тегишлидир. Зеро, халқ ҳокимиятчилиги деганда, ҳокимиятнинг фақат халққа тегишли эканлиги, давлат халқ иродасини ифодалаши ва унинг манфаатларига хизмат қилиши лозимлиги, давлатнинг асосий вазифаларидан бири инсон ва жамиятнинг фаровонлигини таъминлашга қаратилган бўлиши кераклиги тушунилади.

Ўзбекистон Конституциясининг 7-моддасида мамлакатимиздаги халқ ҳокимиятчилиги принципи қуйидагича очиқ берилган:

“Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ва қолат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

⁵ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-ж. —Т.: “Ўзбекистон”, 1998. 156-бет.

Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий тартибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади”.

Ўзбекистонда давлат халқ иродасини ифодалайди, унинг манфаатларига хизмат қилади. Агар ҳозирги вақтда давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсий фаолиятига диққат билан назар ташласак, мазкур сиёсат инсон ва жамият фаровонлиги мақсадига бўйсундирилганини, юртимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилганини кўрамыз.

Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги ҳақида сўз кетар экан, халқ давлат ҳокимиятини қандай йўл билан амалга оширади, деган савол туғилади. Ўзбекистон Конституциясида худди ана шу саволга аниқ жавоб берилган.

Ўзбекистон Конституциясида халқ ҳокимиятчилигининг жаҳон конституциявий ривожланиши тажрибасида ишлаб чиқилган қуйидаги икки шакли ўрнатилган:

1. Тўғридан-тўғри, яъни бевосита демократия — фуқаронинг давлат ишларини ҳал қилишда тўғридан-тўғри иштирок этиши.

2. Вакиллик демократияси, яъни билвосита демократия — фуқаронинг давлат ишларини ҳал этишда ўзи сайлаган вакиллари, яъни депутатлар орқали иштирок этиши.

Ўзбекистон Конституциясининг 32-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўз-ўзини бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

Бевосита демократиянинг асосий кўринишларидан бири — референдум Ўзбекистон Конституциясида алоҳида белгиланган: “Жамият ва давлат ҳаётининг энг му-

ҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланган” (9 - модда).

Референдум сўзининг лугавий маъноси лотинча “маълум қилиниши лозим бўлган нарса” деганидир, яъни давлатда ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим масалалар халққа маълум қилинади ва унинг овоз бериши орқали ҳал этилади. Референдум демократиянинг кўринишларидан бири бўлиб, халқ ҳокимиятини бевосита амалга ошириш воситаси ҳисобланади.

Ўзбекистонда референдум ўтказиш тартиби 2001 йил 30 августда янги таҳрирда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги қонуни билан тартибга солинади. Унга кўра, референдумда қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлиб, фақат референдум ўтказиш йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

Ўзбекистон фуқаролари референдумда ихтиёрий равишда қатнашади. Референдумга қўйиладиган масалалар халқ, жамият, давлат манфаатларидан келиб чиққанлиги учун унда фуқароларнинг аксарияти доимо фаол иштирок этади. Масалан, 1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги масалага доир референдум ўтказилиб, унда Ўзбекистон халқи Олий Кенгаш эълон қилган Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини маъқуллади. 2002 йил 27 январда ўтказилган референдумда эса икки палатали парламент ва Президент ваколати муддатини ўзгартириш масаласи қўйилиб, референдумда овоз берувчилар рўйхатига киритилган 13.266.602 нафар фуқароларнинг 12.113.070 нафари иштирок этди. Референдумда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган аҳолининг 92 %дан ортиғи бу масалани ёқлаб овоз берди.

Референдум ҳақида сўз кетар экан, шу нарсани унутмаслик керакки, референдумга давлат ва жамият ҳаётига тааллуқли барча масалалар қўйилавермайди. Масалан, республика ҳудудий бутунлигини ўзгартириш тўғриси-

даги, солиқлар, бюджет, амнистия (умумий афв этиш), жамоат тартибини, аҳолининг соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлаш юзасидан фавқулодда ва шошилиш чоралар кўриш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси тузган шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш ҳақидаги, мансабдор шахсларни тайинлаш ва ишдан бўшатиш билан боғлиқ масалалар умумхалқ овози — референдумга қўйилмайди. Бу масалалар Конституцияга биноан тегишли давлат ҳокимияти органлари, хусусан, Олий Мажлис ва Президент томонидан кўриб, ҳал қилинади. Зеро, Олий Мажлис ҳам, Президент ҳам бевосита халқ томонидан сайлаб қўйилади. Бу борада ҳам Конституциянинг демократик томони кўзга яққол ташланади, умумхалқ овози ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ўзбекистонда сайлов тизимининг адолатли ташкил қилингани бевосита демократиянинг яна бир муҳим кўринишидир. Конституциянинг 117-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгалар.

Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эга.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайди. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида сайловлар кўп партиявийлик асосида амалга оширилади. Чунончи, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси (қуйи палата) бир юз эллик депутатдан иборат бўлади.

Қонунчилик палатасининг бир юз ўттиз беш депутати

худудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўпшартиявийлик асосида сайланади.

Қонунчилик палатасининг ўн беш депутаты Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланади.

Сайлов ҳуқуқининг кафолатлари тизимини яратиш алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқларининг кафолатларини улар қайси қонун ҳужжатида мустаҳкамлаб қўйилганига қараб, уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган кафолатлар.

2. Конституциявий қонунларда мустаҳкамланган кафолатлар.

3. Бошқа қонунларда мустаҳкамланган кафолатлар.

Учинчи гуруҳ кафолатларини, ўз навбатида, икки кичик гуруҳга ажратиш мумкин: бевосита сайловга бағишланган қонунларда мустаҳкамланган кафолатлар ва сайловларга билвосита таъсир кўрсатувчи муайян қонунда мустаҳкамланган кафолатлар.

Таъкидлаш лозимки, ушбу барча кафолатлар, улар қаерда мустаҳкамланганидан қатъи назар, ўзаро боғлиқ ва ягона тизимни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 43-моддасига мувофиқ, фуқароларнинг бошқа ҳуқуқлари қаторида сайлов ҳуқуқини таъминлаш давлат зиммасига юклатилган.

Шунга асосан, давлат сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тизимини яратади ва такомиллаштиради, уларнинг қатъий бажарилиши учун чоралар кўради, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини бузган шахслар жавобгарлиги юзасидан чоралар белгилайди.

Конституциянинг мазкур нормасини амалга ошириш мақсадида 1994 йил 5 майда “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” Қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов айтганидек: “Аввало, фуқароларимиз ва сайловчилари-

мизнинг ўз фикри ва эътиборини, хоҳиш-иродасини билдиришлари учун эркинлик ва яна бир бор эркинлик ҳукмронлигини, оммавий ахборот воситалари ва кузатувчиларга ўз ҳуқуқ ва бурчларини амалга оширишда зарур имкониятларни таъминлаш, тенг ва яширин овоз бериш шароитини яратиб беришни, мухтасар айтганда, демократик норма ва андозаларга сўзсиз риоя қилишни ҳаётнинг ўзи биздан талаб этмоқда”⁶.

Депутатларнинг сайловчилар олдида ҳисобот беришлари ва улар билан учрашувлар ўтказишлари демократиянинг кўринишларидан биридир. 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида депутатнинг ва Сенат аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасида депутат вақти-вақти билан, аммо йилига камида бир марта, сайловчиларга ўз фаолияти ҳақида ахборот беради. Халқнинг муайян жамоат бирлашмалари, хусусан, касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар ва бошқа нодавлат ногажорат ташкилотлар орқали давлат ва жамият ишларини бошқаришда қатнашишини ҳам демократиянинг кўринишларидан бири сифатида кўрсатиш мумкин. Масалан, сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайловларида ўз номзодларини кўрсатиши ва сайлаши, Олий Мажлис ишида партия фракцияларининг иштирок этиб, қонун чиқаришда ўз сиёсатларини ўтказишга ҳаракат қилишлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасига биноан, сиёсий партиялар қонунда белгилаб қўйилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимияти органлари сайловларида иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг муҳим сиёсий ҳуқуқларидан бири йиғилишлар, митинглар, на-

⁶ Каримов И.А. Ватанимиз ва ҳақимизга садоқат билан хизмат қилиш — олий саодатдир. — Т.: «Ўзбекистон», 2007. 40-бет.

мойишлар ўтказиш ҳуқуқидир. Ушбу ҳуқуқнинг конституциявий кафолатланишини Ўзбекистонда бевосита демократиянинг кўринишларидан бири сифатида эътироф этиш мумкин. Чунончи, Конституциянинг 33-моддасига асосан, фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Конституциясининг муҳим демократик жиҳатларидан бири шундаки, унинг 10-моддасида бутун ҳокимият халқ қўлида эканлиги қонуний расмийлаштирилибгина қолмай, Ўзбекистон халқининг ушбу ҳокимиятни қандай тартибда амалга ошириши ҳам аниқ кўрсатиб қўйилган: “Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин.

Ҳамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас”.

Ўзбекистон Республикасида халқ ҳокимиятчилигини амалга оширишнинг иккинчи шакли — вакиллик демократияси бўлиб, бу фуқаронинг давлат ишларини ҳал этишда ўзи сайлаган вакиллари, яъни депутатлар орқали иштирок этишидир.

Вакиллик демократияси қуйидаги кўринишларда намоён бўлади:

биринчидан, ҳокимиятни давлат тузилмалари орқали, яъни вакиллик органлари ва ижро органлари орқали амалга ошириш;

иккинчидан, ҳокимиятни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали амалга ошириш.

Вакиллик демократиясининг намоён бўлиши, айниқса, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси фаолиятида кўзга яққол ташланади.

Олий Мажлис ҳақида шунини айтиш мумкинки, у Ўзбекистон Республикасининг олий вакиллик муассасаси, қонун чиқарувчи органи, яъни парламентиدير.

Ўзбекистон Олий Мажлиси бевосита халқ томонидан ташкил этилиб, унинг вакиллик органи ҳисобланади. Унга депутатлар халқ томонидан умумий, тенг, тўғридан-тўғри, яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Демак, Ўзбекистон халқи ўз ичидан муносиб номзодлар танлаб, уларни Олий Мажлисга вакил сифатида сайлайди. Уларга ваколат бериб қўяди, шу тариқа ҳокимиятга эгаллик қилади. Бироқ фақат шугина эмас. Халқнинг ҳокимиятга эгаллик қилиши бошқа воситалар орқали ҳам амалга оширилади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон бор. Булар — халқ қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлигидир. Ҳукумат қарорлари қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир”⁷.

Ўзбекистон Республикасида халқ ҳокимиятчилигининг амалга оширилиш шакллари Конституция ва қонунларда, халқаро ҳуқуқ меъёрларида мустаҳкамлаб қўйилган. Сайловлар, референдум, фуқароларнинг мурожаатлари Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддаси асосида референдум тўғрисидаги қонуннинг ҳаётга тадбиқ этилиши Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқароларини референдумда ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш ҳуқуқини белгилаб берди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг II чақириқ еттинчи сессиясида “Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисида”ги Олий Мажлис Қарори Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан бир овоздан маъқулланди. Ўзбекистон халқининг иродасини ҳаётга тадбиқ этиш тадбирларини белгилаб олиш мақсадида Олий Мажлиснинг 2002

⁷ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-ж. —Т.: «Ўзбекистон», 1998. 156-157-бетлар.

йил 5 апрелда бўлиб ўтган саккизинчи сессиясида тарихий ҳужжат — “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Конституциявий қонун қабул қилинди. Ушбу Қонуннинг биринчи моддасида мазкур қонуннинг асосий вазифалари белгиланган: “Ушбу Қонун “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, 2002 йил 27 январь куни ўтказилган ҳамда икки палатали парламент тузиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартириш тўғрисидаги икки муҳим масала бўйича қарор қабул қилган, шунингдек, демократик ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш йўлини тасдиқлаган умумхалқ овоз бериши натижаларидан келиб чиқадиган асосий янги қоидаларни ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритиладиган ўзгартиришларни белгилайди. Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш учун асос ҳисобланади”.

Шуларга асосланган ҳолда ушбу Конституциявий қонуннинг вазифалари икки палатали парламент тузиш ва шунга тегишли Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатларини белгилашдан иборат. Қонуннинг яна бир асосий вазифаси шундан иборатки, у давлат ва жамиятдаги ҳуқуқий тартибга солиш керак бўлган барча муносабатларнинг руҳини аниқлашдан ва уларни конституциявий қонунда белгилаб қўйилган принципларда акс эттиришдан иборат.

Ўзбекистонни демократик давлат сифатида тавсифловчи белгилардан бири Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимиятининг бўлинганлигидир. Ушбу қоида Конституциямизнинг 11-моддасида асосий принцип тариқасида мустаҳкамланган: “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими - ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади”.

Шу тариқа, давлат ҳокимиятининг бўлиниши принципи Ўзбекистоннинг конституциявий тарихида биринчи марта пайдо бўлди. Ўзбекистоннинг илгариги 1927, 1937 ва 1978 йиллардаги Конституцияларида бундай принцип мавжуд эмас эди. Чунки ушбу Конституциялар марксча-ленинча коммунистлар ҳукмронлиги назариясига асосланиб, унда “ҳокимиятнинг бўлиниши” принциплари рад этилар эди.

“Ҳокимиятнинг бўлиниши” гоёси қадимий бўлиб, қадимги грек файласуфи ва олими Аристотель томонидан ҳам илгари сурилган. Ўрта асрларда Марсилиий Падуанский ва бошқалар ҳам бундай гоёни ёқлаб чиққан эдилар. XVIII асрнинг ўрталарига келиб, бу гоё мустақил сиёсий-ҳуқуқий таълимотга айланган. Машҳур француз маърифатпарвари, ҳуқуқшунос, файласуф ва ёзувчи Ш.Монтескье (1689–1755 й.) “Қонунлар руҳи ҳақида” китобида ҳокимиятнинг бўлиниши принципини асослаб берган. Ўрта асрлардаги феодал тузумларнинг барҳам топиши ва янги даврнинг бошланиши билан “ҳокимиятнинг бўлиниши” принципи кўпгина давлатлар конституцияларининг асосий принципларидан бири деб эълон қилинди. Бу принцип биринчи марта буюк француз инқилобининг конституциявий ҳужжатларида ўз ифодасини топди.

Умуман, “ҳокимиятнинг бўлиниши” назариясига кўра, давлат ҳокимияти ягона, яхлит, бир бутун деб эмас, балки турли ҳокимият (қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ваколатларини амалга оширувчи ҳокимиятлар) функцияларининг йиғиндиси сифатида тушунилади. Бундай турли функцияларни амалга оширувчи ҳокимият органлари бири-биридан мустақил равишда ҳаракат қилишлари лозим. Лекин бу уч мустақил ҳокимият идоралари бир-бирига боғлиқ эмас, деган маънони билдирмайди. Аксинча, улар бири-бирини ўзаро тақозо этади, тўлдиради ва назорат қилади.

Ҳокимиятнинг бўлиниши принципи адолатли, демократик, ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. Бундай принцип муайян давлатда бирор

органнинг ёки алоҳида давлат раҳбарининг кучли диктатураси ўрнатилишининг олдини олади. Шунингдек, тегишли ҳокимият органларини амалга оширадиган давлат органларининг ваколатлари, вазифалари аниқ бўлишини таъминлайди, бир органнинг иккинчи орган ишларига аралашувига барҳам беради, бошқариш соҳасида чалкашликлар келиб чиқишига йўл қўймайди ва ҳоказо.

Мазкур принцип ҳокимият органларининг ўзаро келишиб, бир-бирини назорат қилиб, уйғунлашиб ишларига ҳам имконият яратади. Бу эса адолатли, демократик давлатга хос жиҳатдир.

Дарҳақиқат, ҳозирги замон жаҳон мамлакатларининг конституциявий тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳокимиятларнинг бўлиниш принципи, улар ушбу принцип расман ўрнатилган ёки ўрнатилмаганлигидан қатъи назар, барча чет эл конституциялари томонидан қабул қилинган. Чунинчи, мустақил Ўзбекистоннинг Конституциясида ҳам бу принцип 11-моддада баён қилинган.

Зеро, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти — давлатнинг учта асосий таянчидир”.⁸

Конституциянинг “Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши” деб номланган бўлимида учала ҳокимият органларининг ташкил этилиши, вазифалари, ваколатлари белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, уларнинг ўзаро фаолияти ва муносабатлари ҳақида қоидалар ҳам ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2005 йил 28 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасида устувор вазифа қилиб, “Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа бу қонунчилик ҳокимияти бўлиши мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқла-

⁸ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-ж. —Т.: «Ўзбекистон», 1996. 127-бет.

ри ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришишидан иборат”⁹, деб белгиланди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасига 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган Қонун билан ўзгартиш киритилиб, “Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди,” деб мустаҳкамлаб қўйилди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда халқ ҳокимиятчилигини амалга ошириш, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларининг олий қадрият сифатида қарор топтириш борасида ўтган йиллар мобайнида ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий-маданий соҳаларда қандай натижа ва ютуқларни қўлга киритган бўлсак, уларнинг барчаси Конституциямизда муҳрлаб қўйилган қоида ва принциплар билан узвий боғлиқ.

“Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун ва “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига)”ги Қонуннинг қабул қилиниши халқ ҳокимиятчилигини амалга оширишда янги босқични бошлаб берди. Халқ ҳокимиятчилигини амалга ошириш, уни янада демократлаштиришга қаратилган ислоҳотлар бундан кейин ҳам давом этади. Ислоҳотлар ва ўзгаришлар жараёни ҳеч қачон ниҳоя билмайди. Албатта, бирон-бир босқич яқунлашни мумкин, аммо ҳаётнинг ўзи янгидан-янги босқич ва вазифаларни ҳали олдимизга қўяверади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда собитқадам-

⁹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. —Т.: «Ўзбекистон», 2005. 36-бет.

лик билан амалга ошириладиган янгиланишларнинг, демократик ислохотларнинг ҳуқуқий замини бўлиб, халқ манфаати йўлида бундан кейин ҳам хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи ҳокимиятининг конституциявий асослари

“Қонун чиқарувчи ҳокимият” тушунчаси ва уни ташкил қилиш тартиби

Ўзбекистон мустақиллик йиллари давомида умуминсоний кадриятлар ва бой миллий анъаналар билан йўғрилган ўзига хос ривожланиш йўлини аниқлаб олди. Шу асосда давлат-ҳуқуқий амалиётда жаҳон парламентаризмининг бой тажрибасидан унумли фойдаланилиб, республика конституциявий тузумида халқ ҳокимиятчилиги, ҳокимиятларнинг бўлиниши принципларига мос давлат органлари тизими шакллантирилди.

Инсоният ҳуқуқий тафаккурининг маҳсули ҳисобланган ҳамда жамяятнинг умуммиллий вакиллик муассасаси сифатида дунёга келган парламент ўз тарихига эга, унинг илдизи XII-XIII асрлардаги инглиз парламенти ва испан кортесларига бориб тақалади. Парламент сўзининг луғавий маъноси француз тилидан олинган бўлиб, “гапирмоқ” маъносини англатади. Парламентаризм катта тараққиёт босқичини босиб ўтди, унинг чинакам тарихи буржуа инқилоблари давридан бошланади.

Эндиликда аксарият мамлакатлар парламент институтига эга. Ҳозир жаҳондаги 200 га яқин давлатнинг қарийб 177 тасида олий қонун чиқарувчи вакиллик органи — парламент бор.

Ҳозирги замон парламентлари ўз тузилиши, ваколатларининг ҳажми, ижтимоий таркиби, ўз мамлакатлари сиёсий тизимида тутган ўрни, сайланиш тартиби, мавқеи билан бир-биридан ажралиб туради. Улар номланиши, депутатлар сони билан ҳам фарқ қилади: АҚШда 535 депутатдан иборат Конгресс, Хитой Халқ Республи-

касидаги Умумхитой Халқ вакиллари мажлисида 2979 аъзо, Россияда 626 депутатдан иборат Федерал Мажлис, Мисрда 454 депутатли Халқ Ассамблеяси, Исроилда 120 аъзодан иборат Кнессет, Исландияда 63 аъзодан иборат Альтнингни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Жаҳон парламентларининг кўпчилиги бир палатали тузилишга эга. 65 та давлатда эса икки палатали олий вакиллик органлари мавжуд. Одатда, икки палатали парламентнинг палаталаридан бири кўпинча “қуйи палата” деб юритилади. (АҚШда — Вакиллар палатаси, Францияда — Миллат Мажлиси), бошқаси эса «юқори палата» деб аталиб, у давлатнинг таркибий қисм (худуд)ларининг манфаатларини ифодалайди. Парламентларнинг бундай тузилиши демократик анъаналар ҳамда федератив давлат тузилишига эга мамлакатларга хос. Шундай парламентлар АҚШ, ГФР, Бразилия, Франция, Буюк Британия, Япония ва бошқаларда фаолият юритмоқда.

Жамият манфаатларининг ифодачиси бўлиши парламентлар аҳолининг турли ижтимоий қатламлари гуруҳларининг вакилларида ташкил топади. Дунёдаги парламентлар рангбаранг, улар ўз мамлакатларида муҳим ижтимоий вазифа — қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Ўзбекистон Конституциясининг 10-моддасида давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи — халқ номидан факат у сайлаган республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб боришлиги қайд этилган.

Конституциянинг 11-моддасида айтилганидек, давлат ҳокимиятининг тизими — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципига асосланади. Унга кўра, давлат функциялари қонун чиқарувчи орган — Олий Мажлис, давлат ва ижроия ҳокимияти раҳбари — Ўзбекистон Республикаси Президенти ва суд ҳокимияти ўртасида тақсимланади.

Ҳокимиятлар тақсимланиши назариясида қонун чиқарувчи ҳокимият алоҳида ўрин тутади. Конституциямизда кучли қонун чиқарувчи ҳокимиятни ташкил этишга алоҳида эътибор берилган.

Конституциянинг 76-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан — Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ваколат муддати — беш йил.

Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг X сессияси (2002 йил 12 декабрь) “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида” ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий қонунларнинг қабул қилиниши билан икки палатали парламентни шакллантиришнинг асосий ҳуқуқий асосларини яратиш жараёни муҳим аҳамият касб этди.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонунга биноан Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қуйи палатасидир. Қонунчилик палатаси сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат. Қонунчилик палатасининг иши палата барча депутатларининг профессионал, доимий фаолият кўрсатишига асосланади¹⁰.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий қонуни. - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2002, № 12. 215-модда.

кишидан сайланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Конституция парламент депутатларининг ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиялилик асосида сайланишини муҳим конституциявий принцип сифатида мустаҳкамлайди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайловини ўтказувчи сайлов округлари Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида сайловчилар сонига қараб тенг ҳолда тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасида сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси бўлиши мумкинлиги таъкидланган. Депутатликка номзодларга қўйиладиган талаблар қонун билан белгиланади.

Айни бир шахс бир пайтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзоси бўлиши мумкин эмас, деб кўрсатилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланиш ҳуқуқига сайлов кунида 25 ёшга тўлган фуқаролар эга бўлиши мумкин. Ёш цензининг бундай белгиланиши шу билан изоҳланадиги, депутат озми-кўпми маълум ҳаёт тажрибасига эга бўлиши, ўзини давлат ва жамоат фаолиятида кўрсата олиши лозим. Бу масала бир қанча хорижий мамлакатларнинг Конституциялари ва қонунчилигида ҳам шундай ҳал этилган. АҚШ Конституциясида 25 ёшга тўлмаган шахс Конгресснинг Вакиллар палатасининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Япония парламентининг вакиллар палатасига 25 ёшга тўлмаган, маслаҳатчилар палатасига эса 30 ёшга тўлган фуқаролар пассив сайлов ҳуқуқидан фойдалана олишлари мумкин. Шунинг ҳам айтиш жоизки, жаҳон тажрибасида пассив сайлов ҳуқуқининг бундан ҳам юқори цензалари маълум.

2004 йил 26 декабрь ва 2005 йил 9 январда такрорий овоз бериш натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг барча 120 депутати сайланди ва рўйхатга олинди. Сайловда 489 депутатликка номзод, шу жумладан, сиёсий партиялардан 435 ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан мустақил номзодлар — 56 киши иштирок этди. 2004 йил 26 декабрдаги асосий сайловда 12197159 (85,1%) сайловчи, такрорий сайловда эса 5400000 дан ортиқ киши ёки такрорий овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқига эга сайловчиларнинг 80% қатнашди.

Сайловлар натижасида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сайловчиларнинг энг кўп овозини олди, бу партиядан депутатларнинг 34,3%, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан депутатларнинг 23,3% сайланди. Шунингдек, «Фидокорлар» партиясининг 11 аъзоси, «Адолат» партиясининг 10 аъзоси сайланди.

Қонунчилик палатасига номзоди қўйилган хотин-қизлар (жами 159 киши) кучли интилувчанлик ва юксак профессионализмни намоён этди. Натижада Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг 18%ни хотин-қизлар ташкил этди, бу эса 1999 йилда Олий Мажлисга бўлган сайловдагидан икки ярим баравар кўп.

Ташаббускор гуруҳлардан кўрсатилган 56 номзоддан 14 киши депутатликка сайланди, Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар орасида улар 11,6%ни ташкил этди.

Сайланган депутатларнинг 18,3% — юристлар, 21,7% — иқтисодчилар. Депутатларнинг 10% саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа соҳаси вакиллари, 7,5% қишлоқ хўжалиги вакиллари, 12,5% тадбиркорлар, 20% таълим,

фан, маданият ва соғлиқни сақлаш ходимлари, 16% но-
давлат нотижорат ташкилотлар вакиллари.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юқори
палатаси — Сенат эса ҳудудий субъектлар — Қорақал-
поғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар-
нинг ҳар биридан 6 тадан ҳамда Президент томонидан
тайинланадиган ўн олти нафар эл-юрт обрў-эътиборини
қозонган, кўзга кўринган кишилардан таркиб топади.

Ўзбекистон Парламентидаги Қонунчилик палатаси ва
Сенат ўртасидаги оқилона мувозанат конституциявий-
ҳуқуқий назарий ҳамда ҳуқуқ амалиёти асосига таянади.
Бу эса бозор иқтисодиётига ўтиш, эркинлаштирилган «Очиқ
демократик жамият» қуришнинг биринчи конституциявий
ҳуқуқий асоси ва кафолати бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг конституциявий ваколатлари

Мамлакатда парламентаризмнинг қарор топиши ва
ривожланишида, мустақил Ўзбекистон миллий давлат-
чилиги тараққиётида Ўзбекистон Республикаси Прези-
денти И.А.Каримовнинг роли бениҳоя катта. Олий Маж-
лис ташкил қилинган биринчи кундан оқ Юртбошимиз янги
типдаги парламент тузишга алоҳида эътибор берди, олий
қонун чиқарувчи орган мустақил Ўзбекистоннинг янги
давлатчилиги таркибида муносиб ўрин эгаллаши тўғри-
сида ғамхўрлик қилди. Олий Мажлис умумэътироф этил-
ган, тўғри маънода қонун чиқарувчи орган — парламент
бўлиб қолишига ва мақоми жиҳатидан ҳокимиятнинг бош-
қа тармоқлари билан тенглашиб, зарур конституциявий-
ҳуқуқий мувозанатни таъминлашига айнан Президентимиз
бевосита кўмаклашди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Ўзбе-
кистон Республикаси фуқаролари томонидан умумий, тенг,
тўғридан-тўғри сайлаш ҳуқуқи асосида яширин овоз бе-
риш йўли билан сайланиши туфайли қонун чиқарувчи

ҳокимият катта ваколатларга эга. Халқ ҳокимиятни сайлов асосида ўз вакилларига топширади ва ваколатли органларни давлат ҳокимиятини амалга оширишга вакил қилади. Бу ваколатли органлар давлат ҳокимияти механизмида бирламчи эканлиги, уларнинг устуворлиги ҳамда устунлиги тўғрисида фикр юритиш имконини беради.

Конституция ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги қонунда Қонунчилик палатасининг ваколатлари икки турга ажратилди. Булар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ҳамда Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатларидир.

Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг X сессиясида (2002 йил 12 декабрь) “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида” ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий қонунларнинг қабул қилиниши билан икки палатали парламентни шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси ва мазкур Конституциявий қонуннинг 8-моддасига биноан, Қонунчилик палатасининг Сенат билан биргаликдаги ваколатлари қуйидагича белгиланди:

1) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

2) Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

3) Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш;

4) Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;

5) Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти органларининг тизимини ва ваколатларини белгилаш;

6) Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат

тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш;

7) бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш;

8) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш;

9) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш;

10) Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, чегараларни ўзгартириш;

11) туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартириш;

12) давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш;

13) Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

14) Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш;

15) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

16) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ўринбосарини сайлаш;

17) Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш;

18) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

20) халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш;

21) Конституцияда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига кирадиган масалалар, қоида тариқасида, аввал Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатида кўриб чиқилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 79-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 9-моддасига биноан, Қонунчилик палатаси мутлақ ваколатларига:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;

2) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;

3) ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб-қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

4) сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек, давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш киради.

Қонунчилик палатасининг мутлақ ва Сенат билан биргаликдаги ваколатларини амалга ошириш тартиби “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги қонунла-

рининг алоҳида нормаларида мустаҳкамланган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 18-моддасида, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддасига кўра тартибга солинади.

Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини тегишли таклиф киритилганидан кейин олти ой ичида унинг кенг муҳокамасини инобатга олган ҳолда кўриб чиқиши мумкин.

Агар Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини қабул қилмаса, уни кўриб чиқиш бир йилдан кейин қайта бошланиши мумкин, деб белгиланган. Худди шу тартибда Асосий Қонуннинг 78-моддасидаги кейинги бандларининг амалдаги ифодаси Олий Мажлис палаталарининг Регламенти тўғрисидаги қонунларида мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш ваколати ва уни амалга ошириш тартиби Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисидаги қонуннинг 27-моддасида мустаҳкамланган. Унга кўра, Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш кераклиги тўғрисидаги материалларни ва масъул қўмитанинг хулосасини кўриб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилиши мумкин:

1) референдум тайинлаш ва уни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида;

2) референдумни ўтказиш тўғрисидаги ташаббусни рад этиш ҳақида;

3) референдум ўтказмасдан туриб, референдум ўтказиш тўғрисидаги ташаббусда таклиф қилинган қонун ёки қарорни қабул қилиш ҳақида.

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикасининг референдуми масаласи юзасидан қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Сенатга, шунингдек, референдум ўтказиш ташаббускорларига юборилади.

Агар Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисидаги ташаббусни рад этиш ҳақида қарор қабул қилса, айти шу мазмун ёки маънодаги таъриф билан референдум ўтказиш тўғрисидаги масала камида бир йилдан кейин Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун такроран киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш тартиби уларнинг регламентлари тўғрисидаги қонунларда тўғридан-тўғри белгиланмаган. Лекин бу масалалар “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ амалга оширилиши мумкин. Чунки Қонунчилик палатаси қонунлар қабул қилиниши талаб этилмайдиган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади.

Республика ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш тўғрисидаги қарор лойиҳаси Қонунчилик палатасига киритилаётганда унга қисқача тушунтириш хати ва бошқа зарур материаллар илова қилинади.

Қонунчилик палатаси Спикери Қонунчилик палатаси қарорининг лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун масъул қўмита ва муддат белгилайди.

Қонунчилик палатаси Кенгаши масъул қўмита вакилининг ахборотини эшитиб, қарор лойиҳасини Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига киритиш тўғрисида қарор қабул қилади ва маърузачини белгилайди.

Қонунчилик палатаси мажлисида масъул қўмита вакилининг ахбороти эшитилади ва муҳокама натижалари

юзасидан депутатлар умумий сонининг кўпчилиги овози билан Қонунчилик палатаси қарори қабул қилинади.

Агар овоз бериш якунларига кўра қарор лойиҳасини қабул қилиш тўғрисидаги таклиф зарур миқдорда овоз тўпламаган бўлса, таклиф рад этилган ҳисобланади.

Қабул қилинган қарор мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида, агарда баъзи масалалар учун қонунда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, Сенатга юборилади.

Айтиш лозимки, палаталарнинг нафақат бож, валюта ва кредит ишлари, балки солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалалари, чегараларини ўзгартириш, давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш, Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти органларининг тизимини ва ваколатларини белгилаш қонун йўли билан тартибга солинади. Юқорида кўриб чиққан имиздек, қонун билан тартибга солиш бу масалаларни самарали ҳал қилишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Палаталарнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш ваколатини амалга ошириш тартиби “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги Қонуннинг тўртинчи бобига тартибга солинган. Ушбу Қонуннинг 20-моддасига кўра, навбатдаги молия йили учун Давлат бюджети лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилнинг 15 октябрдан кечиктирмай Қонунчилик палатасига киритилади.

Давлат бюджети лойиҳаси масъул қўмигага берилди ва у томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилади.

Давлат бюджети лойиҳасига доир материаллар Қонунчилик палатаси депутатларига олдиндан, мазкур лойиҳа

Қонунчилик палатаси мажлисида кўриб чиқилгунга қадар юборилади.

Давлат бюджети лойиҳасини Қонунчилик палатасининг мажлисида муҳокама қилиш Ўзбекистон Республикаси молия вазири ёки унинг вазифасини бажарувчи шахснинг маърузаси билан бошланади.

Давлат бюджети лойиҳаси бўйича Қонунчилик палатасининг мулоҳазалари ва таклифлари уч кунлик муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн тўрт кун ичида Қонунчилик палатасининг мулоҳазалари ва таклифларини инобатга олган ҳолда Давлат бюджети лойиҳасини маромига етказди ва Давлат бюджетининг маромига етказилган лойиҳасини Қонунчилик палатасига юборади.

Давлат бюджетининг лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан жорий йилнинг 15 ноябридан кечиктирмай кўриб чиқилиши керак.

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган Давлат бюджети мазкур бюджет қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида кўриб чиқиш учун Сенатга юборилади.

Парламентнинг туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номи ҳамда чегараларини ўзгартириш ваколатини амалга ошириш тартиби “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги Қонуннинг 29-моддасида белгиланган. Унга кўра, Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг белгиланган тартибда киритилган таклифига биноан туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номи ва чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқади.

Туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номи ва чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масала рад этилган тақдирда, у Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун камида бир йилдан кейин қайта киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш палаталарнинг Ўзбекистон Республикаси ижро этувчи ҳокимият органларининг тизимини ва ваколатларини белгилаш имкониятидир. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддасига кўра, палата Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги ўзининг тасдиғига киритилган фармонлари юзасидан қарорлар қабул қилади. Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталарини ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш масаласи юзасидан қарорлари мазкур қарорлар қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Сенатга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади. Мисол учун, Қонунчилик палатаси Президентнинг фармонини тасдиқламаса, уни қайта кўриш механизми албатта ишлаб чиқилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бири-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш палаталарнинг ўта масъулиятли ваколатидир. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 26-моддасига кўра, Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун киритилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини ушбу фармон келиб тушган пайтдан эътиборан 48 соатдан кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман савфарбарлик эълон қилиш тўғрисидаги, фавқулодда ҳолат

жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ва тугатиш тўғрисидаги фармонларини эса улар келиб тушган пайдан эътиборан 72 соатдан кечиктирмай кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг уруш ҳолати, умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш тўғрисидаги, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ва тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш ҳақидаги масала Қонунчилик палатаси қўмиталарида дастлабки тарзда муҳокама қилинмасдан Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқилиши ҳам бу масалада оператив қарор қабул қилинишига хизмат қилади.

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг уруш ҳолати, умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш тўғрисидаги, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ва тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш масаласи юзасидан қарорлари дарҳол Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Палаталар Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, ижро этувчи ҳокимият устидан парламент назоратини таъминлашга хизмат қилади. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тасдиқлаш тўғрисидаги тақдимномаси Қонунчилик палатаси томонидан тақдимнома киритилган кундан эътиборан етти кун ичида кўриб чиқилади.

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири номзодини тасдиқлаш масаласи юзасидан қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Қонунчилик палатаси тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини уч марта рад этган тақ-

дирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни тайинлайди, Қонунчилик палатасини тарқатиб юборади ва янги сайлов тайинлайди.

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиши “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасида тартибга солинган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар тўғрисидаги таклифлар Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан киритилади.

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоларини сайлаш масаласи юзасидан қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Сенатга юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ўринбосарини сайлаши инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида катта аҳамиятга эга. Чунки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) мансабдор шахс бўлиб, унга давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатлари берилган.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги Қонуннинг 23-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили номзоди Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан киритилади.

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини сайлаш масаласи юзасидан қарори Сенатга юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларида кўриб чиқилганидан кейин ушбу масала юзасидан қабул қилинган узил-кесил қарор қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш ваколати Олий Мажлисининг давлатнинг ташқи сиёсатини белгилашдаги муҳим ваколатидир. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 28-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини ратификация қилиш, денонсация қилиш, тугатиш ёки унинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор лойиҳаси Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан шу шартнома расмий матнининг тасдиқланган нусхаси ва уни ратификация қилиш, денонсация қилиш, тугатиш ёки унинг амал қилишини тўхтатиб туриш мақсадга мувофиқлигининг асосларини ўз ичига олган ҳужжатлар билан биргаликда киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини ратификация қилиш, денонсация қилиш, тугатиш ёки унинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қарор Сенатга юборилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини ратификация қилиш, денонсация қилиш, тугатиш ёки унинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор лойиҳаси Қонунчилик палатаси депутатларининг зарур овозлари сонини тўпламаган бўлса ва шу мажлис жараёнида мазкур қарор лойиҳасини Қонунчилик палатасининг қайта кўриб чиқиши учун киритиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилинмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси ратификация қилиш, денонсация қилиш, тугатиш ёки унинг амал қилишини тўхтатиб туриш таомилдан ўтмаган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 79-моддасида Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари қуйидагича белгиланди:

1) Қонунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;

2) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Қонунчилик палатаси депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;

3) регламентни ҳамда ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб-қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан бошқа қарорларни қабул қилиш;

4) сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан Қонунчилик палатасининг қарорларини қабул қилиш.

Спикер ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини Қонунчилик палатасининг мутлақ ўзи сайлаши унинг мустақил ҳокимият органи сифатидаги фаолиятининг кафолатларидан бири. Ўзбекистонда Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарларини сайлашнинг ўзига хос тартиби ишлаб чиқилди. Марказий сайлов комиссияси раиси бошчилигидаги депутатлардан шакллантириладиган Оқсоқоллар Кенгаши палата Спикери ва унинг ўринбосарларининг сайловини объектив ўтказилишини таъминлайди.

“Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Конституциявий қонунда юқори палатанинг асосий вазифаси Сенатнинг ҳудудий вакиллик палатаси сифатида таърифланиши орқали ифодаланган.

Варқарорлик ва назорат омили сифатида консерватив элемент муайян нормаларда ўз ифодасини топди. Биринчидан, Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажри-

бага эга бўлган ва алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланиши акс этди. Иккинчидан, қонунни қабул қилиш тартибида акс этган бўлиб, унга кўра, Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонунни Сенат кўриб чиқади ҳамда уни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Сенат томонидан рад этилган ва Қонунчилик палатасига қайтарилган қонун, агар қуйи палата депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан шу қонунни яна маъқулласа, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилиниши мумкин. Шунингдек, консерватив элементнинг демократиклиги юзага келган келишмовчиликларни келишув комиссияларини тузиш орқали бар тараф этиш тартибида акс этган.

«Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида (78,80-моддалар) ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунида (8, 9-моддалар) Сенатнинг асосий вазифалари мутлақ ваколатларида ва Қонунчилик палатаси билан биргаликда тасарруфига кирувчи ваколатларида акс эттирилган.

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, мутлақ ваколатлар жумласига, биринчидан, Сенатнинг ички ишини ташкил этиш (масалан, Раисни, унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш; палата фаолиятини ташкил этиш ва ички тартибқоидалари) масалалари киритилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан: Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини, Ўзбекистон Республикаси Олий судини, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судини сайлаш ҳақида бормоқда. Ана шу ваколатлар жумласига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимларидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини

тасдиқлашни ҳам киритиш керак. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Сенат Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг раисини ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раисини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлашни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этишни киритиш мумкин. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш Сенатга берилган янги парламент ваколоти ҳисобланади.

Суд ва ижро этувчи ҳокимият органларининг олий мансабдор шахсларини сайлаш, тайинлаш ва лавозимидан озод этиш масалалари бўйича ваколатларнинг ўзига хослиги шундаки, улар вакиллик ҳокимиятини амалга ошириш нуқтаи назаридан ҳам, ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширишда қатнашиш жиҳатидан ҳам сиёсий хусусиятга эга. Президентнинг тақдимига биноан сайлайдиган ва ҳал қиладиган ёки Президентнинг кадрларга оид қарорларини мустаҳкамлайдиган орган ҳуқуқида иштирок этар экан, Сенат шу аснода мазкур қарорлар бўйича Президент билан масъулиятни бўлишади, айниқса, Сенат ўзи сайлаш ва тайинлашда бевосита иштирок этадиган мансабдор шахсларга нисбатан назорат қилишга оид вазифалар амалга оширилишига кўмаклашади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раисига тааллуқли бўлиб, улар Конституцияга мувофиқ Сенат олдида ҳисобот берадилар.

Мазкур ҳолат «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг ҳудудий белгига кўра ҳамда сиёсий ва бошқа асосда гуруҳлар тузилишини истисно этадиган норма билан мустаҳкамланади. Қонунлар лойиҳалари ва қуйи палатанинг бошқа қарорларида ўз аксини топадиган партиявий ҳамда бошқа гуруҳларнинг сиёсий манфаатлари уларнинг минтақавий ва умумдавлат манфаатларига мувофиқлиги жиҳатидан саралашдан ўтказилади. Умумдавлат манфаатлари ва ҳудудларнинг манфаатларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик ва вакиллик ишида акс эттириш билан боғлиқ бошқа вазифаларни Сенат Қонунчилик палатаси билан ҳамкорликда бажаради.

Палаталарнинг биргаликдаги тасарруфига киритилган ваколатлар, аслини олганда, парламентнинг қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи ягона олий давлат вакиллик органи сифатидаги асосий вазифасини акс эттиради. Булар иккала палатанинг тегишли тартиб-таомиллар асосида ўзаро мувофиқлаштирилиб келишилган қарори талаб қилинадиган масаладир. Мазкур тартиб-таомиллар (палаталарни шакллантиришнинг турли усуллари билан бир қаторда) икки палатали тизимга нисбатан уюштирувчи элементлар ҳисобланади ва бу тизим уларсиз ўз бажарадиган мазмунини йўқотади. Мазкур тартиб-таомиллар ёрдамида қуйидаги масалалар ҳал этилиб, уларни тўрт гуруҳга бўлиш мумкин: 1) қонунчиликка оид; 2) вакилликка оид; 3) назоратга оид; 4) маъмурий-ҳудудий тузилишга оид. Бундай бўлиш шартлидир ва у тегишли ваколатларни анча қулай — тартибли тасаввур этиш учун хизмат қилади. Биринчи гуруҳни Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш; Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш; халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш ташкил этади. Охириги ваколат назорат қилиш хусусиятига ҳам эга. Яна шуни таъ-

кидлаш керакки, палаталарнинг биргаликдаги тасарруфидаги соҳалар бўйича қатор қарорлари қонун воситасида амалга оширилади. Шу сабабли ваколатларнинг қолган тоифалари уларнинг амалга оширилиши мақсадлари асосида фарқланади. Жумладан, иккинчи гуруҳни вакиллик вазифалари билан боғлиқ ва ижтимоий-иқтисодий ёки сиёсий аҳамиятга молик ваколатлар ташкил этади. Гап Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш; Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат, стратегик дастурларини қабул қилиш тўғрисида бормоқда. Бу, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти органларининг тизимини ва ваколатларини белгилаш; бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш; солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш; давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш; Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузишдан иборат.

Ваколатларнинг учинчи гуруҳи парламентнинг вакиллик вазифалари жумласига киритилиши ва Президентнинг сиёсий қарорлари қабул қилинишида иштирокчи сифатида таърифланиши мумкин. Мазкур ваколатлар жумласига: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ўринбосарини сайлаш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш; Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг

ҳисоботини кўриб чиқиш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлашни киритиш мумкин.

Ниҳоят, ваколатларнинг тўртинчи гуруҳи, булар: Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш; Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, чегараларини ўзгартириш; туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартириш.

Палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига кирадиган масалалар асосан аввал Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатида кўриб чиқилиши керак. Мазкур қоида Сенатнинг Қонунчилик палатаси қарорларини тасдиқлаш йўлини тийиб туриш, мувозанатни сақлаш, шу тариқа, бутун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолиятининг самарадорлигини оширишга даъват этилган орган сифатидаги мавқеини мустаҳкамлайди. Мувофиқ равишда юқори палатанинг фаолияти пировард натижада ҳокимият бўлиниши тизимида қонунчилик ҳокимиятининг ролини кучайтиришга ва аҳолининг сиёсий фаоллигини оширишга кўмаклашмоғи лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Бугунги кунда ҳокимият тузилмаларини ташкил этиш ва мувозанатни сақлашнинг янги, янада мукамал демократик тизимини шакллантириш бўйича кўрилаётган чоралар, Конституциямизга кирити-

Каримов

лаётган ўзгартириш ва қўшимчалар жамият сиёсий ҳаёти-ни фаоллаштириш, фуқароларимизда ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан ўзлигини англаш туйғусининг кучайиши учун жиддий омил бўлмоғи керак».¹¹

Демак, юқори палатани ташкил этиш гоёсига, аввало, бутун парламент фаолияти самарадорлигини оширишнинг, биринчи навбатда, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш манфаатларига жавоб берадиган мақсад асос қилиб олинган.

Сенат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси вазифалари қаторига ҳудудий вакиллик вазифалари, ўзаро назорат ва тийиб туриш элементлари, илгари Президентга тегишли бўлган ва ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан тегишли назоратни амалга ошириш имкониятини берадиган айрим сиёсий ваколатлар қўшилади.

Юқори палатага қонунчилик йўли билан бериб қўйилган ваколатлар парламентаризмнинг демократик моҳиятини акс эттиради ҳамда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти институционал негизини ривожлантиришдаги янги босқични ифодалайди. Бу парламентнинг қонунчиликка оид ва бошқа қарорларини мушоҳада қилишнинг партиявийликдан, гуруҳларга мансубликдан холи шаклда ифодаланган демократизмнинг юксак мезонидир.

Конституция ва конституциявий қонунларда палаталар ваколатлари шакллантирилиши ҳамда фаолиятининг энг муҳим принциплари ва нормалари тўла-тўқис мустақамлаб қўйилади.

¹¹ Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-ж. -Т.: «Ўзбекистон», 2003. 224-бет.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси фаолиятининг ташкилий- ҳуқуқий масалалари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг биринчи қўшма мажлисида Юртбошимиз И.А.Каримов “Бизнинг бош мақсадимиз сифатида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш ва ислоҳ этиш” маърузасида давлатнинг кейинги стратегик йўналишларини депутатлар ва Сенаторлар эътиборига тақдим этди. Маърузада қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратди.

Дарҳақиқат, қонун чиқарувчи орган давлат механизмида асосий ўрин тутади. Бунинг сабаби шундаки, у ижро этувчи ҳокимият амалга ошириши лозим бўлган ва суд ҳокимиятининг фаолияти учун қонунчилик асоси бўлиб хизмат қиладиган умуммажбурий талабларни ўрнатади. Шунингдек, Олий Мажлис назорат-таҳлил, парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш, фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича фаолият олиб боради.

Демократик ислохотларни чуқурлаштириш Қонунчилик палатаси ишини тўғри ташкил этиш масалалари билан бевосита боғлиқ. Қонунчилик палатаси ваколатларининг самарали бажарилиши уларнинг фаолиятини тўғри ташкил этилишини тақозо этади.

Қонунчилик палатаси ишини ташкил қилишнинг муҳим жиҳатларидан бири депутатлар ўртасида вазифаларнинг тўғри тақсимланишидир. Одатга кўра, бошқа давлатларда ҳам вазифалар қуйи палата таркибидаги раҳбар шахслар ва девон ходимлари борлигини назарда тутган ҳолда тақсимланади. Палатанинг юқоридаги таркиби чет давлатлар тажрибасига хос бўлиб, унинг ишини унумли ташкил этишда раиснинг роли муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери:

- Қонунчилик палатаси ва унинг Кенгаши мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади;

- Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади;

- Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонунларни маъқуллаш учун Сенатга юборади;

- Қонунчилик палатаси қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

- Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Қонунчилик палатаси ҳужжатларининг ижроси устидан назоратни ташкил этади;

- Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

- парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ҳамда халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ Қонунчилик палатаси гуруҳларининг фаолиятига раҳбарлик қилади;

- Қонунчилик палатаси матбуот органларининг уставларини ва таҳрир ҳайъатлари таркибини ҳамда уларнинг ишлаши учун зарур харажатлар сметаларини тасдиқлайди;

- Кенгаш билан келишилган ҳолда Қонунчилик палатаси матбуот органларининг бош муҳаррирларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади;

- Қонунчилик палатаси матбуот органларининг фаолиятига раҳбарликни амалга оширади;

- Сенат, бошқа давлат органлари, чет давлатлар, халқаро ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда Қонунчилик палатаси номидан иш кўради;

- Қонунчилик палатаси ва унинг Кенгаши қарорларини имзолайди;

- Қонунчилик палатаси девони фаолиятига раҳбарликни амалга оширади, депутатлар ва Қонунчилик палатаси девони ишлаши учун зарур харажатлар сметаларини тасдиқлайди ва ҳ.к.

Қонунчилик палатаси Спикери ўзининг ваколатига тааллуқли масалаларни Кенгаш муҳокамасига киритиш-

га ҳақли. Қонунчилик палатаси Спикери ваколатларининг кўплиги унинг ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тўғри тақсимлашни тақозо қилади.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари Қонунчилик палатаси Спикерининг топшириғига биноан унинг айрим вазифаларини бажаради ва Қонунчилик палатаси Спикери йўқлигида ёки ўз вазифаларини амалга ошириши мумкин бўлмаган ҳолларда унинг вазифасини бажариб туради, деган қоида мустаҳкамланган. Умуман, Қонунчилик палатаси, унинг органлари ва депутатларининг вазифаларни бажариш Қонунчилик палатаси девони ходимлари томонидан қатор тadbирларни амалга оширишни тақозо қилади.

Қонунчилик палатаси фаолиятини ташкил этишда унинг девонининг ўрни катта. Чунки Қонунчилик палатаси, унинг органлари ва депутатлар фаолиятининг ташкилий, ахборот, моддий-техника таъминотини Қонунчилик палатаси девони амалга оширади. Қонунчилик палатасининг девони палата раҳбарияти ҳузурдаги ноотибиятни, қўмиталар билан ишлаш, юридик, назорат-ахборот, халқаро алоқалар, матбуот ва таржималар, умумий бўлим ва бухгалтерияни ўз ичига олади.

Қонунчилик палатасининг девони бўлимлар, шунингдек, қўмиталар билан ишлаш, юридик хулоса бериш, назорат-ахборот, халқаро алоқаларни йўлга қўйиш, ташкилий ва ахборот вазифаларини амалга оширади. Парламент ишини ташкил этишнинг Ўзбекистон ва хорижий давлатлар тажрибасидан маълумки, парламент девони ишини тўғри ташкил этиш унинг вазифаларини самарали амалга оширишнинг кафолатидир. Парламент аппарати ходимлари мансаб инструкцияларини ишлаб чиқиш бу борадаги долзарб вазифалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятининг асосий шакли унинг мажлисларидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи мажлислари тегишинча Қонун-

чилик палатасига сайловдан кейин икки ойдан кечиктирмай ва Сенат таркиб топганидан кейин бир ойдан кечиктирмай Марказий сайлов комиссияси томонидан чақирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси мажлислари сессиялар даврида ўтказилади. Сессиялар, қоида тариқасида, сентябрнинг биринчи иш кунидан бошлаб келгуси йилнинг июнь ойи охиригача иш кунига қадар ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлислари, агар улар ишида барча депутатлар умумий сонининг камида ярми иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Конституциявий қонунларни қабул қилишда барча депутатлар умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси мажлисларида, шунингдек, уларнинг органлари мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Бош вазир, Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, Республика Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик суди раислари, Бош прокурори, Марказий банк бошқарувининг раиси иштирок этишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва унинг органлари мажлисларида Сенат Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва унинг органлари мажлисларида Қонунчилик палатаси Спикери иштирок этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати алоҳида-алоҳида мажлис ўтказиши. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлислари Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёд қилганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан нутқ сўзлаганда, чет давлат-

ларнинг раҳбарлари нутқ сўзлаганда ўтказилади. Палаталарнинг келишувига биноан қўшма мажлислар бошқа масалалар юзасидан ҳам ўтказилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қарорлари Қонунчилик палатаси депутатлари ёки Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Шунинг учун депутатларни мажлисларда мунтазам ва самарали иштирокини таъминлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Zero, Қонунчилик палатаси коллегиял орган бўлиб, унинг ваколатларига доир масалалар депутатларнинг биргаликдаги муҳокамаси унинг фаолияти асосий принципларидан бири ҳисобланади.

Қонунчилик палатаси мажлисларидаги масалалар бўйича овоз бериш шакл ва услубларини белгилаш катта аҳамиятга эга. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасига кўра, Қонунчилик палатасининг қарорлари унинг мажлисларида очиқ ёки яширин овоз бериш орқали қабул қилинади. Очиқ овоз бериш номма-ном, овозларни ҳисоблашнинг электрон тизимидан фойдаланган ҳолда ёки яширин овоз бериш бюллетенларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Қоида тариқасида, Қонунчилик палатаси мажлисида овозларни ҳисоблашнинг электрон тизимидан фойдаланилиши устидан назоратни Қонунчилик палатаси депутатларидан иборат гуруҳ амалга оширади.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддасига кўра, Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда палата томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун Қонунчилик палатасининг ваколатла-

ри муддатига Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан раис, унинг ўринбосари ва аъзолардан иборат таркибда кўмиталар сайланади.

Миллий қонунчилигимизда бу вазифаларни амалга ошириш учун кўмиталар ташкил қилинса, бир қанча хорижий мамлакатларда (Япония, Франция, Италия) бу вазифалар комиссиялар томонидан амалга оширилади¹².

Кўмита раиси, унинг ўринбосари ва кўмита аъзолари лавозимлари депутатларнинг қайси партия ёки гуруҳга мансублигини ҳамда сайловда сайловчиларнинг қанча овозини олганлигини инобатга олган ҳолда яхлит (умумий) қарор билан белгиланади.

“Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги қонун 7-моддаси учинчи қисмига кўра, Қонунчилик палатасида регламент; бюджет, банк ва молия масалалари; иқтисодий масалалар ва тадбиркорлик; қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари; меҳнат ва ижтимоий масалалар; муҳофаа ва хавфсизлик масалалари; халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмиталари тузилиши шарт. Қонунчилик палатасида бошқа кўмиталар ҳам тузилиши мумкинлиги кўрсатилиб, уларнинг умумий сони, қоида тариқасида, ўнтадан ошмаслиги кераклиги мустаҳкамланган.

Мазкур қоидага асосан Қонунчилик палатасида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари, Меҳнат ва ижтимоий масалалар, Муҳофаа ва хавфсизлик масалалари, Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар, Саноат, қурилиш ва савдо масалалари, Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмиталари тузилган¹³.

¹² Конституции зарубежных государств. Учебное пособие. Москва: “Бек”, стр.50-55, 60-61.

¹³ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг кўмиталари тўғрисида”ги 2005 йил 27 январдаги 14-1-сонли қарори.

Шунингдек, Қонунчилик палатасида Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси тузилган. Қонунчилик палатаси муайян вазифаларни бажариш учун комиссиялар тузиши мумкинлиги мустаҳкамланган.

Парламентлардаги қўмиталар сони, номи ва ваколатларини белгилашда уларнинг фаолияти давлат сиёсатининг барча жабҳаларини қамраб олишидан келиб чиқилади. Бундай ёндашув натижасида хорижий давлатлар парламентлари қўмита ва комиссияларининг сони салмоқли бўлади. Мисол учун, “Япония Парламенти тўғрисида”ги Қонуннинг 42-моддасига кўра, Маслаҳатчилар палатасида адлия, ташқи сиёсат, молия, маориф, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий маъмурият, ижтимоий муаммолар, меҳнат, қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва сув хўжалиги, савдо ва саноат, алоқа, транспорт, қурилиш, шунингдек, бюджет, тафтиш, интизомий ва парламентда ишни ташкил этиш масалалари бўйича комиссиялар тузилади. АҚШ Конгрессида палаталарнинг (солиққа тортиш, иқтисод, Конгресс кутубхонаси, нашрлар бўйича) 4 та умумий ва ҳар бирининг таркибида (Сенатда — 16 та, Вакиллар палатасида — 22 та) кўплаб қўмиталар тузилган.

Италия, Франция ва бошқа давлатларнинг парламентларида ҳам турли комиссиялар тузилган. Бироқ, комиссияларнинг сони қанчалик кўп бўлмасин, улар давлат томонидан тартибга солиниши лозим бўлган ижтимоий муносабатларни қамраб ололмайди. Шунинг учун комиссияларнинг номи уларнинг фаолият соҳаларидан кенгроқ бўлиши мумкин. Мисол учун, қурилиш бўйича комиссиялар нафақат қурилиш, балки ердан фойдаланишни режалаштириш, картография, топография масалалари билан ҳам шугулланади¹⁴.

Ўз зиммасига юкланган вазифаларни самарали бажариши учун Ўзбекистон қонунчилигида қўмиталарга кенг ваколатлар берилган. “Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-

¹⁴ Конституционное (государственное) право зарубежных стран. -М., 1996, “Бек”. 1 – 2. С. 436.

лиси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддасига кўра, Қонунчилик палатаси кўмиталари:

- ўз ташаббуси билан ёки Қонунчилик палатасининг топшириғига биноан Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ҳамда ўзининг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан Қонунчилик палатаси бошқа қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқади;

- қонун лойиҳаларининг дастлабки тарзда кўриб чиқилишини ва уларни Қонунчилик палатасида кўриб чиқишга тайёрлашни амалга оширади;

- қонунларнинг лойиҳалари юзасидан хулосалар беради, қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасининг мажлиси кун тартибига киритиш, унинг устида ишлашни давом эттириш ёки асослантирилган ҳолда уни рад этиш тўғрисида Кенгашга таклифлар киритади;

- Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети лойиҳаси юзасидан хулосалар ва таклифлар беради;

- Қонунчилик палатасининг топшириғига ёки палата Кенгашининг тавсиясига биноан муайян қонун лойиҳаси ёки палата ваколатларига кирадиган бошқа масала юзасидан масъул бўлади;

- киритилган қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлари тузади, уларнинг таркибига давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг, илмий муассасаларнинг вакилларини, мутахассислар ва олимларни, хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларини жалб этади;

- қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари вакилларининг улар томонидан киритилган қонун лойиҳасига тааллуқли масалалар юзасидан фикрларини эшитади;

- киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинаётган қарорлар матнига ўзгартиш ёки қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

- давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан ҳужжатларни, эксперт хулосалари,

статистика маълумотлари ва бошқа маълумотларни та-
лаб қилиб олади;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбар-
ларининг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, бошқа
қонун ҳужжатлари ҳамда қўмиталарнинг қарорлари улар
томонидан қандай бажарилаётгани ҳақидаги ахборотла-
рини эшитади. Ривожланган давлатлар тажрибасидан аён
бўладикки, ушбу ваколатларни амалга ошириш жараё-
нида парламент қўмиталари қонунчилик, назорат ва ах-
борот тўплаш функцияларини амалга оширади.

Ўзбекистонда қонун матни кўриб чиқиш учун қўми-
тага берилганидан сўнг, у ўз таркибидан маърузачини тайин-
лайди. Маърузачи ушбу қонуннинг моҳиятини кўриб чи-
қувчи қўми-та мажлисида маслаҳат овози билан қатнаши-
ши ва қўми-та томонидан киритилган тузатишларни қимоя
қилиши мумкин. Тайинланиши биланоқ маърузачи матн
устида ишлашни бошлайди. Унга палата девонининг хо-
димлари ёрдам кўрсатади. У матн муаллифлари, шунинг-
дек, лозим деб топган бошқа мансабдор ва жисмоний шахс-
ларни эшитади. Булар давлат мансабдор шахслари, хусу-
сий сектор, касаба ва бошқа жамоат ташкилотлари ва-
киллари бўлишлари мумкин. Зарур бўлган барча ахбо-
ротларни тўплаб, қонун матнининг ҳар бир моддасини таҳ-
лил қилиб, маърузачи ўз фикрини тақдим қилади, шун-
дан кейин масала қўми-та кун тартибига қўйилади.

Умумий муҳокамани бошлашдан олдин, одатда, қўми-
та мажлисида манфаатдор шахс ўз фикрини баён қилади ва
депутатлар саволларига жавоб беради. Кейин маъруза-
чининг нутқи ҳар бир аъзо ўз фикрини баён қилиши мум-
кин бўлган умумий муҳокамани очиб беради. Муҳокама-
дан сўнг доимий қўми-та матнни моддама-модда ўрганиш-
га ўтади. У маърузачи ва доимий комиссиянинг бошқа
аъзолари томонидан билдирилган таклифлар бўйича қарор
қабул қилади. Яқунда матн овозга қўйилади ва қўми-та
қарори қабул қилинади.

Қонунчилик палатаси депутатлари сиёсий, профес-
сионал ва бошқа асосда фракциялар ҳамда депутатлар

гуруҳлари шаклида депутатлар бирлашмаларини тузиши мумкин.

Демак, мамлакатимиз парламенти фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатларига мувофиқ, депутатлар бирлашмаларининг икки шакли — фракциялар ва депутатлар гуруҳлари мавжуд.

Фракция сиёсий партиядан кўрсатиладиган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир. Депутатлар гуруҳларини Қонунчилик палатаси таркибига сайланган, сиёсий партиядан кўрсатилмаган депутатлар тузиши мумкин.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ, Қонунчилик палатасининг камида 9 нафар депутати фракция ёки депутатлар гуруҳини тузиш ҳуқуқига эга. Қонунчилик палатасининг депутати фақат бир фракция ёки депутатлар гуруҳининг аъзоси бўлиши мумкин. Лекин, бундан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳар бири фракция ёки депутатлар гуруҳи аъзоси бўлиши лозим, деб хулоса қилиш керак эмас. Бинобарин, сайланган депутат ҳеч бир фракция ёхуд депутатлар гуруҳига кирмасликка ҳам ҳақли.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги қонуннинг 24-моддасига биноан Қонунчилик палатасида бугунги кунга қадар бешта сиёсий партия фракциялари тузилди. Булар Ўзбекистон Либерал-демократик партияси — 40 кишидан иборат¹⁵, Ўзбекистон Халқ демократик партияси — 27 кишидан иборат¹⁶, Фидокорлар миллий-демократик партияси —

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Либерал-демократик партиядан сайланган депутатлар фракциясини рўйхатга олиш тўғрисида”ги 2005 йил 27 январдаги 9-1-сонли қарори.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Халқ-демократик партиядан сайланган депутатлар фракциясини рўйхатга олиш тўғрисида”ги 2005 йил 27 январдаги 10-1-сонли қарори.

18 кишидан иборат¹⁷, Миллий тикланиш партияси — 11 кишидан иборат¹⁸, «Адолат» социал демократик партияси — 10 кишидан иборат¹⁹ фракцияларидир.

Қонунчилигимизнинг эътиборга лойиқ жиҳатларидан яна бири шуки, Қонунчилик палатасидаги депутатлар гуруҳларининг ваколатлари доираси сиёсий партиялар фракциялари ваколатлари доирасига тенглаштирилди. Айни чоғда, уларнинг фракциялар билан бир қаторда ва улар билан тенг равишда иш юрита олишининг ҳуқуқий асослари мустақамланди. Булар, хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 25-моддасида муфассал ифодасини топди. Унга кўра, фракция ва депутатлар гуруҳи:

1) Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ва моҳияти юзасидан таклифлар ҳамда фикр-мулоҳазалар киритади;

2) Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилинаётган ҳар бир масала юзасидан музокараларда фракция, депутатлар гуруҳи вакилига кафолатланган тарзда сўз берилиши ҳуқуқидан фойдаланади;

3) келишув комиссияси ва бошқа комиссиялар тузиш тўғрисида масала қўяди;

4) Қонунчилик палатаси мажлисида давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг тасарруфига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан мурожаат этади;

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига Фидокорлар миллий-демократик партиядан сайланган депутатлар фракциясини рўйхатга олиш тўғрисида”ги 2005 йил 27 январдаги 11-1-сонли қарори.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига “Миллий тикланиш” партиядан сайланган депутатлар фракциясини рўйхатга олиш тўғрисида”ги 2005 йил 27 январдаги 12-1-сонли қарори.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига “Адолат” социал-демократик партиядан сайланган депутатлар фракциясини рўйхатга олиш тўғрисида”ги 2005 йил 27 январдаги 13-1-сонли қарори.

5) Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилинаётган масала юзасидан фракциянинг, депутатлар гуруҳининг фикрини Қонунчилик палатаси депутатлари ўртасида тарқатади;

6) палатанинг Кенгаши, қўмиталари ва комиссиялари ишида иштирок этади;

7) Қонунчилик палатасида муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари ва бошқа қарорларнинг лойиҳалари юзасидан ўз таклифларини киритади;

8) ҳукумат аъзоларини уларнинг фаолияти масалалари юзасидан эшитиш тўғрисида масала қўяди;

9) фракциянинг, депутатлар гуруҳининг фаолияти учун зарур материаллар ва ҳужжатларни давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларидан талаб қилиб олади;

10) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Қўмита раиси, унинг ўринбосари ва қўмита аъзолари лавозимлари депутатларнинг қайси партияга ёки гуруҳга мансублигини ҳамда сайловда сайловчиларнинг қанча овозини олганлигини инобатга олган ҳолда умумий қарори билан белгиланади.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси — Меҳнат ва ижтимоий масалалар, Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар, Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмиталари; Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси — Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари, Саноат, қурилиш, ва савдо масалалари қўмиталари; “Фидокорлар” миллий-демократик партияси — Мудофаа ва хавфсизлик масалалари, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмиталари; “Миллий тикланиш” партияси фракцияси — Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари; “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси — Бюджет ва иқтисодий ислохотлар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари учун — демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқа-

роларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталари раислари лавозими тақсимланди²⁰.

Парламент ишчи органларини шакллантириш ва таркибини белгилашда партиялар иштирокини таъминлаш уларнинг фаолиятини ташкил этишда муҳим ўрин тутди. Мисол учун, Франция куйи палатаси регламенти билан доимий комиссиялар аъзоларининг сони турлича белгиланган. Маданият, оила ва ижтимоий муаммолар ҳамда ишлаб чиқариш ва айирбошлаш бўйича комиссияларда Миллий Мажлис таркибининг тўртдан бири, яъни 145 та депутат, қолган тўрттасида эса унинг саккиздан бир қисми фаолият юритиши мумкин. Одатда, уларнинг таркибини сиёсий партиялар белгилаб, парламентдаги аъзоларининг тўртдан бирини иккита комиссияга, қолганларини бошқа комиссияларга тенг тақсимлашади. Яъни, парламент сиёсий партиялар гуруҳларининг раҳбарлари куйи палата раисига ўз номзодларини тақдим қилишади. Депутатларнинг исми-шарифлари «Journal Officiel»да нашр қилиниши билан улар тайинланган деб ҳисобланади. Ушбу қоида ҳар бир сиёсий партия, яъни турли ижтимоий табақалар манфаатларини рўёбга чиқариш учун қулай шароит яратади. Бундай йўл билан шаклланган комиссияларда иш жадал олиб борилади.

Шунингдек, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракцияси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

-Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибини тузишда иштирок этиш;

-Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича музокараларда фракция вакилига кафолатланган сўз берилиши;

-тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикерига ва Ўзбе-

²⁰ Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг қўмиталари тўғрисида"ги 2005 йил 27 январдаги 14-1-сонли қарори.

кистон Республикаси Ҳукуматига, вазирларга, шунингдек, бошқа давлат органларининг раҳбарларига сўров билан муурожаат этиш;

- Қонунчилик палатасининг қўмиталари ва комиссиялари раислигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш;

- Қонунчилик палатасининг мажлисида муҳокама қилинаётган масала бўйича фракция фикрини депутатлар орасида тарқатиш;

- Қонунчилик палатаси депутатлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

Сиёсий партия фракциясининг раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши таркибига киради.

Фракцияларнинг фаолиятига ташкилий, техникавий жиҳатдан ва бошқа хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг девони томонидан таъминланади.

Фракция ва депутатлар гуруҳи ўз ташаббуси билан, Қонунчилик палатасининг ваколат муддати тугаганда, улар таркибига кирувчи депутатлар сони уларни тузиш учун зарур бўлган миқдор чегарасидан камайиб кетганда тугатилиши мумкин.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг устувор

**йўналишлари: инсон ҳуқуқ ва эркинликлари
ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш**

Истиқлолга эришгач, мамлакатимизда мустақил миллий давлатчилигимизнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий пойдевори барпо этилди. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзига хос ва мос ўринни эгаллади, фуқароларимизнинг дунёқарашларида катта ижобий ўзгаришлар содир бўлди, ҳар бир инсонга ўз қобилият ва имкониятларини тўла ҳамда эркин рўёбга чиқариши учун зарур шарт-шароит, имкониятларнинг барқарор кафолати яратилди.

Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида, хусусан, суд-ҳуқуқ соҳасида эришилган ва эришилаётган ютуқлар, умуман, бугунги ҳаётимизда рўй берётган улкан янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнини кўз олдимизга келтирар эканмиз, буларнинг барчаси мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан белгилаб берилган, чуқур, ҳар томонлама ва пухта ўйланган, ўзимизга хос ва мос миллий тараққиёт модели ҳамда унинг асосида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг самарасидир, деб қайд этишимиз учун бугун барча асослар мавжуд.

Ҳуқуқий доктринамиз мутлақо янгича, миллий қадриятларимиз, менталитетимизга уйғунлашган демократик тамойилларга асосланди. У, энг аввало, Ўзбекистон Конституцияси талабларига кўра, инсон ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлади.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муҳим ўрин тутди.

Конституциямизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги қоидаси, инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият эканлиги, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланишга бўлган ҳуқуқлари, одил судлов тамойиллари, суд давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи эканлиги, судларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунуши, айбсизлик презумпцияси каби қатор фундаментал, халқаро умумэътироф этилган қоида ва нормалар тўла ўз аксини топган.

Шунга кўра, Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган *суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг мақсади* — инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг демократик инсонпарвар

ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишдаги ролини кучайтиришдан иборат.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг вазифалари эса қуйидагилардан иборат:

- инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, уларни асосиз жиноий таъқиб ва хусусий ҳаётига аралаштиришдан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқини самарали муҳофаза этилишини таъминлаш;

- ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришиш ҳамда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш;

- суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш, жамиятда судларга бўлган муносабатни ўзгартириш, суд тизимининг қонунчилик асосларини ҳуқуқий демократик давлат талабларига мослаштириш;

- суд органлари билан биргаликда одил судловни амалга оширишда иштирок этувчи тузилмаларни (адвокатура, прокуратура, ички ишлар органлари, экспертиза муассасалари, суд қарорларини ижро этиш департаментлари ва бошқалар) баҳамжиҳат, самарали фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган мустақкам ҳуқуқий асослар ва тизимни такомиллаштириш;

- суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини танлаш ва захирасини шакллантириш, аттестациядан ўтказиш ҳамда малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш;

- суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг масъулиятини кучайтириш, бу соҳадаги кадрларнинг ислоҳотлар моҳиятини теран англаб етишига эришиш;

- жиноят, жиноят-процессуал, маъмурий жавобгарлик, қонун ҳужжатлари, жиноий ва маъмурий жазо тизимини изчиллик билан босқичма-босқич либераллаштириш;

- суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситалари ўр-

тасидаги ўзаро муносабатларнинг изчил, мақсадли тизимини йўлга қўйиш;

- судлар фаолиятини моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлаш тизимини янада ривожлантириш;

- суд-ҳуқуқ соҳасини чуқур илмий асослантирилган ҳолда тарихи, бугуни ва истиқболдаги ривожланишининг мантиқий изчиллигини ўрганиб чиқиб, тўпланган бой тажриба ва хорижий мамлакатлар суд-ҳуқуқ тизимидаги ютуқларни уйғунлаштирадиган илмий-тадқиқотлар олиб бориш.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни шартли равишда қуйидаги 4 босқичга бўлиш мақсадга мувофиқ бўлиб, биринчи босқич мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилинган 1991 йил 31 августдан 1995 йилнинг охиригача, иккинчи босқич 1996-1999 йиллар, учинчи босқич 2000-2004 йилларни ўз ичига олади, Тўртинчи босқич эса 2005 йилдан бошланган.

Биринчи босқичда (1991-1995 йиллар) — суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг миллий стратегияси белгилаб олинди ва конституциявий-ҳуқуқ асослари яратилди, шунингдек, жаҳон тажрибаси ҳисобга олинган ҳолда, биринчи марта мамлакатимизда Конституциявий суд таъсис этилди. Суд ҳокимиятининг таркибий қисми сифатида хўжалик судлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 11-сессиясида Президент Ислон Каримовнинг сўзлаган нутқлари мазкур босқични амалга оширишнинг асоси бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги (1992), “Судлар тўғрисида”ги (1993) қонунлари, Хўжалик процессуал кодекси (1993), Жиноят кодекси (1994), Жиноят процессуал кодекси (1994), Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (1994), “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида” (1995), “Конституциявий суд тўғрисида” (1995) ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

Иккинчи босқичда (1996-1999 йиллар) — мавжуд тажриба ва қонунчиликни таҳлил қилиш асосида суд-ҳуқуқ тизими ислохотларини чуқурлаштириш, одил судлов тизимини демократлаштириш, суд жараёнида айблов ва ҳимоянинг амалда тенглигини таъминлаш мақсадида адвокатура мавқеини кўтаришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Мазкур босқични амалга оширишнинг асоси Президентимиз Ислон Каримовнинг биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи (1996 йил 29 август) ва ўн тўртинчи (1999 йил 14 апрель) сессияларидаги маърузаларида белгилаб берилган вазифалар ҳисобланади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, суд жазоловчи органдан фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи оддий органга айланиб, ҳақиқатан ҳам мустақил бўлиб қолиши лозим. Бунинг учун: халқ маслаҳатчилари тизимини ислоҳ қилиш; судларнинг таркибини такомиллаштириш, уларни янги тузилмалар билан тўлдириш; суд қарорларини ижро этиш тизимини қайта ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; судларнинг ижро этувчи ҳокимият, энг аввало, жойлардаги ҳокимлар ва прокуратура органлари билан ўзаро муносабатларини тубдан қайта кўриб чиқиш; адвокатура тизимининг мавқеи ва аҳамиятини кескин кўтариш лозимлиги белгилаб берилган эди.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1995,1996), Фуқаролик процессуал кодекси (1997), Жиноят-ижроия кодекси (1997), Хўжалик процессуал кодекси (1998), “Адвокатура тўғрисида”ги (1997), “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги (1998) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари таркибини такомиллаштириш тўғрисида” ҳамда “Хўжалик судлари қарорлари ижросини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ва бошқа қатор фармонлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси ташкил этилди.

Учинчи босқичда (2000-2004 йиллар) — судларни ихтисослаштириш, жиноий жазоларни либераллаштириш, одил судлов сифатини ошириш, ишларни кўриш муддатларини қисқартириш, фуқаролик ва жиноий ишларни кўриб чиқишнинг апелляция тартибини жорий этиш, кассация тартибини ислоҳ қилиш, суд қарорлари ижросини таъминлашни такомиллаштиришнинг ҳуқуқий механизмлари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи (2000 йил 22 январь), олтинчи (2001 йил 29 август), тўққизинчи (2002 йил 29 август) сессияларидаги маърузалари мазкур босқични амалга оширишнинг асоси бўлиб хизмат қилди.

Ушбу босқичда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги (2000), “Прокуратура тўғрисида”ги (2001), “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги (2001), “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Жиноят процессуал кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида”ги (2001) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида”, “Судьяларни танлаш ва лавозимларига тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясини тузиш тўғрисида” ва бошқа қатор фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси умумий юрисдикция судларининг моддий-техника таъминотини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

1. Янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши суд тизимини ислоҳ қилишда муҳим босқич бўлди. Унда мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида орттирилган тажрибадан ху-

лоса чиқарилган ҳолда судлар фаолиятининг янада демократлашуви ва такомиллашуви учун шароит яратилди.

Умумий юрисдикция судларининг судьялик лавозимларига номзодларни тавсия этиш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш ҳақида тақдимномалар киритиш ҳуқуқи Адлия вазирлигидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида тузилган Судьяларни танлаш ва лавозимларига тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясига ўтказилди.

Умумий юрисдикция судларининг ихтисослашуви қонуний мустаҳкамланди, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича алоҳида судларни ташкил этиш механизми жорий қилинди.

Судлар фаолиятини моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлаш вазифаси махсус ваколатли мустақил орган — Адлия вазирлиги қошидаги Суд департаменти зиммасига юклатилди. Бу департамент судларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунитиши тамойилларига қатъий амал қилган ҳолда иш юритиши белгилаб қўйилди.

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига киритилган ўзгартиришлар натижасида:

- жиноятлар таркибининг 73 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ва фақат 25 фоизигина оғир ва ўта оғир жиноятлар тоифасига ўтказилди;

- озодликдан маҳрум қилиш ўрнига жазонинг жарима турини қўллашни кенгайтириш, жарима миқдорини ошириб, энг аввало, етказилган моддий зарарни қоплашга қаратилган бошқа таъсир чораларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари яратилди;

- жиноий жазо тури сифатида мол-мулкни мусодара қилиш жазоси бекор қилинди;

- вояга етмаганлар, аёллар ва кексаларга нисбатан қўлланиладиган жазо тизими қайта кўриб чиқилиб, уларга жазо тайинлашда бир қатор енгилликлар берилди;

- жиноий ишларни кўриб чиқиш тартиби соддалаштирилди, тергов қилиш ва судда кўриш муддатлари қисқартирилди;

- жиноят қонунчилигига янги ярашув институти киритилди ва амалда кенг қўлланилмоқда.

3. “Прокуратура тўғрисида” янги таҳрирдаги қонун қабул қилиниши муносабати билан:

- прокурорлик назорати объектлари қаторидан фуқаролар чиқарилди;

- прокурорларнинг суд қарорлари ижросини тўхтайтиш ҳуқуқи бекор қилинди;

- прокурорларнинг ижро этиш учун мажбурий бўлган амрнома киритиш ваколати ҳам олиб ташланди;

- шаҳар ва туман прокурорларининг тергов ва айбдорларни қамоқда сақлаш муддатларини узайтириш ҳуқуқи бекор қилинди;

- қонунга вилоят, туман ва шаҳар прокурорлари қонунчиликнинг ва жиноятчиликка қарши курашнинг аҳволи тўғрисида халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига мунтазам равишда ахборот бериб туриши шарт эканлиги ҳақидаги қоида киритилди;

- Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига зид бўлса, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарори асосида бекор қилиниши белгиланди.

Тўртинчи босқичнинг (2005 йилдан бошлаб) асосий вазифалари — мустақиллик йилларида тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари асосида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш орқали судларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва эркинлигини, инсоннинг яшаш ҳуқуқини ва бошқа конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг масъулиятини кучайтириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя

қилиш бўйича ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш ва аниқ чора-тадбирларни белгилашдан иборат.

Мазкур вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан 2005 йил 28 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасида белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги “Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида”ги ПҚ-24-сонли Қарори билан суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада эркинлаштиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш Концепцияси ва ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланди.

Мазкур Концепцияда белгилаб берилган устувор йўналишларнинг ҳаётга татбиқ этилиши борасида ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг етита фармони, учта қарори ва учта фармойиши қабул қилинди.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги ПФ-3641-сонли “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармонида ўлим жазосининг жиноий жазо тури сифатида бекор қилиниши, унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси киритилиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари олий қадрият саналади. Яшаш ҳуқуқи эса ҳар бир инсоннинг узвий конституциявий ҳуқуқидир. Шу боис ҳам мамлакатимизда мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб ўлим жазосини бекор қилиш устида иш олиб борилди. Ўтган ўн йилдан ортиқроқ вақт мобайнида ўлим жазоси қўлланилиши мумкин бўлган жиноятлар таркиби 33 тадан 2 тагача қисқартирилди. Бугунги кунда ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида Президент Фармонининг қабул қилинганлиги босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотларнинг узвий давомидир.

Мамлакатимизда ўлим жазосининг сўнг, яъни 2008 йил 1 январдан бошлаб бекор қилинишининг сабаблари — биринчидан, мавжуд қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш; иккинчидан, ўлим жазосининг ўрнига узоқ муддатли ёки умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм этилганларни сақлаш учун муассасалар тизимини барпо этиш; учинчидан, кенг жамоатчилигимиз орасида тушунтириш ишларини олиб бориш зарурияти билан боғлиқ.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги ПФ-3644-сонли “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги Фармонига кўра, жиноятни содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судлар ваколатига ўтказилиши белгиланди. Фармонда эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш қонунда белгиланган бошқа эҳтиёт чораларини қўллаш самарасиз бўлган алоҳида ҳолатларда ва фақат жиноят ишлари бўйича судлар ёки қарбий судлар ваколатига мувофиқ уларнинг қарори бўйича амалга оширилиши лозимлиги қайд этилди.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судлар ваколатига 2008 йил 1 январдан ўтказилишининг сабаблари: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодекслари ва бошқа қонун ҳужжатларига пухта ишлаб чиқилган тегишли ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритилганидан; бу соҳадаги хорижий тажриба ўрганилганидан; судлар томонидан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий, процессуал механизмлари ишлаб чиқилганидан; суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизими кадрларини тегишлича тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда бошқа тайёргарлик тадбирлари ўтказилганидан кейин изчиллик билан амалга оширилиши лозимлигидадир.

3. Шўролар давридан қолган эски иллатлардан тўла халос бўлиш ва тадбиркорлик, тижорат ва хусусий сек-

торга нисбатан муносабатларни тубдан ўзгартириш, уларнинг ҳуқуқлари поймол қилинишига йўл қўймаслик, қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, улар учун қулай ҳуқуқий замин, имтиёз ва кафолатлар тизимини яратиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг бевосита тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини янада кучайтиришга қаратилган бешта фармони ва иккита қарори қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида:

- тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш тизими такомиллаштирилди;

- тадбиркорлик субъектларига нисбатан фақат суд тартибида қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари рўйхати белгилаб берилди;

- тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисоботлар сони кескин қисқартирилиб, улар ҳар ойда эмас, балки ҳар чоракда тақдим этиладиган бўлди, шунингдек, ҳисоботни ноқонуний талаб этганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги кучайтирилди;

- тадбиркорлик субъектларини текшириш янада қисқартирилди, яъни микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини ҳар тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини эса ҳар уч йилда кўпи билан бир марта режа асосида текшириш ўтказилиши белгиланди.

4. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасидаги яна бир ўта муҳим масала суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари масъулиятини кучайтиришдир. Бу борада юқоридаги Концепцияда ҳуқуқни муҳофаза қилиш, прокуратура ва суд органлари ходимларини танлаш ва захирасини шакллантириш, аттестациядан ўтказиш, шунингдек, малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги Ф-2363-сонли “Юридик кадрларни тайёрлаш

ва қайта тайёрлаш ўқув дастурларини таҳлил қилиш ва баҳолаш бўйича ишчи гуруҳини тузиш тўғрисида”ги Фармойиши ушбу йўналишда амалга ошириладиган ишларни ташкил қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур Фармойиш ўқув муассасаларида юридик кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш иши самарадорлиги ва сифатини ошириш мақсадида, уларда мавжуд ўқув дастурларининг мамлакатимизда давлат қурилиши, суд-ҳуқуқ ҳамда ижтимоий-сиёсий соҳаларда олиб борилаётган демократик ислохотларнинг моҳияти, мақсад ва вазифаларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида қабул қилинди.

Ушбу Фармойиш асосида тузилган ишчи гуруҳи зиммасига икки ой мобайнида мавжуд вазиятни танқидий жиҳатдан баҳолаш ҳамда тегишли ўқув дастурларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва тақдим этиш вазифаси белгиланиб берилди.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишда аҳолининг, шунингдек, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Ушбу масалага Президентимиз томонидан ҳам алоҳида эътибор берилаётганлигини таъкидлашимиз лозим. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 18 октябрдаги ПҚ-203-сонли “Ўзбекистон Республикасида юридик журналлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида давлат-ҳуқуқий, суд-ҳуқуқ соҳаларида олиб борилаётган демократик ислохотлардан жамиятнинг кенг хабардор бўлиши, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва маърифий савияси юксалиши жамият ва давлатни демократик янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ қилиш жараёнларини янада чуқурлаштиришнинг гоят муҳим шарти эканлиги таъкидланган.

Қарорда мавжуд юридик журналларнинг мазмуни замон талабларига тўлиқ жавоб бераётганлиги, уларнинг аниқ мақсад ва вазифаларини белгилаб берувчи чуқур ўйланган концепцияга эга эмаслиги ва бошқа қатор кам-

чиликлари кўрсатиб ўтилган. Зикр этилган ва яна бошқа кўплаб муаммоларни ҳал этиш мақсадида юридик журналлар тизимини ривожлантириш Концепцияси маъқулланди ҳамда юридик журналларнинг мақсад ва асосий вазифалари аниқ ва равшан белгилаб берилди.

Хулоса қилиб айтганда, ўтган йиллар мобайнида ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги Концепцияси амалда жорий этилди ва бу соҳани янада либераллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

**Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва
эркинликларининг конституциявий кафолатлари.
Фуқаролар бурчларининг конституциявий
асослари**

**“Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг
кафолатлари” тушунчаси**

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари икки кўринишга эга: давлатнинг ўз ички кафолатлари ва халқаро ҳуқуқий кафолатлар. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатлари институтлари сирасига тобора обрўи ошиб бораётган Омбудсман, яъни Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказини киритиш мумкин.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари малакали юридик хизмат ҳамда малакали ҳимоячи (адвокат) хизматидан тўлиқ равишда конституциявий, жиноий, фуқаровий ва маъмурий ишларда фойдаланиш имкониятида намоён бўлади. Бу тушунча Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасида аниқ ифодаланган.

Ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолатлари бўлиб, уларни бузганлик учун жавобгарлик белгиланган. Бунда ҳокимият вакиллари ва мансабдор шахсларнинг жавобгарли-

ги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Одатда, бундай жавобгарлик умумий характерга эга бўлиб, у қонунларда аниқ ифодаланган.

Халқаро ҳуқуқий кафолатлар ҳақида тўхталганимизда, бу ҳолат халқаро оммавий ҳуқуқ томонидан тартибга солинишини эслатиш лозим.

Иккинчи жаҳон урушига қадар давлат ва шахс ўрта-сидаги муносабатлар, асосан, давлат миқёсида ҳал этилган. Тоталитар тузумларнинг емирилиши оқибатида жаҳон жамоатчилигининг эътиборини инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатланиши ўзига қаратди. Булар БМТ Уставида (1945 йил), «Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Декларация»да (1948 йил), «Инсон ҳуқуқлари тўғрисида»ги 1966 йилги халқаро Пактларда ўз ифодасини топган. Бу халқаро ҳужжатларда инсоннинг глобал муаммолари ҳуқуқий жиҳатдан кенг ёритилган. Инсон ҳуқуқларининг халқаро ҳимоясини ҳозирда БМТ ва унинг махсус ташкилотлари амалга оширмоқда. Улар Европа Кенгаши томонидан 1950 йилда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва асосий эркинликлари тўғрисида»ги Европа Конвенциясига асосан иш олиб боришади. Агарда фуқаро ўз ҳуқуқи ҳимояси юзасидан ўз давлатида нажот топмаса, унда инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судига мурожаат қилиши мумкин.

Ўзбекистон Конституциясининг 43-моддасида «Давлат фуқароларининг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди», дейилган. Ушбу модда конституциявий принципларнинг асоси, ўзаги, характерини ифодалаган бўлиб, унда инсон манфаатларига хизмат қилиш, эркинлик кафолати, давлатнинг ижтимоий мақсади ва асл ғояси акс этган.

Мустақилликка эришилгач, Ўзбекистонда умуминсоний кадриятларни тиклаш ва демократик жамият қуриш йўлидан боришда инсон эркинлигига, жамият ва давлатнинг бирлигига инсоннинг тутган ўрнини юксак баҳолашга катта аҳамият берилди. Демократик давлатда жамият аъзолари ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари дои-

мий ҳаракатдаги механизм сингари бўлмоғи лозим. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмунида давлат фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, жамият учун хизмат қилишга бутун кучини сафарбар этиши лозимлиги ҳақидаги гоёлар мавжуд.

Конституциянинг 19-моддасида «Ҳеч ким суд қарорисиз фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларидан маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳақли эмас», дейилган. Бу агар жавобгар бўлса, ҳаттоки, давлат органларини ҳам суд-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш мумкинлигини билдиради. Кафолат тизимида иқтисодий омил катта аҳамиятга эга. Сабаби иқтисодий ҳаёт қанчалик фаровон бўлса, ҳуқуқнинг амалдаги кафолат даражаси шунчалик юқори бўлади. Буларнинг барчаси давлатнинг асосий қонуни билан белгиланади ва кафолатланади.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг юридик кафолатлари

Ўзбекистонда «Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади» (Конституциянинг 44-моддаси).

Бу конституциявий қонуннинг асосий моҳияти шундаки, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари бузилганда, у суд орқали ҳимоя қилинади. Инсонларга тегишли ҳуқуқ ва эркинликлар кўп қиррали хусусиятга эга. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар туркумига мисол учун яшаш ҳуқуқи, эркинлик ҳуқуқи, шахсий дахлсизлик ҳуқуқи кабилар киради.

Шахс ўз виждон эркинлиги ва ҳаракатида эркин. Конституциянинг 24-моддасига мувофиқ, яшаш ҳуқуқига қилинган тажовуз энг оғир жиноят деб топилиши талаб этилади. Ҳар бир фуқаро ўз ҳаракатидан келиб чиқиб, асосий ҳуқуқ ва эркинликларини қонун ҳимояси орқали амалга ошириши мумкин. Демократик ҳуқуқий давлатда

Конституция томонидан суд ҳимоясининг берилиши катта аҳамият касб этади. Бунинг ўта муҳимлиги Конституциянинг «Муқаддима» қисмида ўз ифодасини топган.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ижтимоий кафолатлари

Ўзбекистонда вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясига олинган.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганидан сўнг янги иқтисодий шароитга ўтиш даврида ижтимоий ҳимоя қилиш дастурини ишлаб чиқди. Давлат асосий бош ислоҳотчи бўлгани боис асосий ижтимоий ҳимоя механизмлари ҳам давлат томонидан яратилиши самара бера бошлади. Ижтимоий сиёсатда мамлакат аҳолисининг энг муҳтож қатламларига катта эътибор берилмоқда. Бу Конституциянинг 45-моддасида ўз ифодасини топган. Давлат ўз манфаатларидан келиб чиқиб, ана шу қатлам ҳимоясини ўз бўйнига олган. Бу эса Конституция орқали фуқаролар конституциявий ҳуқуқлари кафолатланишининг амалий ифодасидир.

Конституцияга мувофиқ, эркак ва хотин-қизлар тенг ҳуқуқлидирлар.

Бу эса жамият аъзолари ўртасидаги муносабатда фуқароларнинг жинсидан қатъи назар, қонун олдида тенглигини кафолатлайди. Шунингдек, уларнинг ҳаётий муносабатларини тартибга солади. Буларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши ғоятда аҳамиятли. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Асосий Қонунида махсус боб шахс эркинлиги ва ҳуқуқининг кафолати мавзусига бағишланган.

«Фуқароларнинг бурчлари» тушунчаси

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нафақат фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини, балки уларнинг бурчларини ҳам кўрсатиб ўтади.

«Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларни бажарадилар», дейилади Асосий Қонуннинг 47-моддасида.

Субъектив ҳуқуқ ва субъектив бурчлар ҳам ҳуқуқий категориялар ҳисобланади. Субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбурият бир-бири билан ўзаро алоқа ҳамда келишувчилик асосида пайдо бўлади. Субъектив ҳуқуққа ҳар доим тегишли юридик мажбурият мос келади. Субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар турли ҳуқуқий муносабатларда биргаликда ҳаракат қилади. Барча норматив актларда субъект ҳуқуқининг мажбуриятлари ва тегишли ҳуқуқлари кўрсатиб ўтилади. Бунинг учун энг асосий ҳуқуқий база бўлиб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси хизмат қилади. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ўз ҳуқуқий табиатига кўра асосий ҳуқуқ ва бурчлар бўлиб хизмат қилади. Қолган бошқа турли жуда кўп ҳуқуқ ва бурчлар мазкур ёндашув асосида келиб чиқади ва фуқароларнинг ҳуқуқий ҳаётида катта роль ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ VI сессиясида қилган маърузасида демократик ислохотларнинг ҳозирги босқичдаги моҳияти масаласида қуйидагиларни айтиб ўтади: «Инсоннинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини билиши инсоннинг конституциявий ҳуқуқларининг таъминланишини кафолатлайди. Биз одамлардаги эски тузум психологиясини ўзгартиришимиз ва янги ҳуқуқий онгни шакллантиришимиз лозим. Инсон англасинки, эркинлик — бу бурч масъулиятидир». Конституциянинг 19-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ҳамда бурчлари билан ўзаро боғлиқ.

Конституцияга асосан демократия Ўзбекистон Республикасида умуминсоний принципларга, яъни инсон энг олий қадрият деган ғоя асосига қурилади. Ҳар бир фуқаро қонун олдида тенг ва бошқа фуқароларнинг миллати, тили, дини ва эътиқодини ҳурмат қилиши шарт.

Фуқаро ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланганида, унинг ҳаракатлари бошқа шахс, давлат ва жамият манфаатларига зиён етказмаслиги лозим.

Шу боис, шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан қонун доирасидан чиқмаган ҳолда фойдаланиши лозим. Агарда қонундан ташқари хатти-ҳаракат содир этилса, у ҳолда, қонунга асосан жазоланади. Бу эса конституциявий бурчларни бажармаслигидан келиб чиқади.

Фуқароларнинг Конституция ва қонунларга риоя этиш бурчи

«Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар» (Конституциянинг 48-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг III бо-бида Конституция ва қонунларнинг устуворлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Ўзбекистон Республикасининг барча қонунлари Конституциянинг норма ва принциплари асо-сида бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 48-мод-дасида фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этиш-га, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги, шаъни, қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурлиги белгилан-ган. Фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, авва-ло, фуқаро ўзига тегишли бурчларини бажариш орқали киришадиган ҳуқуқий муносабатларда: фуқаролик, уй-жой, оила-никоҳ ва бошқа масалаларда ҳуқуқий субъект сифатида қатнашади. Фуқароларнинг ўз бурчларини ба-жармаслиги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва жиноий-ҳуқуқий, фуқаровий, маъмурий-ҳуқуқий жавоб-гарликни келтириб чиқариши мумкин.

Фуқароларнинг тарихий, маънавий ва маданий меросни асраш мажбурияти

Ўзбекистон халқининг тарихий, маданий ва маънавий бойликлари бўлган моддий ҳамда маънавий қадриятлар-ни, маданий ёдгорликларни эҳтиётлаш ва сақлаш ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар.

Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.

Архитектура ёдгорликлари, тарихий-маданий ҳудуд ва объектлар, бадиий ва мусиқий асарлар, халқ оғзаки ижодиёти Ўзбекистон халқининг ўзлигини англашда хизмат қилади ҳамда дунё маданияти цивилизациясига қўшган катта ҳиссасини билдиради. Қадимий ёдгорликларни нафақат сақлаш, балки келажак авлодга етказиш лозим. Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ I сессиясида Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Тарихий ёдгорликларни сақлаш ва қайта таъмирлашимиз лозим, чунки улар ўзбек халқи томонидан яратилган миллий бойлигимиз бўлиб, маънавий меросимизнинг улкан қисмидир. Демак, биз уни кўз қорачигидек сақлаб, келажак авлодга асраб етказмоғимиз лозим». Президентимизнинг бу сўзлари нафақат давлатнинг тарихий-маданий, маънавий меросини сақлаш соҳасидаги сиёсати, балки, ўзини ватанпарвар деб ҳисоблаган ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодексининг 64-моддасида тарихий-маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган. Тарихий ёдгорликларни сақлашда фуқаролик ва жиноий-ҳуқуқий нормалар қўлланилади.

Фуқароларнинг аτροφ, табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш мажбурияти

Фуқаролар аτροφ, табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар.

Фуқароларнинг бу конституциявий мажбурияти 1992 йил 9 декабрда қабул қилиниб, 1995 йил 6 майда қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунида белгиланган.

Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади. Шунингдек, ер, сув, ўрмон қонунчилиги, атмосфера ҳавосини сақлаш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан муҳофаза қилинади, деб белгиланган. Ҳар бир фуқаронинг бурчи атроф муҳит ва табиатни қўриқлаш, инсонлар учун шарт-шароитлар яратиш, экологик мувозанатни сақлаш, шунингдек, республиканинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларига мос равишда қўйидагиларни амалга оширишдан иборат:

- жонли табиатнинг генетик фонди ва бой турларини сақлаш;

- кенг кўламли экологик тизим, ландшафтлар ва табиат объектларини сақлаш;

- табиат объектлари билан боғлиқ маданий бойликларни сақлаш.

Бу қонун мазмунини Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг табиат ресурсларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланишлари ташкил этади.

Фуқароларнинг солиқ тўлаш мажбурияти

Ўзбекистонда фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар.

Солиқлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари томонидан белгиланиб, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари маҳаллий йиғим ва тўловларни тўлашга мажбурдирлар. Бу 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган Солиқ кодекси ҳамда бошқа қонуний ҳужжатлар ва актлар орқали тартибга солинади.

Солиқ тўлашдан бош тортган шахслар тегишли маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилади.

Фуқароларнинг Ватанни ҳимоя қилиш бурчи

Ватанни ҳимоя қилиш — ҳар бир фуқаронинг бурчи. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг Ватанни ҳимоя қилиш бурчи тўғрисида бир қанча қонун ва ҳуқуқий актлар қабул қилинган. Буларда фуқароларнинг ҳарбий ёки муқобил ҳизмат тўғрисидаги бурчлари белгиланган. 2001 йил 11 майда қабул қилинган «Мудофаа тўғрисида»ги Қонун катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий яхлитлиги, мустақиллигини ҳимоя қилиш республика фуқароларининг конституциявий бурчи ҳисобланади. Бошқа давлатларнинг Ўзбекистонда доимий яшаб турган ёки вақтинча турган фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасида ҳарбий хизматга тайёргарлик кўришга мажбур эмас.

Конституцияга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар (52-модда).

Фуқароларнинг ҳарбий ва қуrolли кучлар резервидаги хизматини ўташлари учун ҳуқуқий асос бўлиб, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги (янги таҳрирда), шунингдек, “Қуrolли Кучлар резервидаги хизмат тўғрисида”ги Қонунлар хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунига кўра, мудофаа давлатнинг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилувчи барча фуқароларнинг вазифасидир. Ўзбекистон Республикасини ташқаридан бўладиган қуrolли тажовуздан ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий бурчидир.

Ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг ҳарбий тайёргарлиги чақирилувчи ёшларни тайёрлаш, ҳарбий-техник тайёргарлик, ҳарбий билим юртларида ўқиш, жисмоний тайёргарлик, соғломлаштириш ишлари, умумий ҳарбий малака ошириш, давлат тилини ўрганиш, улар-

ни ватанпарварлик туйғусида тайёрлашни ўз ичига олади. Мажбурий ҳарбий хизматга 18 ёшга тўлган эркак жинсидаги соғлом фуқаро чақирилади.

Ҳарбий хизматга чақириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан йилда бир марта амалга оширилади. Бу қарор чақириққача бир ой қолганда оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади.

Чақирилган ҳар бир киши унинг кўлига берилган чақирув қоғози билан кўрсатилган муддатда чақирув пунктига келиши лозим. Тинчлик вақтида ҳарбий чақириққа Ўзбекистоннинг қуйидаги фуқаролари чақирилмайди:

- чақириш муддати кечиктирилганлар;
- муддатли ҳарбий хизматга чақиришдан озод этилган фуқаролар;
- ўтказилаётган дастлабки суриштирув ёки терговга дахлдор бўлган шахслар; жиноий ишга дахлдор бўлган шахслар то иши судда узил-кесил кўриб чиқилиб, айблов ёки оқлов хулосаси чиқарилгунга қадар.

Қуrolли Кучлар резервидаги хизмат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўтайдиган давлат хизматининг алоҳида туридир. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун Конституцияда кўрсатилган мажбурият ва бурчлар шулардан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий- худудий ва давлат тузилиши

«Маъмурий-худудий ва давлат тузилиши» тушунчаси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон суверен демократик республика бўлиб, мустақил давлат ҳисобланади. “Мустақиллик” эса Президентимиз И.А.Каримов ибораси билан айтганда, аввалам бор, «хуқуқ» демакдир. Чунки давлатимизнинг ҳозирги маъмурий-худудий чегарасида биринчи бор Ўзбекистон халқи ўз моддий ва маънавий бойликларидан ўз ҳохишича, яъни ўзи-

нинг Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш имконияти — «ҳуқуқи» юзага келди. Эндиликда, биз ва бизнинг халқимиз ҳам ашё етказиб берадиган чекка ўлкада эмас, балки мустақил равишда ўз ҳуқуқимизни амалда татбиқ қила оладиган миллий суверен давлатда яшаётганимизни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси "...Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, ҳуқуқларини ва эркинликларини кафолатлаш, миллий қадриятларимиз ва маданиятимиз қайта тикланиши, инсоннинг маънавий-ахлоқий баркамоллигини таъминлаш..."²¹ га қаратилган.

Мустақил миллий давлатчилигимиз, авваламбор, дахлсиз ер кенгликларига эга бўлишимиз, сўнгра, давлат тили сифатида — ўзбек тилини қабул қилишимиз, Президентлик институтини таъсис этишимиз, маъмурий-ҳудудий қисмларни ўз тарихимизга суянган ҳолда — вилоят ва туман деб аташимиз ҳамда уларда ҳокимлик лавозимини ўрнатишимиз, халқаро ҳамжамият томонидан суверен давлат сифатида тан олиншимиз ва албатта, ўз Конституциямизга эга бўлишимиздадир.

Ўзбекистон миллий давлатининг шаклланиши охири-оқибатда ижтимоий, иқтисодий, маънавий, истиқлол ва тараққиёт йўлидаги "ўзбек модели"ни ишлаб чиқишга имкон берди. Ушбу модель мустақил Ўзбекистонимизнинг узоқ даврга мўлжалланган ички ва ташқи ривожланиш стратегиясини яратишга асос бўлди. Унинг мазмуни ва моҳияти Президентимиз И.А.Каримов асарлари, рисоалари, мақолалари ва нутқларида ўз аксини топган. Бу йўл Ўзбекистоннинг ўзига хослиги ва манфаатларига, унинг табиий ва ижтимоий шароитларига, ўзбек халқининг азалий анъаналарига, демографик ва этнографик ҳолатига мос тушади. Мазкур миллий давлат тузилиши ва унинг ривожланиш асослари Президентимиз асарла-

²¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-ж. —Т.: «Ўзбекистон», 1996. 123-бет.

рида чуқур ёритиб берилган ва Ўзбекистоннинг ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий йўлининг беш асосий тамойилларида акс эттирилган.

Ҳар бир мустақил давлатнинг умумэътироф этилган асосий белгиларидан бири — ўз чегараси доирасидаги ягона маъмурий ҳудудига эга бўлишидир.

1991 йил 31 августда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII чақириқ навбатдан ташқари 6-сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Конституциявий қонунининг 4 ва 17-моддаларига биноан, республикамиз давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ҳамда бўлинмасдир. Унинг халқи ўз хоҳиш-иродасини эркин билдирмасдан туриб, давлат чегараси ва ҳудудининг ўзгартирилиши мумкин эмас. Ўзбекистон таркибида бўлган Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудудий бутунлиги ва мустақиллиги эътироф этилади. Ушбу ҳуқуқий ҳолат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомига ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг 1991 йил 21 декабрдаги Олмаотада имзоланган халқаро шартномасига тўла равишда мос тушади.

Халқаро ҳуқуқ меъёрларига кўра, ҳар бир давлатнинг ҳудуди — давлат чегараси доирасидаги ер кенгликларидан иборат. Ер кенгликларига эса ушбу ҳудудларнинг қуруқлик қисми, сув акваторияси, ер ости бойликлари ва атмосфера ҳавоси киради. Мазкур табиий объектлар ҳар бир давлатда яшовчи инсонлар учун моддий база ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳар бир давлат, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди унинг сиёсий-ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди ва мустақиллигининг реал ифодаси деб қаралади.

Ҳудуди катта, аҳолиси зич ва миллий-этник таркиби турли-туман бўлган давлатларда маъмурий бошқарув самарадорлигини ошириш ва маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий демократик принципларни табақалашган тарзда шакллантириш каби бир қанча маса-

лаларни ҳал қилиш учун ягона давлат ер кенгликлари маълум бир қисм (бўлинма)ларга ажратилади.

Давлат тузилиши шакли — давлат ҳокимиятининг маъмурий-ҳудудий ташкил этилиши, давлат билан уни ташкил этувчи қисмлар ва ушбу қисмлар ҳамда марказий ва маҳаллий органлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар характеридир²². Демак, давлат тузилишида давлатнинг маъмурий-ҳудудий ташкил этилиши энг бирламчи кўрсаткич ва асосий элементлардан бири.

Давлатнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши — ҳар бир давлатни ҳудудий ташкиллаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий таркибий қисми бўлиб, у давлат қурилишининг умумий масалаларини тўлақонли амалга ошириш учун ташкилий жиҳатдан ажратилган давлат ҳудудининг қисмларидир.

Давлатни ҳудудий жиҳатдан ташкиллаштириш ўз мақсади ва вазифаларига кўра, нафақат маъмурий-ҳудудий, балки:

иқтисодий-ҳудудий (масалан, эркин савдо қилувчи зоналар);

ҳарбий-ҳудудий (масалан, Ўзбекистонда ташкил этилган Тошкент, Марказий, Шимолий, Жанубий, Ғарбий, Шарқий ҳарбий округлар);

сиёсий-ҳудудий (масалан, барқарорликни сақлаш ва этник масалаларни ҳал қилиш учун ажратиладиган минтақалар);

экологик-ҳудудий (масалан, Орол ва Оролбўйи экологик инқироз ҳолатидаги алоҳида муҳофазага муҳтож бўлган ер кенглигининг қуруқлик қисми ва сув акваторияси) шаклларда намоён бўлиши мумкин.

Давлатнинг маъмурий жиҳатдан ажратилган маъмурий-ҳудудий тузилиши давлат билан унинг таркибий қисмлари ўртасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни ҳамда ушбу қисмларнинг ҳар бирини ҳуқуқий

²² Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Ҳ.Б.Бобоев ва Ҳ.Т.Одилқориевлар умумий таҳрири остида. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000. 141-бет.

ҳолатига доир масалаларни қамраб олади. Шунинг учун ҳам ривожланишнинг қандай босқичида турмасин ёки давлат тузилишининг қандай шаклларида иборат бўлмасин ҳар бир суверен давлатнинг ер кенгликларини маъмурий-ҳудудий жиҳатдан маълум бир қисмларга ажратиш олиш жуда катта сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳамда ҳуқуқий аҳамият касб этади.

Ҳар бир давлатнинг майдони, аҳолисининг сони, миллий-этник таркиби, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ривожланиши каби омилларга кўра, унинг ер кенгликлари маълум бир қисмларга ажратилади. Бундай маъмурий-ҳудудий қисмларга ажратиш асосан давлатнинг марказдан туриб ижтимоий муносабатларни самарали тартибга солиш имкони бўлмаган тарзда амалга оширилади. Ажратилган қисмлар механик ҳолда эмас, балки бирон-бир мақсадни кўзлаб ва маълум бир принципларга асосланган ҳолда бўлинади. Шунинг учун ҳам Конституциямизнинг 4-бўлим XVI боби Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий “бўлиниши” эмас, балки “тузилиши” деб номланди.

Давлатнинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши давлат бошқарувини осонлаштириш учун, унинг ер кенгликларини сиёсий нуқтаи назардан маълум бир қисмларга ажратиш олиш деб тушуниш мумкин. Маъмурий-ҳудудий тузилиш эса давлатнинг ер кенгликларини ҳуқуқий давлат субъектлари, яъни мустақил ижтимоий-сиёсий қисмлар тариқасида ташкиллаштирилишидир.

“Тузилиш” деган юридик атама “бўлиниш” деган атамага нисбатан кенгроқ, ҳуқуқий жиҳатдан эса мустақилроқ қисмларга ажратиш деса бўлади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XVI боби “Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши” деб номланиб, у 1927, 1937, 1978 йилларда қабул қилинган собиқ Ўзбекистон ССР Конституцияларида белгиланган ҳуқуқий меъёрлардан тубдан фарқ қилади. Масалан, янги қомусимизда маҳаллий бошқарув органлари — вилоят, туман ва шаҳар ҳокимиятларига ўзларининг маъ-

мурий-худудий бўлинмаларида ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг турли жиҳатларини ҳар томонлама тартибга солишда катта ваколатлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов давлат қурилиши ва унинг тузилиши асосларига бағишланган қатор асарларида, хусусан “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” китобида бизда давлат тузилиши ер кенгликларини вилоят, туман ва шаҳарларга бўлиниши сунъий равишда, ўз-ўзидан келиб чиққан “техник” жараён бўлмай, балки республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги асосий стратегик мақсадини амалга оширувчи таянч қисмларига ажратилиши эканлигига алоҳида урғу берган.²³ Шунинг учун ҳам Юртбошимиз давлат тузилиши ва бошқарувида марказдан қуйи бўлинмаларга томон ҳаракат йўналиши, яъни: *биринчиси* — марказий бошқарув органлари ваколатларининг анчагина қисмини маҳаллий ҳокимиятларга; *иккинчиси* — маҳаллий бошқарув органларидан қатор ваколатларни фуқароларнинг жойлардаги жамоат бирлашмаларига ва ўзини ўзи бошқарув органларига бериш кераклигини бир неча бор таъкидлайди.

Ўзбекистоннинг марказий давлат аппаратида асосан конституциявий тузумни, мамлакатнинг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, ҳуқуқ-тартибот ва мудофаа қобилятини таъминлаш, мулк эгаларининг ҳуқуқларини, иқтисодий фаолият эркинлигини ҳимоя қилиш, самарали ташқи сиёсат ўтказиш каби вазифалар қолиши керак. Стратегик, яъни узоқда мўлжалланган ва давлатнинг суверен ҳуқуқини таъминловчи:

1) муҳим иқтисодий ва ҳўжалик аҳамиятига эга масалалар, (масалан, пул ва валюта муомаласи бўйича ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ҳуқуқий шарт-шароитларини яратиш);

²³ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. —Т.: «Ўзбекистон», 1999. 117-бет.

2) табиатни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни регионал ва глобал миқёсда ҳал қилувчи масалалар (масалан, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, экологик инқирозли ҳудудларни муътадиллаштириш);

3) республика ва халқаро аҳамият касб этувчи транспорт, алоқа ва муҳандислик коммуникацияларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш;

4) янги тармоқларни вужудга келтирадиган ишлаб чиқаришни барпо этиш;

5) мудофаа, энергетика ва бошқа махсус вазифаларни бажариш каби масалалар давлатнинг марказий аппаратлари даражасида ҳал этилиши лозим бўлади.

Юқорида санаб ўтилган *умумиқтисодий, умумэкологик, умумсий* масалалардан ташқари барча масалалар маҳаллий бошқарув органлар ваколатларига киритилиши ҳозирги замон маъмурий-ҳудудий тузилишининг асосий ютуқларидан. Эндиликда бозор ислохотларини чуқурлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, хусусий мулкнинг турли кўринишлари ва шаклларини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини тўлдириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, кишиларнинг яшаш даражаси ва ҳаёт фаровонлигини ошириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маҳаллий-ҳудудий тузилмаларда ҳал этилиши лозим бўлади. Худди ана шундай жараённи оғишмай амалга ошириш Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг мустақкам асосларини яратиш ва маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг ҳуқуқий-иқтисодий мустақиллигини таъминлашга олиб келади.

Конституциявий ҳуқуқ нуқтаи назаридан қараганда, келажакда маъмурий-ҳудудий тузилмаларда, юқорида санаб ўтилган вазифаларни амалга ошириш учун қонун кучига эга бўлган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш ва албатта, уларни амалга оширишнинг таъсирчан механизмини яратиш талаб қилинади. Бинобарин, маъмурий-

худудий тузилмаларда конституциявий тамойилларга асосланган ҳуқуқий бошқарув функцияларини тадбиқ қилиш учун улар етарли молиявий ресурсларга эга бўлишлари керак. Бунинг учун эса уларнинг молиявий жамғармаларини шакллантирувчи ҳуқуқий манбаларини мунтазам кенгайтириб боришимиз зарур. Маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш идоралари Солиқ кодекси ва унга асосан ишлаб чиқилган ёки ишлаб чиқилган норматив ҳужжатларда барча маҳаллий солиқлардан тушадиган пул маблағларининг маълум бир қисминигина эмас, балки умумдавлат солиқларининг ҳам анчагина қисмини маҳаллий бюджетларга йўналтирилиши керак бўлади. Натижада, давлат бюджети барча даромадларининг 60 фоиздан кўпроқ қисмини маъмурий-худудий тузилмаларнинг бюджетига тушишини таъминлаш давлат сиёсатида ҳам кўзда тутилган. Бюджет харажатларининг ҳам худди шунча қисмини ушбу маъмурий-худудий тузилмаларда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Қорақалпоғистон Республикасининг вилоят, туман, шаҳар, қишлоқ ва овулларида амалга ошириладиган ҳуқуқ доирасидаги ваколатларнинг кенгайтирилиши аҳолининг касбий ва ижтимоий таркиби манфаатларини янада чуқурроқ ифодалаш ҳамда атрофлича ҳимоя қилишда нодавлат ва жамоат тузилмаларининг мавқеини оширишга қаратилиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинган, шўролар даврида оммавий тус олган ва шўролар тузумини мадҳ этувчи жой номлари бекор қилиниб, аҳоли яшайдиган жойларнинг тарихий номлари тикланмоқда ёки уларга янги, ўз миллатимизнинг урф-одатлари ва анъаналарига хос бўлган номлар берилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши

Ўзбекистон Конституцияси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасидан иборат (Конституциянинг 68-моддаси).

Ҳар бир давлатнинг маъмурий-ҳудудий тузилишини илмий асосда ташкил қилмаслик унинг хавфсизлигига, барқарорлиги ва албатта, тараққиётига салбий таъсир ўтказмай қолмайди. Шунинг учун Президентимиз И.А.Каримов 1999-2000 йилларда бўлиб ўтган вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси сайловчилари билан учрашувларида маъмурий-ҳудудий тузилишни тўғри ташкил этиш, жойлардаги вакиллик ва ижроия ҳокимияти органларининг ҳуқуқий ваколатларини ошириш Конституциямизда белгиланган императив шартларни амалий тадбиқ қилишга олиб келишини бир неча бор уқтириб ўтган. Конституциямиз меъёрларига асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ер кенглигини маъмурий-ҳудудий қисмларга бўлиниши аҳолини давлат билан яқинлашувида, фуқароларни давлат ва жамият қурилишидаги фаоллигини оширишда, бозор иқтисодиётини ривожлантиришда, аҳолининг миллий-этник ҳуқуқларини тенглаштиришда ва уларнинг хоҳиш-иродаларини инобатга олишда хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиш тизими ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳуқуқий ҳолатига, уларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари ифода этилишига кўра ташкил этилган. Унда ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирлик хўжалик юритишнинг ўзига хос томонлари, аҳолининг миллий ва этник таркиби, сони, маданияти, урф-одатлари ва анъаналари, ишлаб чиқариш салоҳияти ва ижтимоий қудратига қараб ажратилган (1- жадвал).

1- жадвал

т/р	Вилоятлар	Туманлар			Шаҳарлар			Шаҳар-чалар	Қишлоқ ва овуллар фуқаролар йиғини	Жами
		Қишлоқ туман-лари	Шаҳар туман-лари	Жами	Вилоят бўйсуну-видаги	Туман бўйсуну-видаги	Жами			
1	Анджон	14	-	14	5	6	11	5	95	125
2	Бухоро	11	3	14	3	8	11	2	121	148
3	Жиззах	12	-	12	2	5	7	8	103	130
4	Навобй	8	-	8	3	3	6	2	48	64
5	Наманган	11	1	12	6	2	8	12	99	131
6	Самарқанд	16	3	19	4	7	11	12	125	167
7	Сирдарё	9	-	9	5	-	5	5	72	91
8	Сурхондарё	14	-	14	2	6	8	6	114	142
9	Тошкент	15	-	15	7	9	16	18	147	196
10	Фарғона	15	1	16	5	4	9	10	163	198
11	Хоразм	10	-	10	3	-	3	7	100	120
12	Қашқадарё	14	-	14	2	10	12	5	144	175
13	Тошкент ш.	-	11	11		-		-	-	11
14	Қорақалпоғистон Республикаси	15	-	15	7	5	12	16	120	163
Республика бўйича		164	19	183	28	91	119	108	1451	1875

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 68-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасидан иборат.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 сентябрдаги «Шаҳар ва туман ҳокимликлари аппарати тузилишини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, 26 та вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туман бўйсунувига ўтказилди ва уларнинг сони 28 та бўлди. Туман бўйсунувидаги шаҳарларда шаҳар ҳокимлиги лавозимлари қисқартирилиб, улар туман ҳокимлиги қошида фаолият юритадиган бўлди.

Вилоят бўйсунувидаги шаҳарларнинг ҳуқуқий мақомидаги ушбу ўзгаришлар давлат сиёсатидан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий ҳокимиятларнинг кўпгина ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларига, хусусан, маҳаллаларга топшириш натижасида юз берди.

«Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топономик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасига кўра, "... вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига, қоида тариқасида, камида 30 минг аҳолиси бўлган, муҳим маъмурий аҳамият касб этадиган, истиқболли иқтисодий ва маданий марказлар деб ҳисобланган шаҳарлар киритилиши мумкин". Шуниси эътиборлики, қонунда шаҳарларнинг ҳуқуқий мақомини кўтариш ҳақида ҳуқуқий меъёрлар мавжуд, аммо уларнинг мақомини тушириш ҳақида ҳеч қандай меъёрлар берилмаган.

Мазкур Қонуннинг IV бобига мувофиқ, "Аҳоли пунктларини маълум бир туркумдан иккинчи бир туркумга ўтказиш тегишли вилоят ҳокимларининг илтимосига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади". Ушбу ҳолат ҳақидаги қарорлар, албатта, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномасида эълон қилиниши шарт" (30-модда).

Давлатнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши давлат қурилишининг умумий масалаларини тўлақонли амалга ошириш нуқтаи назаридан ҳудудий ташкиллаштирилади, уларда давлат бошқаруви марказий давлат органлари маҳаллий ҳокимиятлар ўзини ўзи бошқариш органлари орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 68-моддасига мувофиқ, маъмурий-ҳудудий тузилишга қишлоқ ва овулларнинг сони эмас, балки улардаги ўзини ўзи бошқарувчи қишлоқ ва овулларнинг фуқаролар йиғини сонининг келтирилиши тўғри бўлади. Чунки 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасига биноан маъмурий-ҳудудий бошқариш ваколати қишлоқ ва овулларга эмас, балки улардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳудудий бирликларига топширилган.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий қисmlарини, уларнинг ҳуқуқий мақомига кўра, 3 тоифага ажратиб, гуруҳлаштириш мумкин (1-расм):

1. *Юқори тоифадаги қисmlар* — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри.

2. *Ўрта тоифадаги қисmlар* — қишлоқ ва шаҳар туманлари, вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар.

3. *Қуйи тоифадаги қисmlар* — туман бўйсунувидаги шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқ ва овулларнинг фуқаролар йиғини.

Юқори тоифадаги қисmlар. Давлат қурилиши шаклига кўра, Ўзбекистон Республикаси унитар давлатдир. Шунинг учун ҳам ўзига хос алоҳида ҳуқуқий мақомга эга бўлган Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар ва Тошкент шаҳри даражасидаги мақомга тенглаштирилган. Давлатнинг маъмурий-ҳудудий қисmlари ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларини ўз ичига олади. Миллий-этник, ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ва сиёсий аҳамиятига кўра юқори тоифадаги қисmlар бир-бирига яқин туради.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий
тузилишининг тизими



Вилоятлар энг йирик маъмурий-ҳудудий қисмлардан бўлиб, Ўзбекистонда уларнинг сони 12 та. “Вилоят” атамаси “область” сўзининг синоними бўлиб, областдан кўра маъмурий-ҳудудий тузилишнинг айнан маъносини беради. Чунки “область” нафақат маъмурий бирликка нисбатан, балки табиий, иқтисодий, ҳарбий бирликларга нисбатан ҳам қўлланилади. “Вилоят” эса маълум бир ҳудудга нисбатан қўлланилиб, миллий қадриятларимиз ҳамда тарихимизни тўлиқ акс эттирувчи атама. Мамлакатимиз

вилоятлари ишлаб чиқариш кучларининг аҳволи, уларнинг жойланиш характери, транспорт ва алоқа коммуникацияларининг ривожланиши, жойлардаги бошқаруving ташкилий тузилишини акс эттиради.

Ўрта ва қуйи тоифадаги маъмурий-ҳудудий қисмлар вилоятлар таркибига кириб, муҳим ташкилий вазифаларни бажаради. Улар давлат вакиллик органлари ва бошқарув идоралари билан алоқа боғловчи ягона тизим ҳисобланади ва маҳаллий ҳокимиятларга раҳбарлик қилишнинг ҳамда уларни ватанимиз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда бирлаштиришни амалга оширади.

Тошкент шаҳри. Аҳолисининг сони 2,3 миллион кишидан иборат бўлиб, унда 100 дан зиёд миллат ва элатлар яшайди. Иқтисодий салоҳияти (мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 16%, саноат маҳсулотининг 20%), фан ва маданият ўчоғи (6 та университет ва 23 та институт), марказий давлат бошқарув идораларининг деярли барчаси жойлашганлиги учун ҳам пойтахт шаҳар ҳуқуқий мақомига кўра вилоят даражасидадир. Унинг таркибида 11 та шаҳар тумани ва 445 та ўзини ўзи бошқарадиган фуқаролар йиғини — маҳаллалар мавжуд.

Қорақалпоғистон Республикаси — Ўзбекистон Республикаси таркибига кирувчи суверен республика. У ҳам ўзининг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ва миллий таркибига кўра юқори тоифадаги ҳуқуқий мақомга эга. Ушбу ҳуқуқий мақом Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси билан белгиланган. Майдони 164,9 минг кв. км., аҳолиси 1,5 миллион киши. У 15 қишлоқ тумани, 12 шаҳар, 16 шаҳарча ва 120 овулларни бирлаштирувчи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарувчи маъмурий-ҳудудий қисмларга бўлинган. Пойтахти — Қорақалпоғистон Республикаси бўйсунувидаги Нукус шаҳри.

Ўрта тоифадаги қисмлардаги маъмурий-ҳудудий бирликларнинг бошқарувида ҳам маҳаллий ҳокимиятлар ўз тузилмасига эга бўлиб, уларнинг таркибида ўзини ўзи бошқарув идоралари фаолият юритади.

Туманлар жойлардаги ижтимоий, иқтисодий, хўжалик ва маданий масалаларни ҳал қилишга бевосита рақбарлик қиладиган бўғиндир. Мамлакатимизда маъмурий-худудий ўзгаришлар, авваламбор, қишлоқ туманлари чегарасининг ўзгариши билан амалга оширилади.

Вилоятлар бўйсунувидаги шаҳарлар. Умуман шаҳарлар аҳоли манзилгоҳлари бўлиб, у бошқа маъмурий-худудий бўлинмаларга нисбатан яхлитлиги, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасининг аграр соҳага нисбатан устун туриши билан ажралиб туради. Қонун бўйича 30 минг кишидан кўп аҳолиси бўлган бундай ижтимоий-иқтисодий шаҳарлар ўз ҳуқуқий мақомига кўра икки гуруҳга ажратилади: 1) вилоят марказлари ҳисобланган шаҳарлар; 2) вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар. Улардаги бошқарув идораларининг тузилиши ва таркиби бир-биридан фарқ қилади.

Қуйи тоифадаги қисмларга ўз маҳаллий ҳокимиятларига эга бўлмаган, асосан маҳаллий ўзини ўзи бошқарув идоралари орқали ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган маъмурий-худудий бўлинмалар киради.

Туман бўйсунувидаги шаҳарларга саноат корхоналари, коммунал хўжалик, уй-жой жамғармаси, ижтимоий ва маданий муассасалар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари бўлган, аҳолиси 7 минг кишидан кам бўлмаган ва уларнинг аксарияти ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида банд бўлган аҳоли пунктлари киради. Ушбу ҳуқуқий мақомга эга бўлиш учун аҳоли пункти маъмурий аҳамият касб этиши ва истиқболли йўналишлари ҳам бўлиши талаб этилади.

Шаҳарчалар. Аҳолисининг сони 2000 кишидан кам бўлмаган, саноат корхоналари, қурилишлар, темир йўл станциялари ва бошқа муҳим объектлар яқинида жойлашган аҳоли пунктлари киради. Уларнинг сони бирмунча камайиб, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 сентябрдаги 459-сонли қарорига мувофиқ, 113 тадан 108 тага туриб қолган.

Қишлоқ ва овулларнинг шаҳарчалардан фарқи — уларда яшовчи аҳоли сонининг энг кам миқдори белгиланмаганлиги ва меҳнатга қобилиятли кишиларнинг аксарият қисми қишлоқ хўжалиги билан банд бўлганлигида. Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилояти аҳоли пунктларининг аксарияти “овул” деб номланса, қолган вилоятларда “қишлоқ” деб юритилади. Ўзбекистонда 11,8 мингдан ортиқ қишлоқ ва овуллар 1451 та ўзини ўзи бошқарув фуқаролар йиғинларига бирлаштирилган.

Маъмурий-ҳудудий қисмларни ташкил қилиш, ўзгартириш ва тугатиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 69-моддасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг чегараларини ўзгартириш, шунингдек, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ташкил қилиш ва уларни тугатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилиги билан амалга оширилади.

1999 йил 20 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Давлат чегараси тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, давлат чегараси унинг ҳудуди доирасидаги ер кенгликларини (қуруқликда, сувда, ер остида, ҳаво бўшлиғида) белгиловчи чизиқдан ва бу чизиқ бўйлаб ўтувчи вертикал (кўндаланг) сатҳдан иборат.

Мамлакатимизнинг юқори тоифадаги маъмурий-ҳудудий қисмлари — вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси чегараларининг аксарият қисми давлат чегараларидан иборат. Шунинг учун “Давлат чегараси тўғрисида”ги Қонун меъёрлари маъмурий-ҳудудий қисмларнинг чегараларига оид масалаларни ҳам қамраб олади. Ушбу Қонуннинг 5-моддасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, қишлоқ туманлари чегаралари давлат чегараларидан ўтадиган бўлса, уларни белгилаш ва ўзгартириш халқаро шартномаларга асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади.

Давлат чегараси делимитация (лотинча “delimitatio” — чегаралаш, айирбошлаш) ва демаркация (французча “demarcation” — чегара белгиларини қўйиш) қилинади, яъни икки давлат ўртасида чегара чизиқлари ўтказилади ва тегишли белгилар қўйилади. Давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, ҳимоя қилиш ва қўриқлаш умумсиёсий масалалар тоифасига кириб, Ўзбекистон Республикаси марказий давлат органлари томонидан белгиланган норма ва тартибларда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий қисмларнинг ички чегараларини ўзгартириш миллий қонунчиликка асосан тартибга солинади. Масалан, “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топологик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасига кўра, юқори ҳуқуқий тоифага кирувчи вилоятлар чегараларини белгилаш, ўзгартириш, ташкил қилиш ва тугатиш ушбу маъмурий-ҳудудий қисмларнинг маҳаллий бошқарув органлари илтимосномасига кўра ва Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Кўп босқичли тизимга эга бўлган ушбу ҳуқуқий жараён ўта нозик давлат аҳамиятига молик масалалар тоифасига киради. Чунки вилоят ва республика чегараларини ўзгартириш, яъни вилоятларнинг бўлиниши ёки қўшилиши нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки сиёсий ва миллий-этник муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси чегараларини ўзгартириш Жўқорғи Кенгес қарори асосида Олий Мажлис томонидан амалга оширилади. Чунки, Ўзбекистон Республикаси ягона унитар шаклдаги мустақил давлат бўлгани учун ҳам Қорақалпоғистон Республикаси унинг давлат қурилиши, иқтисодий ривожланиши, хўжалик ва ижтимоий-маданий қурилиши каби барча жабҳалардаги умумий масалаларни биргаликда ҳал қилиши мақсадга мувофиқ.

Вилоятларни тузиш, ташкил қилиш, чегараларини ўзгартириш ёки тугатиш масалалари тегишли вилоят ва-

киллик идораларининг тавсияси асосида Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Олий Мажлис томонидан амалга оширилади. Зарур ҳолларда мазкур масала бўйича тегишли вилоятларда референдум ўтказилиши мумкин.

Вилоят энг йирик маъмурий-ҳудудий бўлинма сифатида ўрта ва қуйи қисмларга нисбатан бирмунча барқарор ҳисобланади. Вилоятнинг ташкил этилиши, чегараларининг ўзгартирилиши ва тугатилиши учун ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий, ҳам маънавий, ҳам миллий-этник, ҳам ҳуқуқий асослар мавжуд бўлиши талаб қилинади.

Қишлоқ ва шаҳар туманларини тузиш ҳам муҳим ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий масалалар даражасидаги давлат фаолиятига киради. Шунинг учун уларни тузиш ёки тугатиш йириклаштирилаётган ёки тугатилаётган туман Кенгашлари тавсияси ва Вазирлар Маҳкамасининг таклифига биноан Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Шаҳарларни республика миқёсидаги шаҳарлар тоифасига киритиш тегишли шаҳар ва вилоят халқ депутатлари Кенгаши тавсиясига биноан Вазирлар Маҳкамаси киритадиган таклифга кўра Олий Мажлис томонидан амалга оширилади. Худди шундай жараён шаҳарларни вилоят тоифасидаги шаҳарларга киритишда ҳам қўлланилади.

Қорақалпоғистон Республикасида шаҳарларни қуйи тоифадан юқори тоифага ўтказиш Жуқорғи Кенгесининг тавсиясига асосан, Вазирлар Маҳкамаси киритадиган таклифига кўра, Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Давлат бошқаруви органлари

Бошқарув — ташкилот барча аъзоларининг фаолият йўналишини беистисно таъминлайдиган, бутун ташкилот ва унинг айрим қисмларини белгиланган мақсад доирасида ушлаб турадиган, ушбу ташкилотнинг специфик, яъни ўзига хос хусусиятга эга бўлган идорасининг вазифаси²⁴.

Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви — давлат идораларининг қонунлар ҳамда замонавий бозор

²⁴ Фролов С. Основы социологии. Ўқув қўлланма. -М.: Юрист, 1997 с. 206.

иқтисодиётга асосланган демократик давлат барпо этиш вазифаларини бажариш йўлида ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган кундалик қонуний ижрочилик ва маъмурий фаолиятидан иборат.

Давлат бошқаруви — ижрочилик хусусиятига эга бўлган ягона давлат ҳокимияти фаолиятини амалга оширишнинг кўриниши. Бундай бошқарув қонунлар, Президент фармонлари, қорор ва фармоишларини ҳаётга жорий этишга қаратилган. Давлат бошқаруви хўжалик, ижтимоий-маданий ва маъмурий-сиёсий қурилишга раҳбарлик қилиш жараёнида амалга оширилади.

Давлат бошқаруви маълум бир мақсад ва вазифаларга қаратилган бўлиб, қатор функцияларга таянади. Давлат бошқаруви органларининг ўзига хос функциялари қуйидагилар:

Истиқболни белгилаш функциялари — илмий маълумотлар ва ютуқларга асосланган ҳолда, муайян ҳодиса ёки жараёнларнинг ривожланишидаги ўзгаришларни олдиндан кўра билиш.

Режалаштириш — муайян фаолиятнинг йўналишлари, мақсад, вазифа, режа ва кўрсаткичларини аниқлаш, у ёки бу жараёнларни (иқтисодий, маданий, ва ҳ.к.) ривожлантириш.

Ташкил этиш — бошқарув ва бошқарилувчи тизимни ташкил этишни таъминлаш. Ташкил этиш функцияси — бирор тизим, унинг бўлаклари, жойлашуви, уларнинг ўзаро алоқаси ва ҳар бир бўлакнинг функцияси нимадан иборат эканлигини аниқлаб беради.

Тартибга солиш — муайян фаолият, у ёки бу ҳаракатларни амалга ошириш тартибини ўрнатиш.

Координациялаш — маълум бир мақсадга эришиш учун турли корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ўз ҳаракатларини ўзаро келишув асосида амалга оширишлари.

Назорат — назорат қилиш функцияси билан ҳисобга олиш функцияси чамбарчас боғлиқ. Ҳисобга олиш орқали ресурслар сони, харажатлар, ҳужжатларнинг ҳаракати, қарорлар ижроси натижалари аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонун²⁵ига биноан Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси — Ҳукумати Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминловчи ижро этувчи ҳокимият органидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси — давлат бошқаруви органлари тизими ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқаруви органлари тизими бошчилик қилади, уларнинг ҳамжиҳатлик билан фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгардир.

Вазирлар Маҳкамаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида коллегиялик, демократия ва қонунийлик, Ўзбекистон Республикасида яшовчи барча миллат ва элатларнинг манфаатларини ҳисобга олиш принципларига асосланади.

Вазирлар Маҳкамаси таркибига Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раислари киради. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи ўз лавозими бўйича Вазирлар Маҳкамаси таркибига киради.

Вазирлар Маҳкамасининг таркиби Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан шакллантирилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига тақдим этади

²⁵ “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2003, №9-10, 138-модда.

ҳамда уни вазифасидан озод қилади. Вазирлар Маҳкамасининг аъзоларини Бош вазир тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти тасдиқлайди ва вазифасидан озод қилади.

Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади.

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида:

– иқтисодий, ижтимоий-маданий жараёнларни бошқаради, мулкчиликнинг барча шаклларини уйғунлаштириш ва уларнинг тенглиги, иқтисодиётни монополиядан чиқариш, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий механизмини ишга солиш асосида эркин тадбиркорлик учун шарт-шароитлар яратади;

– хўжалик юритишнинг янги шакллари — концернлар, консорциумлар, тармоқлараро бирлашмалар, турли уюшмалар ва бошқа шунга ўхшаш ташкилотларни барпо этишга ва мустаҳкамлашга ёрдамлашади, иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳоли талаб-эҳтиёжларини қондириш заруриятидан келиб чиққан ҳолда улар фаолиятини йўналтиради ва мувофиқлаштиради;

– Ўзбекистон Республикасида пул ва кредит тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширишга кўмаклашади, ягона нарх сиёсатини ўтказиш, меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг белгиланган кафолатлари ҳамда ижтимоий таъминот даражасини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

– Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истиқболи кўрсаткичларини ва энг муҳим дастурларини ишлаб чиқишни ҳамда улар ижросини ташкил этади;

– бошқарув тузилмасини такомиллаштириш вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органларини тузиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқади;

– фан ва техникани ривожлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширади;

– фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг меҳнат қилиш, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояланишга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўради, ижтимоий таъминот тизимини такомиллаштиради;

– соғлиқни сақлаш, халқ таълимини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилайди, маданиятни ривожлантиришга кўмаклашади;

– Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги ва мудофаа қобилиятини, давлат чегаралари қўриқлашини таъминлаш, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш чора-тадбирларини амалга оширишга ёрдамлашади;

– давлат бошқаруви органларининг табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини биргаликда ўтказиш ҳамда республика ва халқаро аҳамиятга молик йирик экологик дастурларни амалга ошириш борасидаги ишларини мувофиқлаштиради, йирик авария ва фалокатлар, шунингдек, табиий офатларнинг оқибатларини тугатиш чора-тадбирларини кўради;

– Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардаги вакилликни таъминлайди, ҳукуматлараро шартнома ва битимлар тузади, уларни бажариш чора-тадбирларини кўради;

– ташқи иқтисодий фаолият, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик соҳасида раҳбарликни амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари ишини мувофиқлаштириб, йўналтириб боради.

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органлари ҳақидаги низомлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат

бюджети ҳисобидан таъминланадиган давлат бошқаруви бошқа органларининг марказий девони ходимлари сони ва улар таъминотига ажратиладиган маблағлар миқдорини белгилайди.

Вазирларнинг ўринбосарлари, давлат қўмиталари раисларининг ўринбосарлари ҳамда давлат бошқаруви бошқа органларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан ташкил этиладиган хўжалик бошқаруви органларининг раҳбарлари ҳамда уларнинг бошқарувлари аъзоларини, шунингдек, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳайъатларининг аъзоларини тасдиқлайди.

Вазирлар Маҳкамаси, зарурат бўлганда, ўз ваколатига кирувчи давлат бошқарувининг айрим масалаларини ҳал этишни, агар бу масалаларнинг ҳал этилиши қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг мутлақ ваколатларига киритилган бўлмаса, вазирликлар, давлат қўмиталари ва ўз бўйсунувидаги давлат бошқаруви бошқа органларига бериши мумкин.

Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва давлат бошқаруви бошқа органларининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органларининг ҳужжатлари амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлган ҳолларда уларни бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Давлат бошқарувининг, хўжалик ва ижтимоий-маданий қурилишнинг энг муҳим масалалари Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида ҳал этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари йилнинг ҳар чорагида камида бир марта ўтказилади.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисларини Бош вазир ўтказди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида раислик қилишга ҳақли.

Қуйидагилар фақат Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида кўриб чиқилади:

– Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини ишлаб чиқиш ва ижро этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Хукумати тасарруфидаги аниқ мақсадли давлат фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш масалалари;

– бошқарув тузилмасини такомиллаштириш масалалари, Ўзбекистон Республикаси ва унинг айрим минтақаларини иқтисодий ҳамда ижтимоий-маданий ривожлантириш дастурлари лойиҳалари;

– давлат қимматли қоғозларини чиқариш ҳажми ҳамда Ўзбекистон Республикасининг давлат ички ва ташқи қарзи кўламини ошириш тўғрисидаги таклифлар;

– солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини белгилаш ҳамда ўзгартириш тўғрисидаги таклифлар;

– давлат мулки объектларини хусусийлаштириш дастурлари лойиҳалари ҳамда хусусийлаштиришдан олинган маблағлардан фойдаланишнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги таклифлар;

– белгилаб қўйилган давлат нархлари қўлланиладиган маҳсулотлар, товарлар ва хизматлар рўйхати;

– қонунчилик ташаббуси тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиладиган қонунлар лойиҳалари;

– давлатлараро шартномалар ва битимларни имзолаш тўғрисидаги таклифлар.

Бош вазир Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади ҳамда унинг самарали ишлаши учун шахсан жавоб беради.

Бош вазир:

– Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Бош вазир ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

- Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилади;
- Вазирлар Маҳкамаси қарорларини имзолайди;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг топширигига биноан халқро муносабатларда Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради ҳамда ҳукуматлараро шартномалар ва битимларни имзолайди;

- давлат ва хўжалик бошқарувининг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида кўриб чиқиш талаб этилмайдиган масалалари бўйича қарорлар қабул қилади;

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади;

- ўз ваколатларига кирувчи масалалар юзасидан фармойишлар чиқаради;

- Вазирлар Маҳкамасининг иши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига мунтазам равишда ахборот бериб боради;

- Бош вазир йўқлигида унинг вазифасини Бош вазир ўринбосарларидан бири бажаради.

Бош вазир ўринбосарлари вазифалар тақсимотиға мувофиқ, ўзлари раҳбарлик қилаётган тармоқдаги ишларнинг аҳволи учун жавоб берадилар, тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, улар ишини назорат қилишни амалга оширадилар ҳамда уларга топшириқлар берадилар, Вазирлар Маҳкамаси муҳокамасига киритилган таклифлар ҳамда қарор ва фармойишлар лойиҳаларини дастлабки тарзда кўриб чиқадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари:

- ўзларига топширилган фаолият соҳаси учун жавоб берадилар;

- Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида масалаларни кўриб чиқиш жараёнида иштирок этадилар;

- Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига кирувчи масалаларни кўриб чиқиш ҳақида Вазирлар Маҳкамасига

таклифлар киритишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг лойиҳаларини тайёрлаш ташаббуси билан чиқишлари мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмас.

Бош вазир ва унинг ўринбосарларидан иборат таркибдаги Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати Вазирлар Маҳкамасининг доимий органи сифатида фаолият кўрсатади. Бош вазирнинг қарорига биноан Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг таркибига Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг бошқа аъзолари ҳам киритилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамаси доимий комиссиялар тузади ва уларнинг вазифалари, ваколатлари ҳамда фаолият тартибини белгилайди.

Давлат ва ҳўжалик бошқарувининг айрим масалалари бўйича таклифлар тайёрлаш, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг айрим топшириқларини бажариш учун Вазирлар Маҳкамасининг муваққат комиссиялари ва бошқа ишчи органлари тузилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ҳамда фармойишлар қабул қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг норматив тусдаги ёки ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлари Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари шаклида қабул қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг тезкор ва бошқа жорий масалалар бўйича қарорлари Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари шаклида қабул қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари Бош вазир томонидан имзоланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддаси ва 93-модда-

сига асосланган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси ваколатига кирувчи масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишга, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари ҳамда Бош вазир фармойишларини бекор қилишга ҳақли.

Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, агар уларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Вазирлар Маҳкамаси ўзи қабул қилган қарорларнинг бажарилиши устидан бевосита ёки вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари орқали назоратни амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамасининг норматив тусдаги қарорлари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўпламида эълон қилинади, кенг оммага дарҳол етказиш зарур бўлган тақдирда оммавий ахборот воситалари орқали маълум қилинади.

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларига тайёргарлик кўриш, тегишли қарорлар лойиҳалари, таҳлилий, ахборот ва бошқа материалларни тайёрлаш, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг бажарилишини мунтазам равишда текшириб бориш учун Вазирлар Маҳкамасининг девони фаолият кўрсатади.

Вазирлар Маҳкамасининг девони ва унинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Вазирлар Маҳкамасининг девони асосий таркибий бўлинмалари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Бош вазир томонидан лавозимга тайинланади.

Вазирликлар, давлат қўмитаси ва хўжалик бошқаруви органлари. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан вазирликлар ва давлат қўмиталари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ташкил қилинади ҳамда тугатилади.

Ҳар бир давлатда вазирликлар ва давлат қўмиталарининг сони давлатнинг олдида турган вазифа ва функциялар бажарилишини ташкил этишга қараб белгиланади.

Вазирлик ижро ҳоқимиятининг асосий тизимларидан бири ҳисобланади. Вазирликлар белгиланган соҳада давлат сиёсати ва бошқарувни амалга ошириш, шунингдек, мазкур соҳадаги ижро этувчи органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида ташкил этилади. Кўриниб турибдики, вазирликнинг маъмурий-ҳуқуқий мақоми икки асосий ҳолат билан белгиланади:²⁶

биринчидан, вазирлик соҳавий орган сифатида фаолият кўрсатади;

иккинчидан, мувофиқлаштирувчи давлат органи сифатида ҳаракат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, қатор вазирликлар азалдан мавжуд (масалан, ички ишлар, мудофаа, таълим, маданият, молия, адлия, қишлоқ хўжалиги ва бошқалар), баъзилари эса маълум бир ҳолат ёки давлат эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ташкил топган (масалан, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги).

Вазирликлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунди. Вазирликларнинг баъзилари бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсундирилган (масалан, Ички ишлар, Мудофаа вазирлиги).

Ўзбекистон Республикасида вазирликлар ўз фаолиятларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва улар тўғрисидаги Низомлар асосида амалга оширадilar. Вазирликларнинг Низомлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинади.

Вазирликлар Низомида: улар фаолиятининг асосий йўналишлари, вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда бошқа давлат органлари билан ўзаро муносабати белгилаб берилади.

Вазирлик аппарати унга юкланган вазифаларга қараб белгиланади. Вазирликка умумий раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга та-

²⁶ Административное право: учебник / Под ред. Ю.М.Козлова, Л.А.Попова. – М.: Юристъ, 2000 с. 176-179.

йинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган Вазир бошчилик қилади. Вазир Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган биринчи ўринбосар ва ўринбосарларга эга бўлади.

Вазир:

- вазирликка юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

- вазир ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

- вазирлик тузилмалари, шу жумладан, ҳудудий тузилмалар раҳбарларининг вазифалари ҳамда жавобгарлигини белгилайди;

- ўзига бўйсунган органлар фаолияти устидан назоратни амалга оширади ва ҳ.к.лар.

Вазир ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарор ҳамда фармойишлари асосида ва уларни бажариш юзасидан — буйруқлар, йўриқномалар, қоидалар, низомлар чиқаради ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги вазирликлар, давлат қўмиталари, бошқа давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилотлар, шунингдек, фуқаролар бажариши мажбурий бўлган бошқа кўрсатмалар беради.

Вазирликлар зарур ҳолларда ҳамда ўз олдида турган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида қўшма меъёрий-ҳуқуқий актларни ҳам чиқаришлари мумкин.

Вазирликда Вазир (раис) ва лавозими бўйича вазир ўринбосарлари, шунингдек, вазирликнинг бошқа раҳбар ходимларидан иборат таркибда ҳайъат (кенгаш) ташкил этилади. Вазирлик ҳайъати (кенгаши) таркиби Вазирнинг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Вазирлик ҳайъати (кенгаши) мажлисларида вазирлик фаолиятининг асосий масалалари кўриб чиқилади ҳамда тегишли баённомалар ва қарорлар билан расмийлаштирилади. Ҳайъат (кенгаш) қарорлари Вазир буйруқлари билан амалга оширилади.

Вазирликда илмий-техник муаммоларни кўриб чиқиш ва асослангирилган қарорлар қабул қилиш мақсадида илмий-техник, маслаҳат кенгашлари, экспертизалар ва турли хилдаги комиссиялар ташкил қилиниши мумкин. Улар тўғрисидаги Низомлар вазир томонидан тасдиқланади.

Вазирликлар бош бошқарма, бошқарма, департамент, бўлим ва бошқа хилдаги тузилмалардан ташкил топган бўлиши мумкин.

Давлат кўмитаси — ижро ҳокимиятининг марказий органларидан бири бўлиб, коллегиялик асосида тармоқлараро мувофиқлаштиришни амалга оширади, шунингдек, фаолиятнинг маълум бир соҳасини тартибга солиш вазифасини бажаради.

Давлат кўмиталарининг вазирликлардан фарқи шундаки, биринчидан, улар коллегиял органлар тоифасига киради; иккинчидан, улар тармоқлараро мувофиқлаштириш вазифасини бажаради.

Давлат кўмиталари вазирликлар сингари уларга юклатилган соҳаларда мувофиқлаштириш ва умумий раҳбарликни амалга оширади. Шу жиҳатидан бу иккала давлат органи бир-бирига ўхшаб кетади, яъни уларни яқинлаштиради. Амалиётда ҳам вазирликни давлат кўмитасига, ва аксинча, давлат кўмитасини вазирликка айлантириш ҳолатлари учраб туради.

Лекин уларнинг фарқини маъмурий-ҳуқуқий мақомини аниқлашда кўришимиз мумкин.

Давлат кўмиталари вазирликлар сингари ўз фаолиятларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва улар тўғрисидаги Низомлар асосида амалга оширади. Давлат кўмиталарининг Низомлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ёки Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинади.

Давлат кўмиталари Низомида улар фаолиятининг асосий йўналишлари, вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда бошқа давлат органлари билан ўзаро муносабати белгилаб берилади.

Давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган Раис томонидан бошқарилади. Қўмита раиси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган биринчи ўринбосар ва ўринбосарларга эга.

Давлат қўмитасида Раис (раис) ва лавозими бўйича раис ўринбосарлари, шунингдек, давлат қўмитасининг бошқа аъзоларидан иборат таркибда ҳайъат (кенгаш) ташкил этилади. Қўмита ҳайъати (кенгаши) таркиби Раиснинг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Ҳайъат (кенгаш) мажлисларида давлат қўмитаси фаолиятининг асосий масалалари кўриб чиқилади ҳамда тегишли баённомалар ва қарорлар қабул қилинади.

Давлат қўмитасида турли мутахассислардан иборат илмий-техник кенгашлар, давлат экспертизаси кенгашлари ва турли хилдаги маслаҳат кенгашлари ташкил қилиниши мумкин.

Ҳамият ҳаётининг барча томонларини эркинлаштириш ва ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичи талабларига мувофиқ иқтисодиётни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, давлат тузилмаларининг ҳокимият ваколатларини қисқартириш, давлат ва хўжалик бошқаруви вазифаларини аниқ чегаралаб қўйиш, шунингдек, республика давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2003 йил 9 декабрда “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармонга биноан вазирликлар, давлат қўмиталари, қўмиталар, агентликлар, шунингдек, улар ҳузурида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этиладиган давлат бошқаруви тузилмалари — республика давлат бошқаруви органлари жумласига киради.

Фармонга биноан республика давлат бошқаруви органларининг асосий вазифалари ва функциялари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалда рўёбга чиқарилиши, уларнинг ижроси устидан таъсирчан назорат амалга оширилишини таъминлаш;

- ташқи ва ички сиёсатни амалга ошириш, давлатнинг ташқи ва ички хавфсизлигини таъминлаш;

- мамлакатни стратегик ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, давлатнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишни ташкил қилиш, иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқариш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш;

- фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари, аҳолининг таълим, тиббий хизмат, ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, меҳнат бозорини тартибга солиш, ижтимоий соҳада умумдавлат бошқарув тизими фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш;

- тегишли ҳуқуқий муҳитни яратиш, лицензиялаш, сертификатлаштириш ва стандартлаштириш орқали хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш;

- солиқлар, божхона тўловларини йиғиш, давлат даромадларини тақсимлаш йўли билан хазинага оид вазифаларни амалга ошириш.

Бозор ислоҳотларининг ҳозирги босқичи талабларига мувофиқ иқтисодийётни бошқаришни янада эркинлаштириш, маъмурий ислоҳотларни чуқурлаштириш, корпоратив бошқаруви меъёр ва тамойилларини кенг жорий этиш, хўжалик бчрлашмаларини унификациялаш ва улар фаолиятини ташкил қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2003 йил 22 декабрда “Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги

Фармони қабул қилинди. Фармонга биноан ушбу таркибга кирувчи корхоналарнинг хўжалик бирлашмасига тегишли бўлган акция пакетлари орқали ана шу корхоналарнинг хўжалик бошқарувини амалга оширувчи акциядорлик компаниялари, шу жумладан, давлат-акциядорлик компаниялари, муассис-корхоналар томонидан улар фаолиятига кўмаклашиш учун муассис-корхоналарнинг акциялари пакетларини бошқариш ҳуқуқисиз айрим умумий вазифаларни уларга топшириш йўли билан ихтиёрийлик асосида ташкил қилинадиган уюшмалар — хўжалик бошқаруви органлари ҳисобланади.

Хўжалик бирлашмаларининг асосий вазифалари ва функциялари қуйидагилардан иборат:

- тармоқ ва иқтисодиёт соҳаларини барқарор ривожлантиришнинг истиқболли стратегиясини белгилаш;

- маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни (ишлар, хизматларни) ўзлаштириш, уларнинг жаҳон бозорларига кириб боришига кўмаклашиш;

- корхоналарни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта қурулантириш, ушбу мақсадларга хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишда ёрдам бериш;

- улар таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларга ахборот хизматлари кўрсатиш;

- кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгач, ўз тараққиёт йулини эркин белгилаш имкониятига эга бўлди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов айтганидек: «Биз учун мустақиллик - ўз эркинлигимизни англашгина эмас, балки аввало ўз ҳаётимизни, ўз иродамиз билан ва миллий манфаатларимизни кўзлаган ҳолда ташкил этиш, ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қуриш йўлидир».

Ўзбекистон танлаб олган йўл — республика ва унинг халқининг манфаатларига мос келадиган, ижтимоий жи-

ҳатдан йуналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган иқтисод. Бозор иқтисодиётига ўтилган сари иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солишда давлатнинг роли жиддий ўзгаради. Бозор иқтисодиётининг ўзини ўзи тартибга солувчи механизмлари тобора катта роль ўйнайди.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, суверен давлатчиликка эришиш, янги иқтисодий негизнинг шаклланиши, халқнинг ижтимоий ва маънавий жиҳатдан уйғониши собитқадам ва астойдил ҳаракат қилиш йўли билан қийинчиликларни енгиб ўтиш орқали амалга оширилади. Мустақилликни қўлга киритган ҳар бир мамлакат ўз тараққиёт йўлини излаган, янги жаmiят барпо этиш борасида ўз андозасини ишлаб чиққан. Бунда илк асос вазифасини кишиларнинг ўз кадриятлари тизими ва аниқ мақсадни кўзлаб тутилган йўл, миллий анъаналар ва тарихий шарт-шароит, реал ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муҳит, одамларнинг таркиб топган турмуш тарзи ва дунёқараши ўтаган.

Жаmiятнинг ривожланиши билан турли хилдаги янги ижтимоий муносабатлар вужудга келиб, уларни ҳуқуқий тартибга солиш муаммоси вужудга келади. Бу жараёнда давлат органларининг тутган ўрни катта.

Давлат олдида турган асосий вазифалардан бири сифатида — давлат органлари, уларда меҳнат қилувчи хизматчиларнинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш масаласи вужудга келди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов кўрсатиб ўтганидек: “Янги шароитда давлатнинг, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ғоят муҳим вазифаси сиёсий партиялар, нодавлат, ижтимоий структуралар, фуқаролик жаmiятининг эндигина пайдо бўлиб келаётган хилма-хил институтлари билан ишлаш ва ҳамкорлик қилишнинг янгидан-янги шакллари излаб топишдан иборатдир”.

Бугун давлат ҳокимияти органлари ишининг самарадорлигини сақлаб қолган ҳолда ҳокимият ваколатлари-

нинг марказ ихтиёридан соқит қилиш, бу ваколатларнинг бир қисмини марказдан минтақаларга, маҳаллий ҳокимият органларига олиб бериш йўллари ни излаб топиш заруратга айланиб бормоқда.

Давлат органларининг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларининг самарали амалга оширилиши, кўп жиҳатдан, уларнинг фаолиятида қонунийлик ва интизомнинг таъминлангани ёки унга қай даражада риоя этилаётганига боғлиқ.

Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар

Умумий халқ назариясида ҳуқуқий муносабатлар ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ бўлган субъектлар ўртасидаги ҳуқуқ нормалари ва муайян юридик фактлар асосидаги алоқа сифатида таърифланади. Дарҳақиқат, ҳаётдаги мавжуд ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий нормалар ёрдамида тартибга солинади. Шундай экан, ижтимоий муносабатлар умумий назария фани нуқтаи назаридан қараганда доимо ҳуқуқ нормалари билан боғлиқ ҳолда учрайди. Зотан, ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқ нормалари ёрдамида тартибга солинадиган қисми ҳуқуқий муносабатларни ташкил қилади. Ҳуқуқ нормалари эса ўз вазифаларини ҳуқуқий муносабатлар орқали амалга оширади.

Қонун билан ўрнатилган ҳолатлар ижтимоий муносабатларга, жамият ҳаётига таъсир этмаса, бу муносабатлар ҳуқуқий муносабатларга айланмайди. Демак, ижтимоий муносабатларга ҳуқуқ нормалари таъсир этсагина, улар ҳуқуқий муносабатларга айланади.

Юридик адабиётларда бу борада билдирилган фикрларнинг умумий хулосасига кўра, меҳнат ҳуқуқи соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар — меҳнат қонунчилиги нормалари билан тартибга солинган меҳнатга оид муносабатлар ва улар билан узвий равишда боғлиқ бўлган ходимларнинг меҳнатга доир муносабатлардан иборат. Бошқача айтганда, бу меҳнат ҳуқуқи субъектларининг юридик алоқасидир.

Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчилари доимий равишда меҳнат ҳуқуқи нормалари асосида фаолият юритади.

Таъкидлаш лозимки, меҳнат ҳуқуқининг предметини ташкил этувчи барча ижтимоий муносабатлар меҳнат қонунчилиги нормалари билан йўғрилган бўлиб, улар доимо меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда намоён бўлади.

Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатнинг ҳар бир туркуми мазмуни жиҳатидан ўзига хос ҳуқуқий хусусиятга эга бўлиб, у давлатнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари таъсири натижасида келиб чиқади.

Умумий тарзда тан олинган ва меҳнат ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг асосий турлари қуйидагилардан иборат:

- 1) меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар;
- 2) касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари билан иш берувчилар ўртасидаги ташкилий-бошқарувга оид ҳуқуқий муносабатлар;
- 3) ишга жойлаштиришга доир ҳуқуқий муносабатлар;
- 4) корхонада кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишга оид муносабатлар;
- 5) меҳнат муҳофазасини назорат этишга оид ҳуқуқий муносабатлар;
- 6) меҳнат низоларини кўришга оид процессуал ҳуқуқий муносабатлар.

Меҳнат ҳуқуқи нормаларининг қўлланилиши натижасида келиб чиқадиган муносабатларнинг барчасини меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар деб таърифлаш мақсадга мувофиқ.

Юқорида таъкидланганидек, меҳнат ҳуқуқининг мазмун-моҳияти ва асосий ўзагини ходимларнинг меҳнатга оид муносабатлари ташкил этади.

Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар ўз субъектига эга ва айна шу субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Хулоса қилиб айтганда, барча ижтимоий муносабатлар субъектларининг юридик алоқаси

уларнинг табиатини ифодалайди. Бу эса уларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди. Субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари меҳнат қонунчилиги нормалари, жамоа келишуви ва шартномалари ҳамда ходим билан тузилган меҳнат шартномасида назарда тутилган.

Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос яна бир белгиси мавжуд. Бу меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларнинг ихтиёрийлик хусусиятига эга экани билан изоҳланади. Чунки, бундай ижтимоий муносабатлар доимо субъектларнинг хоҳиш-иродаси туфайли вужудга келади. Барча меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар бир-биридан субъекти, унинг мазмуни, мазкур муносабатларни юзага келтириш, ўзгартириш ва бекор қилиш асослари билан фарқланади.

Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар хусусиятлари

Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий шакли сифатида ходим билан иш берувчи ўртасида меҳнат юзасидан келиб чиқади.

Меҳнат ҳуқуқига оид юридик адабиётларда меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларга берилган таъриф мантқан ва мазмунан бир хил.

Ана шу фикрларга таяниб, бу муносабатларни қуйидагича таърифлаш мумкин. Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар — ходим билан иш берувчи ўртасидаги ихтиёрий равишдаги алоқа бўлиб, бунга кўра ходим корхонада муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ўзининг меҳнат вазифасини ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, иш берувчи эса меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, жамоа шартномаси ва меҳнат шартномасида белгиланган шартлар асосида ҳақ тўлаш, амалдаги қонунчиликка кўра тегишли меҳнат шароитини яратиб бериш мажбуриятини олади. Кўриниб турибдики, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларнинг бундай тушунилиши меҳнат шартномаси ҳамда амалдаги қонунлар мазмунидан келиб чиқади.

Меҳнатга оид муносабатларнинг субъектлари сифатида, бир томондан, ходим, иккинчи томондан, иш берувчи ҳисобланади, улар ҳуқуқий лаёқат ва муомала лаёқатига эга бўлмоғи лозим. Шундагина меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар юзага келади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 14-моддасига асосан, иш берувчи билан меҳнат шартномаси тузган Ўзбекистон Республикасининг муайян ёшга етган фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар меҳнатга оид муносабатларнинг субъектлари бўлиши мумкин. Ишга қабул қилиш ўн олти ёшдан бошланади. Ўн бешга ёшга тўлган шахслар эса ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи бирор-бир шахснинг ёзма равишдаги розилиги билан ишга қабул қилиниши мумкин. Иккинчи томондан, корхона, муассаса ва ташкилотлар, шунингдек, 18 ёшга тўлган шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти бўлиши мумкин.

Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи соҳасидаги меҳнат билан боғлиқ бўлган турдош муносабатлардан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади:

биринчидан, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти ҳамма вақт корхона меҳнат жамоаси таркибига қўшилади, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида бу ҳолат кузатилмайди;

иккинчидан, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар предмети бевосита ижтимоий меҳнат жараёнининг ўзини ифодалайди ва унда ходим бажараётган иш унинг муайян вазифасига тааллуқлидир. Бундан фарқли ўлароқ, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг предмети мулкка айлантирилган меҳнат натижаси ҳисобланади;

учинчидан, ходим корхонадаги ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда меҳнат вазифасини бажаради ҳамда интизомни бузгани учун жавобгар бўлади;

тўртинчидан, амалдаги меҳнат қонунчилигига биноан, ходим меҳнатини ташкил қилиш ва уни муҳофаза

этиш иш берувчи зиммасига юклатилган. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида эса фуқаронинг ўзи ўз меҳнатини ташкил қилади ва муҳофаза этади;

бешинчидан, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар узлуксиз давом этиш хусусиятига эга бўлса, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар муайян топшириқ, пудрат ёки муаллифлик шартномаси бўйича белгиланган иш бажарилгач, тугайди.

Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар муайян мазмунга эга бўлиб, бу ҳол мазкур муносабат субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларида ҳамда ҳуқуқий статусларида намоён бўлади.

Конституцияга асосан ходимнинг эркин иш танлаши, келишилган меҳнат вазифасига оид ишни бажариши ҳамда унинг қонунбузарлик ҳолатларидан ҳимоя қилиниши ходим ҳуқуқий ҳолатининг асосий қисмини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 170-моддасига асосан ходим ўз меҳнат вазифаларини ҳалол ҳамда виждонан бажариши лозим. Айни вақтда ходимнинг муайян мутахассислик, малака, лавозимига мувофиқ келувчи меҳнат вазифасини қонуний асослар бўлмаган ҳолда ўзгартиришга йўл қўйилмайди, чунки меҳнатнинг шартлари қонунда белгиланган тартибдагина ўзгартирилиши мумкин.

Шуни унутмаслик керакки, субъектларнинг ҳуқуқлари бир-бирига нисбатан мувофиқ келадиган мажбуриятлар билан боғлиқ. Шу билан бирга, меҳнат шартномаси амал қилиб турган даврда меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар барқарор ҳолатда давом этади. Ҳатто, ходим қонунчилиқда кўрсатилган айрим сабабларга кўра, вақтинча ишдан четлаштирилганда ҳам бу мажбуриятлар давом этади. Бу ҳол субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг турғун ҳолатда сақланишидан далолат беради.

Маълумки, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларнинг шаклланиши, ўзгариши ва бекор бўлиши бевосита меҳнат қонунчилигида назарда тутилган юридик фактларга

боғлик. Ушбу юридик фактлар уларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор қилинишининг асоси ҳисобланади. Аввало, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар меҳнат шартномаси (контракт) туфайли амалга оширилади. Меҳнат шартномаси тузилиши билан ходим ҳамда иш берувчи ўртасида меҳнатга оид ҳуқуқий муносабат келиб чиқади. Бундай муносабат оддий ва мураккаб юридик фактлар асосида юзага келади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 72-моддасида таъкидланганидек, меҳнат шартномасини тузиш ҳақидаги келишувдан олдин қўшимча ҳолатлар (танловдан ўтиш, лавозимга сайланиш ва ҳоказолар) бўлиши мумкин. Шу боис айрим тоифа ходимлар учун ҳуқуқий муносабатлар мураккаб юридик фактлар асосида келиб чиқади. Бунинг маъноси шуки, меҳнат шартномаси тузилишидан олдин ёки ундан кейин баъзан бошқа юридик фактларга зарурат туғилади. Шундай қилиб, мураккаб юридик фактлар асосида меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар рўёбга чиқади. Лавозимларни эгаллайдиган сайланадиган ходимлар билан иш берувчи ўртасида келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатларга даставвал сайлангани ҳақидаги юридик факт, сўнгра меҳнат шартномаси асос бўлади.

Баъзан меҳнат шартномасини тузиш ҳақида келишув мавжуд бўлмаган ҳолларда ҳам меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар келиб чиқиши мумкин. Масалан, ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан ёки унинг ижозати билан ходимнинг ишлашига рухсат этилган бўлса, ишга қабул қилиш тегишли равишда расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмаганидан қатъи назар, бошлаган кундан эътиборан меҳнат шартномаси тузилган деб ҳисобланади.

Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар, қонунда назарда тутилган ҳолларда, меҳнат шартномасида юз берган ўзгаришлар натижасида ўзгартирилиши мумкин. Қонунга асосан, меҳнат шартномаси тарафлар келишувига кўра ўзгартирилади. Меҳнат кодексининг 92-моддасида таъкидланишича, ходимни бошқа доимий ишга ўтказишга

(унинг меҳнат вазифасини ўзгартиришга), яъни унга бошқа мутахассислик, малака, лавозимига оид ишни топширишга унинг розилиги билангина йўл қўйилади. Ходимнинг розилигисиз вақтинча бошқа ишга ўтказишга фақат ишлаб чиқариш зарурати ёки унинг бекор туриб қолгани сабабли йўл қўйилади (Меҳнат кодекси 95-моддаси). Шунингдек, меҳнат шартномаси шартлари тарафларнинг келишуви ёки ходимнинг ташаббуси билан у вақтинча бошқа ишга ўтказилиши ҳам мумкин. Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар меҳнат шартномасининг қонунда белгиланган тартибда бекор қилиниши билан тугайди. Бу ҳол ҳуқуқий муносабатлар меҳнат шартномасининг бекор қилиниши асосида тугашидан дарак беради.

Ташкилий бошқарувга оид ҳуқуқий муносабатлар

Меҳнатга оид бу каби ҳуқуқий муносабатларда субъектлар сифатида корхонанинг меҳнат жамоаси ҳамда жаоманинг ҳуқуқ ва манфаатларининг қонуний вакили сифатида касаба уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари иштирок этади. Шу боис ташкилий-бошқарувга оид муносабатлар: а) меҳнат жамоаси билан иш берувчи ўртасида; б) касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари билан иш берувчи ўртасида келиб чиқади. Бунда ҳуқуқий муносабатлар асосан меҳнатни ташкил этиш, унинг шартларини ўрнатиш ва ўзгартириш, жамоа шартномасини тузиш, меҳнат жамоасининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат қонунчилиги нормаларини татбиқ этиш каби масалалар юзасидан келиб чиқади. Қолаверса, мазкур ҳуқуқий муносабатлар давлат ва касаба уюшмалари органлари, шунингдек, турли поғонадаги иш берувчилар ва уларнинг бирлашмалари ҳамда касаба уюшмалари органларининг алоқаларига ҳам дахлдор.

Ташкилий-бошқарувга оид ҳуқуқий муносабатларда меҳнат жамоаси ва иш берувчи, шунингдек, касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари билан

иш берувчи ўртасидаги муносабатлар катта аҳамиятга эга экани эътиборга лойиқ.

Маълумки, меҳнат жамоасининг ваколатлари, касаба уюшмасининг ҳуқуқлари меҳнат қонунчилиги, шунингдек, бунга қўшимча тарзда, жамоа шартномаси ва келишувлари, корхона устави билан белгиланади.

Бу субъектларнинг меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда қай тарзда иштирок этиши, уларнинг қандай поғонага тегишли экани ҳамда масалаларни ҳал қилиш борасида уларга қандай муайян ҳуқуқлар берилганига боғлиқ. Масалан, жамоа шартномасини тузиш зарурати тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи касаба уюшмаси, ходимлар томонидан ваколат берилган бошқа вакиллик органи ёки бевосита меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)га берилган (Меҳнат кодексининг 46-моддаси).

Ушбу шартномани тузиш, уни тасдиқлаш ва имзолаш ҳуқуқи касаба уюшмасига ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органларига берилган. Унинг бажарилишини текшириб бориш вазифаси эса бошқа органлар билан бир қаторда, меҳнат жамоаси ваколатига ҳам тегишли.

Меҳнат кодексининг 174-моддасига асосан, корхонадаги ички меҳнат тартиби қоидалари касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

Меҳнат жамоаси ваколатлари қонун ҳужжатларида жамланган ҳолда кўрсатилмаган бўлса-да, улар меҳнат қонунларининг деярли барча нормаларида ўз аксини топган. Амалдаги қонунчиликда корхона ташкил топган вақтдан бошлаб меҳнат жамоаси тегишли қафолатларга эга бўлиши белгилаб қўйилган. Корхона тугатилиши билан меҳнат жамоасининг ваколоти ҳам ўз кучини йўқотади. Бу ҳол касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органларининг ваколатларига ҳам тааллуқли.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 31-моддасига асосан, жамоа келишувларини тузиш билан боғлиқ ташкилий-бошқарувга оид айрим ҳуқуқий муносабатлар

(жумладан, корхона доирасидан ташқарида бўлган ҳолларда ҳам) субъектлари сифатида бир томондан, ходимларнинг вакили сифатида касаба уюшмасининг тегишли органлари, иккинчи томондан, иш берувчилар бирлашмалари, баъзан эса, учинчи томондан, ижроия ҳокимият органлари иштирок этади. Бу ҳуқуқий муносабатлар иш берувчи билан жамоа шартномаси ва келишувларини тузиш ҳақида музокараларнинг бошланиши туфайли рўёбга чиқади. Ёзма равишда хабардор этилган мазкур муносабатлар субъекти, яъни иккинчи тараф етти кун муддат ичида музокараларга киришмоғи шарт.

Жамоа келишувининг амал қилиш муддати уч йил этиб белгиланган. Бу муддатдан сўнг мазкур келишув ўз кучини йўқотади. Энг муҳими бу факт ташкилий бошқарувга оид ҳуқуқий муносабатларнинг тугашига асос бўлади (Меҳнат кодексининг 54-моддаси).

Ишга жойлаштиришга доир ҳуқуқий муносабатлар

Аҳолини ишга жойлаштиришга доир ҳуқуқий муносабатлар кенг маънода талқин этилиши лозим. Чунки бундай ҳуқуқий муносабатларнинг мавжудлиги фуқароларнинг Конституцияда ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган меҳнат қилиш ҳуқуқлари ҳамда уни амалга ошириш кафолатлари билан бевосита боғлиқ. Бу борада янги таҳрирдаги 1998 йил 1 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Ушбу қонунда аҳолини иш билан таъминлашга оид муносабатларни тартибга солиш, эркин меҳнат қилиш тамойилини амалга ошириш борасидаги кафолатлар аниқ белгилаб берилган.

Ушбу қонун Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаётган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам татбиқ этилади.

Меҳнатни рағбатлантириш ва манфаатдорликни ошириш соҳасида бошқарувни ташкил этиш ва такомиллашти-

риш, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий таъминот тизимини яхшилаш, иқтисодий эркинлаштириш ва иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда ижтимоий муҳофазани кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 13 февралдаги Фармониға мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ташкил этилди.

Мазкур фармонға кўра, меҳнат бозорини шакллантириш ва меҳнатға қобилиятли аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш борасида фаол давлат сиёсатини амалға ошириш, меҳнат ресурслари баланслари асосида иш жойларини яратиш ва кадрлар тайёрлаш соҳасида аниқ мақсадға йуналтирилган дастурлар ишлаб чиқиш ушбу вазирликнинг асосий вазифаси этиб белгиланган.

Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасида давлат сиёсатини юритиш ҳамда фуқароларға тегишли қафолатларни таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда унинг маҳаллий меҳнат органлари томонидан амалға оширилади.

Мазкур вазирлик:

- меҳнат бозорини таҳлил этади ва истиқболини белгилайди ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш даражасини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади;

- аҳолини иш билан таъминлаш масалалари юзасидан маҳаллий давлат ҳокимият органлари ва маҳаллий меҳнат органларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;

- иш билан таъминлашға кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан ишсиз шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, янги иш жойлари яратиш, иш билан банд бўлмаган аҳолини касбға тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш йўналишларини белгилайди;

- аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлайди;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалға оширади.

Маҳаллий меҳнат органлари:

- фуқароларга маъқул келадиган ишни танлашда, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва бошқа иш берувчиларга зарур ходимларни танлашда ёрдам беради. Ишламаётган фуқароларни касбга ўргатиш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш тўғрисида ўқув юртлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан шартномалар тузади;

- ишсиз шахсларни рўйхатга олишни таъминлайди ва уларга ёрдам кўрсатади, шу жумладан, нафақалар таъинлаш ва тўлашни амалга оширади;

- аҳолини иш билан таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашади;

- корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан мўлжалланаётган тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилиши натижасида ходимлар ишдан озод этилиши мумкин бўлган бошқа тадбирлар тўғрисида, шунингдек, бўш иш жойлари (вакант лавозимлар) бор-йўқлиги, меҳнатнинг хусусияти ва шароитлари тўғрисида ахборотлар олади;

- меҳнат органларига мурожаат этган фуқароларни касб тайёргарлиги ва малака даражасига мувофиқ корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга, уларда бўш иш жойлари (вакант лавозимлар) бўлган тақдирда, ишга жойлаштириш учун юборади ва бошқа ваколатларни амалга оширади.

Аҳолини ишга жойлаштиришга доир ҳуқуқий муносабатлар мустақил, шу билан бирга, бир-бири билан узвий боғланган қуйидаги учта муносабатдан иборат:

1) маҳаллий меҳнат органи билан иш қидираётган фуқаро ўртасидаги муносабатлар;

2) маҳаллий меҳнат органи билан иш берувчи ўртасидаги муносабатлар;

3) ишсиз шахс билан иш берувчи ўртасидаги муносабатлар.

Бу ҳуқуқий муносабатларнинг ҳар бири ўз субъектлари, мазмуни жиҳатидан мустақил. Лекин улар фуқарони ишга жойлаштиришда кўмак бериш, иш берувчи-

ларни муносиб кадрлар билан таъминлаш каби умумий мақсад йўлида бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Қуйида уларнинг ҳар бирига қисқача тўхталиб ўтамыз.

Маълумки, маҳаллий меҳнат органи билан фуқаро ўртасидаги ҳуқуқий муносабат шу фуқаро ишга жойлашув хусусида меҳнат органига ариза билан мурожаат қилган пайдан бошлаб пайдо бўлади. Бунда фуқаронинг аризаси ана шу ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқарувчи асос ҳисобланади. «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунда ишсиз шахс дарҳол рўйхатга олиниши ва ҳуқуқий муносабат ишсиз шахс билан маҳаллий меҳнат органи ўртасидаги муносабатда ифодаланиши таъкидланади. Ушбу муносабатнинг мазмунини иш қидирувчининг ўз вақтида рўйхатдан ўтиши ҳамда маҳаллий меҳнат органининг унга мос келадиган иш билан таъминлаш ҳақидаги йўлланмасидан фойдаланиш мажбурияти ташкил этади.

Иш қидираётган ва меҳнат органига мурожаат қилган фуқаро таъмин этиладиган иш турини, иш жойини ва меҳнат режимини эркин танлаш мақсадида касбга доир бепул маслаҳатлар олиш, касбга тайёрлаш, қайта тайёрлашдан ўтиш, малакасини ошириш ҳамда тегишли ахборот олиш ҳуқуқига эга. Шу билан бир вақтда, меҳнат органи ишсиз фуқаро ва иш берувчига иш топиш ва ишчи кучи билан таъминлаш имкониятлари, ходимларга нисбатан қўйиладиган талаблар ҳақида ҳамда иш билан таъминлашга тааллуқли бошқа масалалар юзасидан маслаҳатлар бериш, ишсиз деб эътироф этилган шахсларга қонунда белгиланган миқдорда нафақа тайинлаш ва тўлаш каби вазифаларни бажариши шарт (қонуннинг 16-моддаси). Бу каби ҳуқуқий муносабатлар ходимнинг ишга қабул қилингани, яъни меҳнат шартномаси тузилгани туфайли бекор бўлади. Меҳнат кодексининг 102-моддасида таъкидланганидек, иш берувчи камида икки ой олдин ишдан бўшатилиши мумкин бўлган ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги ва меҳнат ҳақи миқдорини кўрсатиб, бу ҳақда маҳаллий меҳнат органига тегишли маълумотнома тақдим этиши шарт.

Амалдаги қонунчиликда меҳнат органларига бўш иш жойлари (вакант лавозимлар) тўғрисида ва ишдан бўшатиб олинадиган ходимлар хусусида маълумотлар тақдим этиш тартиби ҳақидаги Низомга мувофиқ, иш берувчи билан меҳнат органи ўртасидаги ташкилий-бошқарувга оид ҳуқуқий муносабатлар етарли даражада тартибга солинган. Мазкур низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 22 декабрда 858-сонли рақам билан рўйхатга олинган. Унга кўра, корхона, муассаса ва ташкилотлар, қишлоқ хўжалик кооператив (ширкат)лари, яъни иш берувчилар бўш иш жойлари (вакант лавозимлари) ҳақида ва ишдан озод қилиш тўғрисида камида икки ой олдин ахборот тақдим қилиши, шунингдек, ушбу маълумотлар меҳнат органлари томонидан ҳисобга олинишини ташкил этиши лозим. Бу иш берувчиларнинг энг муҳим мажбурияти ҳисобланади.

Ана шундай тадбирларнинг белгиланишидан кўзланган асосий мақсад — иш қидираётган фуқарога қисқа вақт мобайнида иш топишига имконият яратиб бериш.

Маълумки, маҳаллий меҳнат органлари иш берувчига нисбатан маъмурий-ҳуқуқий ваколатларга эга эмас. Шунинг учун меҳнат органлари томонидан фуқароларга берилган йўлланмалар асосан уни ишга қабул қилишда тавсиявий хусусиятга эга бўлади ва бевосита қонунчиликда кўрсатилган айрим ҳоллардагина иш берувчи учун иш қидираётган фуқаро билан меҳнат шартномаси тузиш мажбуриятини юклайди. Бунинг боиси шундаки, Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунининг 16-моддасига мувофиқ, корхона, муассаса ва ташкилотларга ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни ишга қабул қилиш учун мўлжалланган энг кам миқдордаги иш жойларини белгилаш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқади ва уларни маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг муҳокамасига киритади. Шунинг учун бронь ҳисобига ишга юборилган фуқаролар иш берувчи томонидан қабул қилиниши шарт. Ишга қабул

қилиш гайриқонуний равишда рад этилган ҳолларда, фуқаро бу хусусда судга шикоят аризаси билан мурожаат қилиши мумкин (Меҳнат кодексининг 78-моддаси).

Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга энг кам миқдордаги иш жойларини яратиш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органи чиқарган қарорни бажармагани учун иш берувчидан ҳар бир яратилмаган иш жойи учун ҳодимнинг йиллик ўртача иш ҳақи миқдорида жарима ундирилади. Аввал талабнома берилган, кейинроқ эса ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий маълумот олган, шунингдек касбий тайёргарлик олиш, қайта тайёргарлик кўриш ва малакасини оширишга юборилган шахсларни ишга қабул қилишдан бош тортганлик учун ҳам шу миқдорда жарима ундирилади. Ундириб олинган маблағ иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармасини тўлдириш учун ўтказилади (“Ақолини иш билан таъминлаш тўғрисида” ги Қонуннинг 18-моддаси).

Маҳаллий меҳнат органи билан иш берувчилар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлардаги эътиборга лойиқ ҳолат шундан иборатки, иш берувчилар ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар учун белгиланган энг кам миқдордан ортиқроқ қўшимча иш жойларини яратиш, шунингдек, бундай шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш мақсадида қилган сарф-харажатлари маҳаллий бюджет, иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ва бошқа маблағлар ҳисобидан қопланади.

Ишга жойлаштиришга доир ҳуқуқий муносабатларнинг сўнгги босқичи иш қидираётган фуқаро билан иш берувчи ўртасидаги муносабатдир. Бу муносабатлар, одатда, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан илгарироқ вужудга келади ва маҳаллий меҳнат органлари томонидан фуқаронинг ишга жойлашуви ёки янги касб бўйича ўқиши учун берилган йўлланма иш берувчига топширилгандан сўнг амалга оширилади. Муайян ихтисос, малака, касб бўйича ишга қабул қилиш ёки янги касбга

Ўқитиш ҳақидаги йўлланма-ҳужжат ҳуқуқий муносабатларнинг мазмунини белгилаб, субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ифодалайди.

Ишга жойлаштиришга доир ҳуқуқий муносабатлар иш қидираётган фуқаронинг ташаббусига кўра, юқорида айтиб ўтилган шартномалар тузилгунга қадар, бекор бўлиши ҳам мумкин. Шунингдек, бу муносабатлар иш берувчининг ташаббуси билан (масалан, қонунга биноан вояга етмаган шахсларни, аёлларни қабул қилиш мумкин бўлмаган ҳолларда) бекор бўлиши мумкин.

Корхонада кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишга доир ҳуқуқий муносабатлар

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунда таъкидланганидек, давлат томонидан фуқароларни янги касбга (мутахассисликка) беул ўқитиш, маҳаллий меҳнат органларида ёки уларнинг йўлланмаси билан бошқа ўқув юртларида стипендия тўлаб малака ошириш имконияти яратилгани уларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқининг муҳим кафолатларидан бири ҳисобланади. Бу жараёнда шогирдликка, кадрлар малакасини оширишга ва ўқитиш ишларига раҳбарлик қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар келиб чиқади.

Шогирдликка оид ҳуқуқий муносабатлар тузилган шартнома асосида келиб чиқади ва улар ишсиз фуқарони янги касбга ўқитиш билан боғлиқ бўлади. Маълумки, бозор муносабатлари шароитида ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда малакасининг оширилиши — уларни ижтимоий фойдали иш билан таъминлашга кўмаклашувчи энг муҳим омил ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш изчил чораларидан бири сифатида қаралиши лозим. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 1999 йил 24 апрелда «Ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тўғрисида» Низом тасдиқланиб, Адлия вазирлигида 1999 йил 2

июлда 762-сонли рақам билан рўйхатга олинган. Мазкур Низомда Ўзбекистон Республикасида ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизими орқали уларни касбга ўқитиш ва қайта ўқитиш, малакасини ошириш босқичлари ҳамда тартиби белгиланган. Низомда кўрсатилишича, бу тизим таркибига:

- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишга доир масалалар билан шуғулланадиган тузилмавий бўлинмалари;

- меҳнат органларининг жойлардаги ўқув марказлари;

- корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ўқув бўлинмалари;

- олий ва ўрта махсус ўқув юртлири (академик лицейлар қошидаги ўқув муассасалар);

- тегишли рухсатномага эга бўлган тижорат ва хўжалик ҳисобидаги ташкилотлар, уюшмалар;

- шогирдликка, касб ўргатиш имкониятларига эга бўлган «Хунарманд» уюшмасига аъзо бўлган тадбиркор халқ усталарининг мактаблари.

Меҳнат органларида рўйхатга олинган ва ишсиз деб эътироф этилган шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш қўйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин:

- ишсиз шахс зарур касб, малакага эга бўлмагани туфайли унга мақбул келадиган иш танлаш мумкин бўлмаганда;

- ишсиз шахснинг касб кўникмаларига мос келадиган иш йўқлиги сабабли касбини (мутахассислигини, машғуллот турини) ўзгартириш зарур бўлганда;

- ишсиз шахс касбга боғлиқ бўлган касаллиги туфайли, узоқ танаффусдан кейин ишлаб чиқаришда янги технологиялар жорий қилиниши муносабати билан аввалги касби бўйича ишлаш қобилиятини йўқотганда.

Бу қоида, унинг туридан қатъи назар, пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган ва меҳнат органларида рўйхатдан ўтган шахсларга ҳам (башарти шундай зарурат бўлса)

Раҳмат

жорий қилинади. Уларнинг меҳнат органлари орқали иш қидирувчининг шахс сифатида рўйхатга олиниш ҳуқуқи сақлаб қолинади.

Низомда кўрсатилганидек, корхоналарнинг тугатилиши, қайта ташкил этилиши, ходимлар сонининг қисқартирилиши туфайли ишдан бўшатилаётган ходимларнинг касб таълими, уларнинг хоҳишига кўра, тизимнинг исталган ўқув базасида ташкил этилиши мумкин. Ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш тизимини бошқариш Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳудудий меҳнат органлари томонидан амалга оширилади. Шунингдек, жойлардаги маҳаллий меҳнат органлари қошида маслаҳатлар бериш мақсадида тегишли ўқув марказлари ҳам ташкил этилади.

Тузилган шартномалар асосида меҳнат органлари томонидан касб тайёргарлиги ва қайта тайёргарликдан ўтиш, малакасини оширишга муҳтож бўлган шахсларга янги касбга ўқитиш учун йўлланмалар, жумладан, уста-шоғирд усулида касбга ўргатишда шартнома амалдаги тартиб бўйича ўқиш муддатлари кўрсатилган ҳолда тузилади. Қоидага кўра, ишсиз шахсларни ўқитиш муайян курс асосида ва яқка тартибда ташкил қилинади.

Ишсиз шахслар жумласидан касбга тайёрлашга йўлланган фуқароларнинг ўқиш муддати, одатда, олти ойдан ошмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш ҳақида»ги Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ, ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш меҳнат органларининг йўлланмалари асосида амалга оширилади. Демак, ишсиз шахсларни ўқитишга доир фуқаролар билан маҳаллий меҳнат органи ўртасида ҳуқуқий муносабатлар ишсиз фуқароларга йўлланма берилган пайтдан бошлаб вужудга келади ва шундан эътиборан ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

Маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олиниб, ишсиз сифатида эътироф этилган шахсларнинг ҳуқуқлари шун-

дан иборатки, улар шу органнинг мутахассислар томонидан касб танлаш ва касбга мувофиқ таълим олиш имкониятларига, бепул маслаҳатлар олиш, давлат маблағлари ҳисобидан янги касбни эгаллаш ёки малакасини ошириш имкониятларидан тўлиқ фойдаланади. Таълим олувчилар эса ўқув жараёнида олган назарий ва амалий билимлари асосида касбга доир кўникма ҳосил қилишлари лозим. Ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти — маҳаллий меҳнат органининг мажбуриятлари эса ишсиз шахсларнинг касб таълимини ташкил этиш масалалари бўйича корхоналарнинг кадрлар хизмати ва ўқув юртлари билан ўзаро ҳамкорлик асосида уларнинг фаолиятини ташкил қилиш ва мувофиқлаштиришдан иборат. Ўқув жараёни қонунда белгиланган тартибда яқунлангач, ҳуқуқий муносабатлар ҳам барҳам топади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат қонунчилигига риоя этилишини назорат қилишга доир ҳуқуқий муносабатлар

Меҳнат муҳофазаси инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилиятининг сақланишига қаратилган турли тадбирлардан иборат. Бу борадаги қонун-қоидаларнинг асосий мақсади фуқароларнинг соғлиги ҳамда уларнинг меҳнатини муҳофаза қилишга қаратилган. Шу боис, барча корхоналарда меҳнат муҳофазасига оид, шунингдек, меҳнат қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари сифатида, бир томондан, меҳнат муҳофазасининг ҳолати ҳамда меҳнат қонунчилигига риоя этилишини назорат қилишга ихтисослаштирилган махсус давлат инспекциялари, шунингдек, касаба уюшмаларининг худди шундай вазифани бажарувчи инспекциялари фаолият юритади.

Иккинчи томондан, меҳнат муҳофазасини таъминлаш, корхоналарда шунга оид талабларни бажариши, меҳнат қонунчилигига риоя этиши лозим бўлган иш берувчилар ва айрим мансабдор шахслар ҳам ҳуқуқий муносабатлар субъекти ҳисобланади. Бундай ҳуқуқий муносабатларнинг мазмуни анча кенг бўлиб, улар тегишли органларнинг меҳнат муҳофазаси қоидаларига ҳамда меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини ифодалайди.

Бундай иш берувчилар ва айрим мансабдор шахсларнинг қонунга мувофиқ ва назорат қилувчи органларга ўз ҳуқуқларини амалга ошириши учун тегишли шароитлар яратиб бериш мажбурияти ҳамда меҳнат қонунларини бузгани, меҳнат муҳофазасига оид қоидаларга риоя этмагани учун юридик жавобгарлиги ҳам кўзда тутилади.

Меҳнат муҳофазасига оид ҳуқуқий муносабатлар узок давом этиш хусусиятига эга бўлиб, улар корхона ва объектларни лойиҳалашдан бошлаб, бутун меҳнат жараёни давомида амалда бўлади. Бу муносабатлар мазмунини меҳнат муҳофазасини назорат қилувчи давлат ҳамда касаба уюшмалари органларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда субъектларнинг корхонада ходимлар учун соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш билан боғлиқ масалалар ташкил этади.

Ушбу органларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида» 1993 йил 6 майдаги Қонунида, Меҳнат кодексининг 13-боби моддаларида, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилган. Мазкур ҳуқуқий муносабатларда меҳнатга оид ҳуқуқий субъектлик ҳолати ана шу назорат қилувчи органлар ташкил этилган пайдан бошлаб рўёбга чиқади. Бу органлар жумласига касаба уюшмасининг меҳнат техника инспекцияси, меҳнат ҳуқуқ инспекцияси ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қошидаги Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси киритилган бўлиб, улар тасдиқланган низомга мувофиқ фаолият кўрсатади. Масалан, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги-

нинг Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 29 июлдаги 372-сонли қарори билан тасдиқланган.

Мазкур Низомда давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар, шунингдек, идоровий бўйсинуви, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъи назар, барча корпорация, концерн, уюшма, корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамда мулкдорларнинг меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонунларга риоя қилиниши устидан давлат назоратини амалга ошириши белгилаб қўйилган.

Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси вазирлик, давлат қўмиталари, идора, корпорация, концерн, уюшма, бирлашма, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг меҳнат ҳақидаги ва аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонунларга зид бўлган буйруқлари ва бошқа норматив ҳужжатларининг амал қилишини тўхтатиб қўйиш, зарур ҳолларда, белгиланган тартибда бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

Бундан ташқари, ушбу Низомда давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси текшириш жараёнида маълумотлар олиш, меҳнат ҳақидаги ва аҳолини иш билан таъминлаш ҳақидаги қонун бузилишлари аниқланган ҳолларда уларни бар-тараф этишни талаб қилиш, ваколатли мансабдор шахслар бажариши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш, қонун бузилишида айбдор бўлган мансабдор шахсларга амалдаги қонунларда белгиланган микдорда жарима солиш ҳуқуқига эга экани кўрсатилган.

Меҳнат низоларини ҳал қилишга оид ҳуқуқий муносабатлар

Бу туркумдаги низолар процессуал хусусиятга эга бўлиб, субъектлар, яъни ходимлар билан иш берувчилар ўртасида амалдаги меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва нор-

матив ҳужжатларни, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини қўллаш юзасидан келиб чиқади (МКнинг 259-моддаси). Бундай якка низолар меҳнат низолари комиссиясида, туман (шаҳар) судларида, баъзи ҳолларда, хўжалик судларида кўриб, ҳал этилади.

Меҳнатнинг янги шартларини белгилаш ёки мавжуд шартларни ўзгартиришга доир низоларни ҳал қилишга тегишли ҳуқуқий муносабатлар иш берувчи билан касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари ўртасида юзага келади.

Жамоаларга доир меҳнат низоларини ҳал қилишга тааллуқли ҳуқуқий муносабатлар иш берувчи (иш берувчилар уюшмаси) ва ходимлар жамоаси (ходимларнинг вакиллик органлари) ўртасида меҳнатнинг янги шартларини белгилаш ёки мавжуд шартларини ўзгартириш, жамоа шартнома ва келишувларини тузиш, уларга ўзгартиришлар киритиш ҳамда бажариш билан боғлиқ келишмовчиликлар натижасида вужудга келади (МКнинг 281-моддаси).

Бундай ҳуқуқий муносабатлар субъектлари, бир томондан, меҳнат низосини ҳал қилувчи юрисдикцион органлар — меҳнат низолари комиссиялари, суд органлари, юқори турувчи органлар, касаба уюшмалари органлари ҳисобланса, иккинчи томондан, ходим, касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари, меҳнат ҳуқуқ инспектори, иш берувчи ва прокурор бўлади. Ҳуқуқий муносабатлар эса юрисдикцион органларга низо-ни ҳал қилиш хусусида берилган ариза асосида келиб чиқади. Меҳнат низоларини ҳал қилиш ва процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг мазмуни, аксарият ҳолларда, меҳнат қонунчилиги, баъзан эса, фуқаролик процессуал қонунчилиги билан белгиланади. Процессуал ҳуқуқий муносабатлар юрисдикцион органлар томонидан ушбу меҳнат низоси юзасидан чиқарилган қарорнинг қонуний кучга кириши ёхуд тарафларнинг келишуви билан яқунланади.

Хўжалик ҳуқуқий муносабатлар

«Хўжалик ҳуқуқий муносабатлар» тушунчаси, унинг белгилари ва таркибий қисмлари

Ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган қисми ҳуқуқий муносабатларни ташкил қилади. Ўз навбатида, ҳуқуқий муносабат ўзаро субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ бўлган шахслар ўртасидаги ҳуқуқ нормалари ва муайян юридик фактлар асосидаги алоқа ҳисобланади.

Хўжалик ҳуқуқий муносабатлар деганда, хўжалик (тадбиркорлик) фаолиятини амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган, тижорат ҳамда нотижорат тусдаги хўжалик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш борасида хўжалик юритувчи субъектлар иштирокида юзага келадиган ва хўжалик ҳуқуқий нормалари билан тартибга солиб туриладиган муносабатлар тушунилади. Хўжалик ҳуқуқий муносабатлар, биринчидан, ижтимоий тусдаги муносабат, иккинчидан, бундай муносабатлар хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро ҳуқуқлар ва юридик мажбуриятлар воситасидаги алоқалари, учинчидан, бундай муносабатлар иродавий бўлса, тўртинчидан, хўжалик ҳуқуқи нормаларида давлат иродаси ва манфаатлари акс эттирилганлиги учун давлат уларнинг бажарилишини назорат қилади ва қўриқлайди.

Хўжалик ҳуқуқий муносабат иштирокчилари аксарият ҳолларда ўзларига тегишли мулкка эгаллик қилиш, фойдаланиш, уни тасарруф этишда муайян мустақилликка эга бўлиб, бир-бирига нисбатан тенг ҳуқуқли шахслар ҳисобланади. Бундан ташқари, хўжалик ҳуқуқий муносабатда қатнашувчи шахсларнинг ҳуқуқлари бузилган тақдирда, бу ҳуқуқлар судга ариза ёхуд даъво ариза тақдим қилиш йўли билан ҳимоя қилинади.

Ҳар бир ҳуқуқ соҳасининг ҳуқуқий муносабатлари ўзига хос субъектига, объектига ва муносабат мазмунини белгиловчи субъектив ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларига эга. Гап хўжалик ҳуқуқи тўғрисида кетар экан, иқтисо-

дий муомала иштирокчиларининг ўзаро ҳуқуқий алоқадорлиги маъно ва мазмунини аниқ белгилаш мақсадида лозим даражада хўжалик ҳуқуқий муносабатларнинг барча муҳим тоифаларини (категорияларини) чуқур тадқиқ этиш фаннинг вазифаларидан саналади. Ҳақиқатан, хўжалик ҳуқуқий муносабатлар табиати хилма-хил ҳисоблангани учун ҳам унинг тушунчаси ва вужудга келиши ҳақидаги фикрлар адабиётларда турли-туман.

Хўжалик ҳуқуқи корхона ва ташкилотлар ўртасида вужудга келадиган хўжалик фаолиятини тартибга солиш ва амалга оширишда, уларнинг бўлинмалари ўртасида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солади. Бу муносабатлар хўжалик муносабатлари бўлиб, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келади, лекин ишлаб чиқариш жараёнида нафақат хўжалик, шу билан бирга, меҳнат муносабатлари ёки фуқароларнинг тобора ошиб бораётган моддий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бошқа муносабатлар ҳам вужудга келади. Таъкидлаш жоизки, хўжалик ҳуқуқининг предметини ишлаб чиқариш муносабатларининг ҳаммаси эмас, балки фақат бир қисми, у ҳам бўлса хўжалик муносабатлари ташкил этади.

Республикамизда амалга оширилаётган хўжалик фаолияти турли мулкчиликка асосланган субъектлар ўртасида юзага келмоқда. Бу соҳада вужудга келадиган хўжалик муносабатлари ўз ичига нафақат мулквий ёки шахсий муносабатларни, балки корхона ва ташкилотларни, уларнинг бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш, бошқаришдек муҳим жиҳатларни ҳам қамраб олади. Бу эса, хўжалик фаолиятини амалга оширишда вужудга келадиган горизонтал хўжалик муносабатлари билан бирга уни бошқаришда юзага келадиган вертикал хўжалик муносабатларига ҳам тааллуқли бўлади. Хўжалик ҳуқуқий муносабатлар элементлари шу муносабат субъектлари, объектлари ва унинг мазмунидан иборат бўлади.

Хўжалик ҳуқуқий муносабатлар субъектлари мазкур муносабатларда қатнашувчи шахслар ҳисобланади. Булар

юримдик шахс ҳуқуқига эга бўлган корхона ва ташкилотлар, шунингдек, уларнинг бўлинмалари ҳисобланади.

Ҳўжалик ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари хусусида В.В. Лаптевнинг қарашлари диққатни тортади. Унинг фикрича, ҳўжалик фаолияти иштирокчилари корхоналар, ташкилотлар, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқа ҳўжалик органлари ҳисобланади. Улар бир вақтнинг ўзида ҳўжалик ҳуқуқининг субъектлари ва ҳўжалик муносабатларининг иштирокчилари ҳам ҳисобланади. Профессор В.В. Лаптев XX аср 80-йиллардаги иқтисодий вазиятдан келиб чиқиб, ўз фикрини баён этган. Ҳозир эса бозор муносабатлари ҳўжалик ҳуқуқий муносабатларни ҳам, унинг иштирокчилари субъектларининг таркибини ҳам жуда ўзгартириб юборди. Шунга кўра, ҳўжалик ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари қаторига барча турдаги корхоналар, жумладан фуқароларнинг хусусий мулкига асосланган (жамоа, оила) корхоналар, ишлаб чиқариш кооперативлари, акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар, ўзга ҳўжалик жамиятлари ёки ширкатлари, шунингдек, деҳқон ҳўжаликлари, фермер ҳўжаликлари ва бошқалар киради. Ҳўжалик ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари фақат шулар билан чекланиб қолмайди, балки бозор муносабатлари кундан-кунга ривожланиб, такомиллашиб борар экан, бу жараён тадбиркорларнинг ўзга тарздаги гуруҳларининг юзага келишига ва уларнинг фуқаролик муомаласига янада кўпроқ жалб этилишига олиб келади. Ҳўжалик муносабатларининг яна бир муҳим субъекти мавжудки, булар юридик шахс бўлмай туриб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардир.

Жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари 2000 йил 25 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунда ўз аксини топган.

Тадбиркор фуқаролар ҳўжалик ҳуқуқий муносабатлар субъектлари бўлишлари учун ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлишлари лозим.

Тадбиркор фуқароларнинг ҳуқуқ, муомала лаёқати уларнинг туғилиши билан пайдо бўлади ва вафот этиши билан бекор қилинади. Уларнинг тўла муомала лаёқати 18 ёшга етиши билан бошланади, аммо айрим ҳолларда тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган 16 ёшга тўлган вояга етмаган шахс қонунда кўрсатилган асосларда тўла муомала лаёқатига эга деб ҳисобланиши мумкин (ФКнинг 28-моддаси).

Хўжалик ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти бўлган корхоналар, ташкилотлар ва бошқа юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати улар давлат рўйхатидан ўтказилгандан бошлаб вужудга келади.

Хўжалик ҳуқуқий муносабат объекти деганда хўжалик ҳуқуқий муносабатда қатнашувчи шахсларнинг субъектив ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қайси масалага қаратилгани тушунилади.

Хўжалик ҳуқуқий муносабатларнинг объекти, биринчидан, ашёлар, пул ва қимматли қоғозлар, ўзга мол-мулклар, иккинчидан, субъектнинг содир этиши шарт бўлган ҳаракатлари, учинчидан, ҳуқуқ субъектининг фаолияти, тўртинчидан, хўжалик фаолиятида фойдаланиладиган номулкий неъматлар (фирма номи, товар белгиси, тижорат сири ва бошқалар) ҳисобланади.

Хўжалик ҳуқуқи билан тартибга солинадиган ашёвий муносабатлар ишлаб чиқариш, товар айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш билан бевосита боғлиқ. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган, шахсий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қиладиган ашёлар хўжалик ҳуқуқий ашёвий муносабатларнинг объекти бўла олмайди.

Ҳаракатлар деганда, мисол учун, фуқаро ва ташкилотларга кўрсатиладиган хизматларни тушуниш мумкин. Бундай хизматлар хўжалик ҳуқуқи билан тартибга солинадиган ҳуқуқий муносабатларнинг объекти ҳисобланади. Талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаро ёки ташкилотларнинг талаблари зиммасига мажбурият олган шахсларнинг хатти-ҳаракатлари билан қаноатлантирилади. Масалан, маҳсулот етказиб бериш шартномаси

бўйича маҳсулот етказиб бериш билан боғлиқ хатти-ҳаракатнинг амалга оширилиши ва бошқалар.

Хўжалик ҳуқуқий муносабатларнинг объекти сифатида субъектнинг мутлақ фаолияти алоҳида ўрин тутарди. Мазкур муносабат объектини шундай тушунмоқ лозимки, хўжалик субъектлари ўз хўжалик фаолиятини қонунга мувофиқ юритади, бошқа барча шахслар унинг хўжалик фаолиятини юритишига тўсқинлик қилиши тақиқланади.

Хўжалик ҳуқуқий муносабатлар объектларининг яна бири хўжалик фаолиятида фойдаланиладиган номулкий неъматлар, яъни фирма номи, товар белгиси, тижорат сирини ва бошқалар ҳисобланади. Бундай неъматлардан субъектларнинг эрк иродасидан ташқари ҳеч бир шахс фойдаланишга, товар ишлаб чиқариладиган номни ўзгартиришга, тижорат сирини хусусида ахборот олишга ҳақли эмас.

Хўжалик ҳуқуқий муносабатлар мазмунини муносабатда иштирок этувчиларнинг субъектив ҳуқуқлари ва бурчлари ташкил этади. Субъектив ҳуқуқ деганда, муайян ҳуқуқий муносабатда қатнашувчи шахсга тегишли бўлган ҳуқуқ тушунилади. Субъектив ва объектив ҳуқуқ нормалари, давлат томонидан ўрнатилган тартиб-қоидалар асосида вужудга келади ва уларга мувофиқ равишда амалга оширилади.

Субъектив ҳуқуқ шахсга ўз хоҳишини эркин амалга ошириш имкониятини беради. Масалан, фуқаро хусусий мулк асосида ашёдан фойдаланишга ёки уни қонун ҳужжатларига зид бўлмаган тарзда ўз ихтиёрича тасарруф қилишга ҳақли бўлади. Бундан ташқари, субъектив ҳуқуқ шахснинг бошқалардан ўз ҳуқуқларини бузилмаслигини талаб қилиш имкониятини назарда тутарди. Масалан, мулк эгасининг субъектив ҳуқуқи, бир томондан, ўз мулкини эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш билан боғлиқ ҳуқуқларни назарда тутса, иккинчи томондан, у субъектив ҳуқуқ эгаси сифатида ўз ҳуқуқларининг бузилмаслигини ҳар кимдан талаб қила олади. Хўжалик ҳуқуқий

муносабатларнинг мазмунини ҳуқуқлар билан бир қаторда мажбуриятлар ҳам ташкил этади.

Мажбурият фуқаролик ҳуқуқий муносабат бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Бир шахсда субъектив ҳуқуқнинг бўлиши, бошқа бировда бу ҳуқуққа яраша, албатта, мажбурият бўлишини тақозо қилади ва аксинча, ҳар қандай мажбурият уни бажаришни талаб қилишга ҳақли бўлган шахснинг мавжудлигини билдиради. Чунончи, мулк эгаси ўзига қарашли мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиш билан бир қаторда, бошқа ҳар қандай шахсдан бу ҳуқуқлардан фойдаланишда тўсқинлик қилмасликларини талаб қила олади.

Ҳўжалик ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши асосида юридик фактлар муҳим роль ўйнайди. Юридик фактлар деб, фуқаролик ҳуқуқи ва мажбуриятларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлишига қаратилган ҳаракатлар тушунилади. Шундай экан, бошқа ҳуқуқ нормалари сингари ҳўжалик ҳуқуқи нормалари ҳам ўз-ўзидан ҳўжалик ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирмайди. Ҳўжалик ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши маълум бир ҳолатлар билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 8-моддасида фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларининг вужудга келиш асослари ўз ифодасини топган бўлиб, булар бевожуд хўжалик ҳуқуқи ва мажбуриятларини вужудга келиш асоси ҳам ҳисобланади. Фуқаролик Кодексидан кўрсатилганидек, фуқаролик ҳуқуқи ва бурчлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослардан, шунингдек, фуқаролик ва юридик шахсларнинг, гарчи қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлмаса-да, лекин фуқаро-

лик қонун ҳужжатларининг умумий негизлари ва мазмунига кўра, фуқаролик ҳуқуқи ва бурчларини келтириб чиқарадиган ҳаракатлардан вужудга келади.

Хўжалик ҳуқуқий муносабатлар вужудга келиши учун ҳуқуқий нормаларда тўғридан-тўғри назарда тутилган, шунингдек, ҳуқуқий нормаларда назарда тутилмаган бўлса-да, лекин хўжалик қонун ҳужжатларининг умумий асослари ва мазмунига мувофиқ келадиган муайян фактлар мавжуд бўлиши лозим. Хўжалик ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирадиган, ўзгартирадиган ва бекор қиладиган асослар сифатида кўрилган юридик фактлар тўрт гуруҳга: маъмурий ҳужжатлар, юридик ҳатти-ҳаракатлар, ҳодисалар ва бошқа ҳаракатларга бўлиниши мумкин.

Маъмурий ҳужжат хўжалик ҳуқуқий муносабатларни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида давлатнинг бошқарув органлари томонидан чиқариладиган ҳуқуқий ҳужжатлардир. Бунга мисол қилиб, давлат тасарруфидаги корхоналарни хусусий мулкка айлантиришда кимониди савдоси орқали ютиб чиққан шахсга шу мулкка эгаллик ҳуқуқини берадиган давлат далолатномаси (ордер) ёки айрим фаолият билан шуғулланишга руҳсат бериш тўғрисидаги лицензияни ҳам маъмурий ҳужжатлар қаторига қўшиш мумкин.

Юридик ҳатти-ҳаракатлар деганда, муайян ҳуқуқий оқибатни туғдиришга қаратилган ҳатти-ҳаракатлар тушунилади ёки оқибатлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган маълум ҳатти-ҳаракатлар ҳам юридик маънодаги ҳатти-ҳаракатлар ҳисобланади.

Ҳодисалар деб, хўжалик ҳуқуқий муносабат субъект-ларга боғлиқ бўлмаган ҳолда содир бўладиган фактларга айтилади. Ҳодисалар фақат қонунда назарда тутилган ҳоллардагина ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради. Масалан, табиий офат юз бериб, ёнгин бўлган тақдирда, суғурта органи жабр кўрган шахс зарарини суғурта ҳақидаги ҳуқуқий қоидаларга биноан тўлашга мажбур.

Ҳаракатлар деб, ҳўжалик ҳуқуқий муносабатларда қатнашувчи шахсларнинг эрк иродаси бўйича вужудга келадиган юридик фактларга айтилади. Бу тарздаги фактлар икки турга, биринчиси, ҳуқуқ йўл қўйган, иккинчиси, ҳуқуқ йўл қўймайдиган ҳаракатларга бўлинади. Ҳуқуқ йўл қўйган ҳаракатлар жумласига тузилиши қонун билан тақиқланмаган битимлар тузилишини мисол қилиб келтириш мумкин. Битимлар ташкилот ва фуқароларнинг ҳўжалик ҳуқуқларини ёки бурчларини белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган ҳаракатлар бўлиб, муайян оқибатларни туғдиришга қаратилади. Ҳуқуқ йўл қўймайдиган ҳаракатлар қонун билан тақиқланган ҳаракатлар бўлиб, булар икки кўринишда, биринчиси, бошқа субъектларга зарар етказишда, иккинчиси, мулкни асоссиз олиш ёки асоссиз тежаш билан боғлиқ ҳаракатларда намоён бўлади. Зарар етказиш туфайли вужудга келадиган мажбуриятларга биноан зарар кўрган ҳўжалик ўзига етказилган зарар учун жавобгар бўлган ҳўжаликдан ўзининг аввалги ҳолати тикланиши ёки кўрилган зарарнинг қопланишини талаб қила олади. Мазкур мажбурият субъекти бўлиб ҳўжалик субъектига зарар етказган жавобгар шахс ҳисобланади. Бундай шахслар ҳўжалик ҳуқуқий муносабат субъектлари бўлиб, улар турли мулк шаклига асосланиб фаолият кўрсатадиган корхона, муассаса ва ташкилотлар бўлиши мумкин.

Қонун ҳужжатларида ёки битимда белгиланган асосларсиз бошқа шахс (жабрланувчи)нинг ҳисобидан мол-мулкни эгаллаб олган ёки тежаб қолган шахс (қўлга киритувчи) асоссиз эгаллаб олинган ёки тежаб қолинган мол-мулкни (асоссиз орттирилган бойликни) жабрланувчига қайтариб бериши шарт бўлади. Қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилганлиги сабабли қуйидагилар асоссиз орттирилган бойлик сифатида қайтариб берилмайди:

-ижро этиш муддати тугагунга қадар мажбуриятни бажариш юзасидан топширилган мол-мулк, агар мажбуриятда бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса;

- даъво муддати ўтганидан кейин мажбуриятни бажариш юзасидан топширилган мол-мулк;

- иш ҳажми ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, ҳаёт ёки соғлиққа етказилган зарар товони, алиментлар ва фуқарога турмуш кечириш воситаси сифатида берилган бошқа пул маблағлари, унинг томонидан виждонсизлик қилинмаганда ва ҳисоб-китобда хато бўлмаганда;

-мавжуд бўлмаган мажбуриятни бажариш учун берилган пул суммалари ва бошқа мол-мулк, агар қўлга киритувчи мол-мулкни қайтаришни талаб қилаётган шахснинг мажбурияти йўқлигини билганлигини ёхуд мол-мулкни хайрия мақсадида берганлигини исботласа. (ФКнинг 1030-моддаси) Бундай тарздаги мажбурият қуйидаги ўзига хос белгилар билан характерланади, биринчидан, бу мажбурият хўжалик ҳуқуқий муносабатлар субъектлари бўлган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўртасида вужудга келиб, бунинг натижасида бир томоннинг мол-мулки иккинчи томоннинг мол-мулки камайиши ҳисобига ортади. Масалан, олинган маҳсулот учун икки марта ҳақ олган ташкилотнинг пул маблағлари, янглишиш натижасида ортиқча ҳақ тўлаган ташкилот маблағларининг камайиши ҳисобига ортади, иккинчидан, мулкнинг олиниши ёки тежалиши учун қонуний ёки шартнома билан белгиланган асослар бўлмаслиги керак. Агар мулк шартнома шартларини бузган ҳолда олинган бўлса, масалан, сифати паст маҳсулот учун олий навли маҳсулот нархида корхона ҳақ олган бўлса, асосиз олинган ортиқча ҳақ шартнома шартларини бузганлиги учун белгиланган қоидалар бўйича корхонадан ундириб олиниши мумкин, учинчидан, мулк асосан янглишиш, хатолик билан олинади ёки тежалади. Масалан, бир ташкилотга тегишли маҳсулот хатолик билан бошқа бир ташкилотга юборилиши ёки ҳисобда янглишиш ҳоллари бўлиши мумкин ва ҳ.к. Демак, юқорида кўрсатиб ўтилган юридик фактлар хўжалик ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келишига асос бўлади.

**Хўжалик (тадбиркорлик) фаолиятини амалга
ошириш жараёнида юзага келувчи ҳуқуқий
муносабатларнинг турлари, таснифи ва уларнинг
вужудга келиш асослари**

Хўжалик ҳуқуқий муносабатларни бозор иқтисодиёти шароитидаги мазмуни, объектига қараб бир неча турларга ажратиш мумкин. Чунончи:

- мутлақ ашёвий ҳуқуқий муносабатлар;
- мутлақ-нисбий ашёвий ҳуқуқий муносабатлар (хўжалик юритиш, оператив бошқариш);
- ўз хўжалик фаолиятини юритиш бўйича мутлақ ҳуқуқий муносабатлар;
- номулкий ҳуқуқий муносабатлар;
- нисбий ҳуқуқий муносабатлар.

Мутлақ ашёвий ҳуқуқий муносабатнинг объекти ашё ҳисобланиб, бу тарздаги муносабатлар учун характерли хусусият шундан иборатки, субъект қонун йўл қўйган асосларда ўзининг мулкка бўлган ҳуқуқини, яъни эгаллик, фойдаланиш ва тасарруф этиш бўйича хулқ-атворини белгиловчи ҳаракатни амалга оширади. Хўжалик ҳуқуқи билан тартибга солинадиган ашёвий муносабатлар ишлаб чиқариш, товар айирбошлаш, тақсимот ва ишлаб чиқариш истеъмоли билан чамбарчас боғлиқ. Ишлаб чиқаришдан ташқаридаги, шахсий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қиладиган предметлар хўжалик ҳуқуқий ашёвий муносабатлар объекти бўла олмайди. Масалан, савдо ташкилотлари томонидан аҳолига сотиш учун олинган товарлар мулк ҳуқуқи объекти ҳисобланади. Бу тарздаги мол-мулк фуқаро эгаллигига ўтиши билан фуқаролик ҳуқуқи қоидалари асосида тартибга солинадиган фуқаро мол-мулки объектига айланади.

Мутлақ-нисбий ашёвий ҳуқуқий муносабатлар жумласига хўжалик юритиш ва оператив бошқаришни киритиш мумкин. Бундан ташқари, умрбод мерос қилиб қолдириладиган мулк, хўжалик фаолиятини юритиш учун

ижара ва бошқа тартибда мулкка эга бўлишлик муносабатларини киритиш мумкин. Бундай мулкдорлар муносабати мутлақ нисбийдир. Чунки, бу муносабат субъектлари ўзларининг мулккий ҳуқуқларини ўзгаларнинг эркисиз амалга ошира олмайди, улар мулк эгаси билан нисбий ҳуқуқий муносабатда бўлиб, ушбу мулкларни эгаллайди, фойдаланади ва тасарруф этади.

Ўз хўжалик фаолиятини юритишдаги мутлақ ҳуқуқий муносабатлар субъект ўз фаолиятини эркин юритишда вужудга келиб, мазкур фаолият муносабат объекти сифатида майдонга чиқади. Бунда хўжалик юритишни қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширадиган шахс учун мажбур шахс бўлмайди. Бошқа барча шахслар хўжалик (тадбиркорлик) фаолиятини амалга ошираётган субъект фаолиятига тўсқинлик қилмасликлари лозим бўлади. Бунга мисол қилиб, ўз хўжалик фаолиятини юритаётган хўжалик юритувчи субъект томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг баҳосини белгилаши, таннархини шакллантириши, белгиланган норматив ҳужжатларга биноан санитария, гигиена, экологик, ёнғинга қарши талаблар бўйича ва ўзга фаолиятларни амалга оширишда вужудга келадиган мутлақ ҳуқуқий муносабатларни келтириш мумкин. Мабодо, хўжалик юритувчи субъект белгиланган тартибга хилоф иш тутса, ваколатли давлат органи йўл қўйилган ҳуқуқбузарликни барга раф этиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатни амалга ошириши, жумладан, зарарни ундиришни талаб қилиши мумкин. Бундай ҳолда вужудга келадиган муносабатлар, албатта, нисбий характерда бўлади.

Номулкий ҳуқуқий муносабатлар хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолиятларида фойдаланадиган номоддий неъматлар, хусусан, фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси, товар ишлаб чиқарилган жой номи, тижорат сиридан фойдаланишда, шунингдек, ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш каби жараёнларда вужудга келадиган муносабатлар ҳисобланади. Булар каби номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган

ҳуқуқий муносабатлар мутлақ ҳисобланади, чунки бундай неъматларга нисбатан ҳўжалик юритувчи субъектнинг мутлақ ҳуқуқи қонун билан эътироф этилган ва бу каби мутлақ ҳуқуқ объекти бўлган интеллектуал фаолият натижалари ва ўзига хос воситаларидан учинчи шахслар ҳуқуқ эгасининг розилиги билангина фойдаланишлари мумкин, холос.

Нисбий ҳуқуқий муносабатлар, аввало, мажбуриятда намоён бўлиб, бунда икки ёки ундан ортиқ шахслар ўзаро ҳуқуқ ва мажбурият соҳиблари бўлади. Бу ўринда биз кредитор ва қарздор ўртасидаги мажбуриятда нисбий муносабатларни кўрамиз, аммо ҳар доим ҳам нисбий ҳуқуқий муносабатлар мажбурият ҳуқуқий муносабатлари шаклида бўлмаслиги мумкин. Масалан, бир неча шахслар иштирокидаги ҳўжалик фаолияти юритиш тўғрисидаги келишув, ширкатга бирлашиш, чет эл инвестори билан қўшма корхона тузиш ва капитални сарфлаш тўғрисидаги битимларда кредитор ва қарздор иштирок этмаслиги мумкин ёки иштирокчиларни мажбурият ҳуқуқий муносабатларга киришган дейиш қийин. Бу ўринда биз шахсларнинг ўзаро куч ва маблағларни сарф қилиш асосида умумий ҳўжалик юритиш мақсадида бирикиш муносабатларини кўришимиз мумкин. Шунинг учун нисбий ҳўжалик ҳуқуқий муносабатлар нафақат мажбурият ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланмасдан, балки ундан ҳам кенгроқ муносабатларни ўз ичига қамраб олади. Шартномага асосланган барча муносабатлар нисбий ҳуқуқлар жумласига киради.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар ҳўжалик ҳуқуқий, тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларидан бирмунча кенгрок. Ҳўжалик ҳуқуқи ва тадбиркорлик ҳуқуқи тартибга соладиган мулкӣ ва номулкӣ муносабатлар доираси фуқаролик ҳуқуқи тартибга соладиган мулкӣ ва номулкӣ муносабатлар доираси ичида туради. Ҳўжалик ва тадбиркорлик ҳуқуқи субъектлари бир вақтнинг ўзида фуқаролик ҳуқуқининг субъекти бўлиши мумкин, аммо фуқаролик ҳуқуқининг субъекти ҳўжалик ҳуқуқининг ёки тадбиркорлик ҳуқуқининг субъекти ҳисобланмаслиги

мумкин. Масалан, жисмоний шахс ўз эҳтиёжини қондириш учун ашё харид қилиш жараёнида фуқаролик ҳуқуқий муносабатга киришар экан, у на хўжалик ҳуқуқий муносабат иштирокчиси, на тадбиркорлик ҳуқуқий муносабат иштирокчиси бўлади, аммо у тадбиркор шахс мақомини олган ҳолда тадбиркорлик фаолияти юритиш мақсадида товар сотиб олар экан, бир вақтнинг ўзида ҳам фуқаролик, ҳам тадбиркорлик, ҳам хўжалик ҳуқуқий муносабат иштирокчиси ҳисобланади. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, хўжалик ҳуқуқий муносабатлар доираси тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлар доирасидан анча кенгроқ. Шу боис ҳар қандай тадбиркорлик ҳуқуқий муносабат иштирокчиси хўжалик ҳуқуқий муносабат иштирокчиси ҳисобланса-да, аммо аксинча бўлмаслиги мумкин, чунки тадбиркорлик муносабатларида субъект ҳар доим таваккал қилиб, ўз мулкий жавобгарлиги асосида фойда олишни ўз олдига мақсад қилиб иш юритади. Хўжалик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчилари фаолияти эса ҳар доим ҳам фойда олишга қаратилган бўлмаслиги ҳам мумкин ва ҳ.к. Қолаверса, иқтисодиётни давлат йўли билан тартибга солиш жараёнида вужудга келадиган муносабатларни ҳам хўжалик ҳуқуқий муносабатлар ва бир вақтнинг ўзида тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлар дейиш мумкин. Хўжалик ҳуқуқий муносабатларда субъект сифатида давлат, маъмурий ҳудудий тузилмалар, корхоналар ва уларнинг бўлинмалари, юридик шахс тузмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи тадбиркор фуқаролар иштирок этишлари мумкин. Улар барча иқтисодий ишлаб чиқариш жараёнларида, жумладан, моддий ишлаб чиқариш, айирбошлаш, ишлаб чиқариш, тақсимот жараёнларида фаол иштирок этиб, муносабатга киришади.

Хўжалик мажбуриятлари тўғрисида сўз кетар экан, хўжалик субъектлари қайси жабҳада фаолият юритишларидан қатъи назар, уларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- оператив-хўжалик мажбуриятлари;
- хўжалик-бошқарув мажбуриятлари;
- ички хўжалик мажбуриятлари.

Оператив хўжалик мажбуриятлари хўжалик ҳуқуқи субъектларининг маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш соҳасида ўзаро шартномавий муносабатлари туфайли вужудга келади. Тадбиркор фуқаролар ҳам мазкур ҳуқуқий муносабатнинг субъекти ҳисобланади. Хўжалик ҳуқуқи субъектлари хўжалик фаолиятини амалга оширишда оператив хўжалик мажбуриятларнинг мукамал бўлиши учун ўз фаолиятларини режалаштирадилар. Хўжалик ҳуқуқининг субъектлари ичида корхона муҳим ўрин тутиб, ўз фаолиятини мустақил режалаштиради ва хом ашё ресурслари ҳамда материалларнинг мавжудлигини ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга, бажарилаётган ишга қараб белгилайди, шу билан бир қаторда, у давлат эҳтиёжлари учун шартнома асосида маҳсулот ишлаб чиқаради, ишларни бажаради ва хизматлар кўрсатади.

Хўжалик ҳуқуқи субъектлари барча жабҳаларда ўз хўжалик фаолиятларини амалга оширишда бошқа субъектлар билан муносабатларини шартномавий мажбурият негизида қуради. Ҳатто, субъект давлат эҳтиёжлари учун ишларни бажараётган ва маҳсулотни етказиб бераётган тақдирда ҳам, давлат (унинг органлари) билан хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатлар шартнома асосида ўрнатилади, унга мувофиқ, маҳсулотни ишлаб чиқариш, ишларни бажариш юзасидан иккинчи тарафни давлат хом ашё ёки техника воситалари билан таъминлаш мажбуриятини олиши мумкин.

Хўжалик-бошқарув мажбуриятлари тўғрисида сўз кетар экан, бу турдаги мажбуриятларни, аввало, давлат органлари ҳужжатлари, шунингдек, давлатлараро битимлар, ҳудудлар ва корхона (бирлашма)лар ўртасидаги шартномалар асосида келиб чиқишлигини таъкидлаш жоиз. Масалан, давлат эҳтиёжлари учун капитал қурилишни молиялаштириш мақсадида давлат бюджетини тасдиқлаш тўғрисидаги ҳужжат тегишли мажбурият келтириб чиқаради.

Мазкур ҳужжатга асосан давлат ёки ҳужжатда кўзда тутилган маъмурий-ҳудудий тузилма (маҳаллий бюджет) молиялаштирувчи ҳисобланса, ишни бажарувчи маблағни қабул қилувчи ҳисобланади. Шунингдек, бундай мажбурият монополияга қарши курашувчи орган томонидан чиқарилган ҳужжат асосида ҳам келиб чиқиши мумкин. Бунга асосан корхона ишлаб чиқаришни ҳужжатда кўзда тутилган тарзда ташкил қилишга масъул бўлади ва ҳ.к.

Давлат идоралари ва мансабдор шахслар ўз қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган ваколатларига мувофиқ тарзда корхонага кўрсатма беришлари мумкин. Давлат ваколатларига кирмайдиган ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига хилоф ҳужжатларни қабул қилган тақдирда корхона бундай ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилиб, ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли. Корхона ҳуқуқини бузган давлат идораси ёхуд уларнинг мансабдор шахслари кўрсатмаларини бажариш натижасида, шунингдек, бундай идоралар ёки уларнинг мансабдор шахслари корхонага нисбатан қонунда кўзда тутилган мажбуриятларни тегишлича амалга оширмаганликлари оқибатида корхонага етказилган зарарни тўлайди. Зарарни тўлаш тўғрисидаги низоларни суд ёки хўжалик суди ўз ваколатларига мувофиқ ҳал қилади.

Ички хўжалик мажбуриятлари бевосита ишлаб чиқариш доирасида вужудга келади. Улар корхоналар ва бошқа хўжалик органлари ичида пайдо бўлади. Корxonанинг ички бўлинмалари ва тузилмавий бирликлари бундай муносабатларнинг иштирокчилари ҳисобланади. Улар ўзаро ва хўжалик органи билан биргаликда хўжалик фаолиятини юритиш ва уни бошқариш жараёнида ички хўжалик муносабатларига киришади. Хўжалик органи ичида ҳам горизонтал, ҳам вертикал муносабатлар вужудга келади. Хўжалик органи ўз таркибий бўлинмаларининг фаолиятини у ёки бу тарзда мувофиқлаштириб туриш мақсадида турли ҳужжатларни қабул қилиши мумкинлигини назарда тутмоқ лозим.

Тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Тадбиркорлар ҳуқуқий муносабатлар субъектлари сифатида мавжуд бўлиши, фаолият юриштирининг асосий шарти унинг маълум ҳуқуқларга эга эканлиги, ҳуқуқ соҳиби сифатида қонун томонидан эътироф этилиши ҳисобланади. Худди шу муносабат билан “ҳуқуқ” иборасининг этимологик маъноси ҳақида бир оз тўхтаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Ҳуқуқ ва ҳуқуқ лаёқати ўзига хос узвий боғлиқ иборалар ҳисобланади. Ҳар қандай субъект, шу жумладан, тадбиркор ҳуқуқ соҳиби бўлиш учун энг аввало ҳуқуқ лаёқатига эга бўлиш лозим. Ҳуқуқ назарияси бўйича ҳуқуқ лаёқати инсондан ажралмас, унга хос доимий хусусият бўлиб, инсон бутун умри давомида, ёшидан, саломатлигидан қатъи назар, ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади.

Ҳуқуқ лаёқати ўз моҳиятига кўра, ҳуқуқларга эга бўлиш ва мажбуриятларни бажара олиш қобилияти ҳисобланади. “Ҳуқуқ” тушунчаси ғоят кенг маънода қўлланиладиган тушунчадир. Юридик адабиётларда унинг ўнлаб таърифи мавжуд. Энг асосий мезон масалага қандай, хусусан, сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-ҳуқуқий, ижтимоий-ҳуқуқий нуқтаи назардан ёндашишга боғлиқ. Биз учун асосийси “ҳуқуқ” тушунчасига соф ҳуқуқий нуқтаи назардан таъриф бериш ҳисобланади. Зеро, “ҳуқуқ — субъектга берилган имконият”, “ҳуқуқ - субъект учун мавжуд эркинлик”, “ҳуқуқ - субъектга берилган рухсатнома” сифатидаги анъанавий қарашлар мавжуд. Фуқаролик ҳуқуқида ҳуқуқ элементлари таҳлил этилганда, “ҳуқуқ — субъектнинг ваколатлари мажмуи” сифатида ҳам талқин этилади. Бу ўринда масаладан бир оз четга чиқилса ҳам “табiiй ҳуқуқлар назарияси” ва “тақдим этиладиган ҳуқуқлар назарияси”га тўхталиш ўринли. “Табиий ҳуқуқлар назарияси”га кўра, инсонга туғилишидан хос бўлган ҳуқуқлар мавжуд. Бу ҳуқуқ давлат томонидан унга берилмайди, балки ўз-ўзидан мавжуд бўлади, давлат бу ҳуқуқни тан олишга, эътироф этишга ва унга риоя

қилишга мажбур. Бу ҳуқуқлар марказида инсоннинг яшаш ҳуқуқи, унинг шахси, дахлсизлиги туради. Давлат ёки бошқа ҳар қандай ижтимоий тузилма бу ҳуқуқларни чекламайди, уни олиб қўя олмайди. Шунинг эътирофи этиш лозимки, табиий ҳуқуқлар назарияси дунёнинг ижтимоий-сиёсий тараққиётига, давлат ва шахс ўртасидаги муносабатларни белгилашга жуда катта таъсир кўрсатади. XVII-XVIII асрларда шаклланган бу таълимот сарчашмаларида Гуго Граций, Ж.Лильберн, Ж.Локк, Т.Жеферсон, Т.Пейн, Ж.Ж.Руссо каби мутафаккирлар турган эди.

Бу ҳуқуқий таълимот гоёлари муайян даражада кўнгина мамлакатлар ҳуқуқ меъёрларида шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишланган иккинчи бўлимида ҳам ўз ифодасини топан.

Табиий ҳуқуқлардан фарқли равишда “тақдим этиладиган ҳуқуқлар” давлат томонидан тегишли қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйиш асосида инсонларга, фуқароларга бериладиган ҳуқуқлар ҳисобланади. Давлатнинг демократик моҳияти, унинг ижтимоий-иқтисодий даражаси ушбу ҳуқуқларнинг мазмунини, кўлами ва таъминлаш даражасини белгилайди.

Ҳўш, тадбиркорлик ҳуқуқи ўз моҳиятига кўра, табиий ҳуқуқми ёки тақдим этиладиган ҳуқуқми? - деган савол туғилади. Бу саволга жавоб бериш учун биринчи галда тадбиркорлик субъекти нафақат жисмоний шахслар, балки юридик шахслар ҳам бўлиши мумкинлигини эсдан чиқармаслик, ҳисобга олиш лозим бўлади. Яқин ўтмишимизда ҳуқуқ субъектларини тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш имкониятлари амалда деярли бўлмаганлиги, бинобарин “тадбиркорлик давлат томонидан йўл қўйилмайдиган ёки йўл қўйилмайдиган фаолият турига мансуб эканлиги ҳақидаги гоё” тадбиркорликни табиий ҳуқуқлар туркумига киритишни инкор этар эди. Бироқ бозор муносабатларига асосланган тизим моҳиятини таҳлил этганда, бу тизим асосини, негизини тадбиркорлик

ташқил этишини унутмаслик лозим. Тадбиркорлик субъекти, унинг ҳуқуқлари мавжуд бўлмаса, унинг объекти бўлган бозор муносабатлари ҳам мавжуд бўлмайди. Демак, бозор муносабатлари тизимида тадбиркор ўзининг табиий ҳуқуқларига эга, бу ҳуқуқлар бўлмаган тақдирда тизим ҳам яшай олмайди. Жисмоний шахс кўп ҳолларда юридик шахснинг ўзагини, негизини, унинг ўзига хос “субстрати”ни ташқил этади.

Агарда, инсоннинг тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳуқуқи муайян даражада “табиий ҳуқуқи” сифатида халқаро ҳуқуқ меъёрларида эслатиб ўтилган бўлса, демак муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлган, ечимини топган деб ҳисоблаш мумкин. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”да инсоннинг тадбиркорлик ҳуқуқи ҳақида норма мавжуд эмас.

Бироқ Декларациянинг 17-моддасида “Ҳар бир инсон яқка ўзи ёки бошқалар билан биргаликда мулкка эгалик қилиш соҳибидир”, 23-моддада эса “Ҳар бир инсон меҳнат қилиш, ишни ўз эрки билан танлаб олиш ҳуқуқига эгадир. Ҳар бир ишлаётган одам ўзи ва оиласи учун муносиб яшашни таъминлайдиган адолатли ва қониқарли даромад олиш ҳуқуқига эга”, деб кўрсатилади. Ушбу ҳуқуқлар тадбиркорлик ҳуқуқининг ўзаги, негизи, ўзига хос “хамиртуриши” ҳисобланади.

БМТнинг Бош Ассамблеяси 1966 йилда “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро Пакт”ни қабул қилди. Ушбу Пактда ҳам “Давлатлар меҳнат ҳуқуқини эътироф этадилар, ушбу ҳуқуқ ҳар бир кишининг меҳнат билан тирикчилик учун маблағ ишлаб топish имкониятини қамраб олади” (6-моддаси, 1-қисм), “давлатлар ҳар бир кишининг ўз оиласи учун етарлича турмуш даражаси бўлиш ҳуқуқини эътироф этади, етарлича озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой ҳамда турмуш шароитларининг муттасил яхшилаб бериш шу жумлага киради” дейилган. Давлатлар ушбу ҳуқуқни амалга оши-

риш учун зарур чораларни кўради (2-модда, 1-қисм)²⁷ деган қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу меъёрлар ўз мазмуни ва моҳиятига кўра, тадбиркорлик ҳуқуқи билан узвий боғлиқ, чунки меҳнат ҳуқуқи ва даромад олиш ҳуқуқининг энг юқори шакли — тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳуқуқи ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқда мустаҳкамлаб қўйилган инсон ҳуқуқлари доирасидан фарқли равишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида бозор муносабатларини ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий мақсади эканлиги белгилаб қўйилган, бунда давлат тадбиркорлик эркинлигини кафолатлаши ҳам ўзифодасини топган.

Бу ўринда таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик эркинлигининг конституциявий мақомга кўтарилиши дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари қонунчилигида ҳам кузатилмаган, бинобарин, у Ўзбекистон ҳуқуқ тизимининг юқори даражасидан дарак беради.

Юқорида тадбиркор ҳуқуқ субъекти сифатида жисмоний шахс ва юридик шахс бўлиши мумкинлиги қайд этилган эди. Бироқ тадбиркорнинг ҳуқуқлари доирасини белгилашда биринчи галда жисмоний шахсни назарда тутиш муҳим аҳамиятга эга. Буни жуда ўринли, чунки жисмоний шахс ҳар доим реал мавжудот, юридик шахс, формал ва мавҳум тузилма. Шу нуқтаи назардан олганда, тадбиркор-жисмоний шахс ҳуқуқлари унинг инсон, шахс, фуқаро сифатидаги ҳуқуқ ва эркинликлари билан узвий ҳамда чамбарчас боғлиқ эканлигини эътироф этиш лозим. Инсон ҳуқуқларининг қуйидаги турлари бевосита тадбиркор-жисмоний шахс ҳуқуқларининг амалга оширилишида муҳим аҳамиятга эга:

- а) барча шахсларнинг қонун олдида тенглиги;
- б) шаън, қадр-қимматининг ҳимоя қилиниши;
- в) бир жойдан иккинчи жойга эркин кўчиш, Ўзбекистон ҳудудига эркин кириш ва ундан чиқиш;

²⁷ Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Билль. -Т.: «Адолат», 1992.

- г) ахборотлар излаш, олиш ва уни тарқатиш;
- д) ўз ҳуқуқлари ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳар қандай ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятига эга бўлиш;
- е) мулкдор бўлиш, ижтимоий таъминот олиш ва шу кабилар.

Ушбу ҳуқуқлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18, 27, 28, 29, 30, 36, 39-моддаларида мустаҳкамлаб қўйилган. Конституциянинг 54-моддасида мулк ҳуқуқининг мазмуни, унинг асосий элементлари, мулкдор ваколатлари аниқ белгилаб қўйилган. Бу тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Тадбиркорнинг махсус, ўзига хос ҳуқуқлари унинг тадбиркор сифатидаги ҳуқуқий мақоми (мақсадини) тадбиркорликнинг фойда (даромад) олиш мақсадини кўзлаган ҳолда таваккалчилик асосида ташаббускорлик билан фаолият кўрсатиш белгиларида яққол ифодаланади.

Тадбиркорликнинг энг муҳим ҳуқуқларидан бири — якка ўзи ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар (яъни, товарлар ишлаб чиқариш, сотиш, харид қилиш, хизматлар кўрсатиш ва ишлар бажариш борасидаги фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар, давлат корхоналари ва бошқа корхоналар, шунингдек, уларнинг филиаллари ва ваколатхоналари, акциядорлик жамиятлари ва хўжалик жамиятлари ҳамда ширкатлари, иттифоқлари, ассоциациялари, концернлари, консорциумлари, корпорациялари ва бирлашмалари, қўшма корхоналар, биржалар, банклар, суғурта жамиятлари, инвестиция, пенсия жамғармалари ва бошқа бирлашмалар, шу жумладан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар) билан биргаликда корхоналар ва ташкилотларни вужудга келтиришга ҳақли эканлигидир.

“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасида тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари белгилаб қўйилган. Бу ҳуқуқлар мазмунан бевосита тадбиркорлик фаолиятини

амалга ошириш имкониятларини таъминлайди. Бу ҳуқуқлар мажмуи тадбиркорлик субъектларининг асосий туб ваколатларини мустаҳкамлайди. Мазкур ҳуқуқларнинг бирортаси истисно этилса, у ҳолда тадбиркорлик фаолиятини тўлақонли равишда амалга ошириб бўлмайди.

Қонунда тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқлари қуйидагича белгиланган:

1. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари, қонун ҳужжатларига мувофиқ, ўзига тегишли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, уни тасарруф этишга ҳақли. Бунга барча ҳуқуқ субъектларига тегишли бўлган ҳуқуқ сифатида қаралиши мумкин. Аслида, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 36-моддасида ҳамма мулкдор бўлишга ҳақли деб кўрсатилган. Бироқ бошқа субъектларнинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи шунчаки потенциал имконият бўлса, бу ҳуқуқни амалга ошириш, субъект учун жиддий оқибатлар келтириб чиқармайди. Бироқ тадбиркор учун мулкдор бўлиш ҳуқуқи, мулкый ҳуқуқларни амалга ошириш ҳуқуқи, бу ҳаётий зарурият бўлиб, бусиз тадбиркорлик билан шуғулланиш мумкин эмас. Бошқача айтганда, тадбиркорлик фаолияти иқтисодий фаолиятдир. Иқтисодий фаолият негизида эса мол-мулк ётади.

Қонунда “тадбиркорнинг ўзига тегишли мол-мулк” тushунчасини кенг маънода талқин этиш лозим. Бундай мол-мулк таркибига моддий объектлар, қимматбаҳо қоғозларга нисбатан мулк ҳуқуқи, шунингдек, интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар ҳам киради. Тадбиркорнинг муайян мулкый манфаатлар кўриш имкониятини таъминловчи ашёвий ҳуқуқлари, бошқа мулкый ҳуқуқлари ҳам тадбиркорнинг мол-мулкка нисбатан ҳуқуқлари доирасига киради.

Тадбиркорнинг ўзига тегишли мол-мулкка нисбатан мулкый ҳуқуқларни амалга ошириш Конституцияда (54-модда) ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Мулк ҳуқуқининг мазмуни ФКнинг 164-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Унга асосан мулкдор ўзига қарашли мол-мулкка:

а) ўз хоҳишига кўра (яъни, ўз эрки-иродаси билан, ўзи истаган ҳолда);

б) ўз манфаатларини кўзлаб (яъни, мулкдор томонидан мулккий ҳуқуқларини амалга ошириш мотивацияси — ҳуқуқлар унинг ўз моддий ёхуд маънавий қаноатланиши, наф кўриши борасида юзага келади. Масалан, ўзи ёки яқинларининг моддий эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилади, ҳатто мулкдор ўз мол-мулкдан хайр-эҳсон қилган тақдирда ҳам унда инсонийлик бурчини бажариш — маънавий манфаат амалга ошади);

в) эгаллик қилиш (эгаллик қилиш мулкдор томонидан мол-мулкни ўз қўлида, ўз ихтиёрида, ўз эрки-иродаси таъсири доирасида, ўз бошқарувида сақлаб туришини англатади);

г) мол-мулкдан фойдаланиш (мол-мулкдан фойдаланиш мол-мулк объектларини истеъмол қилиш, унинг фойдали хусусиятларини олиш, эксплуатация қилишни англатади);

д) мол-мулкни тасарруф этиш (мол-мулкнинг юридик тақдирини белгилаш, яъни мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолиш ёхуд ўзидан бегоналаштириш ҳолатларини англатади);

е) ўз мулк ҳуқуқи бузилишини бартараф этишни талаб қилиш (ФКнинг 228-моддасида кўрсатилган виндикацион даъво асосида, 231-моддада кўрсатилган негатор даъво қўзғатиш асосида мулкдорни ўз мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш) ҳуқуқига эга.

Мулк ҳуқуқини амалга оширишда мулкдор тегишли мол-мулк объектларидан фойдаланиши, уларни сақлаш қоидаларига риоя қилиши лозим.

Тадбиркорлик субъекти бўлган юридик шахслар ўз мол-мулкларини юридик шахс баланс ҳужжатларида акс эттиришлари шарт. Юридик шахс томонидан сотиб олин-

ган мол-мулк дарҳол балансга киритилиши, сотиб юборилган, нобуд бўлган ёки бошқа тарзда бегоналаштирилган мол-мулк балансдан чиқарилиши лозим.

2. Тадбиркор мустақил равишда ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш, маҳсулот етказиб берувчиларни ва ўз маҳсулотининг (ишлари, хизматларининг) истеъмолчиларини танлаш ҳуқуқига эга. Маълумки, тадбиркорлик ишлаб чиқариш фаолияти мураккаб жараён. Бу жараёнда тадбиркор ўз фаолиятини гоят пухталиқ билан ташкил этиши талаб этилади. Хом ашёни қаердан, кимдан олади, қандай технологияни қўллайди, қандай механизмдан фойдаланади, ишлаб чиқаришни қандай ташкил этади, буларнинг ҳаммасини тадбиркорлик субъекти ўзи мустақил белгилайди. Бу ишлаб чиқариш хўжалиқ жараёни бўлиб, ҳеч ким тадбиркорлик субъектига мажбурий кўрсатма, буйруқ беришга ҳақли эмас. Тадбиркор ўз ишлаб чиқаришида унга ёрдам берувчи субъектлар ва уларнинг маҳсулотларини ўзи танлайди, улар билан эркин шартномавий муносабатларга киришади. Тадбиркор ўз маҳсулотлари, хизматлари ва ишларининг истеъмолчиларини ҳам ўзи эркин танлайди ва улар билан ҳам ихтиёрийлик асосида шартномалар тузади. Демак, бу соҳада тадбиркорга мажбурий кўрсатма берилиши мумкин эмас.

3. Тадбиркор тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш ва уни ўз ихтиёрига кўра тасарруф этишга ҳақли (товарлар, ишлар, хизматлар бозорида устун мавқени эгаллаб турган тадбиркорлик фаолияти субъектлари бундан мустасно). Бу ҳуқуқ тадбиркорларнинг энг муҳим ҳуқуқларидан биридир. Ҳақиқатан ҳам тадбиркорлик фаолиятдан кўзланган пировард мақсад, фойда олиш (даромад олиш), бойлик орттириш, моддий манфаат кўриш ҳисобланади.

Одатда, тадбиркорнинг даромади (фойдаси) деганда, ишлаб чиқариш харажатлари ва бошқа сарф-харажатлар, шунингдек, мажбурий тўловлар, солиқлар, бож тўловла-

ри ва шу кабилар чегириб ташлангандан кейин тадбиркор ихтиёрида қолган соф фойда суммасига айтилади.

Умумий қоида бўйича, бундай даромадлар ҳажми, миқдори чекланмайди, бундай даромад пул кўринишида, валюта маблағлари кўринишида, мол-мулк кўринишида бўлиши мумкин.

Тадбиркор бу даромадни, ўз ихтиёрига кўра, эркин тасарруф этади, яъни хоҳласа, ўз истеъмоли учун сарф қилади, хоҳласа ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфлайди, хоҳласа хайр-эҳсон қилади. Бироқ, баъзи тадбиркорлик субъектлари бозорда монопол устун мавқега эга. Ўзбекистон Республикасининг “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги 1996 йил 27 декабрдаги Қонунида бозорда устун мавқега эга бўлган субъект ҳолатига таъриф берилган. Ушбу Қонуннинг 3-моддасига асосан, хўжалик юритувчи субъектнинг ўрнини босувчиси бўлмаган товар бозорида ёхуд бир-бирининг ўрнини босадиган товарлар бозорида ўзига (ўзгаларга), рақобатга ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш, бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга киришини қийинлаштириш ёки уларнинг иқтисодий фаолият эркинлигини ўзга тарзда чеклаш имкониятини берадиган ҳукмрон мавқеси, бозордаги улуши 65 фоиз ва ундан зиёдини ташкил этадиган хўжалик юритувчи субъектнинг мавқеси устун мавқе ҳисобланади.

Бозорда устун мавқега эга бўлган тадбиркорлик субъектларининг оладиган даромадлари фойдасининг максимал чегаралари давлатнинг ваколатли идоралари (Монополияга қарши кураш қўмитаси) томонидан белгилаб берилади. Бозорда устун мавқега эга бўлган тадбиркорлик субъектининг бу борада чекланиши, энг аввало, истеъмолчиларни, харидорларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни назарда тутаяди.

4. Тадбиркорлик субъекти ўз маҳсулотини (ишлари, хизматларини), ишлаб чиқаришларини бозор конъюнкту-

расидан келиб чиқиб, мустақил равишда белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича ёки шартнома асосида реализация қилишга ҳақли (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно). Одатда, бозор тизими шароитида нарх-наво талаб ва таклиф асосида белгиланади. Бозорнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, тадбиркор ўз маҳсулоти (хизмати)га баҳони ўзи бир тарафлама белгилайди ва бу ҳолда ушбу баҳога рози бўлган истеъмолчи қўшилиш шартномаси орқали (ФКнинг 360-моддаси) тадбиркор билан ҳуқуқий муносабатга киришади. Баҳо белгилашнинг бошқа усулида эса баҳо тадбиркор билан истеъмолчи ўртасидаги келишув асосида белгиланади. Одатда, маъмурий йўл билан нарх-навони белгилашга йўл қўйилмайди. Давлат нарх-наво даражасига асосан иқтисодий усуллар орқали таъсир этади. Айни вақтда, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда товарлар, хизматлар, ишлар баҳоси давлатнинг ваколатли идоралари томонидан белгиланиши мумкин. Масалан, табиий монополия субъектлари маҳсулотлари (хизматлари)га, бозорда устун мавқега эга бўлган субъектлар товарлари (хизматлари)га, баъзи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлат буюртмаси бўйича харид қилишда ва ҳ.к.

5.Тадбиркорлик фаолияти субъекти бинолар, иншоотлар, ускуналар ва бошқа мол-мулкни олиши ва (ёки) ижарага олиши, шу жумладан, лизинг йўли билан олишга ҳақли. Тадбиркор ўз фаолияти учун зарур бўлган барча зарур воситаларни олди-сотди шартномаси орқали ўзига мулк сифатида харид қилиб олиши мумкин. Энг асосийси, бу воситалар фуқаролик муомаласидан чиқарилмаган бўлиши лозим. Айни вақтда, фуқаролик қонунларида олди-сотди шартномаси умумий қоидалари билан айрим мол-мулк объектларини сотиб олишни ўзига хос хусусиятлари белгилаб қўйилган. Масалан, кўчмас мулкни сотиб олиш (ФКнинг 479-488-моддалари), корxonани сотиб олиш (ФКнинг 489-496-моддалари). Бинобарин, тадбир-

кор ушбу белгиланган қоидаларга риоя қилган ҳолда турли мол-мулк объектларини сотиб олишга ҳақли. Қонунда бинолар, иншоотлар, ускуналарни лизинг (молия ижараси) орқали олиш ҳуқуқига ҳам алоҳида урғу берилади. Бу бежиз эмас, албатта. Лизинг биз учун нисбатан янги шартнома тури бўлса ҳам, у ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилади. Лизингнинг афзаллиги шундаки, янги техника, ускуналарни сотиб олишга имкони бўлмаган тадбиркорлик субъекти (лизинг олувчи) учун бошқа бир субъект, масалан, тижорат банки (лизинг берувчи) ўз маблағи ҳисобидан лизинг шартномаси асосида янги техника, ускуна сотиб олади ва тадбиркорлик субъектига эгаллик қилиш, фойдаланиш учун топширади. Лизингнинг кредитдан афзаллиги шундаки, бунда лизинг олувчи ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда лизинг нарсаси (ускуна)ни лизинг берувчи қайтариб олади. Кредитда эса олинган кредит маблағи йўқ бўлиб кетиш эҳтимоли мавжуд. Бундай ҳолларда кредитни қайтариш эҳтимоли ҳар доим ҳам мавжуд бўлавермайди.

Лизинг шартномаси лизинг олувчи учун ҳам гоёт фойдали. У энг янги техникани ўз ишлаб чиқаришида қўллаб, фойдани оширишга имкон яратади. Агарда ўзи бу техникани сотиб олиш учун пул тўплаганда вақтдан ютқазган бўлур эди. Лизинг бўйича муносабатлар ФКнинг 587-599-моддалари ва “Лизинг тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади.

Тадбиркорнинг энг муҳим ҳуқуқларидан бири — тадбиркор томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда пул маблағларини ихтиёрий асосларда жалб этиш ҳисобланади.

Бошқаларнинг мол-мулкини жалб этиш ҳақ тўлаш эвазига (масалан, ижара) ва бепул (масалан, ссуда) амалга оширилиши мумкин. Бунда тадбиркор билан мол-мулк соҳиби ўртасида шартнома тузилади.

Одатда, бошқаларнинг мол-мулкидан фойдаланишнинг энг кенг тарқалган шакли ижара ҳисобланади. Ижара асоси-

да ижарага берувчи мол-мулкни ижарага олувчига ҳақ эвазига вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун топширади. Ижара предмети бўйича қонунда мулк ижараси (ФКнинг 535-557-моддалари), прокат (ФКнинг 558-563-моддалари), транспорт воситалари ижараси (ФКнинг 564-572-моддалари), бинолар ва иншоотлар ижараси (ФКнинг 573-578-моддалари), корхоналарни ижарага олиш (ФКнинг 579-586-моддалари), лизинг, яъни молиявий ижара (ФКнинг 587-599-моддалари), уй-жой ижараси (ФКнинг 600-616-моддалари) каби ижара турлари фарқланади.

Умумий қоида бўйича ижара шартномаси предмети сифатида ер, бошқа табиий ресурслар бўлганда тегишли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ижара шартномасида ижара предмети, унинг қиймати, ижара ҳақи, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ижара предмети, фойдаланиш шартлари ва тартиби, ижарага олинган мол-мулкни яхшилаш, ёмонлаштириш оқибатлари, шартнома шартларини бузганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги ва шу каби ҳолатлар назарда тутилиши мумкин.

Ижара предметига, ижара муддати ва суммасига қараб ижара шартномалари баъзи ҳолларда нафақат ёзма тузилиши, балки у нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши ҳам талаб этилади. Масалан, корхонани ижарага олишда (ФКнинг 580-моддаси) ижара тадбиркорлик муносабатларида кенг қўлланилади. Ижара орқали тадбиркор ўзи сотиб олишга имкони етмаган, бироқ зарур мол-мулкни ёхуд вақтинча зарур мол-мулкни фойдаланиш учун олиб, ўз эҳтиёжларини қаноатлантириш имконига эга бўлади.

Баъзи ҳолларда тадбиркор бошқа шахсларни мол-мулкни рента тўлаб туриш шarti билан фойдаланишга олиши мумкин. Рента муносабатлари ФКнинг 512-529-моддаси билан тартибга солинади.

Бировларнинг мол-мулкидан бепул фойдаланиш ҳам ўз ҳуқуқий асосларига эга. Тадбиркор ўз фаолиятида бош-

қаларнинг мол-мулкани бепул фойдаланишга олган тақдирда ФКнинг 617-630-моддасида белгиланган қоидаларга риоя қилиши шарт.

Тадбиркор бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини ҳам ихтиёрий асосда ўз фаолиятини амалга оширишда жалб этишга ҳақли. Уни қуйидаги шаклларда рўёбга чиқариши мумкин:

- а) қимматбаҳо қоғозлар чиқариш ва сотиш;
- б) қарз ва кредитлар олиш.

6. Тадбиркорлик фаолияти субъекти белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлган очиқ давлат. Мамлакатимиз дунё бозорида ўз мавқеига эга бўлишга интилмоқда. Бинобарин, тадбиркорлик субъектлари учун ташқи иқтисодий муносабатларга кенг йўл очиқ. Ташқи иқтисодий муносабатлар орқали мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар чет давлатларга чиқарилади, республикамизга чет эл инвестицияси кириб келади, замонавий техника ва технологиядан фойдаланиш имкониятлари вужудга келади. Давр шиддати ва ривожни турли тадбиркорлик субъектлари ўртасида халқаро алоқаларни йўлга қўйишни талаб этмоқда.

Ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширишнинг муайян тартиби мавжуд, у мамлакат ички тадбиркорлик муомаласи тартибидан фарқ қилади. Бу фарқнинг мавжудлиги турли мамлакатларда турли қонунларнинг амал қилиши, субъектларнинг ҳуқуқий мақоми, битимлар тузиши ва ижро этиш бўйича ўзига хос тартиб-қоидалар мавжудлиги билан боғлиқ. Айни вақтда, давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги ташқи иқтисодий муносабатларнинг ўзига хос тартиби белгиланишини тақозо этади.

Ўзбекистонда ташқи иқтисодий муносабатлар “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги қонун (2000 йил 26 майда қабул қилинган) билан тартибга солинади. Ташқи иқтисодий фаолият деганда, Ўзбекистон Республикаси юри-

дик ва жисмоний шахсларининг хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек, халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолияти тушунилади. Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида доимий яшаш жойига эга бўлган ва яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинган жисмоний шахслар ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишга ҳақли («Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»-ги Қонуннинг 3-моддаси). Бинобарин, ҳозир ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш учун махсус рўйхатдан ўтиш талаб этилмайди. Ташқи иқтисодий фаолиятда иштирок этувчи тадбиркор қонун ҳужжатлари доирасида ташқи иқтисодий фаолиятда қатнашиш шакллари мустақил белгилаш, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун ўз хоҳишига кўра бошқа юридик ва жисмоний шахсларни шартнома асосида белгиланган тартибда жалб этиш, ташқи иқтисодий фаолият натижаларига, шу жумладан, миллий ва чет эл валютасидаги даромадга, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ, мустақил равишда эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишга ҳақли. Олди-сотди ёки айирбошлаш объекти ҳисобланган товарлар (ишлар, хизматлар), ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан қимматли қоғозлар, валюталар ва валюта қимматликлари, электр, иссиқлик энергияси, энергиянинг бошқа турларига, транспорт воситаларига, интеллектуал мулк объектларига нисбатан ташқи иқтисодий фаолият амалга оширилиши мумкин (ташқи иқтисодий фаолиятда фойдаланилиши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган товарлар бундан мустасно).

Айни пайтда, ташқи иқтисодий фаолият муайян маънода давлатнинг иқтисодий ва сиёсий манфаатлари билан боғлиқ. Шу сабабдан ҳеч қайси давлат бу фаолиятга бефарқ қараб тура олмайди. Бинобарин, ташқи иқтисодий фаолиятда муайян чеклашлар мавжуд.

Масалан, «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонунда экспорт-импортни чеклаш асослари ва тартиби, демпинга қарши кураш чоралари мустаҳкамлаб қўйилган

Юқоридаги ҳуқуқлардан ташқари, тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари гарчи тадбиркорлик фаолияти эркинлиги тўғрисидаги қонунда алоҳида ажратиб кўрсатилмаган бўлса-да, бошқа қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда ниҳоятда зарур бўлган бошқа қатор ҳуқуқ ва эркинликларга эга.

Тадбиркорлар ҳам ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурталаниш ҳуқуқларига эга.

Маълумки, ижтимоий таъминот ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида бевосита мустаҳкамлаб қўйилган: «Ҳар ким қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлган ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга». Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланилган давр белгиланган тартибда меҳнат стажига киритилади. Тадбиркор қариганда қариллик пенсияси олишга, меҳнат қобилиятидан касаллик сабабли қисман ёки бутунлай маҳрум бўлганда ногиронлик пенсияси олишга, вақтинчалик бетоблигида нафақа олишга ҳақли. Бироқ бу ҳуқуқлар ўз-ўзидан амалга ошмайди. Бунинг учун тадбиркор пенсия жамғармасига ажратмаларни ўз вақтида тўлаб туриши лозим. Бу ҳолда тадбиркорлик билан шуғулланилган давр пенсия олиш ҳуқуқини берувчи меҳнат стажига киритилади.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланилган давр ҳақида ёзув тадбиркорнинг меҳнат дафтарчасига тадбиркорни рўйхатга олган орган, масалан, туман ҳокимлиги томонидан киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 282-моддасига асосан, барча ходимлар давлат йўли билан ижтимоий суғурта қилинишлари лозим. Давлат ижтимоий суғуртаси учун иш берувчилар (бинобарин тадбиркорлар ҳам), шунингдек, баъзан суғурталанган ходимлар-

нинг ўзлари ҳам тўлайдилар. Суғурта бадалларининг миқдори, тўлаш тартиби, бу маблағлардан фойдаланиш тегишли меъёрий ҳужжатлар билан белгиланади.

Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича суғурта қилинган ходимлар, тегишли ҳолларда эса, уларнинг оилалари ҳам давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан:

- меҳнатга вақтинча қобилиятсизлик нафақаси;
- аёллар эса бола туғилганда бериладиган нафақалар; давлат томонидан бериладиган қарилик, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари, билан таъминланади.

Давлат ижтимоий суғуртаси маблағларидан санаторий-курортларда даволаниш, дам олиш, суғурталанган ходимларнинг шифобахш (парҳез) таомлари учун ҳақ тўлаш, болаларнинг соғломлаштириш оромгоҳларини таъминлаш, давлат ижтимоий суғуртасига доир бошқа тадбирлар учун ҳам белгиланган тартибда фойдаланилади.

Тадбиркорлик таваккалчилик билан боғлиқ бўлганлиги сабабли тадбиркор ўз мол-мулкани, шунингдек, фаолиятини ҳар хил табиий офатлар, фавқулодда ҳодисалардан суғурта қилдириши мумкин. Бироқ бу ижтимоий суғурта ҳисобланмайди, бу ФКнинг 914-961-моддалари билан тартибга солинади.

Ўзини ижтимоий суғурта қилишдан бош тортган, бўйин товлаш ва суғурта тўловларини тўламаслик тадбиркорнинг ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқини қийинлаштиради. Бироқ бунда ҳам тегишли шартлар мавжуд бўлганида у ижтимоий пенсия олиш ҳуқуқини йўқотмайди. Тадбиркор томонидан иш берувчи сифатида давлат ижтимоий суғуртаси учун бадал тўламаганлиги тадбиркор корхонасида ёлланиб ишлаётган ходимларни давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан таъминланиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 283-моддаси 2-қисми). Тадбиркор хўжалик муносабатларининг субъекти сифатида доимий равишда бошқа субъектлар билан ўзаро муносабатда бўлади. Бундай ўзаро муносабатлар доимо силлиқ

кетавермайди. Баъзан низоли, баҳсли ҳолатлар вужудга келади. Шундай ҳолларда тадбиркор ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиши учун реал имкониятларга эга бўлиши шарт. Бундай имконият Қонуннинг 7-моддаси 8-қисмида ўз ифодасини топган. Бунга асосан, тадбиркор ёки у вакил қилган шахслар хўжалик юритувчи бошқа субъектларнинг ҳар қандай хатти-ҳаракатлари ва тадбиркорга қилаётган даъватлари ҳамда белгиланган тартибда бериладиган жазо чоралари хусусида баҳслашишга ҳақлидир (қонунларга мувофиқ, сўзсиз қўлланиладиган чоралар бундан мустасно).

Тадбиркорнинг хўжалик муносабатларининг бошқа субъектлари билан бўладиган низоли ҳуқуқий муносабатларни ҳал этиш тартиби хўжалик процессуал ва фуқаролик-процессуал қонунларда белгилаб қўйилган. Мулкчиликнинг турли шакллари асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек, тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади (ХПК, 3-моддаси).

Тадбиркор бузилган ёки даъво қилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонуний манфаатларини ҳимоя этишни сўраб судга мурожаат қилишга ҳақли, бу ҳуқуқ қонун томонидан кафолатланади. Ҳеч ким тадбиркордан бу ҳуқуқдан фойдаланмасликни талаб эта олмайди, ҳатто бунга тадбиркорни мажбур қилган тақдирда ҳам у ҳақиқий ҳисобланмайди.

Низолар судларда хўжалик юритувчи субъектларнинг кимлигидан, қайси мулк шаклига мансублигидан қатъи назар, суд ва қонун олдида тенглиги асосида кўрилади.

Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва манфаатларининг кафолатлари

Қонунларда тадбиркорликнинг у ёки бу ҳуқуқларини назарда тутиш, мустаҳкамлаб қўйишнинг ўзи кифоя эмас. Бу ҳуқуқларнинг амалга оширилиши ва риоя қилиниши учун реал шарт-шароит мавжуд бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси демократик ҳуқуқий давлатни шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган экан, қонунлар устуворлигига улар сўзсиз ва оғишмай риоя қилиниши шарт.

Давлат томонидан қонунларда белгиланган ҳуқуқларга риоя қилиниши, уларнинг амалга оширилишини таъминловчи ўзига хос тадбирлар кафолатлари ҳам белгиланиши мумкин. Бошқача айтганда, кафолат қонунда белгиланган ҳуқуқларнинг амалга оширилиши, манфаатларга риоя қилиниши давлатнинг мажбуриятидир. Умуман, давлат ҳар қандай қонунларни амалга оширилиши учун масъул. Тадбиркорлик ҳуқуқлари учун давлат кафолатлари алоҳида аҳамиятга эга. Чунки бу ҳуқуқлар яқин ўтмишда ҳар тарафлама қораланадиган эди. “Хусусий мулкчилик психологияси” лаънат остига олинган эди. Шундай шароитда шакллантирилган дунёқараш тадбиркорлик фаолиятига нисбатан ҳадиксираш, ишончсизлик ва қўрқувни вужудга келтириши мумкин. Давлат тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва мақсадлари кафолатларини белгилаш орқали юқоридаги омиллар таъсирини кучсизлаштириши мумкин.

Тадбиркор ўз ташаббуси билан мустақил фаолият кўрсатса ҳам ўзини руҳан ёлғиз сезмаслиги керак. У давлатнинг қўллаб-қувватлаши ва мададини ҳар доим сезиб туриши лозим. Кафолатлар худди шу вазифаларнинг амалга оширилишига қаратилган.

Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва манфаатларининг кафолатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, ФКда, мулкчилик, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари ҳақидаги қонунларда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги “Иқти-

содий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2005 йил 14 июндаги “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2005 йил 24 июндаги “Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида”ги, 2005 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида давлат тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баробар муҳофаза этилишини кафолатлайди, деб кўрсатилган. Айни пайтда, тадбиркорликнинг моддий негизи бўлган хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги, мулкдор фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ФК, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, шунингдек, бошқа қонун ҳужжатларида (яъни, “Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳақида”ги Қонун) белгиланган тадбиркорларнинг мулкчилик муносабатлари барқарор бўлишига кафолат беради (кафолат бунда нафақат қонун чиқарувчи орган ёки давлат бошлиги, балки бутун мамлакат номидан берилмоқда, бу ҳолат юридик амалиётда кам қўлланилади). Кафолат Ўзбекистон Республикаси томонидан берилиб, ҳокимиятнинг барча тизимлари томонидан таъминланади. Нима учун давлат айнан мулкчилик муносабатларига муҳим эътибор беради? Чунки у жамият иқтисодий тузумининг ўзига хос юридик анатомияси. Тадбиркорнинг эркинлиги,

биринчи навбатда, унинг мол-мулкига нисбатан эркин тасарруф қилинишида ифодаланади. Бинобарин, кафолат предмети жуда ўринли ва асосли.

Мулккий муносабатларнинг барқарорлиги кафолати бу муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг мазмунан узвийлиги, доимий янги, яъни туб ўзгаришлар ёки мутлақо янги, аввалгисига зид келадиган ҳуқуқий меъёрлар қабул қилинмаслигини англатади. Бошқа томондан эса, мулкчилик муносабатларига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатувчи давлатнинг сиёсий, ташкилий, ҳаттоки, ғоявий тадбирлари ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлиши талаб қилинади. Маълумки, мафкуравий муносабатлар ранг-баранглиги, хилма-хиллиги, ҳатто ўзаро зиддиятлилиги билан ажралиб туради. Шу сабабли иқтисодий муносабатларнинг мафкуравий муносабатлардан ажратилганлиги ҳақидаги конституциявий тамойил ҳам мулкчилик муносабатларининг ўзгармаслигини, барқарорлигини таъминлашда муҳим омилдир.

Айни вақтда мулккий муносабатларнинг барқарорлигини мутлақ маънода, яъни турғунлик маъносида эмас, балки нисбий маънода тушунмоқ керак. Мамлакатимизда мулкчилик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда ўзига хос тадрижий (эволюцион) ўзгаришлар бўлмоқда. Бу табиий, чунки мулкчилик муносабатлари иқтисодий тузумни юридик мужассами экан, иқтисодий ислохотлар ҳуқуқий ислохотларсиз амалга ошмайди, мустаҳкам асосга эга бўла олмайди. Бу жараённинг динамик характери ФКда мулкчилик муносабатларига оид меъёрларда яққол намоён бўлади.

ФК мулкка оид қоидалар мулкчилик, тадбиркорлик қонунларини бойитди, ривожлантирди, такомиллаштирди, айни чоғда уларни асосий қоидаларга зид, номувофиқ бўлган ҳеч қандай норма унда мавжуд эмас. Демак, янги ФК қабул қилиниши ва амалга киритилиши мулкчилик муносабатлари барқарорлигига путур етказмади, аксинча уни мустаҳкамлади. ФКдаги мулкчиликка оид

янги нормалар (мулкчилик шакллари ҳақида, ашёвий ҳуқуқлар ҳақида, мулкдорнинг мол-мулкни сақлаш бурчи ҳақида, мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат ҳақида ва ҳ.к.) тадбиркорлик ҳақидаги қонунлардаги ҳуқуқларга асло зид эмас, аксинча уларни кенгайтирди.

Давлат тадбиркорларнинг мулкий ҳуқуқларини кафолатлаб беради. Бу кафолатларнинг моҳияти тадбиркорларнинг мулкий ҳуқуқларини амалга ошириш учун зарур иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ҳамда ташкилий шарт-шароитларни вужудга келтириш ва мустаҳкамлашда, мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими, айниқса, уни давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланиши ва қўриқланишида намоён бўлади. Бинобарин тадбиркорнинг мол-мулкни мажбуран тортиб олишга йўл қўйилмайди (бундан истисно ҳоллар фақатгина қонунлардагина назарда тутилиши мумкин).

Ўзбекистон Республикасида муайян соҳада мулкий ҳуқуқни бекор қиладиган қонун қабул қилинган тақдирда мулкдорга (тадбиркорга) етказилган зарар ихтиёрий суръатда ёки суд қарори асосида тўла ҳажмда қопланади. Бунда мол-мулкнинг қиймати бозор баҳоси қийматида белгиланади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари бозор муносабатлари тизимида асосий таянч нуқтаси бўлганлиги сабабли, тадбиркорлар ҳуқуқларининг амалга оширилишини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга. Бундай кафолатлар Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик соҳаси бўйича деярли барча қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Айни пайтда, 2000 йил 25 майда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”-ги Қонун амал қилмоқда. Ушбу Қонуннинг 18-34-моддаларида тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларининг кафолатлари мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу кафолатлар ўз мазмуни бўйича конституциявий кафолатлар, сиёсий, ҳуқуқий, ташкилий-ҳуқуқий ва мулкий-ҳуқуқий кафо-

латларга туркумланиши мумкин. Конституциявий кафолат Конституциянинг 44-54-моддалари, юқоридаги Қонуннинг 18-моддасида ўзига хос тарзда ўз ифодасини топган. Ушбу конституциявий кафолат бошқа кафолатлар ичида асосий ўрин эгаллайди.

Тадбиркорларга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний қарорлари, уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Ушбу ҳуқуқни амалга ошириш асослари ва тартиби Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодекси, Хўжалик-процессуал кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунда (1994 йил 6 май) белгилаб қўйилган. Тадбиркорни бирон-бир битимда ёхуд маъмурий ҳужжатда ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечиш ҳақидаги келишув ёхуд мажбурияти ҳақиқий эмас.

Конституция 53-моддасида бозор муносабатларини ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини асосий пировард мақсади эканлиги белгилаб қўйилган. Бинобарин, бозор иқтисодиёти тизими мамлакатимизда ўзининг конституциявий легал асосига эга.

Тадбиркорлик фаолияти бозор тизими мавжудлигининг ягона ва бирдан-бир намоён бўлиш шаклидир. Бозор муносабатлари ривожланиб борар экан, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги тўла кафолатланиши табиий ҳол.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларида ташқи иқтисодий фаолият эркинлиги кафолатланади. Демак, тадбиркорлик фаолияти субъектлари, қонун ҳужжатларига мувофиқ, ташқи иқтисодий фаолиятини мустақил тарзда амалга оширади. Булар ҳар қандай мамлакатдаги тадбиркорлар билан иқтисодий ҳамкорлик қилишга ҳақлидирлар. Ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш учун махсус руҳсат олиш талаб этилмайди. Тадбиркорлик фаолият субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги, ташқи иқти-

содий фаолият қатнашчилари тариқасида қўшимча рўйхатдан ўтмаган ҳолда валюта ҳисоб варақалари очиши ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун асос бўлади (“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддаси).

Тадбиркорлик фаолияти субъектларига хом ашё, товарлар ва хизматлар бозорларига эркин кириш кафолатланади. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари мулк шакли ва хўжалик юритиш шаклларида қатъи назар, хом ашё, товарлар ва хизматлар бозорига эркин киришда, шунингдек, давлат эҳтиёжлари учун айрим товар турларини етказиб бериш ва қатнашишда, ишларни бажаришда ва хизматлар кўрсатишда тенг имкониятларга эгадирлар. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг хом ашё, товарлар ва хизматлар бозорига кириш эркинлиги давлат бошқарув органлари, маҳаллий ҳокимият органлари, шунингдек, уларнинг мансабдор шахслари томонидан бирон-бир тарзда чекланишга йўл қўйилмайди. Мамлакатимизда товарлар, хизматлар бозорини бўлиб олиш, бошқа субъектларнинг тенглиги ва ҳалол рақобатига қарши ҳар қандай ҳаракатлар қонун томонидан тақиқланади. Давлат идораларининг мансабдор шахслари томонидан ҳар хил суиистеъмолчиликларга йўл қўйилишининг олдини олиш мақсадида давлат мулкани хусусийлаштириш, давлат эҳтиёжлари учун товар етказиб бериш бўйича шартномалар тузиш, кимосиди савдоси орқали аукционларда танловлар ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тадбиркорлик фаолияти субъектларининг хом ашё, айрим товарлар, хизматлар бозорига киришининг алоҳида шартларини белгилаши мумкин. Бироқ бунда, энг аввало, тадбиркорлик субъектини муайян фаолият билан шуғулланишга етарли тайёргарлик, малака ва маҳоратга эга эканлигини белгиловчи мезонлардан келиб чиқилади (масалан, тиббий хизмат, ҳуқуқий маслаҳат, заргарлик ва ҳоказо. “Тадбиркорлик фаолияти кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 27-моддаси).

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари мол-мулк национализация, мусодара ва реквизиция қилиниши бўйича ҳам

муайян кафолатларга эга. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мол-мулки национализация ва мусодара қилинмайди. Қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мол-мулклари жиноят содир этишда восита бўлган бўлса ёки жиноий фаолият даврида орттирган бўлса, жиноят қонунинда назарда тутилган асослар, суд ҳукми билан мусодара қилиниши мумкин. Тадбиркорлик субъектларининг мол-мулки реквизиция қилинмайди. Табиий офатлар, авариялар, эпидемиялар, эпизотиялар ва фавқулодда ва бошқа ҳолатлар бундан мустасно бўлиб, унда мулкдорга реквизиция қилинаётган мол-мулки тўланади. Бундай реквизициядан кўзланган мақсад табиий офатлар ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, уларга қарши кураш олиб бориш ва улар оқибатини бартараф этиш бўлиши мумкин (“Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 32-моддаси).

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари фаолияти эркинликларининг ташкилий ҳуқуқий кафолатлари қонуннинг 19, 26, 31, 33, 34-моддаларида белгилаб қўйилган.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонун ҳужжатларида ман этилмаган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш эркинлиги кафолатланади. Юридик шахс бўлиш тадбиркорлик фаолияти субъектларининг муассасалари таъсис ҳужжатларида (таъсис шартномаси, устав, низоми) фаолиятининг асосий турларини санаб ўтиш билан кифояланишга ҳақли. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган таъсис ҳужжатларида кўрсатилмаган ҳар қандай фаолият тури билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шуғулланишлари мумкин (Қонуннинг 19-моддаси).

Якка тартибдаги тадбиркорликни ўз номидан амалга ошириш ҳуқуқи кафолатланади. Якка тартибдаги тадбиркор (жисмоний шахс) ўз номидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади, мустақил равишда ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлади ҳамда уларни амалга оширади. Жисмоний шахс ўз тадбиркорлик фаолияти билан

боғлиқ битимларни тузатаётганида, агар бунинг моҳияти тузилаётган битим мазмунидан аниқ келиб чиқмаса якка тартибдаги тадбиркор тариқасида ҳаракат қилаётганини кўрсатиши лозим.

Бундай эслатманинг бўлмаслиги якка тартибдаги тадбиркорни ўз мажбуриятлари юзасидан зиммасидаги жавобгарликдан озод этмайди. Якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини амалга ошираётганда, шахсий ҳужжатлари, бланкалари, муҳр, штампларидан фойдаланишга ҳақли. Уларнинг матнлари мазкур шахс якка тартибдаги тадбиркор эканлигидан далолат бериши лозим (Қонуннинг 26-моддаси).

Тадбиркорлик фаолиятининг субъектига фирма номи, товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Юридик шахс бўлмиш тадбиркорлик субъекти фирма номига бўлган ҳуқуққа эга бўлиб, ном уставни тасдиқлаш вақтида белгилаб қўйилади ҳамда давлат реестрига киритиш йўли билан рўйхатдан ўтказилиши керак. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг илгари рўйхатдан ўтказилган фирма номиг ўхшаш тегишли тадбиркорлик субъектларини айнан бир деб ҳисоблашга олиб келиши мумкин бўлган фирма номи рўйхатга олинishi мумкин эмас. Товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқи унинг рўйхатга олинганлиги асосида берилади. Фирма номидан, товар белгисидан, хизмат кўрсатиш белгисидан фойдаланиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга бўлган мутлақ ҳуқуқ ана шу ном ҳамда белги эгасига тегишли бўлади.

Фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгисини нашр қилганда, омма орасида ижро этганда ёки улардан бошқача тарзда фойдаланганда фирма номининг, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгисининг ўзига, шунингдек, уларнинг сўзлари, тасвирлари, товуши орқали ифодасига бирон-бир ўзгартишлар киритишга фақат уларнинг эгаси розилиги билангина йўл қўйилади (Қонуннинг 33-моддаси).

Бошқа шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятига аралашмаслиги кафолатланади. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъект-

ларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилган фаолиятига аралашинга ҳақли эмас. Давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектларига мажбурий кўрсатмалар бериш қонун ҳужжатларига мувофиқ, бу органларнинг ваколат доирасига киради (масалан, ёнғиндан сақланиш, техника хавфсизлигига риоя қилиш ва ҳоказо). Давлат органлари ва мансабдор шахслар қоидабузарлиги мавжудлиги фактидан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонуний фаолиятига аралашини ёки уни чеклаш учун асос сифатида фойдаланиш мумкин эмас.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари), деҳқон ва фермер хўжаликларининг тадбиркорлик фаолиятига, шу жумладан, уларнинг агротехника усулларига, етиштириладиган маҳсулотнинг баҳосини ҳамда реализация қилиш йўналишини белгилаш ишларига аралашинга ҳақли эмас, давлат эҳтиёжлари учун мўлжалланган харидлар бундан мустасно (Қонуннинг 34-моддаси). Айни вақтда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш асослари ва тартиби ҳам тадбиркорлик фаолиятига бошқа шахслар аралашувиغا йўл қўймасликнинг муҳим кафолати ҳисобланади (Қонуннинг 39-40-моддаси).

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ахборот олиш эркинлиги кафолатланади.

Бугунги кунда бозор муносабатларида ахборотларга бўлган талаб ошиб бормоқда. Бироқ ахборотларнинг ўзи ягона ҳуқуқий режимга эга эмас. Ҳуқуқий жиҳатдан очиқ ахборотлар (масалан, об-ҳаво маълумоти, юридик шахслар реестри ва ҳ.к.) ва ёпиқ ахборотлар (ошкор этилмаган ахборотлар — давлат, тижорат, хусусий сирлар) фарқланади. Ахборотлар олиш эркинлиги кафолатлари очиқ ахборотларга нисбатан қўлланилади.

Давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларига бу субъектларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларига дахлдор қонун ҳужжатлари, ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар

билан танишиш учун тегишли имкониятни таъминлаши шарт. Ахборот олиш эркинлиги қонун ҳужжатлари ва тегишли материалларни эълон қилиш, тарқатиш йўли билан таъминланади. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ахборот бепул бериллади. Бошқа ахборотларни берганлиги учун тарафларнинг келишуви асосида ҳақ ундирилиши мумкин. Давлат статистика органлари ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган статистика ахборотининг мунтазам эълон қилиб борилишини таъминлайди (Қонуннинг 31-моддаси).

Тадбиркорлар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари тизимида мулкӣ ҳуқуқӣ кафолатлар кенг миқёсда мустаҳкамланган. Агарда ҳар қандай тадбиркорлик негизида мулкӣ ҳуқуқларни амалга ошириш мумкинлигини назарда тутсак, бу тушунарли, албатта. Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва эркинликларининг мулкӣ ҳуқуқӣ кафолатлари қуйидагилардан иборат:

– тадбиркорлик субъектларининг ўз маҳсулоти, ишлари, хизматлари ва даромадлари, фойдани тасарруф этиш эркинлиги кафолати. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотнинг, бажарган ишлар, кўрсатилган хизматларнинг ҳамда уларни реализация қилишда олган даромад, фойданинг мулкдоридир. Тадбиркор уларни эркин ва мустақил равишда эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ваколатига эга. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг барча ишлаб чиқариш харажатлари қопланиб, солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловлар тўлангандан кейин қолган даромади, фойдаси улар томонидан ихтиёрий равишда ишлатилади (тадбиркорнинг қарзлари учун суд тартибидаги мажбурий ундирув ҳоллари бундан мустасно).

Тадбиркорлик фаолияти субъекти ўз пул маблағларини тасарруф этиши кафолатланади. Тадбиркорлик фаолияти субъекти ўз пул маблағларини эркин, мустақил равишда тасарруф этади. Тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи банк муассасалари, тадбиркорлик фаолияти субъект-

ларининг пул маблағларидан фойдаланиш йўналишини белгилаб бериш ва назорат қилишга ҳамда пул маблағларини ўз ихтиёрига кўра тасарруф этиш борасидаги ҳуқуқларини қонунда ёки банк ҳисоб варағи шартномасида назарда тутилмаган бошқа чеклашларни белгилашга ҳақли эмас. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг уларга хизмат кўрсатувчи банк муассасалари ҳисоб варағидаги маблағлари, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, нақд пул шаклида олиниши мумкин. Ушбу кафолат қонуннинг 21-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлари кафолатланади. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мулки дахлсиз ва қонун билан муҳофаза қилинади. Тадбиркор ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатни қилишга ҳақли. Тадбиркорлик фаолияти субъектидан мол-мулкни олиб қўйишга унинг бошқа ашёвий ҳуқуқларини (хўжалик юритиш ҳуқуқи, сервитут) бекор қилишга, шунингдек, бундай ҳуқуқларни чеклашга йўл қўйилмайди (қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ашёвий ҳуқуқлари ФКнинг 165-моддаси ва қонунда назарда тутилган тартибда ҳимоя қилинади.

Ушбу кафолат Қонуннинг 23-моддасида ўз ифодасини топган.

Тадбиркорларга кредит ресурсларидан эркин фойдаланиш кафолатланади. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш учун ўз мол-мулки ва маблағлари етишмаган тақдирда бошқа субъектлардан товар ёки маблағларни кредитга олиши мумкин. Тадбиркорлар кредит ресурсларидан эркин фойдаланишда қонун ҳужжатларига мувофиқ тенг ҳуқуқларга эга. Бюджетдан ташқари фондлар маблағларидан тадбиркорлик фаолиятининг устувор йўналишларини ривожлантиришга ажратиладиган кредитлардан фойдаланганлик учун давлат томонидан имтиёзли фоиз ставкалари белгиланиши мумкин. Давлат

тадбиркорлик фаолияти субъектларининг имтиёзли кредитлашни амалга ошириш тижорат банкларига қулай шартлар яратиши мумкин (Қонуннинг 30-моддаси).

Тадбиркорларга шартномалар тузиш эркинлиги кафолатланади. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари ҳеч қайси тадбиркор шартнома тузишга мажбур қилинмайди. Тадбиркорлар қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган шартномани ҳам тузишлари мумкин. Шартноманинг шартлари тарафлар томонидан белгиланади. Қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган императив шартлар бундан мутасно. Одатда, тадбиркорлик фаолиятида қўлланиладиган шартномалар хўжалик шартномалари деб аталади. Хўжалик шартномаларини тузиш тартиби, шакли, шартлари уларга қўйиладиган бошқа талаблар “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунда белгилаб қўйилган.

Маълумки, мамлакатимиз иқтисодиётида аграр соҳа етакчи тармоқ ҳисобланади. Қишлоқ хўжалик тадбиркорлик тузилмалари ичида фермер ва деҳқон хўжаликлари ўзига хос ўринни эгаллайди. Шу сабабли “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунда уларнинг қатор мулкӣ ҳуқуқӣ кафолатлари мустаҳкамланган. Булар жумласига фермер хўжаликларининг ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатлари (24-модда), деҳқон хўжаликларининг ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатлари (25-модда), фермер ва деҳқон хўжаликларининг моддий техника ресурслари, уруғлик материаллар, кўчатлар ва зотдор чорвадан эркин фойдаланиш кафолатлари (28-модда), фермер ва деҳқон хўжаликларининг сувдан фойдаланишни амалга ошириш кафолатлари киради (29-модда).

“Халқаро ҳуқуқ” тушунчаси

Халқаро ҳуқуқ муайян шахслар, гуруҳлар, синфларнинг хоҳиш-истаги билан эмас, балки реал ижтимоий жараёнлар натижасида вужудга келди. Тарихий материал, ибтидоий жамоалар ўз ривожланишининг илк босқичларида ҳам алоҳида яшамаганлиги, балки ёзилмаган уруғдошлик қонунлари уларни бирлаштириб турганлигидан далолат беради.

“Халқаро ҳуқуқ” тушунчасининг халқлар ўртасидаги муносабатлар ҳуқуқи деган дастлабки маъносидан келиб чиқилса, илк одат нормалари давлатчилик шаклланишидан анча олдин, ибтидоий жамоа тузуми даврида вужудга келган, деб тахмин қилиш мумкин.

“Халқаро ҳуқуқ” тушунчасини давлатлар ўртасидаги муносабатлар ҳуқуқи сифатида талқин қиладиган бўлсак, у давлатчиликнинг шаклланиш жараёни билан бир вақтда вужудга келгани ва ушбу жараёнга сезиларли даражада таъсир қўрсатганини тан олишимизга тўғри келади.

Яна бир ёндашувга кўра, халқаро ҳуқуқ фақат у хизмат қиладиган давлатлараро муносабатларда тегишли шарт-шароитлар яратилган тақдирдагина вужудга келиши мумкин. Зеро, суверен давлатлар ўз миллий манфаатлари йўлида юридик кучга эга бўлган нормаларга бўйсуниб зарурлигини англаб етишлари учун халқаро муносабатлар ўз тараққиётининг анча юқори босқичига кўтарилиши зарур. Шу нуқтаи назардан, халқаро ҳуқуқ ўрта асрлар охирида вужудга келган.

Халқаро ҳуқуқнинг ривожланиш тарихини тўрт даврга ажратиш мумкин:

– илк давр (антик даврдан ўрта аср охиригача) — халқаро муносабатларнинг такомиллашуви ва халқаро майдонда давлат ролининг англаб етилиши даври;

– классик давр (ўрта аср охиридан Миллатлар лигаси статути қабул қилингунча бўлган давр) — янги давр ҳуқуқининг вужудга келиши ва ривожланиши;

– Замонавий халқаро ҳуқуқга ўтиш (Миллатлар лигаси статутидан БМТ Устави қабул қилингунга қадар бўлган

давр) — Биринчи жаҳон урушидан кейин давлатлар халқаро муносабатларни тартибга солишнинг янги механизмларининг ишлаб чиқиш зарурлигини тушуниб етиши даври;

– ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи — БМТ Устави ҳуқуқи ва унинг зиддиятли томонлари даври.

Халқаро оммавий ҳуқуқ — ўз субъектларининг халқаро муносабатларини юридик нормалар воситасида тартибга солувчи алоҳида ҳуқуқий тизим. Ушбу нормаларни субъектлар ўртада қайд этилган (шартнома) ёки сукут билан ифодаланган (одат) битим тузиш йўли билан таркиб топтиради ва мажбурлов орқали таъминлайди. Мажбурлов шакли, хусусияти ва чегаралари давлатлараро битимларда белгилаб қўйилади.

Ҳуқуқнинг ҳар қандай тармоғи моҳияти унинг предмети, объекти ва методи билан белгиланади. Халқаро ҳуқуқнинг тартибга солиш предметини суверен давлатлар ўртасидаги муносабатлар, яъни глобал давлатлараро тизимнинг таркибий қисми бўлган давлатлараро муносабатлар ташкил этади. Давлатлар, халқлар (миллатлар), халқаро ташкилотлар ва халқаро органлар (масалан, суд органлари) бундай тизимнинг таркибий қисмлари ҳисобланади.

Моддий ва номоддий неъматлар, муайян ҳаракатлар ёки ҳаракатлардан ўзини тийиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар халқаро ҳуқуқнинг тартибга солиш объектидир. Халқаро муносабатлар мураккаблашиши натижасида янги-янги соҳалар, чунончи: космик фазо, атом энергияси ва жаҳон океани сувларидан фойдаланиш халқаро ҳуқуқ объектига айланмоқда.

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг ижтимоий моҳияти шундан иборатки, у Ер юзида тинчликни сақлаш ва давлатлар ҳар томонлама ҳамкорлик қилиши, давлатлараро муносабатларда куч ишлатилишига йўл қўймаслик учун шартшароитлар яратади; қуролсизланиш, инсонни қуршаб турган муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларини ечишга қўмаклашади; инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишни тартибга солувчи асосий халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни барча давлатлар амалга ошириши учун замин ҳозирлайди.

Халқаро ҳуқуқнинг ўзига хос хусусиятлари давлат ички ҳуқуқи билан солиштирилганда қуйидагича намоён бўлади.

Нормаларнинг таркиб топиш усулига кўра. Давлат ички ҳуқуқи нормалари давлат миллий органлари томонидан таркиб топтиради. Халқаро ҳуқуқ нормаларини эса унинг субъектлари, аввало, давлатлар битим тузиш йўли билан таркиб топтиради. Ушбу битимнинг моҳияти давлатлар ёки халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари хоҳиш-иродасини мувофиқлаштиришдан иборат. Халқаро ҳуқуқ нормалари унинг субъектлари томонидан таркиб топтиради ва давлат ички ҳуқуқининг кўпгина тармоқларида бўлганидек ягона кодексга бирлаштирилмаган бўлади. Давлат ички ҳуқуқи нормалари муайян давлатнинг ижтимоий моҳиятига мувофиқ, унинг давлат органлари томонидан белгиланади. Давлатлараро тизимда ягона орган мавжуд эмас, шу сабабли халқаро ҳуқуқ нормаларини субъектларнинг ўзлари шартномалар тузиш йўли билан таркиб топтиради. Ушбу шартномаларда давлатларнинг мувофиқлаштирилган хоҳиш-иродаси мустаҳкамлаб қўйилади. Давлатларнинг умумий келишуви халқаро ҳуқуқнинг негизи бўлиб, у ўз моҳиятига кўра, умумдемократик хусусиятга эга ва юридик жиҳатдан мажбурий. Ушбу ҳуқуқ тизими субъектларига ҳеч ким уларнинг розилигисиз муайян хулқ-атвор қоидаларини белгилаши мумкин эмас.

Субъектларига кўра. Давлат ички ҳуқуқининг субъектлари фуқаролар ва юридик шахслар, давлат органлари бўлса, халқаро ҳуқуқнинг субъектлари суверен давлатлар, мустақил давлат қуриш учун ҳаракат қилаётган миллатлар ва халқлар, шунингдек, ҳукуматлараро (БМТга ўхшаган) таъкилотлар ва айрим давлат тузилмалари (масалан, Ватикан)дир.

Тартибга солиш предметига кўра. Давлат ички ҳуқуқининг вазифаси муайян давлатлар миллий ҳуқуқи субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Халқаро ҳуқуқнинг тартибга солиш предметини,

юқорида айтилганидек, давлатлараро муносабатлар ташкил этади.

Ҳуқуқ манбаларига кўра. Халқаро ҳуқуқ ва давлат ички ҳуқуқи нормалари турли юридик шаклларга эга. Давлатнинг ички нормалари қонунлар, қарорлар, фармонлар кўринишида таърифланган бўлса, халқаро ҳуқуқ нормалари халқаро шартномалар, одатлар, халқаро ташкилотларнинг қарорлари, халқаро конференция ва кенгашларнинг ҳужжатлари шаклида бўлади.

Нормаларни амалга ошириш усулига кўра. Миллий ҳуқуқ нормалари давлатнинг мажбуурлов кучи билан таъминланади. Халқаро ҳуқуқий нормаларнинг бажарилишини халқаро ҳуқуқий субъектлар устида турадиган муайян тузилма мавжуд эмаслиги туфайли, халқаро ҳуқуқ субъектларининг ўзлари (якка тартибда ёки жамоа бўлиб) таъминлайди.

Халқаро ҳуқуқ функциялари — ижтимоий муҳитга таъсир кўрсатиш фаолиятининг асосий йўналиши. Бу функциялар халқаро ҳуқуқнинг ижтимоий моҳияти билан белгиланади. Халқаро ҳуқуқ функциялари хилма-хил бўлиб, улар ушбу ҳуқуқ олдида турган вазифаларнинг ошишига қараб мураккаблашиб боради. Халқаро ҳуқуқнинг дастлабки вазифаси мустақил давлатларга тинч-тотув яшаш имкониятини берувчи оддий тартиб ўрнатишдан иборат эди. Шу муносабат билан тартиб ўрнатиш узоқ вақтгача халқаро ҳуқуқнинг асосий функцияси деб ҳисобланиб келинди. Ҳолбуки, халқаро ҳуқуқнинг вужудга келишига халқаро тизимга бўлган зарурат туртки берган. Шу нуқтаи назардан, халқаро ҳуқуқнинг бош ижтимоий функцияси мавжуд халқаро муносабатлар тизимини мус-таҳкамлашдан иборат бўлиб, бунга кўп жиҳатдан мажбуур тизимда лозим даражада тартиб ўрнатиш йўли билан эришилади. Ҳуқуқнинг бош юридик функцияси — халқаро муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш. Халқаро ҳуқуқнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, халқаро муносабатларда давлатларни мажбуурлаш механизми мавжуд эмас. Зарур ҳолда халқаро ҳуқуқий тартиботнинг сақланишини давлатлар ўзлари жамоа бўлиб таъминлайди.

Халқаро ҳуқуқ халқаро муносабатларда мувофиқлаштириш функциясини бажаради. Халқаро ҳуқуқ нормалари ёрдамида давлатлар ўзаро муносабатларнинг турли соҳалари учун умумий мақбул ҳуқ-атвор стандартларини белгилайдилар. Халқаро ҳуқуқнинг тартибга солиш функцияси давлатлар ўзаро алоқалар ва ҳамкорликнинг қатъий белгиланган қоидаларини қабул қилишида намоён бўлади. Халқаро ҳуқуқ шундай нормаларга эгаки, улар давлатларни муайян ҳуқ-атвор қоидаларига риоя қи-лишга даъват этади. Бунда халқаро ҳуқуқнинг таъминлаш функцияси намоён бўлади. Ниҳоят, халқаро ҳуқуқда давлатларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи механизмлар шаклланган бўлиб, бу халқаро ҳуқуқнинг муҳофаза қилиш функцияси тўғрисида сўз юритиш имконини беради.

Халқаро ҳуқуқнинг байналмилаллашув (интернационализация) функцияси ҳам муҳим бўлиб, у давлатлар ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришни назарда тутаяди.

Халқаро ҳуқуқнинг ахборот-тарбия функцияси давлатлар оқилона ҳуқ-атвори тажрибасини тарқатиш, ҳуқуқдан фойдаланиш имкониятлари ҳақида маълумотлар бериш, ҳуқуқий муносабатлар ва кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдан иборат.

“Халқаро иқтисодий ҳуқуқ” тушунчаси

Халқаро иқтисодий ҳуқуқ халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва нормалари, давлатлараро иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи тармоқдир.

Баъзи манбаларда эса халқаро иқтисодий ҳуқуқ халқаро оммавий ҳуқуқнинг давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи тамойил ва нормалар мажмуидан иборат тармоғи сифатида таърифланади.

Иккала таъриф бир-бирига мос келади. Уларда халқаро иқтисодий ҳуқуққа халқаро ҳуқуқнинг муайян йўналиши-

даги муносабатлар — давлатлараро иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи қисми сифатида ёндашилган.

Халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг предметини кўп тарафлама ва икки тарафлама иқтисодий шартномалар, ишлаб чиқариш, фан-техника, валюта-молия, транспорт, алоқа, туризм, интеллектуал мулк ҳамда бошқа соҳалардаги тижорат муносабатлари ташкил этади.

Ҳозирги замон Ғарб адабиётларида халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг икки асосий концепцияси илгари сурилмоқда. Биринчиси — классик концепция бўлиб, унда халқаро иқтисодий ҳуқуққа халқаро оммавий ҳуқуқнинг бир тармоғи сифатида ёндашилган. Унинг предметини халқаро ҳуқуқ субъектларининг иқтисодий муносабатлари ташкил этади. Иккинчи концепцияга биноан, халқаро ҳуқуқ ва давлат ички ҳуқуқи халқаро иқтисодий ҳуқуқ нормаларининг манбаи ҳисобланади. Ушбу нормалар бир давлат доирасидан четга чиқадиган тижорат муносабатларида иштирок этаётган ҳуқуқнинг барча субъектларига нисбатан татбиқ этилади. Ушбу талқинга кўра, турли давлатларда яшайдиган шахслар ўртасида тузилган халқаро олди-сотди битими халқаро иқтисодий ҳуқуқ билан тартибга солиниши лозим. Бундай ёндашувнинг салбий жиҳати шундаки, халқаро иқтисодий ҳуқуқ турли ҳуқуқий муносабатларни қамраб олиши лозим, яъни у давлатлар ва бошқа субъектлар ўзаро алоқа қиладиган умумий ҳуқуқий майдонни вужудга келтирувчи халқаро савдо тизими нормаларини ўз ичига олиши керак. Айни вақтда, у муайян битимни (масалан, халқаро олди-сотди битимини) тартибга солувчи халқаро савдо битимларини ҳам ўз ичига олади. “Халқаро иқтисодий ҳуқуқ” тушунчаси ўзининг тартибга солиш предметига эга бўлган ва ягона мақсад билан боғланмаган ҳар хил тартибга солувчи ҳужжатларга сингиб кетади.

Кенг маънода, халқаро иқтисодий ҳуқуқ — халқаро ҳуқуқ тармоғи сифатида, халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасида уларнинг халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасидаги фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи юридик нормалар мажмуидир.

Тор маънода, халқаро иқтисодий ҳуқуқ халқаро иқтисодий муносабатларни ташкил этувчи, асосан, макроиқтисодий муносабатларни (микроиқтисодий муносабатларга қарама-қарши равишда) тартибга соладиган нормалар мажмуидир. Ушбу ёндашувда халқаро савдо тизими нормалари халқаро иқтисодий ҳуқуқ нормалари ҳисобланади, халқаро олди-сотди нормалари эса халқаро иқтисодий ҳуқуқ таркибига кирмайди.

Халқаро иқтисодий муносабатларни ташкил этишни тартибга соладиган барча нормалар, одатда, халқаро иқтисодий ҳуқуқ деб аталади. Ваҳоланки, улар бир-биридан анча фарқ қилади. Масалан, халқаро ҳуқуқ доим ушбу нормалар манбаи бўлиб хизмат қилавермайди. Халқаро-ҳуқуқий манбалар — конвенцион ва ноконвенцион нормалар халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг шаклланишида муҳим роль ўйнаши шубҳасиз. Лекин халқаро иқтисодий муносабатларни ташкил этиш нуқтаи назаридан миллий ҳуқуқ тизимларининг нормалари ҳам муҳим роль ўйнайди. Масалан, молия муносабатлари соҳасида инвестицияларнинг давлатлар доирасида тартибга солиниши, хусусан, уларнинг рағбатлантирилиши ёки чекланиши халқаро капиталлар оқимларида ўз аксини топади. Халқаро иқтисодий муносабатларни ташкил этишга миллий ҳуқуқнинг таъсири халқаро иқтисодий ҳуқуққа берилган таърифнинг аниқлигини шубҳа остида қолдиради. Балки уни халқаро иқтисодий муносабатлар ҳуқуқи деб номлаш тўғрироқ бўлармиди? Халқаро ҳуқуқнинг мазкур тармоғи қандай таърифланишидан қатъи назар, у макро ва микроиқтисодиёт ўртасидаги фарқни кўрсатиши зарур. Макроиқтисодиётга иқтисодий тизимлар ўртасидаги муносабатлар киради. Микроиқтисодиёт — иқтисодий операторларнинг яқка тартибда фаолият кўрсатувчи соҳаси ҳисобланади. Гарчи халқаро иқтисодий ҳуқуқ ҳуқуқнинг йирик иқтисодий тизимлари ўзаро алоқа қиладиган тармоғи бўлса-да, у фақат шу тизимларни тартибга солиш билан чекланмайди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун унинг ўтган асрнинг охириги икки ўн йиллигидаги ривожланиш жараёнига назар ташлаш kifоя.

Халқаро иқтисодий ҳуқуқ — ҳуқуқнинг ўзига хос тармоғи бўлиб, у шахслар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг инвестицияларини, халқаро мол-мулк ва хизматлар савдосини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш, уларни молиявий таъминлаш масалаларига хизмат қилади. Шунингдек, у халқаро миқёсда моддий бойликлар яратиш жараёни ва уларни молиявий таъминлашни тартибга солади.

Халқаро иқтисодий ҳуқуқ ўз ичига миллий ҳудудда ишлаб чиқаришнинг хорижий омиллари (шахслар ва капиталлар)ни жойлаштириш ҳамда миллий иқтисодиётлар ўртасидаги айирбошлаш каби иқтисодий жараёнларни ҳам қамраб олади. Буларнинг барчаси мантиқий жиҳатдан бир-бири билан узвий боғлиқ.

Айни вақтда, бошқа соҳаларда бўлганидек, халқаро иқтисодий ҳуқуқ соҳасида ҳам глобализация жараёни давом этмоқда. Масалан, бугунги кунда чет эллик шахсларга мамлакат ичкарасига кириш учун рухсат бериш ва савдосотиқ масалаларида ҳуқуқий режимларнинг бирлашуви кузатилмоқда. Хизматлар кўрсатиш соҳасидаги режимлар бирлашуви рўй берди, шунингдек, инвестициялар соҳасида ҳам бу жараён кутилмоқда. Инвестициялар ҳаракати омили биринчи ўринга чиқди, бу эса ўз-ўзидан чет эллик шахслар эркин қўйилишини тақозо этмоқда (бу ҳозирча чекланган ёки тақиқланган, миллий шахслар фойдасига дискриминацион қоидалар амал қилмоқда).

Халқаро иқтисодий муносабатлар ҳуқуқи, кенг маънода, халқаро ҳуқуқ ва халқаро шартномалар ҳуқуқининг иқтисодий аҳамиятга молик барча нормаларини қамраб олган бўлиб, у товарлар, капиталлар, технологиялар ва одамлар ҳаракатини тартибга солади.

Давлатлар, шунингдек, халқаро оммавий ҳуқуқнинг бошқа субъектлари халқаро иқтисодий ҳуқуқ предмети ўртасидаги кўп тарафлама ва икки тарафлама халқаро иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Давлатлараро иқтисодий муносабатлар эса, халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг тартибга солиш объекти бўлиб хизмат қилади.

Халқаро иқтисодий муносабатларда халқаро иқтисодий ҳуқуқ субъектлари сифатида халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари амал қилади.

Халқаро иқтисодий ҳуқуқ тизими тамойиллари бирлик хусусияти билан тавсифланадиган юридик нормалар комплексиدير. Халқаро иқтисодий ҳуқуқ хизмат кўрса-тиши лозим бўлган халқаро иқтисодий муносабатлар тизими ҳуқуқнинг ушбу тармоғи учун тизим ҳосил қилувчи моддий омил ҳисобланади. Халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг мақсад тамойиллари асосий юридик ҳамда тизим ҳосил қилувчи омиллар сифатида амал қилади.

Халқаро иқтисодий ҳуқуқ тизими ўзига хос тузилмага эга. Тузилма деганда, тизимнинг ўзига хос хусусиятлари — унинг ички тузилиши, таркибий қисмлари жойлашуви ва боғланиши, улар ўртасидаги алоқалар тушунилади. Бошқача айтганда, бу тизимнинг ички шакли, тизим қисмларининг муайян тартиби демакдир. Тизимнинг барқарорлиги унинг қисмлари ўртасидаги алоқаларнинг узлуксизлигига боғлиқ бўлади. Тизимнинг хусусияти ундаги алоқалар хусусияти билан белгиланади.

Шундай қилиб, халқаро иқтисодий ҳуқуқ тизими мақсад ва тамойиллар комплексига таянади. Мазкур тизим ўзига хос тузилишга, муайян шаклланиш ҳамда фаолият усулларига эга бўлиб, ўзига хос қонуниятларга мувофиқ ривожланади. Ушбу тизимнинг мавжудлиги объектив белгиланган, чунки ҳозирги замон халқаро иқтисодий ҳуқуқи фақат лозим даражада уюшган тизим сифатида ўз вазифаларини бажаришга қодир.

Ҳозирги замон халқаро иқтисодий ҳуқуқи давлатлар иқтисодий ҳамкорлигининг, бинобарин, халқаро ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий мақсадларини белгилаб берди. Натижада, у давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг нафақат шакллари, балки мазмунини ҳам белгилай бошлади.

Халқаро иқтисодий ҳуқуқ асосий тамойилларининг вужудга келган комплекси илгари пароканда бўлган нормалар гуруҳларини бирлаштирди, уюштирди ва ўзига бўйсундирди. Халқаро иқтисодий ҳуқуқ фақат диспозитив хусу-

сиятга эга бўлмай қолди, императив, яъни умумий эътироф этилган нормалар комплекси вужудга келди. Бу нормалар доирасидан давлатлар ўз муносабатларида ҳатто, ўзаро келишувга кўра ҳам, четга чиқишлари мумкин эмас.

Тизимнинг яна бир белгиси — нормалар иерархияси вужудга келди. Нормалар иерархияси уларнинг халқаро иқтисодий ҳуқуқ тизимидаги ўрни ва аҳамиятини белгилаш, тизим фаолияти учун зарур бўлган ўзаро келишиш ва ихтилофларни бартараф этиш жараёнини соддалаштириш имконини беради.

Халқаро иқтисодий ҳуқуқ соҳасида нормаларни таркиб топтириш ва имплементация қилиш жараёнларини тартибга солиш тобора кучайиб бормоқда. Халқаро иқтисодий процессуал ҳуқуқнинг аста-секин шаклланаётгани ҳуқуқ тизимининг ривожланиб бораётганидан далолат.

Норма — халқаро иқтисодий ҳуқуқ тизимининг бирламчи элементи бўлиб, у муайян халқаро иқтисодий муносабат модели ҳисобланади. Халқаро иқтисодий ҳуқуқ тизими эса халқаро иқтисодий муносабатлар тизимининг норматив моделидир. Ушбу моделлар халқаро иқтисодий муносабатларни ўз мазмунига мумкин қадар яқинлаштириш мақсадида уларга таъсир кўрсатади. Тизим муносабатларни тартибга солиши мумкин, чунки унинг таркибидаги айрим нормалар гуруҳлари ўз вазифаларини ҳал қилади. Нормалар бири-бирини тақозо этади. Шу боис тизим ички уюшқоқликка эга бўлиши лозим. Унинг қисмлари бир-бирига зид келиши мумкин эмас. Ўта мураккаб ҳодиса бўлган халқаро иқтисодий ҳуқуқ учун бу жуда оғир вазифа.

Хуллас, халқаро иқтисодий ҳуқуқ тизимига нормаларнинг бирлаштирилиши уларнинг янги сифатлари пайдо бўлишига олиб келди. Эндиликда бу нормалар халқаро иқтисодий муносабатларни изчиллик билан тартибга солишга қодир. Халқаро иқтисодий ҳуқуққа табақалашув ва интеграциялашув жараёнлари хос. Янги ҳамкорлик соҳалари ва тегишли халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг янги йўналишлари вужудга келмоқда. Айни вақтда, тизимдаги турли йўналишлар яқин алоқа қилмоқда.

Барча давлатлар учун мажбурий бўлган умумий халқаро иқтисодий ҳуқуқ тизимнинг ўзагини ташкил этади. Бундан ташқари, давлатларнинг гуруҳлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи регионал халқаро ҳуқуқий комплекслар мавжуд. Ҳуда кўп нормалар икки тарафлама муносабатларни тартибга солади. Регионал ва икки тарафлама нормалар умумий халқаро иқтисодий ҳуқуққа мос келиши лозим, жамулжамликда улар дунё миқёсидаги (глобал) халқаро ҳуқуқий тизимни ташкил этади.

Демак, халқаро иқтисодий ҳуқуқ халқаро оммавий ҳуқуқнинг тармоғи, деган қоидадан келиб чиқиб, қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

1) халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг манбалари халқаро ҳуқуқ манбаларига асосланади;

2) халқаро ҳуқуқ тамойиллари халқаро иқтисодий ҳуқуққа нисбатан ҳам амал қилади. Айни вақтда, халқаро иқтисодий ҳуқуқ доирасида халқаро ҳуқуқнинг умум-эътироф этилган тамойилларидан ташқари, махсус тамойиллар ҳам қўлланади;

3) халқаро иқтисодий ҳуқуқ — халқаро оммавий ҳуқуқнинг тармоғи, деган таърифга асосланиб, халқаро ҳуқуқнинг ҳам, халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг ҳам субъектлари бир, деб ҳисоблаш мумкин. Ўз-ўзидан равшанки, давлатлар ташқи иқтисодий фуқаролик-ҳуқуқий, тижорат фаолиятида бевосита иштирок этишга ҳақли.

Халқаро ҳуқуқ субъекти халқаро ҳуқуқнинг умумий нормалари ёки халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидаларига мувофиқ юзага келадиган халқаро ҳуқуқ ва бурчларнинг ташувчисидир. Халқаро ҳуқуқ субъектчилиги шахснинг халқаро ҳуқуқ субъекти бўлишдан иборат юридик қобилиятидир. Халқаро ҳуқуқ субъектчилиги ўз келиб чиқишига кўра, ҳақиқий ва юридик бўлади. Шу боис халқаро ҳуқуқ субъектларининг икки тоифаси: бирламчи (суверен) ва иккиламчи (носуверен) субъектлар мавжуд. Уларнинг фарқи шундан иборатки, халқаро ҳуқуқнинг бирламчи субъектларини ҳеч ким яратмайди. Халқ-

аро ҳуқуқнинг иккиламчи субъектларини эса бирламчи субъектлар таркиб топтиради. Халқаро ҳуқуқ иккиламчи субъектларининг ҳуқуқ лаёқати уларни ташкил этиш тўғрисидаги шартномаларда белгилаб қўйилади.

Халқаро ҳуқуқнинг бирламчи субъектлари

1. Давлатлар. Белгилари: ҳудуд, аҳоли, ҳокимият органлари (органлар тизими).

Халқаро ҳуқуқда давлат деганда, суверен давлатга хос барча белгиларга эга мамлакат тушунилади. Лекин ҳар қандай мамлакат ҳам халқаро ҳуқуқий маънода давлат ва халқаро ҳуқуқ субъекти бўла олмайди (масалан, мустамлака мамлакатлар).

Янги давлатлар — халқаро ҳуқуқ субъектлари ташкил топишининг турли усуллари мавжуд:

- социал инқилоблар ва миллий-озодлик ҳаракатлари натижасида. Масалан, Иккинчи жаҳон урушидан кейин собиқ мустамлакалар ва қарам ҳудудлар ўрнида 100 дан ортиқ мустақил давлатлар ташкил топди;

- икки ёки бир неча давлатнинг бир давлатга бирлашиши (1964 йилда икки давлат (Танганьика ва Занзибар)-дан Танзания ташкил топди; 1990 йилда немислар яшайдиган икки давлат (ГДР ва ГФР) ягона немис давлатига бирлашди);

- бир давлатнинг икки ёки бир неча давлатга бўлиниши (1960 йилда Мали Федерацияси икки давлат — Мали Республикаси ва Сенегал Республикасига бўлинди; 1991 йилда СССР 15 мустақил суверен давлатга парчаланди; 1993 йилда Чехословакия икки давлат — Чехия ва Словакияга бўлинди; собиқ Югославия ҳудудида бир неча мустақил давлат ташкил топди);

- муайян ҳудуд бир қисмининг ажралиб чиқиши ва унда мустақил давлатнинг эълон қилиниши (1965 йил Сингапур Малайзия Федерациясидан, 1971 йил Бангладеш Покистон таркибидан ажралиб чиқди);

- халқаро ташкилот қарори билан (1947 йил ноябрда

БМТ қабул қилган 181-сон резолюцияга биноан, Фаластин хуудидида икки мустақил давлат — яҳудийлар (Исроил) ва араблар (Фаластин) давлати ташкил қилинди.

Халқаро ҳуқуқ субъектлари давлат тузилишига кўра унитар ва федератив бўлиши мумкин.

Унитар (ягона, лот. “унус” — “бир” сўзидан олинган) давлат оддий тузилишга эга давлат бўлиб, тўла сиёсий бирлиги билан бошқалардан фарқ қилади. Унитар давлатларнинг аксарияти муайян маъмурий-хуудий бўлиниш (туманлар, вилоятлар, кантонлар)га эга. Бироқ мазкур мустақил қисмлар давлат суверенитети белгиларига эга эмас. Бундай давлатда олий органларнинг ягона тизими ҳамда қонунчилик мавжуд бўлади. Унитар давлатнинг яхши томони шундаки, унинг тузилиши содда бўлиб, олий ҳокимият тўлалигича унинг тасарруфида бўлади.

Барча унитар давлатларга хос бўлган марказлаштириш турли шаклларда турли даражада намоён бўлиши мумкин. Баъзи мамлакатларда маҳаллий органлар умуман бўлмади ва маъмурий-хуудий бўлинмалар марказий ҳокимият вакиллари томонидан бошқарилади.

Федерация — давлат-ҳуқуқий бирлашмаси (иттифоқ давлат), халқаро ҳуқуқнинг ягона субъекти. Федерациядан конфедерацияни, яъни давлатларнинг халқаро-ҳуқуқий бирлашмасини (суверен давлатлар иттифоқини) фарқлаш лозим. Конфедерация халқаро ҳуқуқ субъекти ҳисобланмайди, чунки бундай мақомга конфедерация аъзолари эга бўлади. Конфедерация, ўз моҳиятига кўра, халқаро ташкилотга ўхшайди. Ҳозирги замон халқаро муносабатларида конфедерациялар (классик кўринишда) мавжуд эмас.

Юридик шаклига асосан, тенг ҳуқуқли бўлган давлатлар халқаро майдонда ўз сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва бошқа хусусиятларига кўра, икки гуруҳга — буюк ва кичик давлатларга бўлинади. Буюк давлат мақоми аниқ белгиланмаган. Илгари устунлик қилган ҳарбий-сиёсий мезон ўтмишга чекинмоқда. БМТ Хавфсизлик Кенгашига доимий аъзолик сўнги йилларда мазкур ташкилот ўзининг олдинги мавқеини йўқотаётганлиги, шунингдек, унга

аъзо бўлмаган давлатларнинг жаҳон ҳаётидаги аҳамияти ошиб бораётганлиги туфайли мезон сифатида қаралмаяпти. Шунга қарамай, буюк давлат мақоми халқаро ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнига кучлироқ таъсир кўрсатиш имконияти билан узвий боғлиқ бўлиб, бу пировард натижада ҳуқуқ лаёқати ҳажмини ҳам кенгайтиради.

Суверенитет. Белгилари: ҳудуд, аҳоли ва ҳокимият.

Суверенитет — давлатнинг ўз ҳудуди доирасида устунлиги ва халқаро ишларда мустақиллиги. Мутлақ суверенитет мавжуд эмас, чунки барча давлатлар ўзаро боғланган бўлиб, қоида тариқасида, давлат ташқи майдонда ўзаро фойдали муносабатларни ривожлантириш учун ўз суверенитетининг бир қисмидан воз кечади. Бу давлатнинг халқаро ишлардаги ҳаракат эркинлиги чекланишида намоён бўлади. Барча давлатлар, уларнинг иқтисодий қудрати ҳар хил эканлигига қарамай, юридик жиҳатдан тенг ҳисобланади. Бу халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларидин бири — суверен тенглик принципининг моҳиятини ташкил этади. Халқаро ишларда давлатларнинг суверен тенглигидан давлатлар иммунитети келиб чиқади. Давлатлар иммунитети принципи бир давлатнинг амалдорлари (дипломатлари), давлат мулки ва ҳ.к. ўз ҳудудида ҳам, чет элда ҳам суд тартибида жавобгар бўлмаслигини аниқлатади. Давлатларнинг суверен тенглиги принципидан давлатлар бир-бирларининг ҳокимиятига нисбатан иммунитетга, яъни дахлсизлик ҳуқуқига эгаллиги келиб чиқади. Яъни, бир давлатнинг на қонун чиқарувчи, на ижро, на суд ҳокимиятининг таъсир кучи бошқа бир давлатда амал қилмайди.

Давлатларнинг ўзаро муносабатларида суд иммунитети алоҳида аҳамият касб этади. Давлат бошқа давлатнинг судига чақирилиши ва унинг мол-мулки даъвоини таъминлаш мақсадида қамоққа олиниши мумкин эмас. Шунингдек, бир давлатга нисбатан бошқа бир давлат суд ҳокимиятининг ижро ҳаракатлари амалга оширилмайди.

Иммунитетга бўлган эҳтиёж давлатлар ўртасида расмий муносабатларни қўллаб-қувватлаш талаби, суверен давлатларнинг бир-бирларининг ҳудудида фаолият кўрса-

тиш зарурати туфайли юзага келган. Давлатлар ўз хусусий ҳуқуқий фаолият (савдо сотиқ, товар ва хизматлардан фойдаланиш, қўчмас мулкка эгалик қилиш ва бошқалар) доирасини кенгайтиргани сари вазият ўзгариб боради.

Суверенитет белгилари:

1) ҳудудий устунлик (ушбу давлат ҳудудида фақат шу давлатнинг қонунлари амал қилади);

2) ҳудудий яхлитлик (давлат ҳудуди унинг олий органи ёки халқининг розилигисиз камайтирилиши ҳам, кенгайтирилиши ҳам мумкин эмас);

3) давлатнинг бирон-бир субъектга (шу жумладан, ташкилотлар, жисмоний шахслар ва мамлакат ичидаги ёки ундан ташқаридаги ҳар қандай халқаро ташкилотларга) расман қарам эмаслиги.

“Суверенитет” тушунчаси билан “юрисдикция” (суверен ҳуқуқлар) тушунчаси узвий боғлиқ. Юрисдикция деганда, суверенитет моҳиятидан келиб чиқадиган давлатнинг ўз ҳокимиятини нафақат ўз миллий ҳудудидаги, балки ундан ташқаридаги жисмоний ва юридик шахсларнинг объектлари ва ҳаракатларига татбиқ этиш бўйича муайян ҳуқуқлари тушунилади. Ҳажмига кўра, тўлиқ ва чекланган, амал қилиш доирасига кўра — территориал ва экстерриториал, ҳокимият хусусиятига кўра — қонун чиқариш, ижро этиш, суд юрисдикцияси фарқланади.

Тўлиқ юрисдикция давлат хулқ-атвори белгилаш ва ўз фармойишлари бажарилиши ихтиёрида мавжуд барча қонуний воситалар билан таъминлаш ҳокимиятига эга эканлигини англатади. Чекланган юрисдикция деганда, давлат хулқ-атвори белгилаши мумкинлиги, лекин у фармойишларнинг бажарилишини таъминловчи воситалардан фойдаланишда муайян даражада чеклангани тушунилади.

Ҳудудий устунлик принципига кўра, давлат ўз ҳудуди доирасида тўлиқ юрисдикцияни, шахсий устунлик принципига кўра эса — ўзининг чет элдаги фуқароларига нисбатан чекланган юрисдикцияни амалга оширади.

Давлатлар ўзига хос универсал ҳуқуқий лаёқатга эга бўлсада, уларда бу давлатларни халқаро ҳуқуқ субъектлари си-

фатида тавсифлаш учун муҳим бўлган айрим ҳуқуқ ва бурчлар ҳам мавжуд. Халқаро ҳуқуқ назариясида давлат асосий ҳуқуқларининг бузилиши унинг мавжудлигига хавф туғдиради, давлатнинг ўз асосий бурчларини бузиши эса бошқа давлатларнинг мавжудлиги ва халқаро ҳамжамиятнинг нормал фаолиятига хавф туғдиради, деган ёндашув шаклланган.

Давлатнинг асосий ҳуқуқ ва бурчлари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, улар халқаро ҳуқуқнинг муҳим принципларидан келиб чиқади. Лекин бу ҳуқуқ ва бурчларнинг умумэътироф этилган рўйхати мавжуд эмас.

Давлат халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида эга бўладиган қуйидаги ҳуқуқларни қайд этиш мумкин:

– мустақиллик ҳамда ўз қонуний ҳуқуқларини эркин амалга ошириш, ўз ҳудуди устидан ва унинг чегарасидаги барча шахслар ва нарсалар устидан, халқаро ҳуқуқда эътироф этилган иммунитетларга риоя қилган ҳолда юрисдикцияни амалга ошириш ҳуқуқи;

– бошқа давлатлар билан тенг ҳуқуқлилиқ;

– ўзини қуролли ҳужумдан жамоавий тарзда ва яқка тартибда мудофаа қилиш ҳуқуқи.

Давлатнинг асосий халқаро ҳуқуқий мажбуриятларига қуйидагилар киради:

– бошқа давлатларнинг ички ва ташқи ишларига аралашмаслик;

– бошқа давлат ҳудудида ўзаро уруш чиқармаслик;

– инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш;

– ўз ҳудудида тинчликка хавф солмайдиган вазиятни қарор топтириш;

– халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан низоларни фақат тинч йўл билан ҳал қилиш;

– бошқа давлатнинг ҳудудий яхлитлиги ва сиёсий мустақиллигига куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан қўрқитишдан ёхуд халқаро ҳуқуқ қоидаларига мос келмайдиган бошқа ҳаракатлардан ўзини тийиш;

– юқоридаги мажбуриятни бузган ёки БМТ огоҳлантириш ёки мажбурлаш чораларини қўллаётган бошқа давлатга ёрдам кўрсатмаслик;

– бошқа давлат куч ишлатмаслик мажбуриятини бузиш йўли билан эгаллаган ҳудудни тан олмаслик;

– ўз мажбуриятларини виждонан бажариш.

Халқаро ҳуқуқий тан олиш — давлатнинг шундай бир ҳаракатики, у орқали халқаро ҳуқуқнинг янги субъекти вужудга келганлиги, субъект у билан дипломатик алоқалар ҳамда халқаро ҳуқуққа асосланган бошқа муносабатлар ўрнатишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаши қайд этилади.

Халқаро ҳуқуқий тан олишнинг икки асосий назарияси мавжуд: 1) конститутив назария; 2) декларатив назария. Биринчи назарияга кўра, халқаро ҳуқуқнинг мавжуд субъектлари томонидан дестинатор (тан олиш адресати)нинг тан олиши унинг халқаро-ҳуқуқий ҳолатида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу назария иккита жиддий камчиликка эга. Биринчидан, амалиётда янги тузилмалар (давлатлар, ҳукуматлар ва ҳ.к.) давлатлараро муносабатларга тан олинмай туриб ҳам киришишлари мумкин. Иккинчидан, янги тузилма халқаро ҳуқуқ субъекти бўлиши учун уни мавжуд давлатлардан қанчаси тан олиши лозимлиги аниқ эмас.

“Декларатив” назария шундан келиб чиқадикки, тан олиш унинг тегишли ҳуқуқий мақомга эга бўлишиниангламайди, балки халқаро ҳуқуқнинг янги субъекти вужудга келганини қайд этади ва у билан алоқа қилишни енгиллаштиради. Бу назария демократик хусусиятга эгаллиги ва давлат мақомининг ҳуқуқий масалаларига кўпроқ эътибор бергани учун ҳозирда халқаро ҳуқуқий доктринада кенг қўлланилади.

Тан олиш шакллари

Де-факто (de facto) тан олиш — давлат билан дипломатик муносабатлар ўрнатмасдан, у билан иқтисодий муносабатлар ўрнатиш орқали уни амалда тан олиш.

Де-юре (de jure) тан олиш — тан олинган давлатда дипломатик ваколатхоналар, миссиялар очил. Бу шакл очик ифодаланган ёки назарда тутилган бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда халқаро ҳуқуқий муносабатларнинг те-

гишли бўлажак субъектини де-юре тан олиш нияти қайд этилган махсус нота берилади.

“Ad hoc” тан олиш — айни муайян ҳолат учун тан олиш. “Ad hoc” — умумий атама бўлиб, “махсус, ушбу мақсад учун мўлжалланган” деган маънони англатади.

Тан олишнинг мазкур уч шакли ўртасидаги фарқлар тан олувчи ва тан олинувчи тарафлар учун келтириб чиқариладиган ҳуқуқий оқибатлар ҳажмида намоён бўлади. Де-факто тан олишда бу ҳажм кичикроқ. Де-факто тан олиш давлат ёки ҳукумат анча яшовчан эканлигига ишонч билдириш. Де-факто тан олиш де-юре тан олишга айланиши мумкин ва аксинча. Масалан, 1911 йилда Франция Финляндиядан ишонч ёрлигини чақириб олди ва кейинчалик уни яна қайтариб берди. Шуни таъкидлаш лозимки, халқаро судлар самарали ҳукумат мавжудлиги исботланган ҳолда де-факто ва де-юре тан олишларни бир хил кучга эга деб эътироф этади. Кўрсатилган фарқ фақат ҳукуматларни сиёсий тан олиш нуқтаи назаридан амал қилади.

Тан олишнинг анъанавий ва дастлабки турлари фарқланади.

Анъанавий тан олишнинг турлари:

– давлатлар муайян янги давлат миллий-озодлик кураши, социал инқилоб, муайян ҳудуднинг ажралиб чиқиши, бир давлат мустақил қисмлар — суверен давлатларга ажралиши натижасида вужудга келган халқаро ҳуқуқнинг мустақил субъекти сифатида ташкил топган ҳолларда тан олинади;

– ҳукуматлар, одатда, инқилоб ёки давлат тўнтариши натижасида, яъни ноконституциявий йўл билан ҳокимиятга янги ҳукумат келган ҳолларда тан олинади. Бунда бошқа давлатлар, қоида тариқасида, қуйидаги мезонларни ҳисобга олади: янги ҳукуматнинг мамлакатдаги ҳудуд ва ҳокимиятни амалда назорат қилиши; мамлакат аҳолиси янги ҳукуматни қай даражада қўллаб-қувватлаши; янги ҳукуматнинг халқаро мажбуриятларини бажаришга тайёрлиги ва қодирлиги.

Дастлабки (оралиқ) тан олиш турлари:

– миллатларни тан олиш;

- қўзғолон кўтарган ёки уруш олиб бораётган тарафни тан олиш, урушаётган тараф — қуролли можаролар ҳуқуқи билан тартибга солинадиган ва қуролли кураш бошланиши муносабати билан юзага келадиган халқаро ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси;

- эмиграциядаги ҳукуматни тан олиш; бу ерда ушбу ҳукумат фаолиятининг самарадорлик даражаси мезон бўлади.

Дастлабки тан олиш турлари воқеаларнинг ривожланишини кутиш жараёнида қўлланади. Воқеаларнинг ривожланиши ё янги давлат ташкил топишига, ё ҳокимият инқилобий йўл билан эгалланган мамлакатда вазиятнинг барқарорлашувиغا олиб келиши мумкин.

Ҳуқуқий ворислик деганда, тегишли ҳудуднинг халқаро муносабатлари учун жавобгар бўлиш ва шу пайтгача мавжуд ҳуқуқ ва бурчларни амалга оширишда бир давлат ўрнини бошқа давлат эгаллаши тушунилади. Ушбу таърифдан кўринадики, ҳуқуқ ва бурчлар бир давлатдан бошқа давлатга ўтаётганида давлатнинг уч энг муҳим белгиси (ҳокимият, аҳоли ва ҳудуд)дан ҳал қилувчи аҳамиятга айнан ҳудуд эга бўлади. Ҳуқуқий ворислик халқаро ҳуқуқнинг анча эски институти бўлиб, у сўнги ўн йилликларда халқаро амалиётда кенг тарқалди.

Ҳуқуқий ворисликни амалга оширишда, унда қанча давлат иштирок этаётган бўлмасин, доим икки тараф: халқаро муносабатлар учун жавобгарликни тўлиқ ёки қисман топшираётган давлат ва ворис давлат, яъни бу жавобгарлик ўтаётган давлат фарқланади. Ҳуқуқий ворислик билан боғлиқ кўпгина ҳолатлар давлатлар ягона қоидаларга амал қилмаганлигини, барча масалалар муайян шарт-шароитлар, юзага келган сиёсий вазиятга қараб ҳал қилинганлигини кўрсатади. Баъзан ҳуқуқий ворисликнинг муҳим жиҳатлари бўйича давлатларнинг фикри бир жойдан чиқмайди. Масалан, Иккинчи жаҳон урушидан кейин ГФР Германия рейхи ҳуқуқ субъекти ва тарихий-сиёсий воқелик сифатида ҳеч қачон барҳам топмаганидан келиб чиқди. ГФРга шу ҳолатни ўзида мужассамлаштирган давлат сифатида қаралди. Бундан фарқли ўлароқ, бошқа ҳукуматлар, шу

жумладан, совет ҳукумати натижасида Германия рейхи барҳам топди, ГФР олдинги Германиянинг ҳуқуқий ворисларидан биридир, деган фикрни илгари сурди.

БМТ доирасида ҳуқуқий ворислик ҳақида икки конвенция: 1978 йилда “Шартномаларга нисбатан давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги тўғрисида”ги Вена конвенцияси ва 1983 йилда “Давлат мулки, давлат архивлари ва давлат қарзларига нисбатан давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги тўғриси”даги Вена конвенцияси қабул қилинди. “Халқаро муносабатларнинг ишончли ҳуқуқий негизини таъминлаш” воситаси сифатида қабул қилинган бу икки конвенция 1993 йилгача кучга кириши учун зарур ратификациялар сони (15)га эга бўлмаганлиги учун кучга кирмай қолиб кетди. Шунга қарамай, бу конвенциялар кўриб чиқиляётган соҳада энг нуфузли ҳужжатлар ҳисобланади. Уларда ҳуқуқий ворислик масалаларини ҳал қилиш учун умумий мўлжаллар жамланган.

Шартномалар масаласига келсак, ҳуқуқий ворислик чегаралар ва уларнинг режимига, шунингдек, чет давлат фойдасига белгиланган ҳар қандай ҳудуддан фойдаланиш билан боғлиқ мажбуриятларга тегишли шартномаларга нисбатан амал қилмайди. Масалан, Германия қўшиляётганида (1950 й.) Польша ва ГДР ўртасида тузилган шартномага биноан белгиланган Одер — Нейссе бўйича ўтган чегарага шубҳа билдирилмади.

Ҳуқуқий ворислик қуйидаги ҳолларда вужудга келади:

– мавжуд давлатлар бирлашаётганида уларнинг барча шартномалари ўз кучини сақлаб қолган, лекин бирлашган давлат ҳудудининг ҳуқуқий ворислик пайтида улар ўз кучини сақлаган ҳудудига нисбатан қўлланганидагина;

– давлатларни бўлишда;

– давлатнинг бир қисми ажралиб чиққанида;

– бир давлат ҳудудининг муайян қисми бошқа давлатга ўтказилганида шартнома бўйича белгиланган чегараларнинг ҳаракатчанлиги принципи амал қилади. Бу принципга кўра, шартномада белгиланган чегаралар давлатнинг чегараларига қўшилиб камаяди ёки кенгайиб бора-

ди. Ёки бўлмаса, ўтмишдош давлатнинг шартномалари берилган ҳудудга нисбатан ўз кучини йўқотади, ворис давлатнинг шартномалари эса кучга киради.

2. Ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи учун кураш олиб бораётган миллатлар. Миллат — муайян ҳудудда яшовчи кишиларнинг сиёсат, иқтисодиёт, маданият, ижтимоий ҳаёт ва тилининг ягоналиги билан тавсифланадиган тарихий бирлик. Халқаро ҳуқуқ субъекти бўлиш учун миллатлар: ўз тақдирини ўзи белгилаш имконини берувчи ҳудудга; бутун миллат номидан иш кўриш имконини берувчи сиёсий ташкилотга; ҳарбий тузилмага эга бўлиши; халқаро ташкилотлар томонидан тан олинishi лозим. Миллатнинг ҳуқуқ субъекти сифатида шаклланиши собиқ мустамлакалар ҳудудида янги давлатларнинг вужудга келиши, халқларнинг ўз озодлиги учун кураши, уларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга ошириши билан боғлиқ.

Халқаро ҳуқуқнинг иккиламчи субъектлари

1. Халқаро ташкилотлар.

Халқаро ташкилот — аъзо давлатлар ўртасида тузилган шартномага биноан таъсис этилган ташкилот. Мазкур шартномага кўра, у халқаро ташкилот мақомига эга бўлади. Халқаро ташкилотларнинг юридик табиатини халқаро шартнома (таъсис ҳужжати) ташкил этади. Ушбу ҳужжатда ташкилотнинг мақсад ва вазифалари белгиланади, шунингдек, унинг ваколати, унга аъзолик, қарорлар қабул қилиш тартиби ва бошқа масалалар тартибга солинади. Давлат халқаро ташкилот тузиш тўғрисида халқаро шартнома тузиб, бу ташкилот учун муайян ҳуқуқ ва муомала лаёқатини вужудга келтирар экан, ўз ҳаракатлари билан халқаро ҳуқуқнинг янги субъектини қарор топтиради. Бундай халқаро ташкилот шартномага асосланган ҳуқуқ субъекти ҳисобланади; ташкилот ходимларининг имтиёзлари ва иммунитетлари дипломатик имтиёзлар ва иммунитетларга тенглаштирилади.

“Халқаро ташкилот” атамаси давлатлараро (ҳукуматлараро) ташкилотларга нисбатан ҳам, ноҳукумат ташкилотларга нисбатан ҳам қўлланади.

Халқаро ҳукуматлараро ташкилотларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1) фаолият предметига кўра — сиёсий, иқтисодий, кредит-молия, савдо, соғлиқни сақлаш ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар;

2) иштирокчилари доирасига кўра — фаолият мақсади ва предмети жаҳоннинг барча давлатлари манфаатларига дахлдор бўлган халқаро универсал ташкилотлар (БМТ, БМТнинг ихтисослашган ташкилотлари) ва фаолияти муайян минтақаларга нисбатан татбиқ этиладиган регионал халқаро ташкилотлар (ЛАГ, ОАЕ, ОАГ);

3) янги аъзолар қабул қилиш тартибига кўра — очиқ (ҳар қандай давлат ўз ихтиёрига кўра аъзо бўлиши мумкин) ёки ёпиқ (аъзоликка қабул қилиш дастлабки таъсисчиларнинг таклифига биноан амалга оширилади) халқаро ташкилотлар. Ёпиқ ташкилотга НАТО мисол бўлади;

4) фаолият соҳасига кўра — умумий ваколатга эга халқаро ташкилотлар (БМТ, ОАЕ, ОАГ) ва махсус ваколатга эга халқаро ташкилотлар (БМТнинг ихтисослашган муассасалари — МОТ, ВПС);

5) фаолият мақсадлари ва принципларига кўра — қонуний ёки ғайриқонуний халқаро ташкилотлар;

6) аъзолари сонига кўра — жаҳон миқёсидаги ёки гуруҳдан иборат халқаро ташкилотлар;

7) ваколатларининг хусусиятига кўра — давлатлараро ва миллатлараро, аниқроғи, давлатларни бирлаштирувчи халқаро ташкилотлар. Биринчи гуруҳга мақсади давлатлараро ҳамкорликни ташкил этишдан иборат бўлган халқаро ташкилотлар киради. Давлатларни бирлаштирувчи халқаро ташкилотларнинг мақсади интеграциядир. Уларнинг қарорлари аъзо давлатларнинг фуқаролари ва юридик шахсларига нисбатан татбиқ этилади. Бундай ташкилот хусусиятлари муайян даражада Европа Иттифоқига хос.

Халқаро ҳукуматлараро ташкилотнинг белгилари:

1. Камида уч давлатнинг аъзолиги.
2. Доимий органлари ва бош қароргоҳининг мавжудлиги.
3. Таъсис шартномаси тузилганлиги.
4. Аъзо давлатларнинг суверенитетини ҳурмат қилиш.
5. Ички ишларига аралашмаслик.
6. Қарорлар қабул қилиш тартибининг белгиланганлиги.

Шу белгиларни ҳисобга олиб қайд этиш мумкинки, Халқаро Ҳукуматлараро Ташкилотлар — халқаро шартнома асосида умумий мақсадга эришиш учун таъсис этилган, доимий органларига эга бўлган ва аъзо давлатларнинг умумий манфаатлари қаторида уларнинг суверенитетини ҳам ҳурмат қилган ҳолда иш олиб борадиган давлатлар бирлашмаси. Бундай ташкилотлар халқаро ҳуқуқ субъекти ҳисобланади.

Халқаро Ноҳукумат Ташкилотлар — давлатлараро шартнома асосида тузилмайди, фуқароларни ва юридик шахсларни бирлаштиради (масалан, Халқаро ҳуқуқ уюшмаси, Қизил Хоч ва Қизил ярим ой жамиятлари халқаро федерацияси, Жаҳон илмий ходимлар федерацияси ва б.).

Халқаро Ноҳукумат Ташкилотларнинг қуйидаги турлари фарқланади:

- а) сиёсий, мафкуравий, ижтимоий-иқтисодий халқаро ноҳукумат ташкилотлари, касаба уюшмалари;
- б) хотин-қизлар ташкилотлари, оила ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича ташкилотлар;
- в) ёшлар, спорт, илмий, маданий-маърифий ташкилотлар;
- г) матбуот, кино, радио, телевидение соҳасидаги ташкилотлар ва бошқалар.

Халқаро ташкилотлар халқаро ҳуқуқнинг иккиламчи ёки ҳосила субъектлари ҳисобланади ва давлатлар томонидан тузилади. Халқаро ташкилот тузиш жараёни уч босқичдан иборат:

- 1) ташкилотнинг таъсис ҳужжатларини қабул қилиш;
- 2) унинг моддий тузилмасини вужудга келтириш;
- 3) бош органларини чақириш ва фаолиятни бошлаш.

Халқаро ташкилотлар тузилмасини халқаро ташкилот органлари — унинг таркибий бўғини ташкил этади. Бу органлар халқаро ташкилотнинг таъсис ёки бошқа ҳужжатлари асосида тузилади. Органга муайян ваколат ва функциялар берилади, у ички тузилиш ва қарорлар қабул қилиш тартибига эга бўлади. Ҳукуматлараро орган халқаро ташкилотнинг энг муҳим органи бўлиб, унинг таркибига аъзо давлатлар ўз вакилларини тайинлайди.

Аъзолик хусусиятига кўра органлар:

— ҳукуматлараро;

— парламентлараро (Европа Иттифоқига хос бўлиб, аҳоли сонига пропорционал равишда сайланадиган парламентларнинг делегатларидан ташкил топади) бўлади.

Айни вақтда, халқаро ҳуқуқ субъекти бўлмаган ноҳукумат ташкилотлари халқаро ҳуқуқ субъектига хос баъзи жиҳатларга, шу жумладан, халқаро ҳуқуқий нормалар билан белгиланган ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлишлари мумкин.

2. Давлатнамо субъектлар (Ватикан, Сан-Марино, Монако, Андорра, Римдаги Мальта ордени). Улар иккиламчи субъектлар қаторига киради, чунки улар шартнома асосида тузилади. Давлатнамо субъектлар, одатда, «эркин шаҳарлар»га ҳужум қилмаслик тўғрисида қўшни давлатлар билан тузилган шартнома асосида вужудга келади. Бу «эркин шаҳарлар» кейинчалик оз сонли армияси, чегараси, суверенитетига эга бўлган давлатнамо тузилмаларга айланади. Масалан, Ватикан Италия билан шундай шартномага эга.

Бундан ташқари, халқаро ҳуқуқий муносабатлар айрим турларининг иштирокчилари ҳам мавжуд. Уларга қувғиндаги ҳукуматлар, қўзғолон кўтарган тараф, уруш олиб бораётган тараф киради. Лекин уларнинг халқаро ҳуқуқ субъектлилиги масаласи давлатларнинг келишувига кўра, ҳал қилинади. Уларнинг якка ҳуқуқ субъектлилиги жуда чекланган.

Хулоса

Ўзбекистон Республикасида давлат қурилиши соҳа-сидаги ислохотлар ва мамлакатимизда кечаётган сиёсий-ҳуқуқий жараёнларнинг туб моҳияти, мақсади ҳамда асосий йўналишларини тушунтириш учун мазкур соҳадаги ривожланиш босқичларини, эришилган натижалар ва истиқболлини ўрганиш лозим.

Маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бажарадиган вазифалар доирасини кенгайтириш, уларга ваколатларнинг бир қисmini босқичма-босқич тошпириш масаласи ҳозирги босқичда жамиятимиз ҳаётида долзарб бўлиб турибди. Энг муҳими, аҳолининг касб ва ижтимоий таркиби манфаатларини тўлароқ ифодалаш ва ҳимоя қилишда нодавлат, жамоат тузилмаларининг ҳуқуқ ва мавқеини ошириш даркор. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” деган сиёсий қурилиш дастурининг моҳияти ана шунда яққол намоён бўлади. Айнан шундай ёндашув фуқароларнинг ўзларига ўз ҳаёти ва бутун жамият ҳаётини бошқаришда ва ташкил этишда кенг иштирок этиши учун имконият яратади. Бу эса фуқаролик жамияти тамойилларига тўла мос келади.¹

Мамлакатни модернизация қилиш ва ислоҳ этишни янада чуқурлаштириш шароитида кишилардан, айниқса раҳбар кадрлардан нафақат ислохотларни англаш, шу билан бирга, кенг доирадаги сиёсий-ҳуқуқий жараёнларни аниқлаш, таҳлил қилиш, уларнинг ривожланиш тенденцияларига баҳо бериш, бу ўзгаришлар қандай натижаларга олиб келиши мумкинлигини ҳис қила олиш ҳамда иқтисодий қонунлар талабларига мос равишда фаолият юритишни ўрганишни тақозо этади.

Хуллас, келажак мақсадларига эришиш учун юқори малакали, замон талабларига жавоб берадиган мутахассис кадрлар тайёрлашимиз, уларнинг малакасини мунтазам ошириб боришимиз бутунги куннинг долзарб масалалардан биридир.

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. -Т.: «Ўзбекистон», 1999, 389-б.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.: “Ўзбекистон”, 2009.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. - Т.: “Адолат”, 2004.
3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси . - Т.: “Адолат”, 2008.
4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси. - Т.: “Адолат”, 2008.
5. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик кодекси. - Т.: “Адолат”, 2008.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бошқарувини янгилаш ва демократлаштириш ҳамда мамлакатни янада модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуни. 2007 йил 11 апрель.
7. “Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири). 1993 йил 6 май.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси янги қонунлари. -Т.: “Адолат”, 1995 йил 9-сон.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни. - Т.: “Ўзбекистон”. (янги таҳрири). 1991 йил 14 июнь.
10. Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил № 7-8.
11. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг регламенти тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги 62-сонли Қарори.
12. “Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умуммажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларининг экспертизаси ва уларни давлат рўйхатига олиш тўғрисида”ги Низом. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1993 йил, 6 сон.
13. “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида” халқаро Пакт. 1986.
14. Каримов И.А. Ислохотлар стратегияси — мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. -Т.:“Ўзбекистон”, 2003.
15. Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш — асосий вазифамиз. - Т.: “Ўзбекистон”, 2004.
16. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. -Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
17. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. -Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
18. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: “Маънавият”, 2008.
19. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисдаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2007 йил 31 август.
20. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2008 йил 15 февраль куни халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи. //Халқ сўзи, 2008 йил 16 февраль.
21. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2008 йил 25 март куни халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг сессиясида сўзлаган нутқи. //Халқ сўзи, 2008 йил 26 март.

22. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2008 йил 15 апрель куни халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи. //Халқ сўзи, 2008 йил 16 апрель.
23. И.А.Каримов. “Тошкент вилоятининг юксак салоҳиятидан унумли фойдаланиш, ислохотлар самарадорлигини ошириш - долзарб вазифа”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 16 декабрь куни халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи. //Халқ сўзи, 2008 йил 18 декабрь.
24. Каримов И.А. “Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш - бизнинг олий мақсадимиз”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузаси. //Халқ сўзи, 2008 йил 6 декабрь.
25. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби //Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
26. Мамлакатимизда модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.
27. Каримов И.А. БМТ Бош ассамблеясининг 1000 йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқ. Т.: «Ўзбекистон». 2010.
28. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь.
29. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш — тараққиётимизнинг муҳим омили. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2010 йил 8 декабрь.
30. Назаров К. Маъмурий ҳуқуқ. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2004.
31. Административное право. -М., “Юрист”, 2004.
32. Атаманчук Г.В. Государственное управление (организационно-функциональные вопросы) Учебное пособие. -М.: ОАО НПО Экономика, 2000.
33. Пронкин С.В., Петрунина О.Е. Государственное управление зарубежных стран. Учебное пособие.-М.: “Аспект ПРЕСС”, 2001.
34. Чиркин В.Е. Государственное управление. Элементарный курс. -М.: “Юрист”, 2001.
35. Иноятов А. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ҳуқуқи.-Т.: “Иқтисодийёт ва ҳуқуқ”, 2002.
36. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Х.В.Бобоев ва Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. – Т.: “ТДЮИ”, 2000.
37. Гасанов М.Ю. Соколов Е. Ўзбекистоннинг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. – Т.: “Ўқитувчи”, 2001.
38. Саидов А., Тожиханов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари. –Т.: “ТДЮИ”, 2002.
39. О.Оқолов. Тадбиркорлик: имконият ва қафолатлар. –Т.: “ТДЮИ”, 2006.

Мундарижа

Кириш	3
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлашти- риш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.....	5
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши ва ислоҳотлар	39
Ўзбекистон Республикасида халқ ҳокимиятчилигининг конституциявий асослари	51
Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи ҳокимиятининг конституциявий асослари	64
“Қонун чиқарувчи ҳокимият” тушунчаси ва уни ташкил қилиш тартиби	64
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг конституциявий ваколатлари.....	69
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси фаолиятининг ташкилий- ҳуқуқий масалалари.....	88
Суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг устувор йўналишлари: инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш.....	101
Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг конституциявий кафолатлари. Фуқаролар бурчларининг конституциявий асослари.....	113
“Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари” тушунчаси	113
Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг юридик кафолатлари ..	115
Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ижтимоий кафолатлари	116
«Фуқароларнинг бурчлари» тушунчаси	116
Фуқароларнинг Конституция ва қонунларга рияз этиш бурчи.....	118
Фуқароларнинг тарихий, маънавий ва маданий меросни асраш мажбурияти	118
Фуқароларнинг атроф, табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш мажбурияти.....	119
Фуқароларнинг солиқ тўлаш мажбурияти	120
Фуқароларнинг Ватанни ҳимоя қилиш бурчи	121

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий ва давлат тузилиши	122
«Маъмурий-худудий ва давлат тузилиши» тушунчаси	122
Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши.....	130
Маъмурий-худудий қисмларни ташкил қилиш, ўзгартириш ва тугатиш тартиби	137
Давлат бошқаруви органлари	139
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси	141
Меҳнатта оид ҳуқуқий муносабатлар	156
Меҳнатта оид ҳуқуқий муносабатлар хусусиятлари	158
Ташкилий бошқарувга оид ҳуқуқий муносабатлар	162
Ишга жойлаштиришга доир ҳуқуқий муносабатлар.....	164
Корхонада кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишга доир ҳуқуқий муносабатлар	170
Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат қончилигига риоя этилишини назорат қилишга доир ҳуқуқий муносабатлар	173
Меҳнат низоларини ҳал қилишга оид ҳуқуқий муносабатлар	175
Хўжалик ҳуқуқий муносабатлар	177
«Хўжалик ҳуқуқий муносабатлар» тушунчаси, унинг белгилари ва таркибий қисмлари	177
Хўжалик (тадбиркорлик) фаолиятини амалга ошириш жараёнида юзага келувчи ҳуқуқий муносабатларнинг турлари, таснифи ва уларнинг вужудга келиш асослари	186
Тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари	192
Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва манфаатларининг кафолатлари.....	209
“Халқаро ҳуқуқ” тушунчаси	221
“Халқаро иқтисодий ҳуқуқ” тушунчаси	225
Халқаро ҳуқуқнинг бирламчи субъектлари	232
Тан олиш шакллари	237
Халқаро ҳуқуқнинг иккиламчи субъектлари	241
Хулоса	245
Адабиётлар рўйхати	246

Ўзбекистонда давлат қурилиши соҳасидаги ислохотлар ва ҳуқуқий сиёсат

«Akademiya»
Тошкент 2011

Муҳаррир М.Абдуллаева
Дизайнер Л.Тўйчиев
Техник муҳаррирлар Д.Дўстмухамедов, А.Абдасов
Нашр учун масъуллар Б.Умаров, Д.Қобулова

Теришга берилди 23.12.10. Босишга рухсат этилди 03.12.10.
Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. Офсет босма. Шартли босма табоғи 13,1.
Нашриёт ҳисоб табоғи 15,6. Адади 416. Баҳоси шартнома асосида.

МЧЖ «YOSH KUCH MATBUOTI»
Манзил: Тошкент шаҳар. Чилонзор Д 20а. 9уй.